



ЮРИДИК КЛИНИКА ♦ LAW CLINIC ♦ ЮРИДИЧЕСКАЯ КЛИНИКА

ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ ТАҲЛИЛИ

UZBEK LAW REVIEW

**ОБЗОР ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА
УЗБЕКИСТАНА**

ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИЙ ЖУРНАЛ	SCIENTIFIC ANALYTICAL JOURNAL	НАУЧНЫЙ АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
--------------------------------------	--	---

**2012
№2**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

БОШ МУҲАРРИР:

Гулямов Сайдилла Саидахарович – юридик фанлари доктори, профессор.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

Мухамеджанов Аманулла Закирович – ю.ф.д., ТДЮИ Ректори (**Раис**)

Рустамбоев Мирзаюсуф Ҳакимович – ю.ф.д., профессор.

Рустамбоев Мирзаюсуф Ҳакимович – ю.ф.д., проф., ТДЮИ Ректори (**Раис**)

Раҳмонқулов Хожи-Ақбар Раҳмонқулович – ю.ф.д., акад., ТДЮИ "Халқаро хусусий ҳуқуқ" кафедраси профессори

Исмоилов Нурдинжон Мўйдинханович – ю.ф.н., Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Суд-ҳуқуқ ислохотлари бўйича кўмитаси раиси

Жамолов Бахтиёр Уроқович – Ўзбекистон Республикаси Навоий вилояти Прокурори

Икромов Музроб Муборақхўжаевич – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Қонунчилик бошқармаси бошлиғи

Оқюлов Омонбой – ю.ф.д., ТДЮИ "Ҳўжалик ҳуқуқи ва жараёни" кафедраси профессори

Рустамбеков Ислонбек Рустамбекович – ю.ф.н., ТДЮИ «Ёш олимлар кенгаши» раиси.

Турсунова Гулнора Нигматуллаевна – ф.ф.н., ТДЮИ халқаро алоқалар бўлими бошлиғи

Мр.Клаус Шмитц – қонунчилик бўйича Европа ётакчи эксперти

<p>Маълумот олиш учун куйидагиларга мурожаат этиш сўралади:</p> <p>Гулямов Сайдилла Саидахарович, Рустамбеков Ислонбек Рустамбекович ТДЮИ, Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедраси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел: 233-43-59</p>
<p>"Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили"нинг электрон нусхаси Интернетдаги www.tsil.uz сайтыда жойлаштирилган.</p>
<p>Журнал 2004 йилдан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Олий Аттестация комиссияси журналлари рўйхатига киритилган.</p>

Мазкур журнал Европа Иттифоқи кўмагида тайёрланди. Мазкур журналга Юридик клиника ва ГТЗ масъул ҳисобланади. Ушбу ҳужжатда баён этилган натижалар, ҳулосалар, талқинлар уларнинг муаллифларига тегишли бўлиб, Ўзбекистон ёки Европа Иттифоқи ҳуқуматлари сиёсати ёки фикрини акс эттирмайди.

2012 йилда нашр этилди.

Муаллифлик ҳуқуқлари Юридик клиникага, Тошкент Давлат юридик институтига тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва кўпайтириш Юридик клиника руҳсати билан амалга оширилади. Ушбу масалалар бўйича Юридик клиникага мурожаат этилади. Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел.: 232-27-08, 233-43-59.

ISSN 2010-9067

Масъул котиб: **И.Р. Рустамбеков**
 Нашриёт муҳаррири: **Б.И. Кнопов**
 Техник муҳаррир: **Ж.Ж. Ходжимухамедов**
 Лицензия № 02-84
 Босишга рухсат этилди – 02.07.2012
 Нашриёт ҳисоб табоғи – 10,25
 Босмаҳонада босилди
 Адади – 100 нусха.

**ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
ЖУРНАЛ**

2/2012

МУНДАРИЖА

ҲУҚУҚРОЛИК ҲУҚУҚИ

О. Ҳазратқулов	
Миллий лизинг қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари	5
Д. Хабибуллаев	
Ҳуқуқролик процессида суд харажатлари тушунчаси ва турлари тўғрисида айрим фикр-мулоҳазалар	7
М. Ашурова	
Оила ҳуқуқи субъектлари: ҳуқуқий-фалсафий таҳлил	12
М. Рустамбекова	
Муслмон ҳуқуқидан гаров институти ривожининг айрим масалалари	15
А. Ганибаев	
Ҳуқуқроларнинг судга мурожаат қилиш кафолатлари	16
Ж. Низомов	
Мажбуриятни бажариш принциплари	18
Ж. Самарходжаев	
Юридик шахснинг миллатини унинг бошқарув органлари жойлашган манзил бўйича аниқлаш	21
Ш. Хабибов	
Масъулияти чекланган жамиятнинг ҳуқуқий мақоми	24
Ш. Машарипов	
Табий ресурслардан фойдаланиш ва муҳофаза қилишда экологик талабларга доир халқаро тажриба	28
Ш. Туляганова	
Хорижий мамлакатларда мерос муносабатларини ҳуқуқий тартибга солинишининг ўзига хос хусусиятлари	32

ЖИНОЯТ ҲУҚУҚИ ВА ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИ

М. Ўрозалиев	
Алкоголизм, фоҳишабозлик ва наркомания ижтимоий салбий иллатлари	34
Д. Каракетова	
Безорилик жиноятининг субъектив томони белгилари	35
Ш. Ходжаев	
Озодликдан маҳрум қилинган жабрланувчи ва гувоҳлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чоралар тавсифи	40
Д. Раҳимова	
Озодликдан маҳрум қилинган жабрланувчи ва гувоҳлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чоралар тавсифи	47
Б. Исломов	
Жазони енгиллаштирувчи ҳолатларга доир қонун ҳужжатларининг ривожланиш тарихи	49

ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАР

С. Гулямов	
Товарлар олди-сотдисига оид Вена конвенцияси ва унинг халқаро ҳуқуқий аҳамияти	55
Б. Самарходжаев	
Инвестиция ҳуқуқи комплекс ҳуқуқ тармоғи сифатида. Инвестиция ҳуқуқи тизими	58
В. Эргашев	
Халқаро хусусий ҳуқуқда ашёвий статут	62
Ш. Убайдуллаева	
Савдо-иқтисодий ҳамкорликда Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш шартлари	66
К. Дастамов	
Коллизия боғловчилар чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллаш асоси сифатида	70
Х. Салихов	
Хаво орқали ташишларни миллий ва халқаро-ҳуқуқий манбалари	72

ДАВЛАТ ВА ҲУҚУҚ

М. Ахмедшаева, Х. Мухамедходжаева	
Жамоатчилик назорати ва унинг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантиришнинг айрим масалалари	74
З. Абдухолиқов	
Юриспруденциянинг ўзига хос система сифатида: субстанционал таҳлил	76
С. Ақобиров	
Давлат-хусусий ҳамкорликнинг назарий жиҳатлари ва МДХ давлатларида амалий амалга оширишнинг замонавий муаммолари	80
К. Айтбаев	
Қатъий имтиҳон – замон талаби	82

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ҲУҚУҚИ

И. Рустамбеков	
Домен номларига оид низоларни ҳал қилишнинг чет эл тажрибаси ҳақида	84
Қ. Мехмонов	
Компьютер дастурлари ҳуқуқий мақоми белгилаш масалалари	91
ю.ф.н. И.Р. Рустамбековнинг монографиясига тақриз	95

EDITORIAL BOARD

GENERAL MANAGER:

Dr. Gulyamov Saydilla – Professor, doctor of sciences in Law.

MEMBERS OF EDITORIAL BOARD:

Mr. Muhamedjanov Amanulla – The Rector of TSIL (Chairman)

Rustambayev Mirzayusuf – Professor.

Acad. Rakhmankulov Hodji-Akbar – Professor of Department "International Private Law"

Mr. Ismoilov Nurdinjon – The Chairman of Committee of judicial reform in Oliy Majlis of the Republic of Uzbekistan

Mr. Jamolov Bahtiyor – The Procurator of the Navoiy region of the Republic of Uzbekistan

Mr. Ikramov Muzrob – The Head of Legislature Administration of Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan

Dr. Okyulov Omonboy – Prof. of Tashkent State Institute of Law

Mrs. Tursunova Gulnara – PhD in Law, chief of international Department of TSIL

Mr. Klaus J. Schmitz – Key Expert SIPCA III for Justice and Home Affairs

For further information please contact:

**Mr. Gulyamov Saydilla,
Mr. Rustambekov Islambek**

35, Sayilgoh Street, TSIL, Department of "International Private Law", Tashkent,
100047, Uzbekistan. Tel.: 233-43-59

Electronic copy of "Uzbek Law Review" journal can be found at www.tsil.uz

The journal was registered in the list of the High Attestation Commission of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan in 2004.

This journal has been produced with the assistance of the European Union. The contents of this publication are the sole responsibility of the Legal Clinic and GTZ. The findings, conclusions and interpretations expressed in the document are those of the authors alone and can in no way be taken to reflect the views of the Republic of Uzbekistan or the European Union.

Published in 2012.

Copyright by Law Clinic, Tashkent State Institute of Law of Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan. All rights reserved. Enquiries concerning reproduction should be addressed to Law Clinic, TSIL, 100047, 35, Sayilgoh Street, Tashkent, Uzbekistan. Tel: 232-27-08; 233-43-59.

ISSN 2010-9067

General Secretary: **I.R. Rustambekov**
Publishing editor: **B.I. Knopov**
Technical editor: **J.J. Hodjimuhamedov**

License No. 02-84
Authorized to issue – 02.07.2012
Bulk – 10,25
Printed in Printhouse
Number of copies – 100

SCIENTIFIC-ANALYTICAL JOURNAL 2/2012

CONTENTS

CIVIL LAW

O. Hazratqulov Problems of Improvement of the National Leasing Legislation.....	5
D. Habibullaev Some Judgments about Concept and Types Court Costs in Civil Process.....	7
M. Ashurova Subjects of Family Law: philosophy - legal analysis	12
M. Rustambekova Some Questions of Development of Institute of Pledge in the Muslim Law	15
A. Ganibaev Guarantees of the Address of Citizens in Court.....	16
J. Nizamov Principles of Performance of Obligations.	18
J. Samarhodjaev Definition of a Nationality of the Legal Entity in the Location of Governing Bodies.....	21
Sh. Haibov Legal Status of Society of Limited Liability.....	24
Sh. Masharipov International Experience of Ecological Requirements of use and Protection of Natural Resources.....	28
Sh. Tulyaganova Features of Legal Regulation of the Hereditary Relations in Foreign Countries	32

CRIMINAL LAW AND CRIMINAL PROCESS

M. Urazaliev Social Negative Consequences of Alcoholism, Prostitution and Drug Addiction.....	34
D. Karaketova Subjective Party of a Crime of Hooliganism.....	35
Sh. Hodjaev Measures of Safety of the Victim Deprived of Freedom and the Witness.	40
D. Rahimova Concept of an Incomplete Crime and its Difference with Stages of Commission of Crime.....	47
B. Islomov History of Development of Acts for Circumstances Commuting Punishment.....	49

INTERNATIONAL LEGAL RELATIONS

S. Gulyamov Vienna Convention On Contracts For The International Sale Of Goods and its International Legal Role.....	55
B. Samarhodjaev The Investment Right as the Complex Branch is Right. System of the Investment Right.....	58
V. Ergashev The Real Statute in the International Private Law	62
Sh. Ubaydullaeva Conditions of Ensuring Economic Safety of the Republic of Uzbekistan in Trade and Economic Cooperation	66
K. Dastamov Conflict Binding as Basis of Application of Foreign Norms.....	70
H. Salihov National and International Sources of Regulation of air Transportation	72

STATE AND LAW

M. Ahmedshaeva, H. Mukhamedhodjaeva Public Control and Some Questions of Development of its Legal Basis	74
Z. Abduholiqov Law as Peculiar System: Substantional Analys.....	76
S. Akobirov Theoretical Aspect of State-private Partnership and Modern Problems of its Practical Realization in CIS Countries.....	80
K. Aytbaev Strict Examination - Time Command.....	82

INFORMATION TECHNOLOGIES LAW

I. Rustambekov About Foreign Experience of Settlement of Disputes on Domain Names.....	84
Q. Mehmonov Questions of Establishment of Legal Status of Computer Programs.....	91
Review of the monograph of I.R. Rustambekov	95

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:

Гулямов Сайдилла Саидахарович – доктор юридических наук, профессор.

ЧЛЕНЫ РЕДКОЛЛЕГИИ:

Мухамеджанов Аманулла Закирович – д.ю.н., Ректор ТГЮИ (Председатель)

Рустамбаев Мирзаюсуф Хакимович – д.ю.н., профессор.

Рахманкулов Ходжи-Акбар Рахманкулович – д.ю.н., акад., профессор кафедры "Международное частное право" ТГЮИ

Исмаилов Нурдинжон Муйдинханович – к.ю.н., Председатель Комитета по судебно-правовой реформе Законодательной палаты Олий Мажлиса

Жамолов Бахтиер Уракович – Прокурор Навайской области Республики Узбекистан

Икрамов Музроб Муборакхужаевич – начальник Управления по законодательству Министерства юстиции Республики Узбекистан

Окулов Омонбой – д.ю.н., профессор кафедры "Хозяйственное право и хозяйственный процесс" ТГЮИ

Рустамбеков Исламбек Рустамбекович – к.ю.н., Председатель «Совета молодых ученых» ТГЮИ.

Турсунова Гулнара Нигматуллаевна – к.ф.н., начальник отдела международных отношений ТГЮИ

Мр.Клаус Шмитц – главный эксперт проекта СИПКА 3 по юриспруденции

Для получения информации просим обращаться:

Гулямов Сайдилла Саидахарович,
Рустамбеков Исламбек Рустамбекович
ТГЮИ, кафедра МЧП,
Республика Узбекистан, Ташкент, 100047,
ул.Сайилгох, 35. Тел.: 233-43-59.

Электронная версия "Обзор законодательства Узбекистана" размещена на Интернет сайте:
www.tsil.uz

Журнал включен в список Высшей Аттестационной Комиссии Кабинета Министров Республики Узбекистан в 2004 г.

Журнал был подготовлен при содействии Европейского Союза. За содержание журнала ответственны ЮК и ГТЗ. Результаты, заключения, толкования, выраженные в этом документе, принадлежат только их авторам и не отражают политики или мнения правительства Республики Узбекистан или Европейского Союза.

Опубликовано в 2012 г.

Авторские права принадлежат Юридической Клинике, Ташкентскому Государственному юридическому институту Министерства юстиции Республики Узбекистан. Все права защищены. Публикация может производиться, распространяться или передаваться в какой-либо форме с разрешения Юридической клиники. По вопросам воспроизведения обращаться в Юридическую клинику. Республика Узбекистан, Ташкент, 100047, ул. Сайилгох, 35. Тел.: 232-27-08; 233-43-59.

ISSN 2010-9067

Ответственный секретарь: **И.Р. Рустамбеков**
Издательский редактор: **Б.И. Кнопов**
Технический редактор: **Ж.Ж. Ходжимухамедов**
Лицензия № 02-84

Подписано к печати – 02.07.2012

Уч.- изд. лист. – 10,25

Отпечатано в типографии

Тираж – 100

**НАУЧНЫЙ-АНАЛИТИЧЕСКИЙ
ЖУРНАЛ**

2/2012

СОДЕРЖАНИЕ

ГРАЖДАНСКОЕ ПРАВО

О. Хазраткулов Проблемы совершенствования национального лизингового законодательства.....	5
Д. Хабибуллаев Некоторые суждения о понятии и видах судебных расходов в гражданском процессе	7
М. Ашурова Субъекты семейного права: философско-правовой анализ.....	12
М. Рустамбекова Некоторые вопросы развития института залога в мусульманском праве	15
А. Ганибаев Гарантии обращения граждан в суд	16
Ж. Низамов Принципы исполнения обязательств.....	18
Ж. Самарходжаев Определение национальности юридического лица по месту нахождения органов управления.....	21
Ш. Хабибов Правовой статус общества ограниченной ответственности	24
Ш. Машарипов Международный опыт экологических требований использования и защиты природных ресурсов.....	28
Ш. Туляганова Особенности правового регулирования наследственных отношений в зарубежных странах	32

УГОЛОВНОЕ ПРАВО И УГОЛОВНЫЙ ПРОЦЕСС

М. Ёрозалиев Социальные негативные последствия алкоголизма, проституции и наркомании	34
Д. Каракетова Субъективная сторона преступления хулиганства	35
Ш. Ходжаев Меры обеспечения безопасности лишенных свободы потерпевшего и свидетеля	40
Д. Рахимова Понятие незаконченного преступления и его разница с этапами совершения преступления.....	47
Б. Исломов История развития законодательных актов об обстоятельствах смягчающих наказание.....	49

МЕЖДУНАРОДНЫЕ ПРАВОВЫЕ ОТНОШЕНИЯ

С. Гулямов Венская конвенция о договорах международной купли-продажи товаров и ее международно-правовая роль.....	55
Б. Самарходжаев Инвестиционное право как комплексная отрасль права. Система инвестиционного права	58
В. Эргашев Вещный статут в международном частном праве.....	62
Ш. Убайдуллаева Условия обеспечения экономической безопасности Республики Узбекистан в торгово-экономическом сотрудничестве	66
К. Дастамов Коллизионные привязки как основа применения иностранных норм	70
Х. Салихов Национальные и международные источники регулирования авиаперевозок....	72

ТЕОРИЯ ГОСУДАРСТВА И ПРАВА

М. Ахмедшаева, Х. Мухамедходжаева Общественный контроль и некоторые вопросы развития его правовой основы.....	74
З. Абдухоликов Юриспруденция как своеобразная система: субстанциональный анализ	76
С. Ақобиров Теоретический аспект государственно-частного партнерства и современные проблемы его практической реализации в странах СНГ	80
К. Айтбаев Строгий экзамен - веление времени.....	82

ПРАВО ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

И. Рустамбеков О зарубежном опыте разрешения споров по доменным именам.....	84
Қ. Мехмонов Вопросы установления правового статуса компьютерных программ	91
Рецензия на монографию к.ю.н. И.Р. Рустамбекова	95

О.Т.Ҳазратқулов
юридик фанлар номзоди
ТДҶОИ доценти

МИЛЛИЙ ЛИЗИНГ ҚОНУНЧИЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ

Ҳозирда мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи хўжалиқларни қўллаб-қувватлашга қаратилган ҳаракатлар лизингга республика иқтисодиётга жорий этиш заруриятини кун тартибига қўйди. Ўз навбатида, тадбиркорлик субъектларини молиявий жиҳатдан инқирозга юз тутиши ёки уларда етарли даражада айланма пул маблағларининг мавжуд эмаслиги лизингга бўлган эҳтиёжни кучайтиради. Лизинг – бугунги кунда асосий ишлаб чиқариш воситаларини зудлик билан янгилаш, корхоналарни замонавий технологиялар билан таъминлаш ёки жорий этиш, шу асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати ҳамда ҳажмини кескин оширишга ёрдам бериб келмоқда.

Лизинг ўтган қисқа муддат ичида республикамиз иқтисодиётига ўзининг ижобий таъсирини ўтказа олди. Ҳозирда мазкур шартномавий муносабат орқали тадбиркорлик субъектларига лизинг шартномаси асосида техника ва технологиялар етказиб берилмоқда. Ҳар бир давлат ўз ҳудудига хорижий инвестицияни жалб қилишда биринчи навбатда, уларга иқтисодий имкониялар яратиб беришга эътибор қаратади, иккинчидан эса амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатлар орқали уларнинг ҳуқуқларини кафолатлайди.

Бу борада Президентимиз И.А. Каримов 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” номи маърузасида “...жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлади. Шу билан бирга, бу тизимнинг янада мустаҳкамланиши хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюмлари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан ҳам боғлиқ. Бу эса, банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатнинг кенгайиши ҳамда миқозларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва энг юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратади” деган концептуал ғояни илгари суради.

Мазкур концептуал ғояга асосланган ҳолда, миллий лизинг қонунчилигини янада такомиллаштириш ва шу орқали мамлакатнинг инвестицион шаффофлигини таъминлаш, лизинг муносабатлари субъектларининг ҳуқуқларини бир хилда ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда рақобатбардош лизинг муносабатларига шароит яратиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси ички бозорида лизинг муносабатларининг кириб келиши 1991 йилдан кейинги даврларга тўғри келади. Бу ўз навбатида корхоналарнинг давлат тасарруфидан чиқариш ва

хусусийлаштириш жараёнига ўтганлиги билан боғлиқ. Лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи илк норма 1996 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 34-боби, 6-параграфида ишлаб чиқилди. 1999 йил 14 апрелда “Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг қабул қилиниши мазкур соҳанинг ҳуқуқий базасини яратилганлигидан далolat беради. Бугунги кунда республикамизда ўндан ортиқ махсус лизинг компаниялар ва лизинг муносабатларини молиялашга кўмаклашувчи банклар ҳам бу соҳада ўз фаолиятларини изчиллик билан амалга оширмоқда.

Қарийб йигирма йил давомида республикада лизинг бозоридаги мавжуд таклифлар ва тадбиркорлик субъектлари томонидан лизинг объектларига бўлган талабларининг ортиб бориши лизинг бозорини тубдан ислоҳ этиш заруратини кун тартибига қўймоқда. Ўз навбатида “Лизинг тўғрисида”ги қонун нормаларини янада такомиллаштириш лизинг бозорини ислоҳ этишнинг ҳуқуқий асоси ҳисобланади. Шунинг учун ривожланган мамлакатларнинг лизинг қонунчилиги ва амалиётини ўрганиш, миллий қонунчилик билан қиёсий таҳлил этиш, бунинг натижасида миллий лизинг қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва ҳулосалар ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Лизинг амалиётида кузатиладиган мавжуд муаммолар ҳамда лизинг мулк билан боғлиқ низоли масалалар мазкур муносабат иштирокчиларида лизинг қонунчилигига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида янгича фикрларни илгари суришларига сабаб бўлмоқда. Айниқса лизинг мулк билан боғлиқ масалаларда лизинг қонунчилигидаги бир неча моддаларни қайта қўриб чиқиш ва махсус нормалар билан тўлдириш масаласи улар томонидан илгари сурилган қарашларнинг асосини ташкил этади. Хусусан, лизинг олувчининг лизинг мулкига нисбатан ҳужасизларча муносабатда бўлиши натижасида ундан лизинг мулкни олиб қўйиш, олиб қўйилган мулкни лизинг хизматларининг иккиламчи бозорига жойлаштириш ва ўтказишнинг ҳуқуқий асослари лизинг қонунчилигида мавжуд эмаслиги таъкидланган. Уларнинг фикрича, лизинг хизматларининг иккиламчи бозорини ҳуқуқий механизмларини ишлаб чиқилиши қайтариб олинган лизинг мулкни қайтадан лизингга бериш, шу орқали қарздорнинг қарзларини узиш ва лизинг операциясида лизинг берувчи сифатида иштирок этадиган банк ёки бошқа кредит ташкилотларини молиявий соғломлаштиришга ёрдам беради.

Бизнинг фикримизча, лизинг қонунчилигига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги мазкур фикр етарли камчиликлардан холи эмас, жумладан:

1. Лизинг муносабатларига нисбатан йиллар давомида ҳуқуқшунослар ҳамда иқтисодчилар томонидан ўз соҳаларидан келиб чиққан ҳолда таърифлар ишлаб чиқилиши оқибатида лизинг моҳиятига доир ҳуқуқий ва иқтисодий таснифга эга бўлган қарашлар вужудга келган. Иқтисодий жиҳатдан лизинг шартномаси бир неча тоифага бўлиб ўрганилади, яъни улар томонидан тоифаларга бўлиш асосини шартнома қиймати ташкил этади. Ҳуқуқий жиҳатдан эса лизинг шартномаси қандай қийматга эга бўлишидан қатъий назар, қонунда назарда тутилган асосий ёки қўшимча шартларга доир умумий ва махсус қоидалар асосий ролни ўйнайди. Фикримизча, юқорида

лизинг хизматларининг иккиламчи бозорининг ҳуқуқий меҳанизмларини ишлаб чиқиш заруратига доир фикрлар бу иқтисодий категория сифатида эътироф этилади. Лизинг хизматларининг иккиламчи бозорининг ҳуқуқий меҳанизмларини ишлаб чиқилиши, банклар ва кредит ташкилотлари томонидан қайтариб олинган мулкларни қайта лизингга бериш тартиби лизинг қонунчилигига киритилиши, аввало мавжуд қонунчиликда такрорий нормаларнинг вужудга келишига олиб келади. Агар таклиф этилаётган ҳуқуқий механизм лизинг қонунчилигида ўз аксини топса, бунда лизинг берувчи сифатида банклар ва кредит ташкилотлари томонидан лизинг қонунчилигини ўзлари хоҳлаганча талқин этишига, лизинг олувчининг ҳуқуқларини бузилишига ва шартнома субъектлари ҳуқуқларининг бир тарафлама ҳимоя этилишига сабаб бўлади.

2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 597-моддаси орқали лизинг олувчининг мажбурияти ва жавобгарлиги тўғрисидаги қоидалар белгиланган бўлиб, унга кўра лизинг олувчи лизинг тўловларини ўз вақтида тўлаши, мол-мулкдан уни етказиб бериш шартларига мувофиқ фойдаланиши, уни соз ҳолатда сақлаши лизинг берувчининг мажбуриятлари сифатида белгиланган. Бундан ташқари, мазкур модданинг 4-қисмига асосан лизинг олувчи ўз мажбуриятларини жиддий равишда бузган тақдирда, агар лизинг шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, лизинг берувчи бўлажак лизинг тўловларининг тезлаштиришни ёки лизинг объектини қайтариб олган ва зарарни ундирган ҳолда шартномани бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Қонун чиқарувчи фуқаролик кодексининг мазкур моддаси орқали лизинг мулки билан боғлиқ масалаларни лизинг олувчининг мажбурияти ва жавобгарлиги доирасида ҳал этган. Лизинг олувчи томонидан лизинг тўловларини келишилган муддатларда тўламаслик, лизинг мулкни соз ҳолда сақлаши ёки сақлаш бўйича бошқа ҳаражатларини амалга оширмаслик лизинг шартномасини бекор бўлишига ва лизинг мулкни олиб қўйилишига асосий омил бўлиб ҳисобланади. Бу ўз навбатида, лизинг берувчи томонидан лизинг мулкни иккиламчи лизинг бозорига тақдим этиш имкониятини беради.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Лизинг тўғрисида”ги қонунда лизинг хизматларининг иккиламчи бозорини ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган нормалар тўғридан-тўғри мавжуд бўлмаса-да, қонун чиқарувчи томонидан мазкур масаланинг ҳуқуқий ечими лизинг берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари (11-модда, 1-қисм, 3-4-банди) ҳамда лизинг олувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини (12-модда 1-қисм, 6-банди ва 2-қисм, 3-банди) тартибга солишга қаратилган нормаларда ўз ифодасини топган. Хусусан, “Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг 11-моддасига асосан лизинг берувчи лизинг олувчидан лизинг объектини қонун ҳужжатларида ёки лизинг шартномасида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга. Агар тарафлар шартномада лизинг мулкни олиб қўйиш тартиби ҳақида қоидалар мавжуд бўлмаса, фуқаролик кодекси ва лизинг қонунчилигида шартномага қўйилган умумий қоидаларга ҳавола этилади.

Ўзбекистон Республикаси “Лизинг тўғрисида”ги қонунининг 12-моддаси 2-қисми 3-бандига кўра, лизинг шартномаси бекор қилинганда лизинг олувчи лизинг объектини лизинг берувчидан қандай ҳолатда олган

бўлса, шундай ҳолатда, нормал эскириш ва тарафларнинг келишувида шартлашилган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда қайтаришлари шарт.

Лизинг шартномасининг бекор бўлиш асосларини кўриб чиқадиган бўлсак, биринчи навбатда шартнома шартларини жиддий тарзда бузишга эътибор қаратилади. Назарий жиҳатдан шартнома шартларини жиддий тарзда бузилишига лизинг объектларига нисбатан ҳўжасизларча муносабатда бўлиш, график асосида белгилаб қўйилган лизинг тўловларини лизинг олувчи томонидан доимий равишда амалга оширилмаслик, шартномада белгиланган муддатларга риоя қилмаслик киради. Жумладан, лизинг шартномасида муддат асбоб-ускуналарнинг фойдали хизмат муддати билан боғлиқ равишда кўрсатилади ҳамда лизинг тўловлари ҳам шартнома муддатига боғлиқ тарзда аниқланади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, амалдаги “Лизинг тўғрисида”ги қонуннинг 11-12-моддалари орқали қонун чиқарувчи лизинг хизматларининг иккиламчи бозорининг ҳуқуқий меҳанизмларини ишлаб чиққан ва амалга тадбиқ этган деб ҳисоблаймиз.

Шу ўринда лизинг муносабатларини тартибга солувчи хорижий мамлакатларнинг лизинг қонунчилиги таҳлилин амалга оширишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Лизинг муносабатларининг ҳуқуқий таъминланганлик даражасига кўра, мамлакатларни уч асосий гуруҳга ажратиш мумкин: яъни, лизинг шартномаларини мувофиқлаштирувчи махсус қонунларга эга бўлган мамлакатлар (Ўзбекистон, Қозоғистон, Россия, Франция, Бельгия, Италия ва бошқа давлатлар); махсус қонуности ҳужжатларига эга мамлакатлар (Англия, Австралия, Янги Зеландия); махсус қонунчиликка эга бўлмаган давлатлар (АҚШ, Германия)га бўлинади.

Биринчи гуруҳ мамлакатларида қабул қилинган қонунлар учун хос бўлган хусусият – уларда нафақат икки асосий ҳамкор (лизинг олувчи ва лизингга берувчи), балки лизинг компанияси ва етказиб берувчи ўртасидаги муносабатлар, яъни лизингга юзага келадиган уч томонлама мулкрий муносабатларнинг бутун мажмуи тартибга солинади. Мазкур қонун ҳужжатларига мувофиқ уч томонлама асосли лизинг шартномасида албатта ускуналар келажакда лизингга бериш мақсадида, олинаётганлиги ва ундан фақат кўзланган мақсадларда фойдаланиш мумкинлиги кўрсатилиши шарт.

Шартномада сотиб олиш ҳуқуқи тўғрисидаги шартлар ва шартнома муддати тугаганидан сўнг, у сотиб олиниши кўзда тутилган нархлар келишилади. Шу билан бирга лизинг мулкни нобуд бўлиши ёки йўқолиши тўғрисидаги хатарлар махсус қонунлар ёрдамида мувофиқлаштирилмасдан, балки фуқаролик ва савдо ҳуқуқининг умумий меъёрлари билан ҳал этилади.

Иккинчи гуруҳ мамлакатларида лизинг вақтинча фойдаланишга берилаётган мол-мулк қийматидан ҳамда лизинг шартномаси субъектларига боғлиқ равишда тартибга солинади. Хусусан, Англиянинг “Ижара ва олди-сотди тўғрисида”ги қонунига асосан, лизинг олувчи фақат юридик шахс ҳисобланган ва лизинг мулкнинг қиймати 2000 фунт стерлингдан ортиқ бўлмаган шартлар белгиланган. Мазкур шартларга мос тушмаган барча бошқа ҳолатлар “умумий ҳуқуқ” меъёрлари ёрдамида тартибга солинади.

Учинчи гуруҳ мамлакатларида лизинг муносабатларини ҳуқуқий тартибга солувчи махсус қонунларни йўқлиги лизинг тараққиёти ва ривожланишига халал беради. Масалан, АҚШ ва Германияда махсус қонунчилик йўқлигини қуйидаги сабаблар билан изоҳлаш мумкин: яъни мазкур мамлакатларда яқин вақтгача асосан, амортизация ва солиқ имтиёзларидан фойдаланишни мақсад қилиб қўйган ҳолда, лизингга мурожаат қилишган. Шунинг учун ҳам лизинг солиққа тортиш масалаларига бағишланган қонун ҳужжатларида белгиланган. Ушбу мамлакатларда лизинг битимларига нисбатан, шунингдек фуқаролик ва савдо ҳуқуқининг умумий қоидалари ҳам кенг равишда қўлланилмоқда.

Миллий лизинг қонунчилигига нисбатан халқаро Оттава конвенцияси қоидаларини имплементация этилиши таҳлил этилганда, лизинг объектини ҳисобга олиш ва рўйхатдан ўтказиш, лизинг фаолияти, лизинг шартномаси, лизинг шартномасини ўзгартириш ва бекор қилиш, лизинг берувчи ва лизинг олувчининг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятлари, мазкур муносабатларда сотувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, олди-сотди шартномаси ва сотувчининг мазкур шартномавий муносабатлардаги ўрни, лизинг объектига бўлган мулк ҳуқуқи (6-15-моддалар); лизинг мулкни амортизацияси, лизинг объектининг суғуртаси ва лизинг мулки билан боғлиқ хавфлар, лизинг мулкдан гаров сифатида фойдаланиш, лизинг тўловлари, лизинг тўловларини талаб қилиш ва лизинг мулкни олиб қўйиш, лизинг субъектларининг жавобгарлиги ҳамда низоларни ҳал этиш тартиби (16-25-моддалар) тўғрисидаги нормалар халқаро конвенция қоидаларига мос эканлиги кузатилади.

Д.Ю.Хабибуллаев
юридик фанлари номзоди

ФУҚАРОЛИК ПРОЦЕССИДА СУД ХАРАЖАТЛАРИ ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ ТЎҒРИСИДА АЙРИМ ФИКР-МУЛОХАЗАЛАР

Фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга оширишда суд харажатлари тушунчаси, турлари, уларни тўлаш тартиби фуқаролик процессуал ҳуқуқи фани назариясида ҳуқуқшунос олимларнинг диққат марказида турган асосий масалалардан биридир. Шунинг учун фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали самарали ҳимоя қилиш, фуқаролик судларида асоссиз низоларни келиб чиқишини олдини олиш мақсадида суд харажатлари билан боғлиқ фуқаролик процессуал қонунчилиги ва суд амалиётини ўрганиш, қиёсий таҳлиллар асосида хорижий давлатлар қонунчилигини мақбул жиҳатларини аниқлаш ва уларни Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик процессуал қонунчилигига киритиш, суд амалиётида учраётган муаммоларни олдини олиш ёки бартараф этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш ҳозирги куннинг давр талабидир.

Юридик адабиётларида суд харажатларини манфаатдор шахсларлар зиммасига юклаш давлатнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларини қоплаш мақсадини кўзлаши ҳақида фикрлар илгари суриб келинган¹.

Ҳуқуқшунос олим М.М.Мамасиддиқов суд харажатларининг жорий этилишидан кўзланган асосий мақсад давлатнинг одил судловни амалга ошириш билан боғлиқ харажатларини қоплаш эмас, аксинча судларда асоссиз низолар кўзгатилишининг олдини олиш ҳисобланади. Ундан ташқари, суд харажатлари моддий-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларини интизомли бўлишга ундайди ва ўз зиммасидаги мажбуриятларни бажаришдан бош тортиш юзасидан огоҳлантириш каби хусусиятларга эга деб таъкидлайди².

Ҳуқуқшунос олим Ш.Ш.Шорахметов фикрича, ишда манфаатдор бўлган шахслар томонидан суд харажатлари тўлатилишининг аҳамияти давлат учун маблағ олишда эмас, балки тарафларнинг ўзларининг фуқаролик ҳуқуқий бурчларини ихтиёрий равишда бажаришга рағбатлантириш ва асоссиз низоларнинг кўзгатилишига йўл қўймасликдир³.

А.А.Власов фикрича, суд харажатларини жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг қуйидаги учта асосий мақсади мавжуд:

- суд харажатларини ундиришдан мақсад тарафлар ва ишда иштирок этувчи шахсларни ортиқча сарсонгарчиликка йўл қўймаслик мақсадида қўлланиладиган самарали ҳуқуқий таъсир чораси ҳисобланади;

¹ Гражданское процессуальное право: Учебник. / С.А.Алехина, В.В.Блаженев и др.; Под. Ред. М.С.Шакарян. – М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. -161 с.

² Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. –Тошкент.:ТДҶОИ нашриёти. 2010. -224 б.

³ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. –Тошкент.:Адолат.2001. -106 б.

- суд харажатлари қарздорга ўз вазифаларини бажармаганлик учун қўлланадиган қўшимча ҳуқуқий чоралардан бири ҳисобланади;

- суд харажатлари фуқаролик ишлари бўйича одил судловни амалга оширишда давлат томонидан қилинган чиқимлар, шунингдек, иқтисодий йўқотишларни қоплашдан иборат¹.

Дарҳақиқат юқоридаги фикрларга қўшилган ҳолда шуни айтиш мумкинки, суд харажатларини жорий этилиши одил судловни тартибли, интизомли ўтказиш, ишда иштирок этувчи шахсларни суд жараёнида ички тартиб қоидаларига тўлиқ риоя қилинишини таъминлаш, фуқаролик судларига асоссиз мурожаат қилиш ҳолатларини олдини олишдан иборатдир.

Суд харажатларини турлари бўйича деярли юридик адабиётларда бир хил фикр-мулохазалар билдирилган.

Масалан, ҳуқуқшунос олим Ш.Ш.Шорахметов фикрича, судларда фуқаролик ишларини юритиш юзасидан қилинадиган суд харажатларини - давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимлар ташкил этади².

А.А Власов фикрича, амалдаги Фуқаролик процессуал кодексига кўра, суд харажатлари икки тури: давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан иборат³.

Ҳуқуқшунос олим Р. Е. Гукасян фикрича, суд харажатларини давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлар ташкил этади⁴.

Ҳуқуқшунос олим М.М.Мамасиддиқов мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилиги суд харажатларининг қуйидаги икки турини давлат божи, ишни кўриш кўриш билан боғлиқ чиқимлар деб таъкидлайди⁵.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 103-моддасига кўра, суд харажатлари давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан иборатдир. Бу борада бошқа давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, масалан, Беларусь Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 114-моддасига кўра, давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлар суд харажатларини ташкил этади⁶.

Латвия Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 33-моддасига кўра, суд ишларини юритиш билан боғлиқ харажатлар ишни кўриш билан боғлиқ суд харажатлари ва чиқимлар ташкил этади⁷.

Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 88-моддасига кўра, суд харажатлари

давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлардан иборат⁸.

Арманистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 68-моддасига кўра, суд харажатларини давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ харажатлар ташкил этади⁹.

Озобайжон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 107-моддасига кўра, суд харажатларини давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ харажатлар ташкил этади¹⁰.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, суд харажатлари турлари деярли барча давлатларда бир хил. Шунинг учун юридик адабиётларда суд харажатлари турлари бўйича ҳуқуқшунос олимларнинг билдирган фикр ва мулохазалари ҳамда Ҳамдўстлик давлатлари фуқаролик процессуал қонунчилиги, миллий фуқаролик процессуал қонунчилигидан келиб чиқиб, суд харажатлари турларини давлат божи ва ишни кўриш билан боғлиқ чиқимларга ажратиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 326-моддасига кўра, давлат божи деганда, юридик аҳамиятта молик ҳаракатларни амалга оширганлик ва (ёки) бундай ҳаракатлар учун ваколатли муассасалар ва (ёки) мансабдор шахслар томонидан ҳужжатлар берганлик учун олинадиган мажбурий тўлов тушунилади.

Юридик адабиётларда давлат божи бу фуқаролик ишини кўриш ва ҳал қилиш учун давлат фойдасига тўланадиган пул ҳисобланиши тўғрисида фикрлар билдирилган¹¹.

А.А Власов фикрича, фуқаролик суд ишларини юритишда давлат божи аризачи томонидан федерал бюджетга процессуал ҳаракатларни амалга оширишга қадар тўланадиган норматив тарзда аниқ белгиланган пул суммаси ҳисобланади¹².

Ҳуқуқшунос олим Ш.Ш.Шорахметов фикрича, суд харажатларини бир қисмини давлат божи ташкил этади. Бу бошқа судлар томонидан фуқаролик ишини юргизилиши муносабати билан қилинадиган харажатлар учун олинадиган ҳақ бўлиб кўрилади. Давлат божининг миқдори қонун билан белгиланган бўлиб, қоида бўйича даъво қиймати, яъни даъвогарнинг мулкий манфаатининг пул билан ифодаланган суммаси миқдорига боғлиқ бўлади. Суд орқали талаб қилинадиган пул ёки мулк қиймати қанча кўп бўлса, олинадиган давлат божи ҳам шунга яраша ошиқроқ белгиланади¹³.

Юқоридаги ҳуқуқшунос олимларнинг фикрига қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, фуқаролик процессида давлат божи бу- фуқаролик судлари томонидан кўриб ҳал этиладиган фуқаролик ишлари бўйича ёки бундай ишлар, ҳаракатлар учун суд

¹ Власов А.А. Гражданское процессуальное право. Учебник. Москва, 2003. –С.83.

² Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. –Тошкент: Адолат. 2001. -105б.

³ Власов А.А. Гражданское процессуальное право. Учебник. Москва, 2003. –С.83.

⁴ Гражданское процессуальное право: Учебник / С. А. Алехина, В. В. Блажеев и др.; Под ред. М. С. Шакарян. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. -С.151. — 584 с.

⁵ Мамасиддиқов М.М. Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Умумий қисм. Дарслик. –Тошкент.:ТДЮИ нашриёти. 2010. -225 б.

⁶ Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь. <http://www.pravo.kulichki.ru/vip/gpk/index.htm>.

⁷ Гражданский процессуальный кодекс Республики Латвия. <http://go.mail.ru/search?q=ГПК Латвия>.

⁸ Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации <http://www.consultant.ru/popular/gpkrf/>.

⁹ Гражданский процессуальный кодекс Республики Армения. http://www.iguard.ru/images/attach/230/GPK_Armenia.txt.

¹⁰ Гражданский процессуальный кодекс Азербайджанской Республики. <http://qanun.narod.ru/codes.html>.

¹¹ Гражданское процессуальное право: Учебник / С. А. Алехина, В. В. Блажеев и др.; Под ред. М. С. Шакарян. - М.: ТК Велби, Изд-во Проспект, 2004. С.152.

¹² Власов А.А. Гражданское процессуальное право. Учебник. Москва, 2003. –С.83.

¹³ Шорахметов Ш.Ш. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. –Тошкент: Адолат. 2001. -107 б.

томонидан чиқарилган ҳужжатлар берганлик учун тўланадиган мажбурий тўловдир.

Давлат божи судларга тақдим этиладиган даъво аризалари, органлар ва мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатлари (қарорлари) устидан шикоятлар, алоҳида тартибда юритиладиган ишлар бўйича аризалар, судларнинг ҳал қилув қарорлари устидан апелляция, кассация тартибида шикоятлар ва назорат тартибида протест келтириш тўғрисида аризалар, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини бекор қилиш тўғрисида аризалар, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида аризалар берганлик учун, шунингдек судлар томонидан ҳужжатларнинг нусхалари берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорда ундирилади (ФПКнинг 104-моддаси).

Беларусь Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 115-моддасига кўра, давлат божи судга бериладиган даъво аризаларидан, ариза ва шикоятлардан, суд қарорлари устидан берилган кассация ва назорат шикоятларидан, шунингдек судлар томонидан ҳужжатларнинг нусхалари берилганлиги учун ундирилади¹.

Латвия Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 34-моддасига кўра, судга тақдим этилган ҳар бир даъво аризаларидан - дастлабки ёки қарши даъво, низо предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахсларнинг аризалари, алоҳида тартибда кўриладиган ишлар бўйича аризалар, шунингдек, бошқа кўриб чиқиладиган аризалар учун тўланади. Латвия Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 33-моддасига кўра, суд чиқимлари давлат божи ва канцелярия божидан иборат.

Латвия Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 38-моддасига кўра, канцелярия давлат божи қуйидагича тўланади:

1) ишга оид ҳужжатлардан нусхалар, шунингдек суднинг ҳал қилув қарори, ажрим ёки қароридан қайта олганда - 2 лат;

2) маълумот олганлик учун - 0,50 лат;

3) ижро варақасини дубликати олиганлик учун - 5 лат;

4) агар ушбу қарор бошқа чет давлат ташкилотларига юбориладиган бўлса, суд қарорини қонуний кучга кирганлигини тасдиқлаганлик учун - 3 лат;

5) гувоҳни чақирганлик учун - 1 лат ҳар бир шахсга;

Канцелярия давлат божи Адлия вазирлигининг махсус бюджет ҳисобига ўтказилади².

Арманистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 70-моддасига кўра, давлат божи даъво аризалари, низо предметига нисбатан мустақил талаб билан арз қилувчи учинчи шахсларнинг аризалари, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни белгилаш тўғрисидаги аризалар, тақдим этувчига берилган қимматли қоғозлар ёки ордер йўқотилган тақдирда уларга бўлган ҳуқуқни тиклаш тўғрисидаги аризалар, юридик шахслар ва

фуқароларни банкрот деб топиш тўғрисидаги аризалар, ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорларини мажбурий ижро этиш учун ижро варақаси бериш тўғрисида аризалар, суд ажаримлари ва ҳал қилув қарорлари устидан берилган апелляция ва кассация протестлари бўйича тўланади³.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳар бир давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида давлат божи ундириш асослари бир-бирига ўхшаш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ишлари бўйича давлат божини тўлаш билан боғлиқ муносабатлар Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг XVII-бўлими, Фуқаролик процессуал кодексининг ўнинчи боби, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли “Давлат божи ставкалари тўғрисида”ги ва 1993 йил 19 августдаги 423-сонли “Хорижий валютадаги давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган бошқа тўловлар ставкалари тўғрисида”ги қарорлари билан тартибга солинади⁴.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли “Давлат божи ставкалари тўғрисида”ги қароридан келиб чиқиб, давлат божини оддий ва пропорционал давлат божига ажратиш мумкин. Оддий (қатъий) давлат божи қатъий суммаларда (тийинларда) қонун ҳужжатларида белгиланган бўлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги “Давлат божи ставкалари тўғрисида”ги 533-сонли қароридан айрим фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилганда қатъий суммада тўланиши лозим бўлган давлат божи белгиланган (масалан, никоҳдан ажратиш тўғрисида судга бериладиган даъво аризалар учун биринчи маротаба энг кам ойлик иш ҳақининг 50% миқдоридан, такроран никоҳдан ажратиш тўғрисида энг кам ойлик иш ҳақининг 120% миқдоридан давлат божи тўланади). Пропорционал давлат божи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги “Давлат божи ставкалари тўғрисида”ги 533-сонли қарорига кўра қуйидагича тўланади:

даъво аризаларидан – даъво баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваригача бўлганда – даъво баҳосининг 5 фоизи миқдоридан;

даъво баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг 20 дан 40 бараваригача бўлганда – даъво баҳосининг 10 фоизи миқдоридан;

даъво баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг 40 дан 80 бараваригача бўлганда – даъво баҳосининг 15 фоизи миқдоридан;

даъво баҳоси энг кам ойлик иш ҳақининг 80 бараваридан кўп бўлганда – даъво баҳосининг 20 фоизи миқдоридан⁵.

³Гражданский процессуальный кодекс Республики Армения. http://www.jguard.ru/images/attaches/230/GPK_Armenia.txt.

⁴Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси // “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2007 йил, 52-сон, (I); Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси. Расмий нашр. –Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. 2011. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат божи ставкалари ҳақида” ги Қарори. // Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами”, 1994 й., 11-сон, 49-модда.

⁵Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат божи ставкалари ҳақида” ги Қарори. // Ўзбекистон

¹ Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь. <http://www.pravo.kulichki.ru/vip/gpk/index.htm>.

² Гражданский процессуальный кодекс Республики Латвия. <http://go.mail.ru/search?q=ГПК Латвия>.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида” ги 14-сонли Қарорининг 5-бандида белгиланишича, давлат божи нақд пул ёки нақд пулсиз шаклда тўланади. Давлат божи нақд пулсиз шаклда тўланганлиги факти банкнинг тўлов қабул қилинганлиги тўғрисидаги белгиси бўлган тўлов топшириқномаси билан тасдиқланиши шарт.

Давлат божи нақд пул шаклида тўланганлиги факти банк томонидан тўловчига бериладиган белгиланган шаклдаги квитанция билан ёки Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ кўмитаси белгиланган шаклда давлат божини қабул қилган ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан тўловчига бериладиган квитанция билан тасдиқланиши керак. Судга мулкый низо бўйича даъво баҳоси чет эл валютасида кўрсатилган даъво аризаси берилганда, давлат божи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган ставкалар ва тартибда чет эл валютасида ундирилади.

Агар муайян судда кўрилиши керак бўлган бир неча аризалар бўйича давлат божи бир тўлов топшириқномаси билан тўланган бўлса, тўлов топшириқномаси ишлардан бирига илова қилинади. Қолган ишларга судья томонидан тўлов топшириқномаси санаси ва рақами кўрсатилган ҳамда тўлов топшириқномаси қўшиб қўйилган ишга ҳавола қилинган ҳолда давлат божи тўланганлиги тўғрисида, белги қўйилади (маълумотнома тузилади)¹.

Шунингдек, мазкур Олий суд Пленуми қарорида бир вақтнинг ўзига мулкый ва номулкий характерга эга бўлган мустақил талаблардан иборат бўлган аризалардан давлат божи ҳар бир талаб бўйича алоҳида, мулкый ва номулкий характердаги аризалар учун белгиланган тегишли ставкалар бўйича ундирилади. Масалан, никоҳдан ажратиш ва мол-мулкни бўлиш ҳақидаги талаб битта даъво аризасида қўйилганда ёки битта ишга бирлаштирилганда, давлат божи ҳар бир талаб бўйича алоҳида ундирилади, деб кўрсатилган².

Бироқ, фуқаролик ишлари бўйича судларда айрим ҳолатларда давлат божи ундиришда хатоликларга йўл қўйилмоқда. Масалан, Ахмеджанова судда Джафаров ва Бозороваларга нисбатан даъво билан мурожаат этиб, улар Сатторов кўчаси, 81-уйни алдов йўли билан сотганликлари натижасида етказилган 1.060.479 сўмлик моддий ва 3.000.000 сўмлик маънавий зарарни ундириб беришни сўраган.

Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво қисмон қаноатлантирилиб, Джафаров ва Бозоровалардан Ахмеджанова фойдасига солидар тартибда 1.060.479 сўм моддий, 500.000 сўм маънавий зарар ва давлат

фойдасига 312.095 сўм 80 тийин давлат божи ундирилган.

Апелляция инстанцияси судининг ажрими билан ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими билан суд қарорларининг давлат божига оид қисми ўзгартирилиб, Джафаров ва Бозоровалардан давлат фойдасига ундирилган давлат божи миқдори 213.799 сўмга камайтирилди.

Иш ҳолатларидан кўриниб турибдики, суд давлат божи ундирилиши лозим бўлган суммани аниқлашда хатоликка йўл қўйган, яъни моддий ва маънавий зарар учун ундирилган суммаларни қўшиб (1.060.479 сўм + 500.000 сўм), сунгра умумий суммадан келиб чиққан ҳолда бож ставкасини белгиланган.

Олий суд Пленуми қарори талабига кўра мазкур иш бўйича давлат божи аввал мулкый даъво учун белгиланган бож ставкаси (1.060.479 сўмнинг 20 фоизи)ни, сунгра эса, номулкий даъво учун белгиланган бож ставкаси (энг кам иш ҳақининг 50 фоизи)ни аниқлаб, уларни қўшиш орқали белгиланиши лозим эди³.

Юқорида келтирилган мисолда кўриниб турибдики, суд мулкый ва номулкий талабни қўшган ҳолда давлат божи ундириб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги “Давлат божи ставкалари ҳақида”ги 533-сонли қарори ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида” ги 14-сонли қарори талабларини кўпол равишда бузган.

Номулкий характердаги фуқаролик ишлари бўйича давлат божи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги “Давлат божи ставкалари ҳақида”ги 533-сонли қарорининг 1-қисми “д” бандида кўрсатилишича, энг кам иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида давлат божи ундирилади. Аммо, айрим ҳолатларда суд амалиётида маънавий зарарни ундириш тўғрисидаги ишлар бўйича давлат божи ундиришда хатоликларга йўл қўйилмоқда. Масалан, Норбоев судга Мансуровга нисбатан даъво билан мурожаат қилиб, 500.000 сўм маънавий зарар ундиришни сўраган.

Суд даъвони қисман қаноатлантириб, Мансуровдан Норбоев фойдасига маънавий зарар учун 250.000 сўм ва давлат фойдасига 95.384 сўм миқдорида давлат божи ундирган.

Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят суди ишни апелляция тартибда кўриб, ҳал қилув қарорини ўзгаришсиз қолдирган.

Вилоят суди раёсати қарори билан суд қарорларининг давлат божига оид қисми энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдорида белгиланган ўзгартирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрелдаги “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарорининг 16-бандига кўра, суд маънавий ва жисмоний азобларни қоплаш ҳақидаги даъво аризаларни қабул қилиш ва ишларни кўришда, маънавий зарар пул билан қоплансада, номулкий зарар эканлигини ҳисобга олиши лозим. Мазкур тушунтиришни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон

³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Суд амалиёти. №2, 2002. –Б. 6-7.

Республикаси Ҳукумати қарорлари тўплами”, 1994 й., 11-сон, 49-модда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида” ги 14-сонли Қарори. // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахбротномаси. 2009. 6-сон.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2009 йил 24 ноябрдаги “Фуқаролик ишлари бўйича суд харажатларини ундириш амалиёти тўғрисида” ги 14-сонли Қарори. // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахбротномаси. 2009. 6-сон.

Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги “Давлат божи ставкалари ҳақида”ги 533-сонли қарори 1-қисмининг “д” бандига биноан, мулкка оид бўлмаган турдаги даъво аризалари учун белгиланган миқдорда давлат божи ундирилиши лозим.

Раёсат қарориди кўрсатилганидек, суд давлат божи миқдорини белгилашда маънавий зарарнинг умумий миқдори (250.000 сўм)дан келиб чиқиб, хатоликка йўл қўйган¹.

Фикримизча, бу борада хато камчиликларга йўл қўйган судьяларга нисбатан процессуал чоралар кучайтирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Процессуал чораларни кучайтирилиши, ўз навбатида судьяларга суд харажатларини ҳал этиш билан боғлиқ масалага масъулият билан ёндашишга, фуқаролик суд ишларини юритишда суд харажатларини тўғри ундирилишига эришишга, бу борадаги фуқаролик процессуал қонунчилиги ва бошқа қонун ҳужжатларини бузилишини олдини олишга олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 214-моддасига кўра, ҳал қилув қарорининг ҳулоса қисмида суд харажатларини тақсимланмаслиги, қўшимча ҳал қилув қарори чиқарилишига олиб келса, давлат божини тўланмаслиги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 154-моддасига кўра, аризани ҳаракатсиз қолдириш тўғрисида ажрим чиқарилишига олиб келади. Бироқ, буйруқ тартибиди иш юритишда ушбу масала бошқачароқ ҳал этилади. Агар ариза Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238³-моддаси талабларига жавоб бермаса ёки давлат божи тўланмаган бўлса, судья суд буйруғини чиқариш ҳақидаги аризани қабул қилиб, ўз ажрими билан ундирувчи камчиликларни бартараф этиш ёхуд давлат божини тўлаш учун кўпи билан уч кун муҳлат бериши мумкин. Ундирувчи белгиланган муддатда камчиликларни бартараф этса, давлат божини тўласа, ариза судга дастлаб тақдим этилган кундан қабул қилинган ҳисобланади. Акс ҳолда, судья қонун талабига мувофиқ аризани қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқаради².

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 109-моддасига кўра, ишни кўриш билан боғлиқ бўлган чиқимларга қуйидагилар қиради:

1) гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар;

2) жойга бориб кўздан кечириш билан боғлиқ бўлган харажатлар;

3) ФПКнинг 140-моддасида назарда тутилган ҳолларда, жавобгарни қидириш учун қилинган харажатлар;

4) суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш билан боғлиқ харажатлар.

Бу бўйича бошқа давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигини ўрганадиган бўлсак, уларда ишни кўриш билан боғлиқ чиқимларнинг турлари турлича таснифланади. Жумладан, Беларусь Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 116-

моддасига кўра, ишни кўриш билан боғлиқ чиқимларга қуйидагилар қиради:

1) гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар;

2) жойга бориб кўздан кечириш билан боғлиқ бўлган харажатлар;

3) ушбу Кодекс ва бошқа қонунда назарда тутилган ҳолларда, жавобгарни қидириш учун қилинган харажатлар;

4) суднинг ҳал қилув қарорини ижро этиш ва почта харажатлари билан боғлиқ харажатлар;

5) тарафлар ва учинчи шахсларни йўл қира ва яшаш учун кетган харажатлари;

6) вакил ёрдами учун кетган харажатлар;

7) тарафларни иш вақтини йўқотганлиги учун компенсация;

8) суд томонидан қилинган бошқа харажатлар³.

Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 94-моддасига кўра, ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлар қуйидагилар:

1) гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар;

2) агар Россия Федерацияси халқаро ҳужжатларда бошқача ҳолат кўрсатилмаган бўлса, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга таржимонни хизмат кўрсатганлик учун харажатлар;

3) тарафлар ва учинчи шахсларни суд билан боғлиқ йўл қира ва яшаш учун кетган харажатлари;

4) вакил ёрдами учун кетган харажатлар;

5) жойга бориб кўздан кечириш билан боғлиқ бўлган харажатлар;

6) ушбу Кодекснинг 99-моддасида назарда тутилган ҳолларда, вақтни йўқотганлик учун компенсация;

7) ишни кўриш билан боғлиқ тарафларга қилинган почта харажатлари;

8) суд томонидан тан олинган бошқа харажатлар⁴.

Арманистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 68-моддасига кўра, ишни кўриш билан боғлиқ чиқимлар: экспертга тўланадиган суммалар, гувоҳни чақириш, далилни жойда кўздан кечириш ва бошқа ишни юритиш билан боғлиқ харажатлар ташкил этади⁵.

Озорбайжон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 115-моддасига кўра, ишни кўриш билан боғлиқ харажатларга қуйидагилар қиради:

115.1.1. гувоҳлар, экспертлар, мутахассислар, таржимонларга тўланиши лозим бўлган суммалар;

115.1.2. жойга бориб кўздан кечириш билан боғлиқ бўлган харажатлар;

115.1.3. тарафларни судга чақириш билан боғлиқ харажатлар;

115.1.4. тарафлар ва учинчи шахсларни суд билан боғлиқ йўл қира ва яшаш учун кетган харажатлари;

115.1.5. вакил ёрдами учун тўланадиган харажатлар;

115.1.6. адвокат ёрдами учун тўланадиган харажатлар;

¹ Ахборот қидирув тизими НОРМА.2012. 44ф-9-сонли қарор.

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Буйруқ тартибиди иш юритишни тартибга солувчи қонун нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” ги 4-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси, 2006.1-сон.

³ Гражданский процессуальный кодекс Республики Беларусь. <http://www.pravo.kulichki.ru/vip/gpk/index.htm>.

⁴ Гражданский процессуальный кодекс Российской Федерации <http://www.consultant.ru/popular/gpkrf/>

⁵ Гражданский процессуальный кодекс Республики Армения. http://www.jguard.ru/images/attaches/230/GPK_Armenia.txt.

115.1.7. жавобгарни қидириш учун кетган харажатлар;

115.1.8. ҳал қилув қарорини ижро қилиш билан боғлиқ харажатлар;

115.1.9. суд томонидан ҳисобланган бошқа харажатлари¹.

Юқоридаги давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида белгиланган ҳолатлардан келиб чиқиб, ишни кўриш билан боғлиқ чиқимларни турларини кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 109–моддасига, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга таржимонни хизмат кўрсатганлик учун харажатлар, тарафларни судга чақириш билан боғлиқ харажатлар, даъво таъминлаш билан боғлиқ харажатлар, даъво аризалари нусхалари, суд чақирув қоғозлари олиш ва етказиш билан боғлиқ харажатлар, почта харажатлари, тарафларни иш вақтини йўқотганлиги учун компенсация каби ишни кўриш билан боғлиқ харажатлар киритилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса қилиб айтганда фуқаролик процессида суд харажатларини тўғри ундирилиши ишда иштирок этувчи шахсларнинг мулкӣ ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилинишига, суд қарорларини юқори судлар томонидан бекор қилиниши ва иш бўйича қўшимча ҳал қилув қарори чиқарилишини олдини олишга хизмат қилади.

М.М.Ашурова
тадқиқотчи

ОИЛА ҲУҚУҚИ СУБЪЕКТЛАРИ : ҲУҚУҚИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАҲЛИЛ

Оила жамиятнинг тўртта асосий қисмларидан бири – социал борлиқ тизимида жойлашган. "Оила, – дейди С.А.Муратова, – бу кишиларнинг қон қардошлик ёки бошқа уларга тенглаштирилган алоқалари, шунингдек, ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари асосида бирлашган кишиларнинг кичик социал гуруҳидир"². Инсон оиласи ҳам ўзига хос муносабатлар мажмуидан иборатдир. Бу ижтимоий муносабатларни юридик тартибга солиш эса оила кодекси каби қонун ва қонуности ҳужжатларининг функционал вазифаларидир. Агар оила маданий ҳодиса сифатида социал борлиқнинг биринчи субстанционал таркибий қисми – инсон ва унинг бирликлари тизимида жойлашган бўлса, оила ҳуқуқи ҳам объектив ижтимоий муносабат сифатида худди шу тизимда жойлашгандир. Аммо оила ҳуқуқини акс эттирган юридик нормалар, хусусан Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси эса сиёсий ва ҳуқуқий борлиқнинг ядроси – жамият ҳуқуқий маданияти тизимидан ўрин олган. Оила кишиларнинг микробирлиги сифатида оила ҳуқуқига оид юридик қонунлар ва оила ҳуқуқи фанининг ҳам акс эттириш объекти ҳисобланади.

Оила якка ва жам оилалардан иборатдир. Якка оиланинг биринчи шакли эр ва хотиндан иборат оиладир. Якка оиланинг иккинчи шакли ота-она ва фарзандлардан ташкил топган оиладир. Оиланинг жам шакли эса ота-она ва уларнинг оилалик фарзандларини, бува, буви, неvara ва чевараларни ўз ичига олади. Ва оддий ва жам оилаларда эр-хотин, қайнота ва қайнона, ёхуд бошқа қариндошларни ўз ичига олувчи оилалар ҳам учрайди³, аммо оила ҳуқуқи объектив ижтимоий муносабатларни ифодаловчи муайян ҳуқуқий нормалар мажмуасидан иборат яхлит ҳуқуқий институт ва бир бутун синергетик маданий ҳодиса сифатидаги оила институтига нисбатан иккиламчи (акс эттирилувчи) мустақил ҳодиса сифатида ўз субстанционал бирлиги ва қонуниятларига ҳам эгадир. Бу масала ҳуқуқий-фалсафий муаммодир. Оила ҳуқуқининг система ташкил этувчи субстанционал компонентлари туркуми қуйидагилардан иборат: оила ҳуқуқининг субъектлари, оила ҳуқуқига бўлган эҳтиёжлар, оила ҳуқуқи онги, жумладан, оила ҳуқуқи фани, оила ҳуқуқи ижодкорлиги, оила ҳуқуқи ижодкорлиги натижалари ва оила ҳуқуқига оид натижаларнинг амалга оширилиши. Бу субстанционал компонентлардан биринчи, иккинчи, учинчи ва тўртинчилари оила ҳуқуқининг система сифатида юзага келишининг биринчи қисми ва босқичи ҳисобланади. Бешинчи субстанционал компонент эса иккинчи қисм ва босқич ва олтинчи субстанционал компонент учинчи қисм ва босқич ҳисобланадилар.

¹ Гражданский процессуальный кодекс Азербайджанской Республики. <http://qanun.narod.ru/codes.html>.

² Муратова С.А. Семейное право. Учебник. 4-е издание. –М.: Закон и право, 2009. –С. 36.

³ Қаранг: Тоштемиров У. Социалистик оила. –Т.: Ўзбекистон, 1977. –Б.22–23.

Энди оила ҳуқуқининг бош субстанционал компоненти – оила ҳуқуқининг субъектларини таҳлил қилишга ўтаммиз.

Оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари билан оила ҳуқуқи фанининг субъектларини фарқламоқ керак. Оила ҳуқуқи фани ҳуқуқни илмий билиш шаклларидан бири. Оилавий ҳуқуқий муносабатларни билиш субъекти тадқиқотчининг ўзидир. Билишда акс эттириладиган томон, муносабат, хусусиятлар ва оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари ҳам тадқиқотчи учун билиш объектлари ҳисобланадилар. Оилавий ҳуқуқий муносабатлар эса объектив жараёнлардир. Жумладан, ўғил боладан келгусида оталик ҳуқуқи ва мажбуриятлари келиб чиқади. Бу объектив, яъни табиий-ижтимоий томонларни биронта қонун ва қонуности ҳужжатлари орқали киритиб бўлмайди. Ушбу соҳага ҳам оид қонун ва қонуности ҳужжатлари уларнинг ифодаси сифатида уларни тартибга солиш учун жамиятнинг субъектив ҳосиласи сифатида юзага келтирилган. Агар оилавий ҳуқуқий муносабатларни мазмун деб олсак, оила кодекслари уларнинг шаклидир. Шунинг учун ҳам оилавий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектларини оила кодекси субъектларидан фарқламоқ керак. Оила кодексининг макросубъектлари барча кишилар, жумладан, мамлакат аҳолисидир. Чунки оилавий-ҳуқуқий муносабатларга бўлган эҳтиёж барчада мавжуддир. Оила кодексининг микросубъектлари эса алоҳида ҳолатдаги фуқаролардир. Худди шу алоҳида фуқаролар оилавий-ҳуқуқий муносабатларнинг ҳам субъектларидир. Шу жойда оилавий-ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари билан оила кодексининг микросубъектларининг бирлиги ва фарқини кўрамиз. Ушбу туркумлашлар фанда кўрсатилмаган. Улар оила ҳуқуқининг субъектлари, яъни яратувчилари ва моддий ташувчилардир. Уларсиз оила ҳуқуқининг навбатдаги субстанционал компонентлари таркиб топмайди. Шунинг учун ҳам бу субъектлар оила ҳуқуқининг система ташкил этувчи бош субстанционал компонентларидир.

Оила ҳуқуқининг субъектларини таҳлил қилганда, биринчи навбатда, оила ҳуқуқининг ўқ илдизини ташкил этувчи қисм-никоҳ субъектларини, сўнгра, иккинчи навбатда, оила ҳуқуқи юзага келиши ва амал қилишининг нисбатан биринчи тартибдаги субъектларини ва учинчи навбатда иккинчи тартибдаги субъектларини фарқламоқ керак. Оила ҳуқуқининг субъектларига нисбатан “биринчи тартибдаги” ва “иккинчи тартибдаги” сўзларни биз қўладик. Чунки оила ҳуқуқи субъектларини аниқлаш бўйича яқдил бир фикрга келинмаган.

Оила ҳуқуқи субъектлари масаласи илмий адабиётларда баҳсли масалалардан эканлигининг боиси шундаки, баъзи тадқиқотчилар оила ҳуқуқини фуқаролик ҳуқуқининг таркибий соҳаси деб ҳисоблаб, унинг ҳуқуқи субъектларини фуқаролик ҳуқуқи субъектларига қийслайдилар¹. М.А.Хватаева

¹ Қаранг: Антоколоская М.В. Семейное право. –М., 1996. – С.85–87; Муротова С.А. Семейное право: учебное пособие. – М., 2001. –С.35; Пчелинцева Л.М. Семейное право России: учебник. 6-е изд. перераб. –М.: Норма, 2009. –С.10; Шарова М.Э. Семейная правосубъективность лиц, осужденных к лишению свободы: понятие, элементы, содержание // Семейное и жилищное право. –№2 2001. –С.8–11.

кўрсатганидек, улар фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг ҳуқуқи лаёқат ва муомала лаёқатлилигини оила ҳуқуқи учун ҳам асос қилиб олмақдалар². Бошқа тадқиқотчилар эса оила ҳуқуқи субъектларини мустақил ҳуқуқий соҳа субъектлари сифатида талқин қиладилар³. Жумладан, С.А.Муротова оила субъектларининг шахсий ва мулкый ҳуқуқ ва мажбуриятларини оила аъзолари, яъни оила субъектларига боғлиқ ҳолда изоҳлайди. У “оила аъзолари” ва “оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари”ни бир хил маънода ишлатган⁴.

Масаланинг яна бир муаммоли томонига эътиборни қаратайлик. Муаммо шундаки, баъзи адабиётларда оила ҳуқуқи субъектлари оилавий ҳуқуқий муносабатларининг субъектлари билан аралаштириб юборилган. Шунингдек, оилавий ҳуқуқий муносабатларининг субъектлари маъмурий ҳуқуқий муносабатларининг субъектлари билан ҳам аралаштириб юборилганлигини кўрамиз. Жумладан, П.В.Алексия ва И.В.Петровлар муҳаррирлигида 2008 йилда чоп этилган «Оила ҳуқуқи» номли дарслиқда шундай дейилган: «Оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари икки гуруҳга бўлинган:

“...оилавий ҳуқуқий муносабатларининг биринчи гуруҳ субъектлари – жисмоний шахслар.

Иккинчи гуруҳни давлат ҳокимияти органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, бошқа муассасалар, шунингдек уларнинг мансабдор шахслари ташкил этадилар”⁵.

Россия Федерациясида чоп этилган ушбу китобдаги юқорида баён этилган фикрларнинг чекланганлигини М.Ф.Отахўжаев ва Ш.Т.Юлдашевлар ўзларининг “Оила ҳуқуқи” номли дарслигида асослаб беришган. Мазкур дарслиқда кўрсатилишича, оилавий – ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари фақат фуқаролар бўладилар. Бу ҳолат оила ҳуқуқининг фуқаролик ҳуқуқидан фарқини кўрсатади, чунки фуқаролик ҳуқуқининг субъекти бўлиб фақатгина фуқаролар бўлмасдан, шунингдек юридик шахслар ва давлат унинг алоҳида субъекти ҳам бўлиши ҳам мумкин. Демак, фуқаролар ва юридик шахслар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар, ҳатто улар Оила кодекси билан ҳам тартибга солинса ҳам, у оилавий ҳуқуқий муносабат бўла олмайди. Улар маъмурий ҳуқуқий муносабатлар турига киради⁶. Демак, давлат органлари, жумладан, ФХДЁ оила ҳуқуқи субъектлари

² Қаранг: Хватаева М.А. Гражданская и семейная право субъективность физических лиц в Российской Федерации. Автореф.дисс... канд.юрид. наук. – Краснодар, 2007. –С.54.

³ Қаранг: Юрьева О.Г. Понятие правосубъективности в семейном праве // Проблема правосубъективности современной интерпретации. Материалы научно-практической конференции. –Самара. 26 февраля 2004 г. 2-е изд. испр.и доп. – Самара. Самарская гуманитарная академия, 2004. –С.156; Александров И.Ф. Правовое регулирование семейных отношений: соотношение семейного и гражданского права. Автореф.дисс...канд. юрид.наук. –Самара, 2004. –С.13–15; Шарова М.Э. Семейная правосубъективность лиц, осужденных к лишению свободы: понятие, элементы, содержание // Семейное и жилищное право. –№2. 2001. –С.8–11.

⁴ Муротова С.А. Семейное право. Учебник. 4-е издание. –М.: Закон и право, 2009. –С. 38–39.

⁵ Семейное право: учебник для студентов вузов \ Под ред. П.В.Алексия, И.В.Петрова. –М.: ЮНИТИ-ДАНА: Закон и права, 2008. –С.79–80.

⁶ Қаранг: Отахўжаев М.Ф., Юлдошева Ш.Р. Оила ҳуқуқи. Дарслик. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. –Б.50.

таркибига кирмайди. Лекин илмий адабиётларда оила ҳуқуқи ва оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг субъектлари ўртасидаги бирлик ва фарқлар ўзининг аниқ ифодасини топгани йўқ. Жумладан, собиқ хотин собиқ эридан алимент ундириб олаётган экан, у оилавий ҳуқуқий муносабатларнинг субъектларидан бири бўла олади. Аммо айна вақтда собиқ оила аъзоларидан чиқиб кетганлиги туфайли собиқ оила доирасида оила ҳуқуқининг субъекти бўла олмайди. Бу масалани ойдинлаштириш учун оиланинг тузилишига социологик ёндашиш лозим. Чунки оила, юқорида кўрсатилганидек, якка ва жам оилалардан ташкил топган. Оила ҳуқуқий субъектлари эса оила аъзоларидан таркиб топади. Субъектлар, фалсафий маънода, инсон ва уларнинг бирликларидир. Умумий ҳуқуқий маънода эса "... ҳуқуқ субъектлари бошқа шахс ва ташкилотлар билан ҳар хил ҳуқуқий муносабатларда қатнашиш имкониятини берувчи ҳуқуқий субъектликнинг махсус юридик хоссаси (сифати) қонун билан эътироф этилган шахс ёки ташкилотлар ҳисобланадилар"¹. Илмий адабиётларда ҳуқуқий муносабатлар субъектлари муайян юридик сифатларга, биринчи навбатда ҳуқуқий лаёқат ва муомала лаёқатига эга бўлишлари керак дейилган². Шундай экан, ушбу умумҳуқуқий фикрни оила аъзоларига қўлласак, чақалоқда муомала лаёқати мавжуд эмаслиги кўринади, демак, чақалоқ оила ҳуқуқий субъекти бўла олмайди-ми, деган савол туғилади. Ҳолбуки, оила аъзоларининг барчаси оила ҳуқуқий субъектларидир. Бизнингча, оила ҳуқуқий субъектларини муомала лаёқатига кўра туркумлаш ҳам зарурки, ва бунда "фаол" ва "пассив" фаолиятларни фарқламоқ керак.

Муносабат ўзаро таъсир демакдир. Ижтимоий муносабатлар субъектлараро ва субъектлар билан ижтимоий объектлар ўртасидаги ўзаро таъсирлардир. Ижтимоий муносабатлар субъектларсиз юз бермайди. Демак, ҳуқуқий муносабатлар ҳам ҳуқуқ субъектлари фаолиятсиз юз бермайди. Ҳуқуқий муносабатлар деганда, унинг иштирокчилари ўртасида вужудга келадиган ва ҳуқуқ нормалари билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар тушунилади³. Ушбу ҳолат оилавий ҳуқуқий муносабатларга ҳам хосдир.

Ҳуқуқ муносабатдир. Илмий адабиётларда таъкидланганидек, агар ижтимоий муносабатлардаги тенглик, адолат ва эркинлик моментлари ўзларининг кафолатланишларини тақозо этса, бундай ижтимоий муносабатлар турларига ҳуқуқийлик, дейилади⁴. Лекин юридик социологияда бирламчи ва иккиламчи ҳуқуқий ҳодисалар фарқланади⁵. Агар нисбий равишда қонун ва қонуности ҳужжатларини бирламчи ҳуқуқий ҳодисалар деб олсак, улар асосида юзага келган фактик ва индивидуал ҳуқуқий

муносабатлар иккиламчи ҳуқуқий ҳодисалардир. Ҳуқуқ асосан ҳокимият орқали амалга ошади. Чунки ҳуқуқ, жумладан, оила ҳуқуқини кафолатини фақат давлат ҳокимияти, жумладан, унинг фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари беради. Демак, оилавий ҳуқуқий муносабатларда давлат органлари ва лозим бўлса бошқа юридик шахслар иштирокчи сифатида эътироф этилади. Жумладан, алимент ундириш суд ҳокимияти қарори билан амалга ошади.

Оила ҳуқуқининг биринчи таркибий қисми – никоҳ муносабатларининг субъектлари ҳозирги қонунчилигимизда эркаклар учун 18 ёш ва аёллар учун 17 ёш қилиб белгиланган⁶. Ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида ҳам никоҳ ёшлари белгилаш қадимги ва ўрта асрлар, янги ва энг янги давр мустақил цивилизациялари - мамлакатларида ҳам ўзига хос умумийликларига эга ҳолида амалга ошган. Жумладан, ўрта аср цивилизацияларида "шариат бўйича никоҳ ёши ўғил болалар учун 12 ёш, қизлар учун 9 ёш белгиланган. Шунда ўғил болалар жинсий жиҳатдан вояга етган бўлишлари лозим. Бу йиллар никоҳ бобида вояга етганликни белгилашда сўнги поғона ҳисобланган.

Амалда эса ўғил болалар –14, қизлар – 12 ёшга тўлганда никоҳ тузилган⁷. Бизнингча, оила ҳуқуқининг биринчи тартибдаги субъектлари эр, хотин ва фарзандлардир. Улар ўртасида, биринчидан, эр ва хотиннинг

шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари, иккинчидан, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги шахсий ва мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари, учинчидан, фарзандлар ўртасидаги опа-сингиллик ва ака-укачилик муносабатлари таркиб топади. Оила ҳуқуқининг иккинчи тартибдаги субъектлари бува, буви ва неваралардир. Оила ҳуқуқининг субъектлари жамиятнинг тўртта корреляцион-функционал қонунлардан бири – социал асос қонунининг оилавий муносабатларда намоён бўлишларидандир.

Оила ҳуқуқий субъектлари бўйича хулосаларимиз қуйидагилардан иборат:

биринчидан, илмий билишда оила аъзолари таркибидан оила ҳуқуқига ўтиш қатор аниқликларни киритади;

иккинчидан, илмий билшда оила аъзолари таркибидан оила ҳуқуқий субъектларини аниқлашда оила ҳуқуқининг "биринчи тартибдаги", "иккинчи тартибдаги" ва "учинчи тартибдаги" субъектларини фарқлай билмоқ лозимки, бу фарқлашлар мулкка оид ва бошқа муносабатларни тартибга солишда муҳим ҳисобланади;

учинчидан, оилавий ҳуқуқий муносабатлар субъектлари оила ҳуқуқий субъектларига нисбатан кенг қамровли эканлиги билан фарқ қилишларини ёддан чиқармаслик керак;

тўртинчидан, илмий билишда, жумладан, оила ҳуқуқини билишда "ҳуқуқ субъекти" билан "оила ҳуқуқий иштирокчиси" ни фарқлай билиш лозим;

бешинчидан, оила аъзолари оила ҳуқуқининг система ташкил этувчи бош субстанционал компоненти эканлиги тамойилини ёдда тутмоқ лозим.

¹ Проблемы общей теории права и государства. –М.: НОРМА-ИНФРА, 1999. С.373.

² Қаранг : Общая теория государства и права. Том 2. Теория права. –М.: «Зерцало», 1998. С.272.

³ Қаранг: Саидов А., // Тожихонов У. Давлат ва ҳуқуқ асослари. – Т.: Ўз Р ИИВ Академияси нашриёти, 1999. –Б.55.

⁴ Қаранг: Абдуҳолиқов С.О. Демократия ва фуқаролик жамияти диалектикаси // "Конституция ва фуқаролик жамияти" мавзусидаги илмий-назарий конференция тезислари тўплами (2006 йил 25 ноябрь). –Т., 2006. –Б.9.

⁵ Қаранг: Карбонье Ж. Юридическая социология. –М.: Прогресс, 1986. –С. 142–146.

⁶ Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси // Ўзбекистон Республикасининг кодекслари тўплами. –Т.: Адолат, 2006. –Б.696.

⁷ Отахўжаев Ф. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. –Т.: Ўзбекистон, 1995. –Б.37.

М. Рустамбекова
Соискатель ТГЮИ

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ РАЗВИТИЯ ИНСТИТУТА ЗАЛОГА В МУСУЛЬМАНСКОМ ПРАВЕ

Залог является одним из важных институтов гражданского права и его отрасли обязательственного права.

Рассматривая развитие залоговых отношений в мусульманском праве, отметим, что их правовая и экономическая категория на протяжении всей истории рассматривалась в призмe религиозных догм и постулатов. Тем не менее подавляющее большинство исследований в данной сфере своим предметом имеют отношения личности и Аллаха, как исходной инстанции религии ислам. Такая постановка вопроса изначально подразумевала отношение личности к вере и Аллаху. По этой причине объединение индивидуумов не получило столь детальной трактовки в классических источниках мусульманского права. Это, однако, не дает основания утверждать, что институт залога в мусульманском праве не имел места. Вполне очевидно, что торговая деятельность, а также мероприятия, требовавшие первоначального капитала, опосредовались использованием залоговых конструкций.

Шариат в целом и его доктринально-нормативная часть (*фиqh*) вобрала в себя не только правовые установления, но и религиозную догматику и мораль. Такая слитность и синкретизм шариата нашли свое специфическое выражение в том, что его предписания, с одной стороны, регулировали общественные (человеческие) отношения, а с другой – определяли отношения мусульман с Аллахом (*убадаат*).

В последующем, когда шариат начинает выходить из строгих рамок патриархально-общинного восприятия мира и сталкивается с реалиями коммерческого оборота, благодаря активной деятельности мусульманских богословов-правоведов, он все больше отходит от догматического божественного правопонимания и тяготеет к рационалистическому¹.

Мусульманские ученые-юристы на этом этапе работали новые правовые доктрины и нормы (*фиqh*), имеющие сугубо юридическую природу и в то же время не идущие в разрез с основополагающими и традиционными началами шариата. При этом презюмировалось, что такие новые нормы и доктрины являются истинными и исходят из ортодоксального ислама. Вследствие этого в шариате сформировалось представление о том, что ислам дает нормативные ориентиры во всех случаях и что правильное следование ему исключает возможность внутреннего противоречия между правовыми нормами. Это во многом стало возможным благодаря тому, что большая часть положений Корана носит казуальный характер и многие его установления имеют весьма неопределенный вид, и поэтому могут приобретать различный смысл в зависимости от того, какое содержание в них вкладывается.

Аспекты, связанные с институтом собственности, долгое время не имели обособленного характера в нормах шариата и научных трудах теологов-правоведов. Они рассматривались в тесной взаимо-

¹ См. подробнее: Rahman F. Economic Principles of Islam // Islamic Studies. –1969. –№1. –Р.60.

связи с такими вопросами, как *ганим* (военная добыча), *закят* (обязательное пожертвование), раздел наследства и некоторыми видами договоров.

Правовая природа института залога в мусульманском праве находится в прямой зависимости от религиозных догм относительно права собственности². Это, в частности, наиболее наглядно проявляется в определении категории права собственности, где в основе лежит религиозная трактовка, согласно которой все имущество в конечном счете принадлежит Аллаху³. В то же время, в глазах мусульманских правоведов, Аллах – не собственник сотворенного им в юридическом смысле, а верховный хозяин всех мирских благ, которые он предоставляет⁴.

Некоторые авторы характер отношений между Аллахом и индивидом по поводу собственности склонны рассматривать как трастовый договор, где Высший является учредителем доверительной собственности, человек – доверительным собственником, а общество (*умма*) – бенефициарием⁵.

Соответственным образом шариатом оформляются особые отношения между субъектами права и указанными благами⁶. Право собственности вполне самостоятельно и возникает лишь тогда, когда субъект реально овладевает определенным имуществом, пользование которым допускается шариатом.

Исходным началом шариата в этой области является дозволение: любое лицо, которое завладело имуществом, не имеющим собственника и разрешенным нормами шариата, приобретает на него первичное право собственности⁷.

Отметим, что право собственности в ханифитском мазхабе – это право неограниченного распоряжения вещью и пользования ее плодами. Мусульманскому праву также известна триада правомочий собственника, согласно которой собственнику принадлежит право

² Установленные исламом ограничения запрещают ростовщичество, а также процент за кредит в денежной форме и за просрочку погашения долга. Запрет распространяется также на азартные игры и рискованные обязательства (пари, лотерея), а значит, на любой полученный таким образом доход. Сюкияйнен Л. Мусульманское право собственности: юридическое осмысление религиозных постулатов ...

³ Такая идея выражена во многих стихах Корана, где, в частности, говорится: "Ему принадлежит то, что на небесах и на земле, и то, что находится между ними, и под землей" (20:6)[2], "Аллаху принадлежит власть над небесами и землей и тем, что находится между ними, и Он над всем сущим властен" (5:120).

⁴ "Он - тот, кто сотворил для вас все, что на земле" (2:29), "Аллах-тот, кто создал небеса и землю, ниспослал с неба дождь и взрастил влагою его плоды вам в удел, подчинил вам корабли, которые плывут по морям по Его воле, подчинил вам реки, непрестанно находящиеся в движении солнце и луну, подчинил вам ночь и день и даровал вам все, о чем вы просили" (14:32-34), "Все блага, которые есть у вас, - от Аллаха" (16:53).

⁵ Yamani Ahmed Zaki. Islamic Law and Contemporary Issues in God and Man in Contemporary Islamic Thought. –Beirut: American University, 1997. –Р.83.

⁶ Лукьянов А.К. Взгляды шиитских идеологов на проблему собственности в контексте исламской экономики / Сб. ст. под ред. Л.Р. Сюкияйнена –М.: 1986. –С.91.

⁷ Данный принцип ярко проявляется в таком характерном для мусульманского права институте, как "оживление мертвой земли", о чем пророк Мухаммад говорил: "Тот, кто возделал никому не принадлежащую землю, обладает наибольшими правами на приобретение ее в собственность". Аль-Бухари. Сахих-Эр-Рияд, 1999. –С.262.

пользования (*манфаат*), право владения (*кабз*), право распоряжения и право извлечения доходов (*тамлик*).

Важно указать, что Коран закреплял гарантии защиты института собственности. Так, сказано: "Воистину, ваша кровь, ваше имущество и ваша честь – заперты"¹. Схожие принципы содержатся в трудах многих правоведов: "приказ, предусматривающий распоряжение собственностью другого лица, недействителен", "никто не может распоряжаться собственностью другого лица без его разрешения", "никто не может овладевать чьим-либо имуществом без правового основания"².

Нельзя забывать, что шариатом оборот отдельных видов имущества был ограничен. Так, в частной собственности не могли находиться объекты, напрямую служащие публичным интересам (например, дороги, водоемы и пр.). При этом заслуживающей наибольшего интереса группой ограничений являются правила относительно пределов пользования и распоряжения имуществом.

Несколько иначе дело обстоит с ограничениями относительно ростовщичества. Как известно, шариат запрещает мусульманам приобретение доходов посредством ростовщичества (*рибы*)³. Ростовщичество квалифицировалось суннитскими и шиитскими богословами как великий грех. В иерархии грехов *риба* занимает третье место – после неверия в Аллаха и дружбы с его врагами. Соответственно, исходя из запрета *рибы*, банковский процент также осуждается шариатом. Вместе с тем, в Коране и Сунне нет четкого определения понятия "ростовщичество", что позволило последующим поколениям мусульман по-разному толковать его содержание. Так, некоторые правоведы утверждают, что запрещена не процентная ставка как таковая, а чрезмерно завышенный процент.

Учитывая то обстоятельство, что залоговые конструкции призваны опосредовать прежде всего условия получения кредита, в мусульманском праве на начальных этапах соответственно данные отношения не имели широкого распространения. В последующем с развитием гражданского оборота, а также с адаптацией норм мусульманского права к потребностям расширения коммерческих отношений, инструменты залога начинают активно внедряться в сферу внимания догматики мусульманского права.

¹ Аль-Бухари. Сахих.-Эр-Рияд, 1999. –С.27.

² Антология мировой правовой мысли: В 5 т. Т. I. Античность и восточные цивилизации. –М.: 1999. –С.688.

³ "Те, кто пожирают рост, восстанут только такими же, как восстанет тот, кого повергает сатана своим прикосновением. Это за то, что они говорили: ведь торговля-то же, что рост. А Аллах разрешил торговлю и запретил рост" (Коран II, 276). "О вы, которые уверовали! Не пожирайте роста, удвоенного вдвойне, и бойтесь Аллаха, может быть, вы окажетесь счастливыми" (Коран III, 125).

А.Б.Ганибаев

ТДЮИ стажер-тадқиқотчи-изланувчиси

ФУҚАРОЛАРНИНГ СУДГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ КАФОЛАТЛАРИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-хуқук ислохотларининг натижаси Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик базасининг такомиллашуви билан бир қаторда фуқароларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш даражасининг кўтарилишига олиб келмоқда.

Президентимиз И.А.Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасида "Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс хуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-хуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир"⁴ деган ғояси фуқаролик ишлари бўйича судлар олдида ҳам муҳим вазифаларни қўя олди ва натижада фуқаролик процессуал хуқуқий муносабатларнинг қонуний ва адолатли амалга оширилишига пухта замин яратди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг хуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг асосий омилларидан бири – бу уларнинг судга мурожаат этиш хуқуқидир.

Судга мурожаат этиш хуқуқи – бу процессуал характердаги юридик фактни юзага келтирадиган омил ҳисобланади. Умуман олганда, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг мурожаати тўғрисида"ги Қонуни 3-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, шунингдек хорижий давлатларнинг фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахслар давлат органларига ариза, таклифлар ва шикоят билан мурожаат этиш хуқуқига эгадирлар деб белгиланган. Ушбу шахсларнинг судга мурожаат этишининг процессуал томони Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 1-моддасида кўрсатилганидек, ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашаётган хуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун қонунда белгиланган тартибда судга мурожаат қилишга ҳақли. Манфаатдор шахс ушбу хуқуқдан фойдаланган ҳолда конкрет иш бўйича процессни қўзғатади, унинг процессни қўзғатишга қаратилган ҳаракати судга мурожаат қилиш ҳисобланади, яъни юқорида айтиб ўтган фуқаролик процессуал хуқуқий муносабатнинг асоси сифатидаги юридик факт ҳисобланади.

Судга мурожаат қилиш Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси "Судлар тўғрисида"ги қонунининг 2-моддасида назарда тутилганидек, ҳар бир шахс (жисмоний ва юридик шахслар)га ўз хуқуқ ва

⁴ Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. Т. 19. – Тошкент. – 2011. – 53 б.

эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқларидан фойдаланишлари мумкин. Лекин келтириб ўтилган ҳуқуқлардан фойдаланиш судга мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланиш дегани эмас. Чунки ушбу нормаларнинг мазмунига кўра бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш тўғрисида даъвонинг ўзи мавжуд бўлиши керак. Судга мурожаат этиш ҳуқуқи мазмунида манфаатдор шахснинг ўзи бўлиши; даъво предмети ва даъво асоси; даъвогарнинг субъектив ҳуқуқи ёки бошқа манфаатларнинг бузилиши ҳолатининг мавжудлиги талаб этади.

Шу ўринда С.А.Якубовнинг фикрини келтириш жоиз, хусусан, судда фуқаролик ишларини кўришда барча инстанцияларнинг мақсади битта – фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини, шунингдек, ташкилотларнинг қонун билан ҳимоя қилинадиган манфаатларини ҳимоя қилиш деб ҳисоблайди¹. Э.Эгамбердиев эса уни фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатларнинг асосий омили сифатида “фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар”га таъриф беришида қўлланилади. Хусусан, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар – бу шахсларнинг бузилган шахсий ва мулкӣ характердаги субъектив ҳуқуқлари ва уларнинг қонун билан қўриқланадиган қонуний манфаатларини процессуал қонунчиликда белгилаб қўйилган тартибда суд орқали ҳимоя қилиш борасида судга мурожаат қилган шахснинг талаби ва бу талаб бўйича фуқаролик ишини судда кўриб ҳал қилиш юзасидан суднинг иш қўзғатиши натижасида суд билан процесснинг барча иштирокчилари ўртасида ҳуқуқ нормаларига асосланган ҳолда вужудга келадиган моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларини ҳаётга тадбиқ этишга қаратилган ва суд ишларини юритишнинг олдида турган мақсадга эришишга йўналтирилган процесснинг босқичларига қараб бир-бири билан узвий равишда боғлиқ ҳолда ривожланиб борадиган бир қатор оддий ҳуқуқий муносабатлар тизимидан иборат муносабатлардир².

Назаримизда судга мурожаат қилиш ҳуқуқи деганда манфаатдор шахснинг субъектив ҳуқуқи ёки бошқа юридик манфаатнинг мавжудлиги, шунингдек улар жавобгар томонидан бузилган ёки низолашаётган ҳуқуқнинг мавжудлиги ҳамда улар бўйича суд ҳимоясига бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги даъвони тушунишимиз керак. Чунки, агар ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги фактнинг ўзи бўлмаса, даъвогарнинг жавобгар устидан берган шикояти ўринсиз ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг ФПКси 266-моддасида фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бузилишига, фуқаронинг ўз ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга ошириши йўлида тўсқинликлар вужудга келишига, фуқаро зиммасига бирорта ғайриқонуний мажбурият юклатилишига ёки унинг ғайриқонуний равишда бирор-бир жавобгарликка тортилишига сабаб бўлган хатти-ҳаракатлари

(қарорлари) судга шикоят қилиниши мумкин бўлган сабаблар келтирилади.

Қолаверса, ҳуқуқ тўғрисидаги даъвони ҳал қилиш тўғрисидаги судга мурожаатнинг процессуал воситаси фуқаролик процессуал ҳуқуқида даъво аризаси деб юритилади. Шунингдек, фуқаролик суд ишларини юритишда куйидаги ишлар бўйича шикоят ва аризалар берилади:

1) фуқаронинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузувчи хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан берилган шикоятлар;

2) нотариуснинг, фуқаролик ҳолати актларини қайд қилиш органларининг ҳаракатларни бажаришни рад этганлиги устидан берилган шикоятлар;

3) прокурорнинг ҳуқуқий актни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги аризаси.

Хулоса қилиб айтганда, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар мазмунида судга мурожаат қилиш энг асосий ва муҳим юридик аҳамиятга эга бўлган факт саналади. Жумладан, ушбу ҳолат куйидаги хусусиятларда кўринади:

Биринчидан, судга мурожаат қилишда муайян асос бўлиши керак (низо, факт, ҳаракат, ҳуқуқнинг бузилиши ҳолати ва ҳоказо).

Иккинчидан, судга мурожаат бўлмаса, фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабат ҳам вужудга келмайди.

Учинчидан, судга мурожаат қилиш тегишли процессуал тартибга риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Тўртинчидан, судга мурожаат қилиш фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқ суд томонидан қабул қилиниши ҳамда иш қўзғатишга асос бўлиши зарур.

Юқорида таъкидланган ҳолатларни ҳақли равишда судга мурожаат қилишнинг ҳаракат шакли десак тўғри бўлади, чунки ушбу хусусиятлар орқали судга мурожаат қилиш мақсади амалга оширилади, тарафларнинг даъво талаби судда мазмунан кўриб чиқилади ва натижада фуқароларнинг одил судловни амалга оширишга бўлган ишончи кучаяди, давлатимизда суднинг обрўси ва мавқеи янада ошиб бораверади.

Хулоса қилиб айтганда, фуқароларнинг судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг мавжудлиги кўрсатиб ўтилган қатор қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган бўлиб, ушбу ҳуқуқ фуқароларнинг объектив ҳуқуқлари тоифасига киради. Судга мурожаат қилиш ҳуқуқи фуқаролар томонидан судга мурожаат қилиниб, судда иш қўзғатиш масаласи кўтарилгач ва тегишли процессуал ҳаракатлар амалга оширилгач, у субъектив ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади. Шу маънода фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси таъминланишига эришилади.

¹ Якубов С.А. Предмет судебной деятельности по гражданским делам. – Т., 2009. – С. 48.

² Эгамбердиев Э. Фуқаролик процессуал ҳуқуқий муносабатлар (ўқув қўлланма) – Т., 2000. “Адолат”. – 28-29 б.

Ж. З. Низамов
ЎР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти
кичик илмий ходим

МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРИШ ПРИНЦИПЛАРИ

Мажбурият ҳуқуқи фуқаролик ҳуқуқининг таркибий қисми сифатида ўзининг қонунда қайд этилган асосий принципларига эга бўлиб, улар аввал амал қилган қонунчиликдаги принциплардан фарқ қилади.

2011 йилни мамлакатимизда “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилиниши ва бунда устувор йўналишлар қаторида Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек “кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳа ривожини учун янада кенг йўл очиб бериш мақсадида мавжуд норматив-ҳуқуқий базани танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш масаласи диққат марказида бўлиши даркор”¹. Бу ҳақда гапирганда, шуни айтиш керакки, тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ўз навбатида шартнома ва мажбурият институтларини янада мукамаллаштиришни талаб этади.

Бозор шароитида рақобат туфайли талаб даражасидаги сифатга ҳамда нарх-навога мос келмайдиган хизмат ва товарларни таклиф этадиган тадбиркорлар табиий равишда сараланиб, ўз жойларини бўшатиб берадилар. Халқ хўжалиги учун энг тежамли равишда бажаришга келсак, бу оммавий манфаатларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширишга, яъни бу - иқтисодий муомала иштирокчиларига турли услублар, асосан иқтисодий услублар билан таъсир ўтказаетган, аввалламбор давлатга тегишлидир. Бошқа сўз билан айтганда, бозор шароитида ижронинг тежамкорлигини фойда сифатида қайд этиш зарурияти йўқолади. Шу билан бирга, баъзи муаллифларнинг фикрига кўра, мажбуриятларни тежамлироқ бажариш заруриятини тарафларнинг қўшимча харажатлари ва зарарларини бартараф этувчи талаб сифатида қабул қилиш керак².

Фуқаролик ҳуқуқи бўйича адабиётларда шартномавий мажбуриятларни амалда бажаришни қоида (принцип) сифатида қабул қилиш масаласи муҳим ўрин эгаллайди. У мажбуриятни асл ҳолида бажариш заруриятдан, яъни қарздор айнан мажбурият моҳиятини акс эттирувчи амални бажариши, уни зарарни қоплаш ёки неустойка тўлаш каби пуллик эквивалент билан алмаштирмаслигидан келиб чиқади³. Етказиб бериш мажбуриятида – бу таъминотчи томонидан сотиб олувчига маҳсулотни (товарни) топшириш; капитал қурилиши пудрат мажбуриятида – пудратчининг буюртмачига объектни топшириш; ташиш мажбуриятида - транспорт ташкилоти томонидан юкни юк жўнатувчи кўрсатган жойга етказиб бериш ва қайд этилган шахсга

топшириш; моддий объектлар яратиш билан боғлиқ бўлмаган, турли ишлар ва хизматлар кўрсатишни амалга ошириш мажбуриятларида – уларни амалга оширишдир.

Фуқаролик ҳуқуқи собиқ иттифоқ даврида шартномавий мажбуриятларни амалда бажариш бандини социалистик шартномавий ҳуқуқнинг энг муҳим қоидалари қаторига киритган. Бу ўша пайтда барча цивилистларнинг яқдил фикри бўлган.

Амалда бажариш қоидаси Ўзбекистон ГКнинг бир қатор моддаларининг ҳам умумий қисмида, ҳам махсус қисмида қайд этилган эди. Унинг моҳияти шунда эдики, социалистик ташкилотларнинг ўзаро муносабатларида ижрони пуллик бадал билан алмаштиришга йўл қўйилмас эди.

Шунингдек, асл ҳолда бажариш мажбурияти етказиб бериш, контрактация, темир йўл, ички сув, автомобиль ташишлар бўйича шартномаларни тартибга солувчи айрим меъёрий ҳужжатларда ҳам қайд этилган эди.⁴

Замонавий фуқаролик қонунчилиги ҳам асл ҳолда бажаришни мажбурият ҳуқуқи қоидаларидан бири деб тан олади.

Бу қоида ЎР амалдаги ФКнинг 330-моддасида умумий тарзда ўз ифодасини топган бўлиб, ФК да номлари қайд этилган мажбуриятлари ёхуд махсус меъёрлар билан тартибга солинган ёхуд тарафларнинг ўзи томонидан ҳуқуққа маълум бўлмаган шартномавий модел асосида яратилган мажбуриятлари бўлишидан қатъий назар, шартномавий мажбуриятларнинг барча турларига тегишлидир.

Ушбу қоида бўйича шартномада мажбуриятларни таърифлаш билан бирга, кредиторга зарарни қоплаб берилишига қарамай, амалда бажариш вазифасининг сақлаб қолиниши ёки қолинмаслигини тарафларнинг ўзи ҳал қилади.

Ижро лозим даражада бажарилмаганда, агар шартнома ёки қонунда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, неустойка тўлаш ва зарарни қоплаш қарздорни мажбуриятни асл ҳолда бажаришдан озод этмайди (ЎР ФК 330-модда, 1-қисм). Агар мажбурият умуман бажарилмаган бўлса, қарздор кредиторга зарарни қоплаб, неустойка тўлаганидан кейин, мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилинади. Бироқ, бу ҳолда ҳам қонунда ёки шартномада қарздорнинг ижрони амалга ошириш, кредиторга натижани топшириш мажбурияти белгиланган бўлиши мумкин (330-модда, 2-қисм). Масалан, сотувчи чакана олди-сотди шартномаси бўйича мажбуриятини бажармаган тақдирда зарарни қоплаш ва неустойка тўлаш сотувчини мажбуриятни асл ҳолида бажаришдан озод қилмайди (ЎР ФК 436-модда).

Ҳуқуқ назариясида мажбуриятни бажармаслик шу билан тавсифланадикики, қарздор амалга ошириши керак бўлган ҳаракатларни бажармайди ва кредитор орттириши керак бўлган моддий неъматларига эга бўлмай қолади (сотувчи сотилган буюмларни бермади, пудратчи ишни бажармади ва ҳ.қ.). Шундай қилиб, мажбуриятнинг асосий мақсадига эришилмайди. Лозим даражада ижро этмаслик (ёхуд тўлиқ бажарилмаслик) вазиятида эса, мажбуриятнинг асосий мақсадига эришилади аммо бу кредитор учун манфаатсизроқ

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш-тараққиётимизнинг муҳим омилидир. - Тошкент: Ўзбекистон. 2010. –Б. 26-27.

² РФ ФКга изоҳлар. – М.: Юринформцентр, 1995. –Б. 331.

³ Раҳмонкулов Ҳ.Р. Мажбурият ҳуқуқи. –Тошкент: ТДЮИ, 2005. –Б. 57.

⁴ Масалан, қаранг: Гавзе Ф.И. Социалистический правовой договор. – М.: Юридическая литература, 1972. – Б.153

ҳолда амалга оширилади (масалан, муддатидан кечиктириб, кўпроқ харажат билан сифати талаб даражасида бўлмаган буюмларни топшириш ва ҳоказо).

Лозим даражада бўлмаган ижро ва умуман бажармаслик ўртасидаги тафовут “бетартиб” қарздорга кредитор томонидан қўйиладиган талаблар ҳажмида ўз аксини топади. Биринчи ҳолда, мажбуриятни бузиш натижасида юзага келган қўшимча вазифалардан ташқари қарздор зиммасида асосий вазифа – мажбуриятни асл ҳолда бажариш вазифаси ётади, иккинчи ҳолда, асосий вазифа бекор қилинади.

Бироқ, ҳуқуқ амалиётида бажармаслик ва лозим даражада бажармаслик ўртасидаги чегара мулоқ изчиллик билан аниқланиши мумкин эмас. ФК 330-моддасига биноан бажармаслик ва лозим даражада бажармасликни қандай таснифлаш мумкин? Ўйлашимизча, жабр кўрган тараф шартномани бекор қилишга қарор қилган ва шартномавий мажбурият бажарилмаганлиги туфайли зарарни қоплаш ва неустойка тўлаш ҳақида даъво қилган бўлса, буни - бажармаслик, деб таснифлаш лозим. Агар жабрланган тараф шартномани бекор қилмаса ва шартнома бўйича унда қолган моддий ҳуқуқларга қўшимча равишда мажбуриятнинг қисман бузилиши сабаб юзага келган зиённи қоплаш ҳақида даъво қилса, бундай ижрони лозим даражада бажармаслик, деб таснифлаш керак.

ЎР ФКдаги ҳақиқий ижрони таъминлаш учун белгиланган чора-тадбирлар қаторида 237-моддасида берилган мажбуриятни бажаришдан бир томонлама бош тортишга ва унинг шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмаслиги ҳақидаги қоида кўрсатиш мумкин. Бироқ, бу - умуман барча мажбуриятларга тааллуқли қатъий қоида бўлиб, ЎР ФК 29-бобининг моддалари билан тўлдирилади. Бундан англашиладики, шартномани бир томонлама бекор қилиш ёки унга ўзгартиришлар киритишга умуман йўл қўйилмайди.

ЎР ФК да ҳақиқий ижро қоида шартномавий мажбуриятларнинг алоҳида турларига нисбатан аниқлаштирилиб чиқилган. Масалан, етказиб бериш мажбурияти бўйича (443-модда) маҳсулот етказиб берувчи мажбуриятни амалда бажариши зарур, яъни бир даврда етказиб берилмаган маҳсулотни сотиб олувчига кейинги даврда (ойда, йил чорагида) топшириши керак.

ФК да белгиланган ҳақиқий ижро қоида билан бир қаторда лозим даражада бажариллиши ёки камчиликларни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқини берувчи ФКнинг махсус меъёрлари ҳам мавжуд (наҳқи баҳсни камайтириш, шартномани бекор қилиш ва етказилган зарарни қоплашни талаб этиш кабилар). Масалан, сотиб олувчининг сотувчидан мажбурият бузилиши оқибатларини, товарнинг етказиб берилмаган миқдорини оқилона муддатда топшириш йўли билан бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқи (443-модда), товарнинг камчиликларини текинга бартараф этишни ёки сифати тегишли даражада бўлмаган товарни олди-сотди шартномасида қайд этилган маҳсулотга мос келган товарга алмаштириб беришни талаб этиш ҳуқуқи (434-модда). Худди шундай ҳуқуққа бошқа шартномалар иштирокчилари ҳам ҳақли. Масалан, идишга жойланиши ва (ёки) ўралиши лозим бўлган товар сотиб олувчига идишсиз ва (ёки) ўрамаган ҳолда ёхуд тегишли идишга жойламаган ва (ёки) тегишли даражада ўрамаган ҳолда топширилган

тақдирда, агар олди-сотди шартномасидан, мажбурият моҳияти ёки товарнинг хусусиятидан бошқа ҳол келиб чиқмаса, сотиб олувчи сотувчидан товарни идишга жойлаштириш ва (ёки) ўрашни ёхуд тегишли бўлмаган идиш ва (ёки) ўрашни алмаштиришни талаб қилишга ҳақли (415-модда), сотиб олувчи (олувчи) - тегишли даражада сифатли бўлмаган товар келтирилганда (451-модда), буюртмачи - маиший пудрат шартномаси бўйича иш тегишли даражада ёки умуман бажарилмаган тақдирда (665-модда), ижарага олувчи – ижарага берувчи топширилган мулкда аниқланган ёки фойдаланишга тўсқинлик қиладиган камчиликларни бартараф этиш мажбуриятини бажармаса (552-модда), қарз олувчи – қарз берувчи жавоб берадиган камчиликлар аниқланган тақдирда (738-модда), лойиҳа ва қидирув ишлари пудрати мажбуриятлари бўйича, агар лойиҳа-смета ҳужжатларида ёки қидирув ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда пудратчи буюртмачининг талаби билан лойиҳа-смета ҳужжатларини бепул қайта ишлаб чиқиши ва шунга мувофиқ зарур қўшимча қидирув ишларини бажариши, шунингдек, агар қонунда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, келтирилган зарарни буюртмачига тўлаши шарт (691-модда).

Товарнинг бутлиги бузилганда, ёхуд бут бўлмаган товар топширилган тақдирда, сотиб олувчи сотувчидан товарни оқилона муддатда бутлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Фақатгина, сотувчи оқилона муддатда сотиб олувчининг товарни бутлаш тўғрисидаги талабини бажармаса, сотиб олувчи бутланмаган товарни бут товарга алмаштиришни талаб қилишга ҳақли (413-модда). Маҳсулот етказиб бериш шартномасининг шартлари, қонун ҳужжатларининг талаблари ёки товарларнинг бут бўлишига қўйиладиган одатдаги талабларни бузган ҳолда товарлар етказиб берилганида сотиб олувчи (олувчи) маҳсулот етказиб берувчига юқорида қайд этилган талабларни қўйишга ҳақли (452-модда).

ЎР ФК да мажбуриятларни амалда ижро этишни таъминлашга йўналтирилган махсус чора-тадбирлар ҳам назарда тутилган. ЎР ФК нинг 331-моддасига кўра хусусий белгили ашёни кредиторнинг мулки қилиб, унинг ҳўжалик юритишига, оператив бошқарувига ёки фойдаланишига топшириш мажбурияти бажарилмаган тақдирда, кредитор бу ашёни олиб қўйишни ва мажбуриятда назарда тутилган шартлар асосида ўзига топширишни талаб қилишга ҳақли.

Ашёни талаб қилиб олиш – фақат кредиторга тегишли ҳуқуқ. Демак, у мажбурият нарсаи бўлган ашёни ўзига топширишни талаб қилиш ўрнига зарарнинг қопланишини талаб қилишга ҳақли.

Ундан ташқари, ФК да яна бир нарса таъкидлаб ўтилган бўлиб, бу ҳуқуқ ашё бир хил ҳуқуққа (мулк ҳуқуқи, ҳўжалик юритиш ёки оператив бошқарув ҳуқуқига) эга бўлган учинчи шахсга топширилган бўлса бекор бўлади. Мазкур ашёга даъвогар кредиторлар ўртасида рақобат келиб чиқиши ҳолига ҳам худди шундай махсус эслатма мавжуд. Рақобат қуйидагича бартараф этилади: агар ашё ҳали топширилмаган бўлса, вазият қайси кредиторнинг фойдасига олдинроқ вужудга келган бўлса, ўша кредитор устунликка эга бўлади, башарти буни аниқлаш мумкин бўлмаса, олдин даъво қўзғатган кредитор устунликка эга бўлади.

Мажбуриятларни амалда ижро этиш қоида сини амалга оширишга йўналтирилган мазкур чорага ЎР

ФКнинг шартномавий мажбуриятларга оид алоҳида қисмида аниқлик киритилади. Масалан, сотувчи хусусий аломатлари билан белгиланган ашёни топширишдан бош тортса, сотиб олувчи шартнома шартлари асосида мазкур ашёни топширишни ёхуд етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли (396-модда). Ижарага берувчи муддатда топширилмаган мулкни ижарага олувчидан талаб қилиб олиш ва ижронинг кечикканлиги туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга (541-модда).

ЎР ФК 331-моддаси 1-қисмида белгиланган янги чора қуйидаги, яъни қарздор ашёни тайёрлаш ва кредиторга (хусусий мулкка, хўжалик юритишга, оператив бошқарувга ёки фойдаланишга) топшириш мажбуриятини бажармаган, маълум ишни бажармаган ва хизмат кўрсатмаган вазиятлар билан боғлиқ. Шунга ўхшаш барча вазиятларда кредитор мажбурият ижросини учинчи шахсга оқилона ҳақ эвазига топшириши ёхуд қарздордан етказилган зарарни қоплаш ва бўлажак харажатларни тўлашни талаб қилиб, мажбуриятни ўз кучи билан амалга оширишга ҳақли. Қайд этилган оқибат қонунда, бошқа ҳуқуқий актларда, шартномада ёхуд мажбурият моҳиятидан бошқа тартиб келиб чиқмаган бошқа барча ҳолларда ўринли.

ФК да кредиторга, хусусан, буюртмачига - пудратчининг ишида камчиликлар аниқланса (642-модда 3-қисми), ижарага олувчига – ижарага берувчи ижарага берилаётган мулкдан шартномага кўра фойдаланишга тўсқинлик қилаётган ёки қийинчилик туғдираётган камчиликларни баратараф этиш бўйича ўз мажбуриятини бажармаганда (542-модда), ижарага олувчига – ижарага берувчи ижарага топширган мулкни капитал таъмирлаш бўйича мажбуриятини бузганда (547-модда), қарз олувчига – текин фойдаланиш шартномаси бўйича, ашёда қарз берувчи жавоб бериши белгиланган камчиликлар аниқланганда (621-модда), сотиб олувчига – таъминотчи товарни етказиб бериш шартномасида қайд этилган миқдордан кам миқдорда ёки муддатни бузиб етказиб берганда, таъминотчи сотиб олувчининг сифати ёмон товарларни лозим даражадаги товарга алмаштириш талабини бажармаганда, сотиб олувчи талабига кўра товарлар тўлиқ топширилмаганда (453-модда), сотиб олувчига – агар сотувчи томонидан товарнинг камчиликлари келиши олинмаган бўлса, лозим даражада сифатли бўлмаган товар сотилганда - мажбурият ижросини учинчи шахсга топшириш ёхуд ўз кучи билан мажбуриятни бажариш ҳуқуқи берилган.

Кўриниб турибдики, ФКда, ва умуман, фуқаролик қонунчилигида мажбуриятни асл ҳолида мажбурий тарзда ижро этиш бўйича турлича ёндашувлар мавжудлигидан қатъи назар у мажбурият юзасидан муносабатларнинг моҳияти билан белгиланган. Қарздорни, агар у ҳоҳламаса, у ёки бу ҳаракатни мажбурий тарзда бажаришга мажбур қилиш мумкин эмас. Талаб этилган ҳаракатни амалга оширишга фақат мулккий жарима, яъни мажбуриятни асл ҳолида ижро этишни пуллик бадал билан алмаштириш мажбур қилиши мумкин.

Тегишли меъёрларнинг таҳлили қуйидаги хулосага келишга асос бўлади, яъни ЎР ФК шартномавий мажбуриятларни амалда ижро этиш қонунчилигини эътироф этади мустаҳкамлайди.

ЎР ФК ҳақиқий ижро масалаларини тартибга солиб, шартнома иштирокчилари юридик шахс ёки

фуқаро бўлишига боғлиқ равишда шартномани амалда ижро этиш қонунчилигини аниқ бир вазиятда фойдаланиш бўйича фарқ қилмайди.

Бироқ, бу қонунчилик фойдаланиш соҳаси аввал амал қилган қонунчиликка нисбатан анча чегаралангандир. Энди бу қонунчиликда умумий қонунчилик сифатида фақат лозим даражада бажарилмаган мажбуриятга нисбатан мажбуриятни ижро этиш вазифаси пуллик бадал (зарарни ундириш ёки неустойка) тўлаш билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда қўлланилади (330-моддаси).

Ундан ташқари, ЎР ФКда шартномавий мажбуриятларни амалда ижро этиш талаби анча сусайтирилган. Ундан фойдаланишда муқобиллик қонунчилигини киритилган бўлиб (кредиторнинг ҳоҳишига қараб, амалдаги ижро ёки пуллик бадал танланади), мос ҳуқуқий меъёрларнинг диспозитивлиги (тарафларнинг олдиндан келишувига кўра, умуман амалдаги ижродан воз кечиш имконияти) мавжуд.

Амалдаги ижро қонунчилигида етарли даражада таъминлаб берилмаган. У фақат мажбурий ижро этилиш ҳолларида таъминланади. Қарздор эса, мулкка эга бўлган тақдирдагина мажбуриятни мажбурий ижро этади. Демак, ФКдаги амалдаги ижро қонунчилиги фақат хусусий-аниқ буюмларни топширишга оид мажбуриятларда бевосита намоён бўлади.

Шундай қилиб, замонавий қонунчиликда шартномавий мажбуриятларни амалда ижро этиш қонунчилигининг аҳамияти тобора камайиб бормоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида кредитор томонидан қарздордан мажбуриятларни бажармаслик натижасида етказилган барча зарарни пул маблағи билан қоплашни талаб қилиш унинг манфаатларини тўлиқ қондиради. Одатда, қарздор белгиланган муддатда товарларни топшириш, ишни бажариш, хизмат кўрсатиш ёхуд камчиликлар билан топширилган товарларни лозим даражада сифатли ёки тўлиқ товарлар билан алмаштириш мажбуриятини бажармаса, пуллик бадал тўлови кредиторга товарларни харид қилиш, ишни бажариш, хизмат кўрсатиш имкониятини беради.

Шартномавий мажбуриятларни бажаришнинг энг муҳим қонунчилиги, ФК 236-моддасида назарда тутилган, лозим даражада ижро этиш қонунчилигидир. Ушбу модда кўра “мажбуриятлар мажбурий шартларига ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганда эса-иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак”лигини белгилаб беради.

“Лозим даражада ижро этмаслик” ФКда аввалгидан фарқли кенгроқ моҳиятга эга бўлгани билан асосланади, яъни ижронинг тегишли киши, шахсга лозим буюм воситасида лозим усул ва жойда ҳамда муддатда амалга ошириши зарурлигини билдиради. Аксарият муаллифлар лозим даражадаги ижронини айнан шундай тушунадилар.

Лозим даражадаги ижро – мураккаб тушунча. Амалдаги ижродан фарқлироқ, 21-боби нормалари билан тартибга солинади. У бир қатор унсурлардан иборат: тегишли кишига мажбуриятни бажариш (240-модда), ижронинг тегишли шахс бажариши (241-модда), лозим буюм воситасида ижро этиш (245.250-моддалар), лозим жойда ижро этиш (246-модда), лозим муддатда ижро этиш (242-модда), лозим усулда бажариш (238-модда). Бу масалада батафсил кўрсатмалар ФК мажбуриятлар алоҳида турларини -

олди-сотди, юклар ва йўловчилар ташиш, суғурта, биржа ва банк операциялари, етказиб бериш, пудрат ва бошқаларни тартибга солувчи меъёрлари мавжуд, иккинчи қисмида ҳам берилган.

ФКнинг юқорида қайд этилган қоидалари юзага келган мажбуриятни лозим даражада ижро этиш учун ижро субъектлари ва предметига ҳамда ижро муддати, жойи ва усулига қўйилаётган талабларни билдиради. Мазкур талабларни ҳуқуқий адабиётда лозим даражадаги ижрони тавсифловчи шартлар деб аташади. Масалан, агар таъминот бошқармаси мебель фабрикасига учинчи ташкилот манзилига мебель етказиб бериш вазифасини юкласа, ишлаб чиқарувчи эса уни (қайд этилган қабул қилувчига етказиб бериш ўрнига) таъминот бошқармасига тушириб берса, ижро лозим даражада амалга оширилмаган ҳисобланади. Чунки топшириқда қайд этилган субъектга нисбатан ижро этилмади.

Таъкидлаш зарурки, суд амалиётида фақат хусусиятлари бўйича барча мазкур талабларга жавоб берувчи ҳаракат лозим даражадаги ҳаракат деб тан олинади. Масалан, агар таъминот бошқармаси мебель фабрикасига учинчи ташкилот манзилига мебель етказиб бериш вазифасини юкласа, ишлаб чиқарувчи эса уни (қайд этилган қабул қилувчига етказиб бериш ўрнига) таъминот бошқармасига тушириб берса, ижро лозим даражада амалга оширилмаган ҳисобланади. Чунки топшириқда қайд этилган субъектга нисбатан ижро этилмади.

Лозим даражадаги ижро амалдаги ижрони назарда тутати, яъни албатта асл ҳолида амалга оширилади. Масалан, пудрат шартномаси бўйича пудратчи буюртмачига иш натижасини топширган тақдирдагина мажбурият амалда бажарилади. Мажбурият амалда ижро этилган бўлиши, аммо лозим даражада бўлмаслиги мумкин (масалан, муддат кечиктирилганда).

Одатда, ижро жараёнида бажарилиши зарур бўлган барча шартлар (предмет, муддат, усул ва ҳ.к.) кредитор учун тенгдир ва уларнинг биттасини бажармаслик ҳам лозим даражада ижро этмаслик деб ҳисобланиши мумкин.

Лозим даражадаги ижро барча ҳолларда қарздорни мажбуриятлардан озод қилади ва мажбуриятни тугатади. Лозим даражада бўлмаган ижро қарздорга нисбатан мажбурий чоралар, жумладан, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик чораларини қўллашга асос бўлади.

Шундай қилиб, мажбуриятни амалда ижро қилиш “ҳаракат амалга оширилдими?”, деган саволга жавоб берсагина, лозим даражадаги ижро “ҳаракат қандай амалга оширилди?”, деган саволга жавоб беради.

Мажбуриятларни лозим даражада ва амалда ижро этиш қоидаларининг нисбатини субординацион, деб таърифлаш мумкин. Иккала қоида ҳам мустақил аҳамиятга эга ва ҳеч бири бошқасига нисбатан устун эмас. Улар ўзаро шартлидир. Масалан, мажбурият ижроси асл ҳолида бажарилмаган бўлса, уни лозим даражада бажарилган, деб бўлмайди. Бошқа томондан, амалдаги ижро лозим даражада бўлмаслиги мумкин эмас, Чунки мажбурият нормал, бузилишларсиз ривожланиб борар экан, амалдаги ижро унинг лозим даражада бажарилганлигини ҳам назарда тутати.

Ж.Б.Самарходжаев

ТДЮИ стажёр-тадқиқотчи-изланувчиси

ЮРИДИК ШАХСНИНГ МИЛЛАТИНИ УНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛ БҮЙИЧА АНИҚЛАШ (ЎТРОҚЛИК МЕЗОНИ)

Юридик шахснинг ҳуқуқий ҳолати унинг бошқарув органлари жойлашган мамлакатга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Шу туфайли ҳам айрим давлатлар ҳуқуқий назарияси ва қонунчилигининг кўпгина намояндалари юридик шахснинг миллатини аниқлаш мезони сифатида юридик шахснинг асосий бошқарув органлари доимий равишда жойлашган ерни кўрсатади. Халқаро хусусий ҳуқуқ муаммоларининг тадқиқотчиси М.И.Брун таъкидлаганидек, “бу ерда юридик шахс учун унинг онги, тафаккури, иродаси ва ҳаётини ташкил этувчи жараёнлар юз беради. Юридик шахснинг шахсий мақоми унинг қонунчиликка домицил орқали бириктирилиши билан белгиланади... Бу ерда юридик шахс номидан шартномалар тузилади, бошқа ҳуқуқ субъектлари билан муносабатлар ўрнатади, бу ердан юридик шахснинг мансабдор шахсларига фармойишлар юборилади ва бу ерда кўрсатмаларнинг бажарилиши устидан назорат амалга оширилади. Юридик шахсга бевосита таъсир кўрсатишни фақат унинг марказий органлари орқали амалга ошириш мумкин. Бу эса фақат мазкур органлар жойлашган давлат орқали амалга оширилиши мумкин. Бу ердаги муносабатларни бош ва гавда билан оёқ-қўллар ўртасидаги муносабатларга ўхшатиш мумкин. Юридик шахснинг марказий органлари – бу унинг боши, қўллар ва оёқлар эса маконда ишга солиниши мумкин. Бироқ буларнинг ҳаммасини бош бошқаради”¹.

А.Вормс юридик шахснинг бошқарув органлари жойлашган манзил мезонини “моҳият эътибори билан энг тўғри ва амалий нуқтаи назардан мақсадга мувофиқ мезон”², деб номлаган. Унинг фикрича, юридик шахснинг бошқарув органлари жойлашган ерда мазкур шахснинг хўжалик фаолияти ёки ҳеч бўлмаса ҳуқуқий ҳаёти мужассамлашади, энг муҳим юридик муносабатлар ўрнатади ва муаммолар ҳал қилинади, бу ерда юридик шахснинг нормал фаолиятдан манфаатдор бўлган шахслар яшайди ва ҳ.к. Бинобарин, “ушбу белги энг мустаҳкам ва амалда бўртиб намоён бўлувчи белгидир”³. Айни пайтда А.Вормс юридик шахснинг бошқарув органлари жойлашган ер ғаразли мақсадларни кўзлаб, уни аниқлашнинг нормал тартибига зид равишда (масалан, қонунни четлаб ўтиш, мол-мулкни солиқ органларидан яшириш ва шунга ўхшаш бошқа мақсадларда) ёки бошқа тасодифий сабабларга кўра танланишига, юридик шахснинг уставида кўрсатилган бошқарув органлари жойлашган манзил сохта бўлишига йўл қўйиш мумкин эмаслигини қайд этади. Юридик шахснинг бошқарув органлари жойлашган номинал ва ҳақиқий манзиллар ўртасида тафовут мавжуд бўлган ҳолда ҳақиқий домицил устунликка эга бўлиши лозим. Вормс фикрига кўра, бундай шароитларда юридик

¹ Брун М.И. Юридические лица в международном частном праве. – Пг., 1915. – 19-б.

² Вормс А. Национальность юридических лиц в международных договорах, заключенных РСФСР. // Материалы НКЮ. Выпуск XV. – М., 1922. – 11-б.

³ Уша ерда.

шахсининг бошқарув органлари жойлашган манзилларнинг кўп сонлилиги ёки унинг мутлақо ноаниқлиги ҳоллари бўлиши мумкин эмас ва юридик шахсининг бошқарув органи жойлашган мамлакат унинг фаолиятига самарали таъсир кўрсатиши мумкин.

Вормс амалда бир эмас, балки бир нечта мезонлар қўлланиши мумкин бўлган ҳолларни истисно этмаган. Аммо у бундай тузатишлар фақат мазкур юридик шахсни тавсифловчи барча белгилар мажмуини атрофлича ўрганиш асосида киритилиши мумкин, деб ҳисоблаган. Айни пайтда, “бундай ўрганиш чоғида доим шуни эътиборга олиш лозимки, унинг мақсади фақат юридик шахс ўз хўжалик манфаатларига кўра қайси мамлакат билан узвий боғлиқлигини, қайси ҳуқуқий тартибга уни бириктириш мақсадга мувофиқ эканлигини тўғри аниқлашдан иборат бўлиши даркор; аммо бу ўрганиш ўз олдига қўйилган вазифа чегарасидан четга чиқмасдан, ишнинг бошқа томонларига аралашини, чунончи: юридик шахс аъзоларининг эътиқодлари ва миллий симпатияларини, уларнинг яширин манфаатларини, яъни турли ҳуқуқ тизимларининг формал коллизиясини ечиш учун бевосита аҳамиятга молик бўлмаган омилларни аниқлаши мумкин эмас”¹.

Ўтроқлик мезони XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган. О.Сандрок қайд этишича, юридик шахсларнинг миллатини аниқлаш мазкур мезонининг пайдо бўлишига миллий давлат тўғрисидаги ғоялар ва бунинг натижаси ўлароқ – давлат юрисдикциясининг давлат ҳудудида жойлашган тузилмаларнинг барчасига татбиқ этилиши, фуқаролик институтининг пайдо бўлиши ва унинг юридик шахсларга қўлланиши замин яратган. Бинобарин, ўтроқлик назарияси “ҳозирги замон миллий давлатининг маҳсулидир”, деган хулосага келади О.Сандрок. “Юридик шахс фақат суверенни ва айнан ўз қароргоҳи устидан ҳокимиятни амалга оширувчини билиши лозим. Компания фақат бир суверен ҳукмига бўйсунини даркор. Агар у ўз суверени ҳукмидан ўз қароргоҳини чет элга кўчириш йўли билан халос бўлса, у шу тариқа ўз мавжудлигини ҳам йўқотади: бирон-бир бошқа хўжайин ҳукми остига ўтилиши мумкин эмас, бу ҳол ўз мавжудлигини йўқотиш билан баробардир”².

Бошқа томондан олиб қараганда, ўтроқлик назариясининг тарафдорлари унда энг аввало муҳофаза функциясини кўрадилар (айниқса ижтимоий қонунчиликнинг қўлланишига нисбатан). Б.Гроссфельд ва Т.Кениг қайд этганларидек, “ўтроқлик назарияси замирида миллий ҳуқуқни “бегона” таъсирлардан сақлаш ғояси ётади”³. Юридик шахсининг миллатини аниқлашнинг мазкур қондаси қўлланганида вужудга келувчи хоҳиш-ирода эркинлиги принципнинг чекланиши, Гроссфельд фикрига кўра, камчилик эмас, балки ижобий омил ҳисобланади. Бундан ташқари, ўтроқлик назарияси *ordre public* қўлланишини тақозо қилмайди, деб таъкидлайди олим⁴.

Шуни қайд этиш лозимки, юридик шахсларнинг миллатини унинг марказий бошқарув органлари жойлашган манзил бўйича аниқлаш мезони турли давлатларнинг қонунчилигида кенг тарқалган. Масалан, Австриянинг 1978 йил 15 июнда қабул қилинган “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги Федерал Қонунининг 10-параграфига мувофиқ, юридик шахсининг марказий бошқарув органи амалда жойлашган давлат ҳуқуқи юридик шахсининг ёки ҳуқуқлар ва бурчларга эга бўлиши мумкин бўлган шахслар ва мол-мулкнинг бошқа турдаги бирлашмаси қонуни ҳисобланади⁵.

Юридик шахсининг миллатини унинг марказий бошқарув органлари жойлашган манзил бўйича аниқлаш мезони Грециянинг 1940 йилги Фуқаролик кодексига⁶, Мисрнинг 1948 йилги Фуқаролик кодексига⁷ мустаҳкамланган. Тўғри, Миср қонунчилигида назарда тутилган қоидага мувофиқ, агар юридик шахс ўзининг асосий фаолиятини Мисрда амалга ошираётган бўлса, хорижий юридик шахсларнинг ҳуқуқий мақомига Миср қонуни қўлланилади. Шунга ўхшаш қоидалар 1992 йилги Яман Фуқаролик кодексининг 25-моддасида⁸ ва Бирлашган Араб Амирликларининг “Фуқаролик битимлари тўғрисида” 1985 йил Қонунининг 11-моддасида⁹ мустаҳкамланган.

Польшанин 1965 йилги “Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисида”ги Қонуни 9-моддасида юридик шахсининг ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати мазкур шахс жойлашган ердаги давлатнинг ҳуқуқи билан белгиланиши мустаҳкамланган. Юридик шахс ўз тadbиркорлик фаолияти доирасида битимларни амалга оширган ҳолда, унинг ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати унинг корхонаси жойлашган давлатнинг ҳуқуқи билан белгиланади¹⁰.

Португалиянинг 1966 йилги Фуқаролик кодекси 33-моддасига мувофиқ коллектив шахсининг шахсий қонуни сифатида унинг бошқарув органи амалда жойлашган давлатнинг қонуни амал қилади. Шахсий қонун билан қуйидагилар тартибга солинади: коллектив шахсининг ҳуқуқ лаёқати; коллектив шахс фаолияти, уни ташкил этиш ва унинг органларига тегишли ваколатлар; коллектив шахс иштирокчисининг тегишли ҳуқуқлар ва мажбуриятларни эгаллаш ва йўқотиш шартлари; коллектив шахсининг ҳамда унинг тегишли органлари ва аъзоларининг учинчи шахслар олдида жавобгарлиги; коллектив шахсни қайта ташкил этиш, уни тарқатиб юбориш ва тугатиш масалалари¹¹.

Руминиянинг 1992 йилги “Халқаро хусусий ҳуқуқ муносабатларини тартибга солиш хусусида”ги 105-сон қонунда мустаҳкамланган қоидага мувофиқ, юридик шахс ўз таъсис ҳужжатларига биноан ҳудудида унинг бошқарув органи жойлашган давлатнинг миллатига эга бўлади. Агар юридик шахсининг бошқарув органлари бир нечта давлатда жойлашган бўлса, унинг миллатини аниқлаш учун ҳақиқий бошқарув органи жойлашган ер ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Юридик шахсининг ҳақиқий бошқарув органи жойлашган

¹ Вормс А. Национальность юридических лиц в международных договорах, заключенных Р.С.Ф.С.Р. // Материалы НКЮ. Выпуск XV. – М., 1922. – 12–13-б.

² Sanrock O. Sitztheorie, Überlagerungstheorie und der EWG-Vertrag: Wasser, Öl und Feuer // Recht der Internationalen Wirtschaft (RIW). Heft 7. 1989. – 507-б.

³ Grosfeld B., König T. Das Internationale Gesellschaftsrecht in der Europäischen Gemeinschaft // RIW. Heft 6. – 434-б.

⁴ Қаранг: Staudinger J., Grosfeld B. Internationales Gesellschaftsrecht. 13. Auflage. 1993. – 9–10-б.

⁵ Қаранг: Журнал международного частного права. 1998. №1-2. – 50–60-б.

⁶ Қаранг: Международное частное право. Иностранное законодательство. – М.: Статут, 2001. – 289-б.

⁷ Ўша ерда. – 295-б.

⁸ Ўша ерда. – 343-б.

⁹ Ўша ерда. – 449-б.

¹⁰ Ўша ерда. – 470-б.

¹¹ Ўша ерда. – 483-б.

ер деганда, унинг устав фаолиятига раҳбарлик ва бошқарувни амалга оширувчи асосий орган жойлашган ер тушунилади. Бунда тегишли органнинг қарорлари бошқа давлатлардаги акциядорлар ёки иштирокчилар томонидан бериладиган кўрсатмаларга мувофиқ қабул қилиниши аҳамият эга эмас. Айни пайтда, бошқа давлатда қонуний таъсис этилган, мулкый мақсадларни кўзловчи хорижий юридик шахслар ҳам Руминияда тан олинади (1992 йилги Қонуннинг 43-моддаси)¹.

Ўтроқлик мезони Тайланд², Туркия³, Жанубий Корея⁴ қонунчилигида ҳам қўлланади.

Ўтроқлик назарияси Германиянинг ҳуқуқий назарияси ва амалиётида ҳам изчил қўллаб-қувватланади⁵. Айни пайтда Германия қонунчилигида хорижий юридик шахсларнинг миллатини аниқлаш қоидалари мавжуд эмас, ушбу муаммо билан боғлиқ масалаларнинг барчаси суд амалиётида ҳал қилинади. Агар хорижий ҳуқуққа биноан таъсис этилган компания маъмурияти Германияда жойлашган бўлса, бундай компаниянинг ҳуқуқ лаёқатини тан олиш рад этилиши мумкин. Борди-ю, компания Германия ҳуқуқига мувофиқ таъсис этилган, бироқ жойлашган манзили бошқа мамлакатда бўлса, унинг ҳуқуқ лаёқатини тан олиш ҳам рад этилиши мумкин. Ташкилотнинг, яъни шахслар уюшмаси ёки муассасанинг “ўтроқлиги” деганда, ё унинг маъмурий маркази жойлашган ер (der Verwaltungssitz), ё у ўз ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошираётган жой (der Betriebssitz) тушунилади⁶. Умуман олганда устунлик “ўтроқлик” тушунчасининг биринчи талқинига берилади, чунки у иккинчи белгига (яъни ишлаб чиқариш фаолиятини амалга ошириш жойига) қараганда ишончлироқ ва барқарорроқ белгидан келиб чиқади. Йирик корхона бир нечта ишлаб чиқариш корхоналарига эга бўлиши, бунда ишлаб чиқариш бир давлатдан бошқа давлатга осонгина кўчирилиши мумкин. Корхонанинг амалий маркази жойлашган ерни эса бошқа давлатга кўчириш осон иш эмас ва агар бу юз берса, Раапе фикрига кўра, “ўтроқлик”ни ўзгартириш муаммоси юзага келади. Аксарият ҳолларда шундай бўладики, деб қайд этади Раапе, корхонани бошқариш бир нечта жойда амалга оширилади, бироқ бундай ҳолларда марказий бошқарув органи қаерда жойлашганини аниқлаш имконияти ҳар доим мавжуд бўлади. “Албатта, корхонанинг уставда белгиланган жойлашган манзили эмас, балки унинг амалий маркази жойлашган ер ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади”⁷.

¹ Қаранг: Международное частное право. Иностранное законодательство. – М.: Статут, 2001. – 499-б.

² Қаранг: “Қонунлар конфликтлари тўғрисида”ги 1938 йил Қонунининг 7-параграфи // Международное частное право. Иностранное законодательство. – М.: Статут, 2001. – 553-б.

³ Қаранг: “Халқаро хусусий ҳуқуқ ва халқаро фуқаролик процесси тўғрисида” 1982 йилги 2675-сон Қонуннинг 8-моддаси. Тўғри, мазкур моддада гап уставга оид ўтроқлик ҳақида боради. Юридик шахснинг ҳақиқий бошқарув органи Туркияда жойлашган ҳолда, Туркия ҳуқуқи қўлланиши мумкин // Ўша ерда. – 576-б.

⁴ “Қонунлар коллизияси тўғрисида”ги 1962 йил Қонунининг 29-моддаси // Ўша ерда. – 718-б.

⁵ Қаранг: Раапе Л. Международное частное право. – М., 1960; Staudinger J., Grosfeld B. Internationales Gesellschaftsrecht. 13. Auflage. 1993.

⁶ Қаранг: Раапе Л. Международное частное право. – М., 1960. – 182-б.

⁷ Ўша ерда. – 183-б.

Ўтроқлик мезони, шак-шубҳасиз, улкан амалий аҳамият касб этади. Қонунни четлаб ўтиш ва ҳуқуқни суиистеъмол қилиш имкониятларининг олдини олиш ушбу мезоннинг шак-шубҳасиз афзаллиги ҳисобланади. У ёки бу ҳуқуқий тартиботга сунъий, формал-юридик бириктиришларни амалга оширмасдан, у юридик шахснинг давлатга мансублигини унинг фаолияти хусусиятларини ва энг аввало реал ҳужалик-иқтисодий боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда амалда белгилаш имкониятини беради. Бироқ, шунга қарамай, у асосий, боз устига, бирдан-бир мезон сифатида қабул қилиниши мумкин эмас.

Ҳатто ўтроқлик назариясининг издошлари ҳам маъмурий марказ (бошқарув маркази) жойлашган ер назарияси чет элда (масалан, солиқ имтиёзлари олиш имкониятидан келиб чиқиб – Лихтенштейнда) жойлашган манзили ўз ватанида бўлган тижорат компаниясини юридик шахс сифатида ташкил этишда қийинчиликларга олиб келиши мумкинлигини қайд этадилар: бундай ҳолда (агар гап Германия ҳақида бораётган бўлса) Германия ҳуқуқини қўллаш талаб этилади, бироқ унинг тижорат компанияларининг шакли ва ташкилий тузилмасига доир талаблари бундай юридик шахсга нисбатан амал қилмаган бўлар эди. Одатда бундай вазиятлар Германия ҳуқуқи бўйича ушбу компаниянинг ҳуқуқ лаёқатини тан олишни рад этиш билан яқунланади⁸.

Юридик шахсларнинг бошқарув органлари жойлашган манзилни аниқлаш айрим ҳолларда, хусусан ушбу юридик шахслар филиалларга эга бўлганда ёки корхоналарнинг қандайдир бирлашмаси таркибига кирганида, маълум қийинчиликлар туғдириши мумкин. Бундан ташқари, юридик шахс ўз шахсий мақомига эга бўлган бошқарувчи компания томонидан бошқарилиши мумкин.

Ўтроқлик назариясининг ҳатто унинг тарафдорлари томонидан ҳам қайд этилган асосий камчилиги юридик шахс ўз органларининг жойлашган ерини ўзгартириши мумкин эмаслиги ҳисобланади⁹.

Бунинг оқибати ўлароқ, ўтроқлик мезонининг қўлланиши рақобатни чеклайди, чунки у чет элда таъсис этилган фирмаларга ўзи бўлиб турган мамлакатда ўзининг самарали бошқарув тузилмасини ташкил қилиш, яъни О.Сандрок таъбири билан айтганда, “ички (миллий) бозорни стратегик жиҳатдан ўзлаштириш” имкониятини бермайди. “Ички бозорда фаолият олиб бормоқчи бўлган субъект корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириши лозим”¹⁰.

Юридик шахснинг миллатини унинг бошқарув органлари жойлашган манзил бўйича аниқлашнинг яна бир камчилиги интеграция жараёнларига унинг мослаштирилмаганлиги ҳисобланади, шу туфайли ҳам миллатни аниқлашнинг мазкур қайдаси тарафдорлари у муваққат хусусиятга эга бўлиши мумкинлигини истисно этмайдилар¹¹.

Демак, амалга оширилган таҳлиллар юридик

⁸ Қаранг: Кох Х., Магнус У., Винклер фон Моренфельс. Международное частное право и сравнительное правоведение. Пер. с нем. Юмашева Ю.М. – М.: Международные отношения, 2001. – 218-б.

⁹ Қаранг: Staudinger J., Grosfeld B. Internationales Gesellschaftsrecht. 13. Auflage. 1993. – 12-б.

¹⁰ Sanrock O. Sitztheorie, Überlagerungstheorie und der EWG-Vertrag: Wasser, Öl und Feuer // Recht der Internationalen Wirtschaft (RIW). Heft 7. 1989. – 507-б.

¹¹ Қаранг: Staudinger J., Grosfeld B. Internationales Gesellschaftsrecht. 13. Auflage. 1993. – 435-б.

шахснинг миллатини белгилашдаги мазкур назария иқтисодий манфаатларига мос эканлиги боис асосан иқтисодиёти ва ҳуқуқи ривожланган хорижий мамлакатлар қонунчилигида қўлланилишидан далолат беради.

Ш.Хабибов

ТДЮИ стажер-тадқиқотчи-изланувчиси

МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

Ҳозирги бозор муносабатлари шароитида мамлакатимизда ва бошқа чет давлатларида ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахсларнинг энг кўп тарқалган ҳуқуқий шаклларида бири – бу масъулияти чекланган жамиятлар ҳисобланади.

Масъулияти чекланган жамият (МЧЖ) иштирокчилари сони чекланган ва зарар кўриш хавфи чегараланган ҳўжалик жамиятининг бир тури бўлиб, у асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ўртасида кўп тарқалган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш бугунги кунда нафақат соф иқтисодий-ҳуқуқий, балки муҳим ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик масала ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримов мазкур масалага эътибор қаратиб "...ўрта синф юртимизда амалга оширилаётган ислохотларимизни янада чуқурлаштиришдан, мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланишидан энг кўп манфаатдордир. Шу боис кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда".¹

Иқтисодий ислохотларни эркинлаштиришнинг ҳозирги даврида МЧЖ тадбиркорлик фаолияти субъектлари учун энг мақбул бўлган тижорат ташкилоти ҳисобланади. МЧЖ иштирокчилари тадбиркорлик фаолиятида бевосита иштирок этишлари мумкин, унинг иштирокчиларининг ўзгаришини назорати имкониятига эгадир.

Масъулияти чекланган жамияти тўлиқ ширкат ва акциядорлик жамиятлари ўртасидаги боғловчи сифатида юзага келган бўлиб, у ўзида ширкат ва акциядорлик жамиятларига хос хусусиятларини мужассам этган. Акциядорлик жамиятлари ўзида йирик сармояни (капитал) ни бирлаштиради, МЧЖ эса ўзида кичик сармояларни бирлаштиради.

Масалан, "80-йиллар охирида ГФР да 400 мингдан ортиқ масъулияти чекланган жамиятлари мавжуд бўлиб, уларнинг тахминан 80 фоизи 100 минг маркдан кам сармоя (капитал) га эга бўлган бўлса, фақат 4 фоизинигина устав капитали 1 млн. маркдан ортиқ бўлган. Шу даврда акциядорлик жамиятларинг ўртача капитали 50 млн. маркни ташкил этган. Худди шу йилларида Францияда ҳам масъулияти чекланган жамиятлари сал кам 400 мингтани ташкил этган. Акциядорлик жамиятлари сони масъулияти чекланган жамиятларидан анчагина кам бўлса ҳам, МЧЖ

¹ И.Каримов. Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилдир. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // Маҳалли газетаси. 2010 йил 8 декабрь.

ларининг маблағ айланмаси АЖ лариникидан олти баробарга кам бўлган.¹

Масъулияти чекланган жамиятлар асосан континентал ҳуқуқ тизими ҳосдир. Англия ва АҚШ тузилиш жиҳатидан акциядорлик жамиятларига яқин бўлган “компания”лар ва масъулият чекланган жамиятларига ўхшаш “ёпиқ корпорация”лар кенг тарқалган. Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисидаги ҳуқуқ нормалари илк бор Германиянинг 1898 йилда қабул қилинган «Масъулияти чекланган ширкатлар тўғрисида» ги қонунда ўз аксини топди.²

Фуқаролик кодексида юридик шахслар тўғрисидаги ҳуқуқий нормаларнинг уч тури баён этилган: алоҳида ва барча турдаги юридик шахсларга тўғридан тўғри тадбиқ этиладиган умумий нормалар, махсус қонунларга ҳавола қилинган ҳолатда алоҳида ташкилий-ҳуқуқий шаклга эга юридик шахслар тадбиқ этиладиган умумий нормалар ва тўғридан-тўғри тор доирадаги корхоналарга тадбиқ этиладиган махсус қоидалар кўрсатилган нормалар. Масъулияти чекланган жамият фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишда Фуқаролик кодексининг барча турдаги юридик шахсларга тадбиқ этиладиган ва махсус қонунлар билан белгиланадиган нормалари тадбиқ этилади.³

Масъулияти чекланган жамиятларнинг фаолияти биринчи навбатда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, 2001 йил 06 декабрь куни қабул қилинган “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида” ги қонун ва бошқа қонун ва қонуности актлари билан тартибга солинади. Масъулияти чекланган жамиятлар ва кўшимча масъулиятли жамиятлар ушбу қонунлар ва ўзининг таъсис ҳужжатлари асосида фаолият юритадилар.

Ўзбекистон Республикасининг “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида” ги қонунининг 3-моддасига асосан “Бир ёки бир неча шахс томонидан таъсис этилган, устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорларда улушларга бўлинган ҳўжалик жамияти масъулияти чекланган жамият деб ҳисобланади.”

Масъулияти чекланган жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади.

Масъулияти чекланган жамияти бошқа юридик шахслар сингари қуйидаги умумий ва ўзига хос хусусиятларига эга. Ушбу хусусиятлар МЧЖ ларнинг бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ўрни ва аҳамиятини очиқ беришда кўмаклашади.

Биринчидан, МЧЖ тижорат ташкилоти бўлиб, фаолиятининг асосий мақсади фойда олиш ва иштирокчилари ўртасида тақсимлашдир. Тижорат ташкилотлари юридик шахс бўлиб, МЧЖда ҳам юридик шахснинг барча хусусиятлари мавжуддир. Хусусан, ўзининг мустақил балансида алоҳида мол-мулкига эга,

ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла олади, уларни амалга оширади ва мажбуриятларини бажаради, судда даъвогар ва жавобгар бўлади. Жамият⁴ тижорат ташкилоти сифатида қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай фаолият турларини амалга ошириши мумкин. Лекин, айрим фаолият турлари билан жамият фақат лицензия олгандан сўнггина шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай фаолият турлари қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Шунингдек, қонунчиликда маълум бир фаолият билан шуғулланувчи юридик шахс лицензия олган даврда бошқа фаолият тури билан шуғулланиши таъқиқлаб қўйилиши мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг “Банк ва банк фаолияти тўғрисида” ги қонунининг 4-моддасига асосан “Банклар бевосита ишлаб чиқариш, савдо ва сўғурта фаолияти билан шуғулланишга ҳақли эмаслар”.⁵

Иккинчидан, МЧЖ – тадбиркорлик фаолияти юритиш учун маблағларни бирлаштирадиган ҳўжалик жамиятидир, унда ишлаб чиқариш кооперативларидан фарқли ўлароқ таъсисчиларнинг шахсий иштироки талаб этилмайди. Ишлаб чиқариш кооперативларида эса биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа ҳўжалик фаолият олиб боришлик учун фуқароларнинг шахсий иштироки талаб этилади (Фуқаролик кодекси 69-модда).⁶

Учинчидан, жамият бир ёки ундан ортиқ жисмоний ва (ёки) юридик шахс томонидан таъсис этилиши мумкин. Акциядорлик жамиятларидан фарқли ўлароқ МЧЖлари бир-бирини яхши биладиган, ўз маблағларини бирлаштириб, ҳамкорликда фойда олишни кўзлаган шахслар томонидан тузилади. Қонун⁷ жамият иштирокчиларининг сони эллик кишидан ошмаслиги лозимлигини назарда тутди.

Жамият бир шахс томонидан ҳам таъсис этилиши мумкин бўлиб, у жамиятнинг ягона иштирокчисига айланади. Жамият бир шахс томонидан ташкил этилганда, унинг ягона иштирокчиси бўлган шахс жамият фаолияти билан боғлиқ асосий масалаларни ҳал этишда мутлоқ ваколатларга эга бўлади. Жамият бир шахс томонидан ташкил этилишида бир қатор қалтисликлар мавжудки, бу жамият фаолиятига жиддий таъсир этиши мумкин. Масалан, жамиятнинг ягона иштирокчиси бўлган юридик шахс банкрот бўлганда унинг кредиторлари олдидаги қарзи юзасидан жамият (ўзининг кредиторлари билан ҳисоблашгандан сўнг) барча мол-мулки билан жавоб беришига, охир оқибат тугатилишига ҳам олиб келиши мумкин. Агарда ушбу ҳолатда жамият ўн нафар иштирокчидан иборат бўлса, битта иштирокчининг банкротлиги жамиятга унчалик катта “ташвиш” туғдирмайди. Шунингдек, жамият ягона иштирокчиси бўлган жисмоний шахс бедерак йўқолганда, озодликдан маҳрум этилганда, жамиятнинг кейинги тақдири “ноаниқ” қолиши мумкин. Шунинг учун қонунда жамият ягона иштирокчи сифатида бир шахсдан

¹ Акционерное общество и товарищество с ограниченной ответственностью: сборник зарубежного законодательства. Сост., отв. ред. и автор вступительной статьи проф. В.Туманов. – М.: БЕК, 1995. Ст. VII.

² “Акционерное общество и товарищество с ограниченной ответственностью: сборник зарубежного законодательства. Сост., отв. ред. и автор вступительной статьи проф. В.Туманов. – М.: БЕК, 1995. Ст. IX

³ Д.Степанов. Общество с ограниченной ответственностью: законодательство и практика // Хозяйство и право. – 2000. – № 12. – С. 54.

⁴ *Изоҳ*: “Жамият” деганда матнда бундан кейин масъулияти чекланган жамият назарда тугилади.

⁵ Ўзбекистон Республикасининг 25.04.1996 йилдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги қонунининг 4-моддаси.

⁶ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси 69-моддаси.

⁷ *Изоҳ*: “Қонун” деганда матнда бундан кейин Ўзбекистон Республикасининг 06.12.2001 йилдаги “Масъулияти чекланган ҳамда кўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида” ги қонуни тушунилади.

иборат бошқа хўжалик жамиятига эга бўлиши мумкин эмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.

Туртинчидан, жамият ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан ҳуқуқларни олиши, мажбуриятларга эга бўлиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин. Жамият унинг иштирокчилари томонидан пул, қимматли қоғозлар, ўзга ашёлар ёки мулкий ҳуқуқлар ўтказилиши натижасида юзага келган, тадбиркорлик фаолияти давомида орттирилган ўз мулкига эга бўлиб, унинг иштирокчиларида ушбу мулкка нисбатан эгаллик ҳуқуқи эмас, балки талаб қилиш ҳуқуқи мавжуддир. Яъни, жамият иштирокчиси томонидан киритилган ва жамият фаолияти давомида қўлга киритилган мулк, унинг бевосита тасарруфиди бўлмай, балки унинг жамиятдан чиқиш вақтида ёки жамият тугатилганда, ушбу мулкка нисбатан ўз улушига мутаносиб равишда тасарруф этиш ҳуқуқи вужудга келади.

Бешинчидан, жамият устав фонди (устав капитали) таъсис ҳужжатлари билан белгиланган миқдорларда улушларга бўлинган. Улушларнинг қиймати қатъий белгилаб қўйилмаган бўлиб, қонунчиликда жамият устав фондининг энг кам миқдори белгиланган бўлиб, унинг юқори қисми чегараланмаган. Қонунга киритилган сўнги ўзгаришларга кўра, жамият устав фонди энг кам ойлик иш ҳақининг қирқ баробаридан кам бўлмаслиги лозим.

Қонунда шунингдек, жамият иштирокчиси ўз ҳиссасини устав фондига бирданига эмас, балки бир йилдан ошмайдиган, таъсис шартномаси ва устав фонди белгиланган муддатда киритилиши мумкинлиги назарда тутилган. Лекин, жамият давлат рўйхатидан ўтказиладиган пайтга қадар унинг ҳар бир иштирокчиси таъсис ҳужжатларида кўрсатилган жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз ҳиссасининг камида ўттиз фоизини киритиши шарт.

Жамият иштирокчисининг жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) улушининг миқдори фоизларда ёки каср кўринишида белгиланади. Иштирокчиларнинг улушлари тенг бўлиши ёки нотенг бўлиши мумкин. Устав фондидаги улушларнинг қиймати қатъий белгилаб қўйилмаган бўлиб, улушлар сони иштирокчилар сонига тенг бўлади. Акциядорлик жамиятларида эса улушлар миқдори тенг бўлиб, улушлар (акциялар) сони акциядорлар сонидан кўп бўлиши мумкин.

Шахс уставда назарда тутилган миқдорда ва тартибда улуш қўшганда ёки бундай мажбурият олган жамият аъзосига (иштирокчисига) айланади. Жамият иштирокчисининг устав фондидаги улуши миқдори унинг жамиятга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳажмини белгилайди. Масалан, жамият иштирокчисининг улуши қанча юқори бўлса унга шунча жамият уставига ҳисса қўшиш мажбурияти юклатилади, ўз навбатида унинг жамият фойдасидан оладиган улуши ҳам юқори бўлади. Жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишида жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) ўз улушига мутаносиб овозлар сонига эга бўлади.

Масъулияти чекланган жамиятнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бу унинг уставда жамиятнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушдан (улушнинг бир қисмидан) жамиятнинг иштирокчилари ёки учинчи шахслар фойдасига воз кечиш, улушнинг (улуш бир қисмининг) меросхўрларига ёки ҳуқуқий ворисларига ўтиши ёхуд тугатилаётган юридик

шахснинг иштирокчилари ўртасида улушнинг (улуш бир қисмининг) тақсимланиши учун жамият иштирокчиларининг розилигини олиш зарурлиги назарда тутилган бўлиши мумкин (Қонуннинг 20-моддаси).

Олтинчидан, жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлмайдилар, ўз навбатида жамият ҳам ўз иштирокчиларининг мажбуриятлари юзасидан жавоб бермайди.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, бундай жамиятга “масъулияти чекланган жамият” номи берилиши қандайдир маънода ноўрин бўлса керак. Чунки, МЧЖ ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли барча мол-мулк билан тўлиқ жавобгар бўлади. “Масъулияти чекланган” деган сўз жамият иштирокчиларининг жавобгарлик доирасидан келиб чиққан ҳолда ишлатилган. Жамият иштирокчилари жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун ўзлари қўшган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар бўладилар. Лекин, қонунчиликда баъзи бир мустаснолар мавжуд. Жумладан, масъулияти чекланган жамиятнинг ўз ҳиссасини тўла қўшмаган иштирокчилари жамият мажбуриятлари бўйича ҳар бир иштирокчи ҳиссасининг тўланмаган қисмининг қиймати доирасида солидар жавобгар бўладилар. Бундай жавобгарлик субъектлари бўлиб, устав фондига ўз ҳиссаларини тўлиқ қўшмаган барча жамият иштирокчилари ҳисобланадилар.

Ушбу ҳолатда, устав фондига ўз ҳиссаларини тўлиқ қўшмаган жамият иштирокчиси жамият олдида эмас балки жамият кредиторлари олдида жамият мажбуриятлари бўйича жавобгар бўлади. Лекин, жамият бундай иштирокчидан мажбуриятини бажарилиши яъни уставда назарда тутилган қийматда ва усулларда ҳамда муддатларда иштирокчи ҳиссасининг тўланишини талаб қилиш ҳуқуқи эгадир.

Юқоридаги қоида мажбурий характерга эга бўлиб, ҳеч бир ҳолатда четлаб ўтилишига йўл қўйилмайди. Уставда жамият иштирокчиси томонидан қўшилмаган ҳиссалардан воз кечилишини, камайтирилишини назарда тутувчи қоидалар ўрнатилиши мумкин эмас.

Шунингдек, жамиятнинг банкротлиги иштирокчи сифатидаги шахснинг айби туфайли вужудга келган бўлса, жамиятнинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидияр жавобгарлик юклатилиши мумкин. Қонун ҳужжатларига асосан бундай жавобгарликка олиб келувчи қуйидаги омиллар мавжуд бўлиши лозим: жамият суд қарори асосида банкрот деб эътироф этилиши; жамият иштирокчиси жамият учун мажбурий кўрсатма бериш ҳуқуқи мавжудлиги; айнан шундай кўрсатма берилиши натижасида тўловга қобилиятсизликни юзага келганлиги; мажбуриятларни бажариш учун жамият мол-мулки етарли эмаслиги ҳамда жамият иштирокчисининг айбли ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги.

Агарда Россия ва Франция қонунчилигига назар ташлайдиган бўлсак, уларда жамият иштирокчиларининг бошқа ҳолатларда ҳам жавобгарлиги назарда тутилган. Жумладан, ушбу давлатлар қонунчилигига асосан жамиятнинг устав фондига қўшиладиган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳоси жамият иштирокчилари ёки мустақил баҳоловчи ёхуд тафтишчилар томонидан унинг ҳақиқий қиймати номуносив равишда баҳоланган тақдирда уларнинг маълум бир давр мобайнида жавобгарлиги назарда

тутилган¹. Лекин, бизнинг миллий қонунчилигимизда жамият иштирокчиларининг бундай ҳаракатлари учун жавобгарлик белгиланмаган. Бизнинг қонунга асосан жамиятнинг иштирокчилари ва жамиятга қабул қилинадиган учинчи шахслар томонидан жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) қўшилаётган пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳосини тасдиқлаш ваколати жамият иштирокчилари умумий йиғилишига берилган бўлиб, уларда пулсиз ҳиссаларнинг пул баҳосини тасдиқлаш жараёнида устав фонди миқдорини сунъий равишда ошириш каби манфаатдорлик юзага келиши мумкин. Бу эса ўз навбатида жамият кредиторларига зарар келтириши мумкин.

Еттинчидан, жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқа юридик шахсларнинг муассиси бўлишга ёки уларнинг устав фондига (устав капиталига) бошқача тарзда иштирок этишга, ваколатхоналар ва филиаллар тузишга ҳақлидир.

Саккизинчидан, жамият ўз бошқарув тузилмасига эга. Қонунда жамиятнинг бошқарув органлари доираси белгиланган бўлиб, жамият иштирокчиларига энг қулай бўлган бошқарув органларини танлаш имконияти берилган. Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши жамият бошқарувининг олий органи ҳисобланади. Жамиятнинг уставига жамиятнинг кузатув кенгашини тузиш назарда тутилиши мумкин. Жамиятнинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи томонидан ёки жамиятнинг коллегиял ижро этувчи органи томонидан амалга оширилади. МЧЖ да ҳам акциядорлик жамиятлари каби жамиятга аъзолиги унинг бошқарувида иштирок этиш мажбуриятини билдирмайди. Жамиятнинг директори ёки коллегиял ижро этувчи органи аъзолари жамият иштирокчилари бўлмасликлари ҳам мумкин.

Тўққизинчидан, юридик шахснинг хусусиятларидан бири бу унинг таниқлилик белгиси бўлган - ўз номига эга бўлишидир. Жамият давлат тилидаги ва бир вақтда жамиятнинг ихтиёрига биноан бошқа тиллардаги тўлиқ фирма номига эга бўлиши лозим ва қисқартирилган фирма номига эга бўлишга ҳақлидир.

Масъулияти чекланган жамиятнинг тўлиқ фирма номи жамиятнинг тўлиқ номини ва "масъулияти чекланган жамият" сўзларини ўз ичига олиши керак. Масъулияти чекланган жамиятнинг қисқартирилган фирма номи унинг тўлиқ ёки қисқартирилган номини ҳамда "масъулияти чекланган жамият" деган сўзларни ёки МЧЖ аббревиатурасини ўз ичига олиши керак.

Жамиятнинг фирма номи унинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини акс эттирувчи, шу жумладан чет тиллардан ўзлаштирилган бошқа атамалар ва аббревиатураларни, агар қонунларда бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, ўз ичига олиши мумкин эмас (Қонуннинг 6-моддаси).

Чет элликлар иштирокида ташкил этилаётган жамиятнинг фирма номига унинг муассислари қайси давлатга мансублигини кўрсатувчи қайд киритилиши мумкин. Масалан, "Шарқ неъматлари" масъулияти чекланган жамият шаклидаги Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси.

Жамиятнинг жойлашган манзили унинг давлат рўйхатидан ўтказилган жойига қараб белгиланади.

Жамиятнинг таъсис ҳужжатларида унинг бошқарув органлари доимий жойлашган ер ёки унинг асосий фаолияти юртиладиган жой жамиятнинг жойлашган манзили деб белгиланиши мумкин. Жамият у билан алоқа амалга ошириладиган почта манзилига эга бўлиши лозим ва юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органни ўзининг почта манзили ўзгаргани тўғрисида хабардор қилиши шарт.

Жамият тўлиқ фирма номи давлат тилида ифодаланган ва жамиятнинг жойлашган манзили кўрсатилган думалоқ муҳрга эга бўлиши керак. Жамиятнинг муҳрида унинг фирма номи жамиятнинг ихтиёрига биноан бошқа тилларда ҳам ифодаланиши мумкин. Жамият ўзининг фирма номи ёзилган штамплари ва бланкаларига, ўз эмблемасига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатга олинган товар белгисига ва бошқа ўз белги-аломатларига эга бўлишга ҳақлидир.

Жамият ўз номидан фойдаланишда мутлоқ ҳуқуқларга эга бўлиб, унинг номидан ноқонуний равишда фойдаланганлардан бундай фойдаланишини тўхтатилишини ва етказилган зарарни қопланилиши талаб қилиши мумкин.

¹ Федеральный Закон РФ "Об обществах с ограниченной ответственностью" от 08 февраля 1998 г. Ст.15., Закон Франции №66-537 "О торговых товариществах" от 24.06.1966 г. Ст. 40.

Ш.М.Машарипов
ТДЮИ тадқиқотчиси

ТАБИЙ РЕСУРСЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ВА МУҲОҒАЗА ҚИЛИШДА ЭКОЛОГИК ТАЛАБЛАРГА ДОИР ХАЛҚАРО ТАЖРИБА

Экологик талабларни ҳуқуқий таъминлашга оид халқаро тажрибани ўрганиш миллий қонунчилгимизни такомиллаштириш учун хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Шу нуқтаи назардан айрим мамлакатлар экологик қонунчилигида экологик талаблар белгиланишининг ҳуқуқий ҳолатини ўрганиб чиқсак.

Хусусан, Россия Федерациясининг 2002 йил 10 январдаги “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Федерал қонунида атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар (табиатни муҳофаза қилиш талаблари)га – хўжалик ва бошқа фаолиятга нисбатан қонунларда, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, табиатни муҳофаза қилиш меъёрларида ва бошқа атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда белгиланган мажбурий шартлар, чекловлар ёки уларнинг мажмуи сифатида таъриф берилган¹.

Шунингдек, Россия Федерациясида давлат ҳокимият органларининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш муносабатлари соҳасидаги ваколатларидан бири сифатида атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талабларни белгилаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги меъёрлар ва бошқа норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш белгиланган (5-модда).

Юқоридаги Қонуннинг 12-моддасида жамоат ва бошқа нотижорат бирлашмалар атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолият олиб борганда атроф муҳитни муҳофаза қилиш талабларига риоя этишлари лозимлиги кўзда тутилган.

Унинг 20-моддасида эса, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида меъёрлар ишлаб чиқишга нисбатан талаблар белгиланган. Унга мувофиқ, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида меъёрлар ишлаб чиқиш ўз ичига: атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида меъёрларни асослашга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини ўтказишни; белгиланган тартибда экспертиза ўтказиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида меъёрларни тасдиқлаш ва эълон қилиш; атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида меъёрларни ишлаб чиқиш ёки қайта кўриб чиқиш учун асосларни белгилаш; атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида меъёрларга риоя этиш ва қўллаш устидан назоратни амалга ошириш; атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида меъёрларнинг ягона ахборот базасини шакллантириш ва юритиш; атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида меъёрларни қўллашнинг иқтисодий, ижтимоий ва экологик оқибатларини баҳолаш ва прогноз қилишни қамраб олади.

Қонуннинг 29-моддасида эса, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида норматив ҳужжатларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланган бўлиб, унга мувофиқ, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар билан хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга оширишда риоя этилиши мажбурий бўлган тегишли назорат усулларига мувофиқ бўлган атроф муҳит

соҳасидаги иш, хизматларга нисбатан мажбурий талаблар; атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатувчи хўжалик ва бошқа фаолиятга нисбатан чеклов ва шартлар; атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида фаолиятни ташкил этиш ва бундай фаолиятни бошқариш тартиби белгиланади. Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар халқаро қоида ва стандартларнинг илмий-техник ютуқлари ва талабларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилади.

Умуман олганда Россия Федерациясининг “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Федерал қонунининг экологик талабларга оид норматив қоидаларини ўрганиш асосида, унда экологик талабларнинг қуйидаги турлари белгиланганлиги тўғрисидаги хулосага келишимиз мумкин:

1) фуқароларнинг экологик мажбуриятлари – фуқаролар табиат ва атроф муҳитни сақлашлари; табиат ва табиат бойликларига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишлари; қонунчиликнинг бошқа талабларига риоя этишлари лозим (11-модда);

2) атроф муҳит соҳасидаги меъёрлар – атроф муҳит соҳасида меъёрлаш хўжалик ва бошқа фаолиятнинг атроф муҳитга таъсирини давлат томонидан тартибга солиш орқали қулай атроф муҳитни сақлашни кафолатлаш ва экологик хавфсизликни таъминлаш мақсадида амалга оширилади. Атроф муҳит соҳасида меъёрлаш атроф муҳит сифати меъёрларини, хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга оширишда атроф муҳитга таъсирнинг йўл қўйиладиган даражасини, атроф муҳит соҳасидаги бошқа меъёрларни белгилаш, шунингдек, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида норматив ҳужжатларни қабул қилиш орқали амалга оширилади (5-боб);

3) хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга оширишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар – атроф муҳитга бевосита ёки билвосита салбий таъсир кўрсатувчи бино, иншоот, қурилма ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, қайта таъмирлаш, ишга тушириш, ишлатиш, консервация ва ликвидация қилиш атроф муҳит муҳофаза қилиш соҳасидаги талабларга асосан амалга оширилади (7-боб). Бунда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий муҳитни тиклаш, табиий ресурслардан оқилona фойдаланиш ва қайта тиклаш, экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар кўзда тутилиши лозим. РФ юқоридаги Қонунида бундай талабларнинг 20 та тури кўзда тутилган бўлиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида модда бағишланган (35-55-моддалар): бино, иншоот, қурилма ва бошқа объектларни жойлаштиришда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; бино, иншоот, қурилма ва бошқа объектларни лойиҳалаштиришда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; бино, иншоот, қурилма ва бошқа объектларни қуриш ва қайта таъмирлашда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; бино, иншоот, қурилма ва бошқа объектларни ишга туширишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; энергетика объектларини жойлаштириш, лойиҳалаш, лойиҳалаштириш, қуриш, ишга туширишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; ҳарбий ва мудорфаа

¹ Федеральный закон Российской Федерации “Об охране окружающей среды” от 10 января 2002 года N 7-ФЗ.

объектларини, қурол ва ҳарбий техникани жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, ишга туширишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; қишлоқ хўжалиги объектларини ишлатишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; ер мелиорациясида, мелиортив тизимлар ва алоҳида гидротехник қурилмаларни лойиҳалаштириш, қуриш, қайта таъмирлаш, ишга тушириш ва ишлатишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; шаҳар ва қишлоқ пунктларини жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, қайта таъмирлашда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; автомобил ва бошқа транспорт воситаларини ишлаб чиқариш ва ишга туширишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; нефт-газ қазиб олиш, нефть, газ ва уларни қайта ишлаш асосида олинган маҳсулотларини қайта ишлаш, жўнатиш, сақлаш ва реализация қилиш объектларини жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, қайта таъмирлаш, ишга тушириш ва ишлатишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; хавфли кимёвий моддаларни, шу жумладан, радиоактив, бошқа модда ва микроорганизмларни ишлаб чиқариш, муомала қилиш ва зарарсизлантиришда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; радиоактив моддалар ва ядровий материаллардан фойдаланишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида кимёвий моддалардан фойдаланишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; атроф муҳитни салбий биологик таъсирдан муҳофаза қилиш; ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари билан муомала қилишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; ҳимоя ва муҳофаза зоналарини белгилашда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; мулкни хусусийлаштириш ва миллийлаштиришда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; атмосферанинг озон қатламни муҳофаза қилиш; атроф муҳитни салбий физикавий таъсирдан муҳофаза қилиш;

4) табиат объектларини муҳофаза қилиш бўйича талаблар – алоҳида табиатни муҳофаза қилиш, илмий, тарихий-маданий, эстетик, рекреация, соғломлаштириш ва бошқа қимматли аҳамиятга эга бўлган табиат объектларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг алоҳида талаблари белгиланади (9-боб).

Беларусь Республикасининг 1992 йил 26 ноябрдаги “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни¹ 1-моддасида асосий тушунчалардан бири сифатида атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар тушунчасига таъриф берилган. Унга кўра, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар (табиатни муҳофаза қилиш талаблари, экологик хавфсизлик талаблари) – қонунлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шу жумладан техник норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги меъёрларда хўжалик ва бошқа фаолиятга нисбатан белгиланган мажбурий шартлар, чекловлар ёки уларнинг мажмуидир.

Беларусда хўжалик ва бошқа фаолиятнинг табиий муҳитга атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги

талабларни ҳисобга олган ҳолда таъсир кўрсатишига йўл қўйилиши атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг асосий принципларидан бири сифатида белгиланган (4-модда).

Умуман олганда, Беларусь Республикасининг 1992 йил 26 ноябрдаги “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунининг экологик талабларга оид норматив қоидаларини ўрганиш асосида, унда экологик талабларнинг қуйидаги турлари белгиланганлиги тўғрисидаги хулосага келишимиз мумкин:

1) атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг асосий принциплари – юқоридаги Қонунда (4-модда) хўжалик ва бошқа фаолиятнинг табиий муҳитга атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талабларни ҳисобга олган ҳолда таъсир кўрсатишига йўл қўйилиши; хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошираётган ёки уни режалаштирилаётган юридик шахслар ва фуқароларга нисбатан атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талабларни белгилашда интеграциявий ва индивидуал ёндашувнинг таъминланиши; режалаштирилаётган хўжалик ва бошқа фаолиятнинг экологик хавфлилик презумпцияси; хўжалик ва бошқа фаолиятнинг атроф муҳитга зарарли таъсирини қўллаш мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий омилларни ҳисобга олган ҳолда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар бажарилишини таъминловчи энг яхши техник усул ва технологиялардан фойдаланиш ҳисобига камайтириш; табиий экологик тизимларнинг деградациясига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари ирсий фонднинг ўзгариши ва (ёки) йўқ бўлишига, табиий ресурсларнинг тугашига ва бошқа атроф муҳитга салбий ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин бўлган хўжалик ва бошқа фаолиятни таъқиқлаш каби бир қатор экологик талабларни кўзда тутувчи принциплар белгилаб қўйилган;

2) фуқаролар ва жамоат бирлашмаларнинг мажбуриятлари – юқоридаги Қонунда фуқароларнинг қуйидаги мажбуриятлари белгиланган (12-модда): Беларусь Республикасининг атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилигига риоя этиш; атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва асраб-авайлаш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш; чиқиндилар билан муомала қилиш соҳасидаги талабларни бажариш; ёнғин хавфсизлиги талабларини бажариш; ов ва балиқчилик қоидаларига риоя қилиш; хоналарда, кўчаларда, ҳовлиларда, боғдорчилик хўжаликлари (ширкатлари) ҳудудларида, дам олиш ва бошқа жамоат жойларида маиший шовқинга қарши кураш мақсадида белгиланган талабларни бажариш; атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини амалга ошираётган давлат органлари ва мансабдор шахсларининг кўрсатмаларини бажариш. Жамоат бирлашмалари ҳам атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талабларга риоя этиш мажбуриятига эгадирлар (15-модда);

3) атроф муҳит соҳасида меъёрлаш – атроф муҳит соҳасида меъёрлаш хўжалик ва бошқа фаолиятнинг атроф муҳитга таъсирини давлат томонидан тартибга солиш орқали қулай атроф муҳитни сақлашни кафолатлаш ва экологик хавфсизликни таъминлаш мақсадида амалга оширилади (18-модда). Атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида меъёрлаш атроф муҳит сифати меъёрларини, атроф муҳитга таъсирнинг йўл қўйиладиган меъёрларини, табиатдан фойдаланиш лимитларини, шунингдек, атроф муҳитни муҳофаза

¹ Закон Республики Беларусь “Об охране окружающей среды” от 26 ноября 1992 г. № 1982-XII.

қилиш соҳасида бошқа меъёрларни белгилаш орқали амалга оширилади. Беларусь Республикасида атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги меъёрларнинг қуйидаги турлари белгиланган: атроф муҳит сифати меъёрлари, атроф муҳитга таъсирнинг йўл қўйиладиган даражасини белгилайдиган меъёрлар, кимёвий ва бошқа моддалардан иборат чиқинди ва ахлатларни чиқаришнинг йўл қўйиладиган меъёрлари, ишлаб чиқариш чиқиндиларини ҳосил бўлиш меъёрлари, физикавий таъсирнинг йўл қўйиладиган меъёрлари, табиий ресурсларни олишнинг йўл қўйиладиган меъёрлари, атроф муҳитга антропоген таъсирнинг йўл қўйиладиган меъёрлари, табиатдан фойдаланиш лимитлари, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқа меъёрлар, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги техник норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, экологик сертификатлаш;

4) атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар – юридик шахслар ва якка тадбиркорлар бино, иншоот, қурилма ва бошқа объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, қайта таъмирлаш, ишга тушириш, ишлатиш, консервация қилиш, қайта монтаж қилиш ва бузишда атроф муҳитнинг қулай ҳолатини таъминлашлари, шу жумладан қуйидагиларни таъминлашлари лозим: атроф муҳитни сақлаш, қайта тиклаш ва (ёки) соғломлаштириш; атроф муҳитга салбий таъсирни камайтириш (олдини олиш); қўллаш мумкин бўлган энг яхши техник усуллар, кам чиқитли, энергия ва ресурсларни тежайдиган технологиялардан фойдаланиш; табиий ресурслардан оқилана (барқарор) фойдаланиш; авария ва бошқа фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш; атроф муҳитга етказилиши мумкин бўлган зарарни қоплашнинг моддий, молиявий ва бошқа чораларини кўришлари; атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича режалаштирилаётган чора-тадбирларни бажаришнинг молиявий кафолатлари.

Беларусь Республикаси Қонунида ҳам РФ Қонунидаги сингари алоҳида моддалард бир қатор фаолият турлари учун талаблар кўзда тутилган. Хусусан, бино, қурилма ва бошқа объектларни жойлаштиришда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; бино, қурилма ва бошқа объектларни қуриш, қайта таъмирлаш, консервация, демонтаж ва бузиш лойиҳаларини ишлаб чиқишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; бино, қурилма ва бошқа объектларни қуриш ва қайта таъмирлашда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; бино, қурилма ва бошқа объектларни ишга тушириш ва ишлатишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; бино, қурилма ва бошқа объектларни ишлатишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; юридик шахсни ёки якка тадбиркор фаолиятини тугатишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; энергетика объектларни жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, қайта таъмирлаш, ишга тушириш ва ишлатишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; ҳарбий ва мудофиа объектларини, қурол ва ҳарбий техникани жойлаштириш, лойиҳалаш, қуриш, қайта таъмирлаш, ишга тушириш ва ишлатишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; қишлоқ хўжалиги объектларини ишга туширишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; ер мелиорациясида, мелиортив тизимлар ва алоҳида гидротехник қурилмаларни лойиҳалаштириш, қуриш,

қайта таъмирлаш, ишга тушириш ва ишлатишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; аҳоли пунктларини жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш ва қайта таъмирлашда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; кўчма манбаларга нисбатан қўйиладиган атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; нефт-газ қазиб олиш, нефть, газ ва уларни қайта ишлаш асосида олинган маҳсулотларини қайта ишлаш, жўнатиш, сақлаш ва реализация қилиш объектларини жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, қайта таъмирлаш, ишга тушириш ва ишлатишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; хавфли кимёвий моддаларни ишлаб чиқариш, муомала қилиш ва зарарсизлантиришда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; радиоактив моддалардан фойдаланишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида кимёвий моддалардан фойдаланишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; атроф муҳитга зарарли биологик таъсир кўрсатаётган ёки кўрсатиши мумкин бўлган фаолиятга нисбатан атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; чиқиндилар билан муомала қилишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; зарарли физикавий таъсир кўрсатувчи манбаларга нисбатан атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларни ўтказишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; ҳимоя ва муҳофаза зоналарини белгилашда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; давлатнинг унитар корхоналарини мулкрий комплекс сифатида хусусийлаштиришда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар;

5) озон қатламини муҳофаза қилиш, иқлимга таъсир кўрсатишни тартибга солишга оид экологик талаблар – Беларусь Республикаси қонунчилигида атмосфера ҳавосига парник гази чиқариш билан боғлиқ хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошираётган юридик шахслар ва якка тадбиркорлар зиммасига ушбу газ ва (ёки) уларнинг ҳосил бўлишига, атмосфера ҳавосида тўпланишига шароит яратувчи ва иқлим ўзгаришига сабаб бўлувчи моддаларни чиқариш ҳажмини қисқартириб бориш мажбурияти юкланган;

6) табиат объектларини муҳофаза қилиш бўйича талаблар – ноёб, камёб, намунавий, илмий ва (ёки) эстетик аҳамиятга эга бўлган табиат объектларидан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг алоҳида талаблари белгиланади (9-боб).

Грузия Республикасининг 1996 йил 10 декабрдаги “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуни¹ ҳам атроф муҳитни муҳофаза қилишга оид қатор экологик талабларни белгилаб беради. Жумладан, унда қуйидаги турдаги экологик талаблар белгиланган:

1) фуқароларнинг мажбуриятлари – фуқароларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги мажбуриятларига қуйидагилар қиради: Грузиянинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилиги талабларига риоя этиш; табиат ва маданий бойлик ҳақида ғамхўрлик қилиш; атроф муҳит муҳофазаси ҳақида ғамхўрлик қилиш; башарти бўлиб ўтган ёки бўладиган табиий ёки техноген ҳалокат тўғрисида ахборотга эга бўлса, уни

¹ Закон Грузии “Об охране окружающей среды” от 10 декабря 1996 года // www.elaw.org/node/2766

тегишли ваколатли давлат органига ўз вақтида етказиш ёки оммавий эълон қилиш (7-модда);

2) хусусийлаштиришга оид экологик талаблар – хусусийлаштирилган мулк эгалари ўз ҳисобидан атроф муҳитни тозалаш ва қайта тиклашга оид чора-тадбирларни кўришлари лозим (21-модда);

3) атроф муҳитни муҳофаза қилишга оид экологик стандартлар – экологик стандартлар атроф муҳитда экологик мувозанатни таъминлаш учун мўлжалланган бўлиб, қуйидаги стандартлар белгиланган: атроф муҳит ҳолати сифати стандартлари; атроф муҳитни ифлослантирувчи зарарли моддаларни чиқаришнинг йўл қўйиладиган даражаси; маҳсулотга нисбатан экологик талаблар (28-модда);

4) ишлаб чиқаришга оид экологик талаблар – халқ истеъмоли товарларини ишлаб чиқишда, жўнатиш ва сақлашда инсон саломатлиги ва атроф муҳитга салбий таъсир кўрсатишнинг энг кўп йўл қўйиладиган даражаси ҳисобга олиниши лозим (33-модда);

5) чиқиндиларга оид экологик талаблар – хўжалик юритувчи субъектлар саноат, маиший ва бошқа турдаги чиқиндиларни чиқаришда уларнинг оқибатларини енгиллаштириш, уларни йўқ қилишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, санитария, гигиена, эпидемиологик норма ва қоидаларга риоя этишлари лозим, шунингдек, чиқиндиларни сув манбаларида сақлашга йўл қўйилмайди (34-моддалар);

6) хўжалик фаолиятини амалга оширишга оид экологик талаблар – хўжалик фаолиятини амалга оширишда экологик хавфсизлик ва соғлиқни сақлаш талабларига риоя этилиши лозим, бунда атроф муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳит сифатини яхшилаш чоралари кўрилиши даркор (39-модда);

7) ишлаб чиқариш объектларини ишга туширишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш талаблари – ишлаб чиқариш объектларини ишга туширишнинг бир нечта экологик талаблари белгиланган: лойиҳада кўзда тутилган атроф муҳитни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш учун зарур маблағнинг мавжуд бўлиши ҳамда атроф муҳит ҳолатига таъсир этиши мумкин бўлган қурилмаларнинг тозаллиги ва экологик назоратдан ўтказилганлиги (40-модда);

8) ишлаб чиқариш объектларини тугатишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш талаблари – ишлаб чиқариш объектлари ўз фаолиятини тугатганда ҳам атроф муҳитни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этиши лозим.

9) иқлимни глобал ўзгаришдан муҳофаза қилишга оид талаблар – фаолияти атмосфера ҳавоси билан боғлиқ бўлган хўжалик юритувчи субъектлар атмосфера ҳавосига газ чиқариш меъёрларига риоя этишлари, шунингдек, уларнинг эмиссиясини енгиллаштириш бўйича чора-тадбирлар кўрадилар;

10) озон қатламини муҳофаза қилишга оид экологик талаблар – хўжалик юритувчи субъектлар Ернинг Озон қатламига таъсир кўрсатиши ва уни емириши мумкин бўлган кимёвий моддалар ишлаб чиқаришни қисқартириши ёки тўхтатиши лозим. Таркибида бундай кимёвий моддалар бўлган маҳсулотлар Грузияга фақатгина махсус рухсатнома бўлганда олиб кирилиши мумкин (52-модда);

11) биологик хилма-хилликни муҳофаза қилишга оид экологик талаблар – хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти биологик хилма-хилликнинг қайтариб бўлмайдиган миқдор ва сифат ўзгаришларига,

шунингдек, унинг деградациясига сабаб бўлмаслиги лозим (53-модда).

Юқоридагилар асосида хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда миллий қонунчиликни такомиллаштиришнинг қуйидаги йўналишларини ажратиб кўрсатишимиз мумкин:

Биринчидан, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 12-моддасида фуқароларнинг экологик мажбуриятлари сифатида табиат ва атроф муҳитни сақлаш; қонунчиликнинг бошқа талабларига риоя этиш; чиқиндилар билан муомала қилиш соҳасидаги талабларни бажариш; ёнғин хавфсизлиги талабларини бажариш; ов ва балиқчилик қоидаларига риоя қилиш; атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини амалга ошираётган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг кўрсатмаларини бажариш кабиларни белгилаш мақсадга мувофиқ;

Иккинчидан, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг “Хўжалик фаолияти ва бошқа йўсиндаги фаолиятга доир экология талаблари” деб номланган 10-бобида энергетика объектларини жойлаштириш, лойиҳалаш, лойиҳалаштириш, қуриш, ишга туширишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; ҳарбий ва мудорфаа объектларини, қурол ва ҳарбий техникани жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, ишга туширишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; қишлоқ хўжалиги объектларини ишлатишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; автомобил ва бошқа транспорт воситаларини ишлаб чиқариш ва ишга туширишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; нефть-газ қазиб олиш, нефть, газ ва уларни қайта ишлаш асосида олинган маҳсулотларини қайта ишлаш, жўнатиш, сақлаш ва реализация қилиш объектларини жойлаштириш, лойиҳалаштириш, қуриш, қайта таъмирлаш, ишга тушириш ва ишлатишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; атроф муҳитни салбий биологик таъсирдан муҳофаза қилиш; ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндилари билан муомала қилишда атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги талаблар; атроф муҳитни салбий физикавий таъсирдан муҳофаза қилиш талабларини белгилаб қўйиш;

Учинчидан, хорижий тажрибадан келиб чиқиб, мансаб лавозимларини эгаллашга нисбатан экологик талабларни белгилаш лозим, унга кўра, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги билимларга эга бўлиш давлат хўжалик органларида раҳбар лавозимларни эгаллашнинг мажбурий шarti бўлиши лозим.

Ш.Туляганова
Магистрант ТГЮИ

ОСОБЕННОСТИ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ НАСЛЕДСТВЕННЫХ ОТНОШЕНИЙ В ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАНАХ

Коренные изменения общественной жизни в нашей стране требуют совершенствования правового регулирования во всех сферах общественной жизни. Преобразование экономических отношений повлекло за собой принятие нового Гражданского кодекса, который закрепил в качестве исходных принципов такие положения, как равенство участников, автономия воли, имущественная самостоятельность. Среди субъектов гражданского права экономика рыночных отношений выдвинула на первый план гражданина – собственника. Расширился круг объектов частной собственности граждан. В этих условиях особое значение приобретает институт наследования, поскольку он в той или иной мере затрагивает интересы каждого гражданина и обеспечивает непрерывность существования и развития частной собственности. В этой связи появилась необходимость обновления законодательства о наследовании.

Как отмечает в этом аспекте Президент Республики Узбекистан И.А.Каримов, «объективный анализ, логика и последовательность наших преобразований, оценка их соответствия самым современным рыночным нормам диктуют настоятельную потребность дальнейшего углубления, совершенствования и либерализации системы управления экономикой.

В первую очередь нам необходимо укрепить права и защиту частной собственности, создать систему надежных гарантий, в которой любой частный собственник должен быть уверен, что приобретенная или созданная им законным путем частная собственность неприкосновенна»¹.

Современная реформа наследственного права в Узбекистане обусловлена историческими обстоятельствами, изменяющимися политические, экономические, социальные и духовные устои нашего общества.

Единые по своим социально-экономическим функциям нормы наследственного права зарубежных стран не совпадают по своему содержанию, а зачастую характеризуются существенными отличиями.

Зарубежное законодательство, включающее нормы международного частного права, применимые к отношениям по наследованию, представлено законами о международном частном праве (Австрия, Азербайджан, Венгрия, Венесуэла, Грузия, Италия, Лихтенштейн, Польша, Румыния, Словакия, Тунис, Турция, Чехия, Швейцария, Эстония), гражданскими кодексами (Вьетнам, Германия, Греция, Египет, Иран, Испания, канадская провинция Квебек, Куба, Латвия, Литва, штат Луизиана, Мексика, Монголия, Перу, Португалия, Уругвай, Франция, Чили), иными законами (Буркина-Фасо, Китай, Мадагаскар, Объединенные Арабские Эмираты, Республика Корея, Таиланд, Япо-

ния)².

Отношениям по наследованию посвящены заключительные статьи разделов о международном частном праве Гражданских кодексов Армении, Белоруссии, Казахстана, Киргизии, Молдавии. Законы о международном частном праве Азербайджана и Грузии содержат некоторые отличные положения о праве, применимом к отношениям по наследованию³.

В целом же, следует отметить, что в европейских континентальных государствах регулирование отношений по наследованию осуществляется главным образом законами. Подзаконные акты в этой сфере отношений применяются для регламентации порядка совершения и оформления соответствующих действий.

Основными законами о наследовании европейских континентальных государств являются:

- Закон Болгарии О наследовании от 29 января 1949г. (действует с изменениями от 1950, 1985 и 1992гг.);
- Гражданский кодекс Венгерской Республики 1959г. (в редакции 1977г.);
- Германское гражданское уложение 1896г. (кн. V.);
- Гражданский кодекс Испании 1889г. (титул III книги III), Закон О наследовании 11/1981 от 13 мая 1981г.;
- Гражданский кодекс Италии 1942г. (книга вторая);
- Гражданский кодекс Республики Польша 1964г.;
- Гражданский кодекс Румынии 1865г. (с изменениями внесенными январь 1994г.);
- Гражданский кодекс Франции 1804г. (титул I "О наследовании" и титул II "О прижизненном дарении и завещании");
- Гражданский кодекс Чехии 1963г. (в редакции 1992г.).

Одним из наиболее разработанных актов, содержащих регулирование отношений наследования, является Гражданский кодекс канадской провинции Квебек, введенный в действие с 1 января 1994г.

Наследственное право стран континентальной Европы имеет принципиальные отличия от англосаксонской системы наследования. В частности, если в странах континентальной системы права наследование рассматривается как универсальное правопреемство, вследствие чего права и обязанности умершего переходят непосредственно к наследникам, то в англосаксонской системе права имущество наследодателя сначала переходит по праву доверительной собственности к так называемому личному представителю умершего, который в последующем передает наследникам лишь часть, оставшуюся после расчетов с кредиторами.

Такая квалификация наследования восходит к классическому римскому праву, где в лице наследника видели продолжение юридической личности наследодателя (*hereditas nihil aliud est, quam successio in*

¹ Каримов И.А. Концепция дальнейшего углубления демократических реформ и формирования гражданского общества в стране. Доклад Президента Республики Узбекистан Ислама Каримова на совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан // Народное слово. – 2010. – 13 ноября. – С.2.

² См. подробнее: Международное частное право: Иностранное законодательство / под ред. А.Н. Жильцова, А.И. Муранова. – М., 2000. – С.72.

³ См. подробнее: Булаевский Б.А. Наследственное право. – М., 2005. – С.142.

universum ius quod defunctus habuerit)¹. В последующем Г.Ф. Шершеневич указывал, что "совокупность юридических отношений, в которые поставило себя лицо, со смертью его не прекращается, но переходит на новое лицо. За исключением...сравнительно немногочисленных отношений, все прочие сохраняют свою юридическую силу"².

Таким образом, фундаментальные положения наследственного права были разработаны в Древнем Риме. Впоследствии они были восприняты законодательством государств континентальной Европы. Прежде всего, это относится к основному делению наследования – по завещанию и по закону. Римское частное право установило свободу завещательных распоряжений, определило такие их виды, как подназначение наследника, распределение между наследниками наследственной массы, завещательный отказ (легат).

Законодательства иностранных государств о наследовании складывались под влиянием римского частного права, и в главных их положениях имеется много общего с ним. Общность правового регулирования определяется и тем обстоятельством, что предмет наследования – имущественные права и обязанности наследодателя обуславливают в целом единство требований к правовому регулированию.

Значительное влияние на формирование порядка наследования оказали церковь и ее отношение к семейным узам. Под влиянием отрицательного отношения церкви к внебрачным детям долгое время (вплоть до 70-х гг. XXв.) сохранялась их дискриминация при наследовании. Второстепенным наследником по отношению к кровным родственникам оказался супруг.

Развитие наследственного права в странах континентальной Европы шло в направлении выравнивания положения наследников по закону, что, конечно, не исключало наличия очередности их призвания к наследованию. Наследственное право стран континентальной Европы исходит из идеи свободы завещательных распоряжений, опирающейся на признание свободы частной собственности. Однако свобода воли завещателя корректируется правилами о необходимых наследниках и об обязательной доле, которые существуют в законодательстве всех стран.

В качестве оснований наследования континентальная и англо-саксонская системы предусматривают завещание и закон. Вполне очевидно, что наследование по завещанию, дающее возможность собственнику распорядиться своим имуществом, играет ведущую роль. В свою очередь, наследование по закону имеет, в большей степени, субсидиарное значение, т.к. применяется только при отсутствии юридически действительного завещания, а также когда оно охватывает лишь часть наследственного имущества.

В странах континентальной Европы нормы наследственного права включены в состав гражданских кодексов и помещены, как правило, вслед за нормами, регулирующими правовое положение физических лиц и семейные отношения. Так, во Франции нормы, регулирующие наследственные отношения, содержатся в первых двух титулах книги ФГК ("О различных способах, которыми приобретаетась собственность"), оза-

главленных "О наследовании" и "О дарениях между живыми и в завещаниях". Наследование по закону рассматривается в ФГК отдельно от наследования по завещанию, которое регулируется в тесной связи с прижизненными дарениями. Это объясняется наличием в законе общих норм, регулирующих порядок безвозмездного приобретения имущества. В ФРГ наследственным правоотношениям посвящена отдельная книга V ГГУ ("Наследственное право"). В Швейцарии нормы наследственного права также содержатся в отдельной книге – II ШГК ("О наследствах"). Регламентирование некоторых вопросов, в частности связанных с составлением завещания, кодекс относит к компетенции кантонов³.

В странах англо-американской системы права наряду с судебным прецедентом существенная роль в регулировании наследственных отношений принадлежит закону. В Англии среди наиболее важных законов в этой области следует отметить Закон О завещаниях 1837г., Закон Об администрировании наследств 1925г., Закон О наследстве лиц, не оставивших завещания, 1952г., Закон О наследовании 1975г.⁴ ю

В США принятие законодательства о наследовании отнесено к компетенции штатов. Во многих из них законы о наследовании включены в своды законов штатов (Вирджиния, Теннесси, Южная Каролина и др.). В штате Луизиана, где, как известно, действует Французский гражданский кодекс, до настоящего времени сохранилась в основных чертах французская система наследственного права. Существующие, подчас весьма серьезные, различия в регламентации наследственных отношений в рамках отдельных штатов вызвали к жизни потребность достижения единообразия правовых норм в данной области. Намечившиеся тенденции унификации выразились, в частности, в разработке единообразного Закона О наследовании (Uniform Probate Code), принятого пока лишь в нескольких штатах (например, Аляске, Айдахо)⁵.

¹ Римское частное право. Учебник / под ред. И.Б. Новицкого, И.С. Перетерского. – М., Юрист, 1997. – С.222.

² См. подробнее: Шершеневич Г.Ф. Учебник русского гражданского права. Т. 2. § 66. – М.: Классика российской цивилистики.

³ Горбункова И. Отдельные международно-правовые аспекты правоохранительной деятельности в сфере обеспечения права наследования. – 1999. <http://www.law.edu.ru/>

⁴ Горбункова И. Отдельные международно-правовые аспекты правоохранительной деятельности в сфере обеспечения права наследования. – 1999. <http://www.law.edu.ru/>

⁵ См. подробнее: Adam J. Hirsch. American History of Inheritance Law. – FSU College of Law. – 2007. – Research Paper №258.

М.Қ.Ўразалиев
Тадқиқотчи

АЛКОГОЛИЗМ, ФОҲИШАБОЗЛИК ВА НАРКОМАНИЯ ИЖТИМОЙ САЛБИЙ ИЛЛАТЛАРИ

Ижтимоий салбий иллатлардан алкоголизм, фоҳишабозлик ва наркомания сўнги йилларнинг энг долзарб муаммоларидан бўлиб, нафақат республикамиз, балки бутун дунёда кенг жамоатчиликни ташвишга солмоқда. Алкоголизм, фоҳишабозлик ва наркоманиянинг алоҳида ижтимоий йўналишларга эга эканлиги, яъни, ёшлар ва хусусан вояга етмаганлар орасида кенг тарқалиб бораётганлиги унинг хавфлилиги янада ошиб бораётганлигидан далолат беради.

Дарҳақиқат, Республикамиз худудидан наркотранзит сифатида фойдаланиб, олиб ўтилаётган гиёҳвандлик воситалари миқдорининг ҳам ошиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Гиёҳвандлик воситалари билан савдо-сотиқни ташкил қилиш мақсадида жиноий гуруҳлар томонидан аниқ бир мақсадга йўналтирилган иш олиб борилмоқда. Улар гиёҳвандлик воситаларига бўлган талабни ҳар бир шахснинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда шакллантиришга ҳаракат қилмоқдалар.

«Табиийки, улар наркотик моддаларнинг бир қисми бизнинг минтақамизга сингиб кетмоқда. Бу эса жиноятчиликнинг ўсишига, ёшларнинг бузилишига, ҳатто миллатнинг генофонди айнашига сабаб бўлмоқда»¹.

Республикамизда бугунга қадар расмий рўйхатга олинган гиёҳвандларнинг сони 30 мингга ташкил этади². Экспертларнинг хулосасига кўра дунёда 14 - 20 млн. киши наркомания билан таниш, уларнинг 70%³ ни ёшлар ва ўсмирлар ташкил этади. Республикамизда 2007 йилда 10105та гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш жиноятлари рўйхатга олиниб, уларнинг фош этилиши натижасида 11,5 тонна наркотиклар мусодара қилинган⁴.

Бу кўрсаткичлар умумий аҳволни, яъни Республикамиздаги нарковазиятни тўлиқ акс эттирмайди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг маълумотларига кўра алкоголизм, наркомания ва фоҳишалик 2005 йилда 2004 йилга нисбатан 5%, 16%, 6%, 2006 йилда 2007 нисбатан 3%, 16,5%, 7%га кўпайган. Наркомания билан касалланганларнинг Самарқанд, Сурхандарё, Фарғона, Хоразм вилоятларида ва Тошкент шаҳрида энг кўп эканлиги аниқланган. Тадқиқотларнинг натижаларига кўра, ҳам гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда.

Ёшлар ва аҳоли орасида гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишга бўлган иштиёқнинг наркоманияга «ўтиши» жиддий равишда ўсиб, гиёҳвандлик воситалари илм олиш муассасаларига

кириб келмоқда, уларни қўлга киритиш оммавийлашмоқда. Гиёҳвандлик воситаларини қўлга киритиш жараёни кундан – кунга осонлашиб, мустақамланиб бормоқда. Шунингдек, жиноят содир этган шахснинг шакланишига уларнинг ўсмирлик вақтида гиёҳвандлик воситаларига ружу қўйганлиги ҳам таъсир кўрсатган.

Ижтимоий салбий иллат сифатида ҳозирда ҳам мавжуд бўлган гиёҳвандлик ҳақида З.Жўраев «Инсон – барчанинг сарвари» китобида «Кўп йиллар мобайнида ҳукм сурган ҳақиқатига зид ҳолатлар кўпчилигимизни бутунлай лоқайд кимсаларга айлантириб ташлаганди, инсоф билан айтганда, кўп нарсага бепарқ қарайдиган бўлиб қолгандик. Мехр-мурувватни ҳам, савобу гуноҳни ҳам, оддий инсоний фазилатларни ҳам унутаёзгандик. ...Шу тариқа ўзимиздаги яхши-ёмон хислатларнинг барчаси фарзандларимиз шуурида айнан акс этиб қолажагини ҳам унутиб қўйдик. Энг ачинарлиси, фарзандларимизнинг келажагига бепарволик билан қараш ҳислари қонимизда жўш урди. Натижада турли иллатлар, айниқса, гиёҳвандлик худди ўргимчак тўридай кишиларни ўз қомига тортди. Оғу кайфу сафосига муккасидан кетган баъзи нопок кимсалар иродаси сусти ёшларни, ҳатто мактаб ўқувчиларини оғу билан захарлаб, гиёҳвандлик ботқоғига равона қилишгача бориб етдилар. Оқибатда гиёҳвандлик жамиятимиз учун кескин муаммага айланди»⁵.

Гиёҳвандлик воситаларига ружу қўйган фуқароларнинг фарзандлари ва яқинлари хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатиши табиий. Тадқиқотимиз натижаларидан маълум бўлишича, индивид гиёҳвандлик воситаларига ўрганиб қолар экан, оиласи хотиржамлигини психологик-мафкуравий ва биологик ҳолатини оиланинг катта ёшдаги ва ўсмир аъзолари жиноий хулқ-атвори билан бузиб юборади.

Масалан, нотинч оилалардаги назоратсизлик ва қаровсизлик оқибатида гиёҳвандликка ёки ичкиликбозликка чалинган ўсмирлар, одатда, уйдаги нарсаларни олиб чиқиб сотадилар турли қимматбаҳо буюмлар (заргарлик буюмлари, аудио ва видеотехника ва ҳоказолар)ни ўғирлаш каби қилмишларни содир этадилар.

Буюмларнинг йўқолиши ўсмир ва унинг ота-онаси ўртасида жанжалларга, турли келишмовчиликларга замин яратади.

Шунингдек, ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг ичкиликбозлик, гиёҳвандликка чалингани ёшлар хулқ-атворида салбий таъсир кўрсатиши ҳам ҳисобга олиниши лозим.

Ёшлар ва ўсмирлар орасида ичкиликбозлик, гиёҳвандлик воситаларига бўлган талаб шу қадар ортганки, уларнинг ўйлашича, бу йўлга кириш, жиноий гуруҳларга йўлланма, рок-музыкага сиғиниш кабилар. Бундай кайфият вояга етмаганлар онгига оммавий ахборот воситалари ёрдамида тез сингдирилмоқда, айниқса, интернет, телевидение ва видео салонларида гиёҳвандлик, зўравонлик, шаҳвонийликни тарғиб қилувчи фильмлар намойиш этилаётганлиги ташвишланарли ҳолдир. Ёшларни бундай ижтимоий салбий иллатлардан асраб авайлашда жамиятимизда оиланинг урни бекиёсдир. Оиладаги маънавий-руҳий муҳит унинг аъзолари хулқ-атворида нафақат ижобий, балки ўта салбий, жумладан жиноий таъсир кўрсатиши

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: Ўзбекистон, 1998, - Б. 437 – 438.

² Абдуллаев А. Проблемы борьбы с наркобизнесом и наркоманией в Республике Узбекистан. / Наркоманияга қарши кураш: назария ва амалиёт (ижтимоий – ҳуқуқий жиҳатлар) мавзусидаги халқаро илмий амалий анжуман материаллари. Т., 2002. – Б. 54.

³ Сергеев А.О. Легализация наркотиков. Информационный бюллетень НЦБ Интерпола в России. 1994. - №. – С. 3.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг Прокуратурасининг статистик маълумотлари. 2007 йил.

⁵ Жўраев З. Инсон – барчанинг сарвари. – Т.: Ўзбекистон, 1991. – 150-бет.

ҳам мумкин. Қонунчилик палатаси томонидан 2010 йил 12 августда қабул қилинган Сенат томонидан 2010 йил 28 августда маъқулланган «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунда Ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар вояга етмаганларнинг ресторанлар, кафелар, барлар, клублар, дискотекалар, кинотеатрлар, компьютер заллари, Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган хоналарда ёхуд бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларда тунги вақтда улардан бирининг кузатувисиз бўлишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўриши белгиланди. Оилада ота-онанинг фарзандларига нисбатан эътиборли муносабатда бўлиши ўта муҳим ҳисобланади. Президентимиз таъкидлаганидек "Оилада, мактабда, меҳнат жамосида, маҳаллада олиб бориладиган ахлоқий тарбия, жамоатчилик фикрининг кучи, оммавий ахборот воситалари, руҳонийларнинг обрў-эътибори ҳамма-ҳаммаси одамларимизда қонун бузилиши билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатларга нисбатан барқарор қаршиликни шакллантиришга қаратилмоғи лозим"¹.

Алкоголизм, гиёҳвандлик воситаларининг истеъмолига, фоҳишабозликка қарши курашни кучайтирмасак, улар умуман ёшларнинг, хусусан мамлакатимиз ёшлари ва улар келажагининг поймол бўлишига бевосита сабаб бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, алкоголизм, наркомания, фоҳишабозлик каби ижтимоий салбий иллатларга қарши курашда ҳуқуқ-тартибот органлари томонидан олиб бориладиган кураш етарли эмас. Бундай салбий иллатларга қарши кенг жамоатчиликни жалб қилиб ўзаро ҳамкорликда ишлаш керак.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.6-том. Т.: Ўзбекистон, 1998, - 95-бет.

Д.Каракетова
ТДЮИ стажер-изланувчи-тадқиқотчиси

БЕЗОРИЛИК ЖИНОЯТИНИНГ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИ БЕЛГИЛАРИ

Субъектив томон жиноят таркибининг зарурий белгиси бўлиб, у мавжуд бўлмаса, жиноят таркиби ҳам бўлмайди. Жиноятнинг субъектив томони – жиноий хулқ-атворнинг ички руҳий хусусиятини ифодаловчи, шахснинг ўзи содир этган қилмишининг барча белгилари ва унинг юридик жиҳатдан аҳамиятли бўлган алоҳида объектив белгиларига нисбатан руҳий муносабатидир². Б.Ф.Юсупов айтганидек, фақат қонунда назарда тутилган айб шаклининг мавжудлиги аниқланган тақдирда содир этилган қилмишда жиноят таркиби ҳамда жиноий жавобгарлик учун асос мавжуд, деб топилиши мумкин³. Жиноятнинг субъектив томонини аниқ белгилаш жиноятни тўғри квалификация қилиш ва шахснинг айби даражасини ҳисобга олган ҳолда адолатли жазо тайинлашнинг зарурий шартидир⁴.

Шу сабабли ҳам безорилик жинояти субъектив томони хусусияти билан боғлиқ масаланинг тўғри ҳал қилиниши жиноятни тўғри квалификация қилиш, асосийси, объектив белгиларига кўра ўхшаш жиноятлардан фарқлаш имконининг беради. Мазкур жиноятини содир қилишда қасд шаклининг аниқ бўлмаслиги, жиноят мотиви ва мақсадининг "ноодатий" кўриниши мазкур жиноят субъектив томонини алоҳида ўрганиш заруратини туғдиради⁵.

Безорилик жинояти субъектив томондан қасддан содир этилиши ҳақидаги фикр барча олимлар томонидан бир хилда маъқулланади. Чунки жиноят қонунининг ўзида безорилик "жамиатда юриш-туриш қондасини қасддан менсимаслик" сифатида ифодаланган. Жиноят кодексининг кўплаб нормаларида жиноят қасддан содир этилиши кўрсатилган бўлса ҳам, аммо бирор-бир нормада жиноятнинг тўғри ёки эгри қасддан содир этилиши акс этмаган. Ваҳоланки, ЖК 21-моддасида қасднинг ҳар икки турига алоҳида таъриф бериб ўтилган. Тергов-суд амалиётида ҳам жиноятларни тергов қилишда қасднинг тури ажратилмай, "қасддан содир этилган" деган жумла ишлатилади.

Шу сабабли безорилик жиноятида қасднинг қайси тури мавжуд бўлиши ҳақидаги савол кўплаб мунозараларга сабаб бўлмоқда. Жиноят ҳуқуқи назариясида бу масалада бугунгача ягона фикр мавжуд эмас. Айрим олимлар бу жиноятга ҳуқуқий баҳо беришда қасднинг турини ажратмаган ҳолда, бир хил, яъни "қасддан содир этилган" деб квалификация қилади⁶.

² Агаев И.Б. Состав преступления: понятие, элементы, значение: учеб. пособие. – М.: Юристъ, 2008. – С. 142.

³ Юсупов Б.Ф. Суд ҳужжатларини бажармаганлик учун жиноий жавобгарлик муаммолари. –Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти, 2011. –Б.115-116.

⁴ Мирзаев У. М. Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш учун жавобгарлик. Монография. // Масъул муҳаррир: ю.ф.д., проф. Б.Ж.Ахраров. –Тошкент: ТДЮИ, 2011. –Б.75.

⁵ Уголовное право. Особенная часть: Учебник / Под ред. И.Я. Козаченко, З.А. Незнамовой, Г.П. Новоселова. – М.: Норма, 2008. – С. 390.

⁶ Каусылгазы Ж. Уголовно-правовая и криминологическая характеристика хулиганских действий по законодательству

Аксарият олимлар безориликнинг субъектив томондан тўғри қасд билан содир этилишини таъкидлайдилар. Уларнинг фикрича, безориликни эгри қасддан содир этиш мумкин, деб ҳисоблаш безорилик тушунчасини кенгайтириб юборилишига ва шахс ҳамда мулкка қарши жиноятлардан фарқининг йўқолишига сабаб бўлади. Безорилик агар эгри қасддан содир этилса, жамоат жойида содир этилган ҳар қандай қилмиш безорилик, деб баҳоланиши лозим бўлади, чунки бундай ҳолатларда жамоат тартибининг бузилишига эгри қасд билан муносабатда бўлади. Безориликда шахс жамоат тартибини қўпол равишда бузаётганини, жамоага нисбатан ҳурматсиз муносабатда бўлаётганини англайди ва шундай оқибатлар юз беришини истайди¹. Безорилик жиноятини тўғри қасддан содир этилишини таъкидловчиларнинг келтирган асослари тўғри эмас. ЖК 21-моддасига кўра тўғри қасддан содир этиладиган моддий таркибли жиноятларда қасднинг тафаккурий белгиси айбдорнинг қилмишни ижтимоий хавфлилигини англаши ва унинг натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатга кўзи етишида ифодаланса, иродавий белгиси келиб чиқиши лозим бўлган оқибатни исташида намоён бўлади. Безорилик жинояти объектив томонини таҳлил қилганимизда, жамиятда юриш-туриш қоидасини қасддан менсимаслик натижасида жамоат тартибининг бузилишини мазкур жиноятнинг оқибати, деб баҳоламаслик лозим. Чунки жамоат тартибининг бузилиши қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини ифодалайди. Айбдор ўз қилмиши билан жамоат тартибини бузаётганлиги ва ижтимоий хавфли эканини англаши, бунинг натижасида баданги шикаст етказиши ёки мулкни нобуд қилиш ёхуд унга шикаст етказиш мумкинлигига кўзи етиши тўғри қасднинг тафаккурий белгисини ифодаласа, баданга шикаст етказиш ёки мулкка анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд уни нобуд қилишни исташ иродавий белгисини ифодалаши лозим.

М.Х.Рустамбоевнинг: “безорилик жинояти субъектив томондан тўғри қасд билан содир этилади, айбдор жамоат тартибини бузаётганини, дўппослаётганини, баданга шикаст етказётганини ёки ўзганинг мулкни нобуд қилаётганини ёки унга шикаст етказётганини англайди ва бу ҳаракатларни амалга оширишни истайди”², деган фикри асосли бўлсада, безориликнинг субъектив томони умумий тарзда акс эттирилган. Безорилик формал-моддий таркибли жиноят бўлгани учун қасднинг белгилари ҳам турлича бўлади.

Монголии: Автореф... канд. юрид. наук: 12.00.08. – СПб: 2008, - С. 18.

¹ Шинкурак В.М. Ответственность за хулиганство в Российском уголовном праве: Дис... канд. юрид. наук: 12.00.08. – Волгоград: В.А. МВД России, 2002. – С. 84.; Уголовное право Российской Федерации. Особенная часть / Под ред. Л.В. Иногамовой-Хегай, А.И. Рапова, А.И. Чучаева. М.: ИНФРА-М, КОНТРАКТ, 2006. – С. 315.

² Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. V том. Махсус қисм. Жиноят хавфсизлиги ва тартибига қарши жиноятлар. Ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар. Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Тошкент: ИLM ZIYO, 2011. – Б.163.

Безориликнинг фақат эгри қасд билан содир этилишини таъкидловчи олимлар ҳам йўқ эмас³. Н.Ивановнинг ёзишича, безорилик қоида тариқасида эгри қасд билан содир этилади. Айбдор безорилик ҳаракатларини содир эта туриб, жамоат тартибини қўпол равишда бузиш фактига нисбатан бефарқ муносабатда бўлади, шунинг учун ҳам қилмишга бўлган муносабати эгри қасд белгиларига мос тушади⁴. Бу фикр ҳам қасд тушунчаси ва унинг белгиларига мос келмайди. Бу ҳақда қуйида келтириладиган фикрларимиз асосида ягона хулосага келиш мумкин.

Безорилик жиноятини содир этишда қасднинг ҳар икки тури: тўғри ва эгри қасд мавжуд бўлиши мумкинлигини айтувчилар ҳам бор⁵. А.Н.Игнатовнинг фикрича, безорилик қоида тариқасида тўғри қасд билан содир этилади, яъни субъект жамоат тартибини қўпол равишда бузилишига сабаб бўлган ижтимоий хавфли қилмиш содир этаётганини англайди ва жамиятга нисбатан ҳурматсизлик қилишни истайди. Шахс ўз қилмиши жамоат тартиби ва манфаатларини бузиши мумкинлигига кўзи етиб, жамиятга нисбатан ҳурматсизликка йўл қўйиб бераётганини англаб содир қилса, безорилик эгри қасддан содир этилган ҳисобланади⁶.

Л.В.Сердюк ҳам безориликни субъектив томондан тўғри ёки эгри қасддан содир этиш мумкин деб ҳисобласа-да, қасднинг ҳар икки турини ҳам ижтимоий хавфли оқибатларга бўлган руҳий муносабатдан келиб чиқиб белгилайди. Бунда субъект бирор оқибат келиб чиқишини истайди, бошқа оқибатларга онгли равишда йўл қўйиб беради ёки уларга нисбатан бефарқ муносабатда бўлади⁷.

Амалиёт ходимларининг ҳам безорилик қасднинг айнан қайси тури билан содир этилиши ҳақидаги фикрлари турлича бўлиб, тергов-суд ходимлари ўртасида ўтказилган сўровда иштирок этганларнинг “Безорилик жиноятида қасднинг қайси тури мавжуд бўлади?” деган савол бўйича билдирган фикрлари қуйидагича кўриниш хосил қилган: 40% - фақат тўғри қасд, 29% - тўғри ва эгри қасд, 10% - эгри қасд, 25% - қасднинг ажратилиши квалификацияга таъсир қилмайди деб жавоб берган.

Безорилик жинояти қасднинг қайси тури билан содир этилади деган саволга жавоб бериш учун жиноят қонуни мазмунидан келиб чиқиш зарур. ЖК 21-моддасида тўғри қасднинг икки тури ажратилган. Шахс содир этган шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилиги хусусиятини англаса ва шундай қилмишни содир этишни истаган бўлса, бундай жиноятлар тўғри қасддан содир этилган ҳисобланади. Бу тушунча формал таркибли жиноятларга хос бўлиб, ҳар қандай

³ Косарев И.И. Хулиганство и хулиганские побуждения как уголовно-правовой феномен: Автореф... канд. юрид. наук : 12.00.08. – М.: ФГБОУ ВПО МГЛУ, 2012. – С. 20.

⁴ Иванов Н. Хулиганство: проблемы квалификации // Российская юстиция. 1996. №8. С. 39-41; Иванов Н.Г. Мотив преступного деяния. Учебное пособие. –М: МЦ при ГУК МВД России, 1997. – С. 10.

⁵ Уголовное право России. Часть Особенная. Уголовное право Российской Федерации. Особенная часть: Учебник / Под ред. д.ю.н., проф. Б.Т.Разгильдиева и к.ю.н., доц. А.Н.Красикова. – Саратов: СЮИ МВД России, 1999. – С. 425.

⁶ Игнатов А. Спорные вопросы квалификации хулиганства // Советская юстиция, 1987. - №2. – С. 14.

⁷ Сердюк Л.В. Насилие: криминологическое и уголовно-правовое исследование. – М., 2002. С. 231.

формал таркибли жиноят субъектив томондан фақат тўғри қасд билан содир этилишини англатади. Жамиятда юриш-туриш қоидасини қасддан менсимаслик уриш-дўппослаш билан боғлиқ ҳолда содир этилганида, айбдор жамиятда ўрнатилган юриш-туриш қоидасини қасддан менсимай уриш дўппослаш ҳаракатларини содир этишнинг ижтимоий хавфлилигини англайди ва бундай қилмиш содир этишни истаб ҳаракат қилади.

ЖК 21-моддаси 2-қисмига кўра агар шахс ўз қилмишининг ижтимоий хавfli хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етган ва уларнинг юз беришини истаган бўлса, бундай жиноят тўғри қасддан содир этилган, деб топилади. Тўғри қасднинг тафаккурий белгиси содир этилган қилмишнинг ижтимоий хавfliлигини англаш ва ижтимоий хавfli оқибатларни олдиндан кўра билишда ифодаланади. Тўғри қасднинг иродавий белгиси шахснинг ижтимоий хавfli оқибатларни келиб чиқишни исташида ифодаланади. Демак, безорилик ҳаракатларини содир этаётган шахс жамиятда юриш-туриш қоидасини қасддан менсимасликнинг ижтимоий хавfli хусусиятини (жамоат тартибини бузишни) англайди, бунинг натижасида шахснинг соғлиғига шикаст етказиши ёки мулкни нобуд қилиш ёхуд унга шикаст етказиши мумкинлигига кўзи етади (тафаккурий белги) ва бундай оқибатларни келиб чиқишини истайди (иродавий белги). Безорилик жиноятини содир этганлиги учун судланган шахслар ўртасида ўтказилган сўровда иштирок этганларнинг фақат 8% безорилик ҳаракатларини содир этаётганида қилмиши натижасида муайян оқибат келиб чиқишини истаб ҳаракат қилгани, яъни жиноятни тўғри қасддан содир этганлигини таъкидлаган.

Сўровда иштирок этганларнинг 37 % эса ўз жинояти натижасида аниқ бир оқибатнинг келиб чиқишига кўзи етсада, лекин ўз ҳаракатлари билан бундай оқибат келиб чиқишига бефарқ муносабатда бўлганини қайд этиб, уларнинг асосий мақсади жамиятда юриш-туриш қоидасини менсимасликка қаратилганини айтган. Тўғри, безори жамоат тартибини бузган вақтда жиноят натижасида келиб чиқадиغان оқибатларни юз беришни истаб ҳаракат қилади, лекин айрим ҳолларда жиноят натижасида келиб чиқадиغان оқибатга онгли равишда йўл қўйиб беради ёки келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатга нисбатан бефарқ муносабатда бўлиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда қилмиш келиб чиққан оқибатга қараб квалификация қилинади.

Демак, безорилик субъектив томондан қасднинг тўғри ва эгри қасд билан содир этилади. Бундан ташқари безорилик ҳаракатларини содир этаётган шахс кўпчилик ҳолларда келиб чиқадиغان оқибатга нисбатан бефарқ муносабатда бўлгани учун (сўровда иштирок этганларнинг-55%) қасднинг ноаниқ тури мавжуд бўлади.

Безорилик субъектив томонининг зарурий белгиси жиноят содир этиш мотивидир. Жиноят ҳуқуқи назариясида жиноят содир этиш мотивини бирор жиноят таркибининг зарурий белгиси, деб ҳисоблашнинг икки шarti мавжуд: 1) ЖК Махсус қисм нормасининг диспозициясида мотивни кўрсатиш орқали; 2) аниқ бир жиноят таркибининг юридик табиатига кўра мотив зарурий белги сифатида талаб этилиб, мазкур нормани Махсус қисмда назарда

тутилган бошқа норма билан фарқлаш орқали аниқланади.

Муаллифларнинг аксарияти безорилик мотивини аниқламасдан туриб, қилмишни безорилик сифатида баҳолаш мумкин эмаслигини айтади¹. В.Мальцев безорилик жинояти безорилик мотиви билан бирга, бошқа мотивлар (ўч олиш, нафратланиш, ёқтирмаслик) туфайли ҳам содир этилиши мумкинлигини таъкидлайди. Бунда қилмиш жамиятга ва бошқа шахсларга нисбатан ҳурматсизликда ифодаланиши зарур². Бу каби қарама-қаршилиқларнинг сабаби қуйидагиларда кўринади: биринчидан, безорилик тушунчасининг кўп маъноли эканлиги ўзига хос қийинчиликни кетириб чиқариб, уни бошқа мотивлардан фарқлаш ва ажратишни қийинлаштиради³; иккинчидан, безориликнинг кўпинча бошқа жиноятлар билан боғлиқ ҳолда содир этилиши ўхшаш қилмишлардан фарқлашда қийинчиликларни юзага келтиради; учинчидан, ЖК 277-моддасида безориликнинг мотиви аниқ ифодаланмаган, жамиятда юриш-туриш қоидасини қасддан менсимасликда ифодаланувчи объектив белги кўрсатилган.

Фикримизча, келтириб ўтганларимиз жиноят қонунининг камчилиги бўлиб, қонунни бир хилда қўлланиши ва жиноятларни тўғри квалификация қилинишига салбий таъсирини кўрсатади. Безорилик мотиви баҳоловчи хусусиятга эгаллиги учун ҳам қонунда унинг тушунчаси берилмаган. Шунинг учун безорилик мотивининг хусусияти, ўзига хос белгиларини ўрганиш орқали Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тегишли қарорига безорилик мотиви тушунчасини киритиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Безорилик мотиви тушунчасининг лўнда ва шу билан бирга мазмунан кўп нарсани акс эттирадиган таърифни бериш зарурати бу белгининг ҳуқуқий табиатидан, айнан ЖК 277-моддаси ва безорилик белгиси мавжуд бўлган бошқа моддалар билан квалификация қилиниши лозим бўлган ҳар бир ҳолатда ушбу белгини аниқлаш шартлигидан келиб чиқади. Бироқ назария ва амалиётда безорилик мотивини аниқлаш мураккабдир. Амалиётда эса жиноий ҳулқ-атворга сабаб бўлган барча мавҳум, тергов жараёнида аниқланмаган ва ўрганилмаган ниятлар безорилик мотивига киритилади. Бундай ҳолат мотивни аниқлашнинг мураккаблиги, яъни шахс руҳий ҳолатини кўз билан кўриш мумкин эмаслиги ва фақатгина содир этилган қилмиш орқали аниқлаш мумкинлиги билан асослантирилади. Безорилик ҳаракатлари кўп қиррали эканлиги боис унинг асл маъносини аниқлаш анча қийин ҳисобланадир. Шунинг учун ҳам XX аср бошларида безорилик “мотивсиз” ва “сабабсиз” жиноят деган фикрлар билдирилган⁴.

Кейинчалик бу фикр инкор этилиб, олимлар томонидан безорилик жиноятини безорилик мотивисиз содир этиш мумкин эмаслиги айtilган. ¹ Н.Г. Иванов ва И.И. Косаревлар безорилик мотиви деганда, биринчи навбатда шахсни ўзининг “мени”ни

¹ Гаухман Л.Д. Квалификация преступлений: закон, теория, практика. – М.: АО «Центр ЮрИнфор», 2003. –С. 165.; Раго А.И. Субъективная сторона и квалификация преступлений. – М.: Профобразование, 2001. – С. 102.

² Мальцев В. Ответственность за хулиганство // Законность, 2000. -№7. – С. 8-9.

⁴ Грозднский М.М. Уголовный кодекс, Комментарий. –М.: Право и жизнь, 1927. –С. 125.

кўрсатишга ундовчи ёки қутилаётган хавфдан ҳимоя қилишга асосланган, шахс хулқининг қутилмаганда ўзгаришига таъсир қилувчи омил тушунлиши керак, деб ҳисоблайди¹.

А.О.Қодировнинг фикрича, безорилик мотиви ҳар доим ҳам соф ҳолда учрайвермайди, кўпинча бошқа мотивлар билан қўшилиб кетади². Безорилик нияти рашк, ўч олиш, нафрат, ҳасад ва бошқа мотивлар билан қўшилиб кетиши мумкин, шу сабабли ҳар бир вазиятда нафақат бу мотивларни фарқлаш, балки, жиноят содир қилишда улардан қайси бири етакчилик қилганини аниқлаш муҳимдир. Шу билан бирга, жиноятни квалификация қилишда бошқа бир мотивнинг йўқлиги ёки умуман жиноят содир этиш мотивининг мажуд эмаслиги сабабли қилмишни безорилик ниятида содир этилгани ҳақида хулоса чиқариш мумкин эмас³. Чунки безорилик мотиви муайян мазмунга эга бўлиб, безориликнинг мазмунсиз ёки мотивсиз эканини билдирмайди. Ҳуқуқшунос олимларнинг бундай хулосага келиши жиноят қонунида тегишли тушунчанинг йўқлиги ва уларнинг безорилик мотиви мазмунини билмасликлари билан боғлиқдир. В.Ф.Щепельков бу ҳолатга эътибор қаратиб, норма диспозициясида жиноят мотивининг йўқлиги бошқаларга ўзини қарши қўйишга уриниш билан боғлиқ бўлмаган қилмишларни ҳам безорилик сифатида квалификация қилинишига сабаб бўлашини айтади. Шунинг учун муаллиф безориликнинг субъектив томонини аниқлаштиришни тақлиф қилган бўлса ҳам, ўз тақлифини келтирмаган⁴.

Баъзи олимлар безорилик мотивини безориликнинг қонунда мустаҳкамланган белгиларига мувожаат қилиш орқали аниқлаб, айбдорнинг жамоат тартибини қўпол бузишга ва жамоатга нисбатан ҳурматсизлигини ифодалашга интилиши, деб тушунади⁵. Улар безорилик мотивини шунчалик кенг талқин қиладиларки, охир оқибат унинг бошқа жиноий мотивлардан фарқи қолмайди.

Безорилик мотиви жиноят таркиби объектив томонида ўз аксини топгани боис, баъзи ҳуқуқшунослар безорилик мотивини объектив томоннинг белгилари билан аралаштириб юборилган. А.Ж.Аметовнинг фикрича, безорилик мотиви безорилик ҳаракатлари бўлиб, субъект жиноий қилмишнинг ўзидан, жамоат тартибининг бузилишидан роҳатланади, у жамиятда ўрнатилган қоидаларга зид хулқ-атворидан қониқиш ҳосил қилади⁶. Безорилик мотивининг белгиларини ажратишга ҳудди шундай ёндашган олимлардан бири С.В.Борисов бўлиб, унинг уч белгисини ажратган: 1) қилмишнинг жамоат жойида содир этилиши; 2) бошқа шахслар кўз ўнгида содир этилиши; 3) бундай

ҳаракатлар содир этилишига жабрланувчининг сабаби эмаслиги⁷.

Л.А.Андреевнинг ёзишича, безорилик мотиви инсон қадр-қимматини ҳурмат қилмаслик, бошқаларнинг манфаатларига эътиборсиз муносабатда бўлиш, жамоат тартибини бузувчи ҳаракатлар орқали ўзини кўрсатишга интилишда ифодаланувчи худбинлик билан боғлиқдир⁸.

А.И.Коробеев: “Безорилик мотиви айбдорнинг ўтaketган манманлигини намоён қилиши, жамиятдаги мавжуд ахлоқий ва қонуний таъқиқларга нисбатан мурасасизлиги, манманлигини ифодалаш, ўзининг агрессив ҳаракатлари билан инсон қадрини пастга уришга интилишидир” деб ифодалайди⁹.

А.В.Глуздаков безорилик, безорилик ҳаракатлари ва безорилик мотиви ўртасидаги фарқни ажратиш қийин, деб ҳисоблайди¹⁰. А.В.Рагулин: “Безорилик – шахсни жамиятга нисбатан ҳурматсизлигини ифодалашга интилишида намоён бўлувчи ва жамоат тинчлигини, нормал меҳнат қилиш шароитлари, фуқароларнинг дам олиши, корхона, муассаса ва ташкилотларнинг нормал ишлашини таъминловчи умум эътироф этган нормаларга эътиборсизлигини ифодаловчи мотивлардир”, деб таъриф беради¹¹.

Р.Г.Сулейманов безорилик мотиви ҳақида ўзига хос фикр билдирган. Унинг таъкидлашича, безориликда жиноят субъектининг ўзи англаган ёки англамаган салбий эҳтиёжлари, манфаатлари мажмуи тушунилади¹². Лекин ушбу фикр асосли эмас. Сабаби, ҳар қандай салбий эҳтиёж ёки манфаатлар безориликнинг мотиви бўлиши мумкин эмас. Безорилик айнан жиноят содир этиш мотиви билан бошқа ўхшаш жиноятлардан фарқ қилгани учун бундай ёндашув безориликнинг бошқа жиноятлардан фарқини йўққа чиқаради.

Г.Н.Берзенков безорилик мотивини мураккаб, деб ҳисоблаб, унга ўтaketган худбинлик, шахсий эркинликлар чегараси ҳақидаги нотўғри тасаввур, қўполлик, бирдан қизишиб кетиш кабиларни киритса¹³, А.Н.Попов безорилик мотивини айбдорда бирор сабабсиз жабрланувчи билан ҳисоб-китоб қилишга ундовчи шахснинг худбинлиги ва тажовузкорлиги деб баҳолайди¹⁴.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 24.09.2004 йилдаги “Қасддан одам ўлдиришга оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 13-сонли қарорида безорилик мотивига хос бўлган умумий

¹ Иванов Н.Г., Косарев И.И. Хулиганство и хулиганские побуждения как уголовно-правовой феномен –М.: Юнити-Дана, 2011. –С. 119.

² Қодиров А.О.Жозони оғирлаштирувчи ҳолатлар – Тошкент: Адолат, 1998. –Б. 88.

³ Бородин С.В. Преступления против жизни. – СПб.: Юрид. центр Пресс, 2003. – С. 168-169

⁴ Щепельков В.Ф. Сотношение мотива и цели преступления // Законность, 2001. -№ 4. – С. 40.

⁵ Иванов Н.А. Хулиганство: проблемы квалификации // Российская юстиция, 2005. -№ 8 – С. 35.

⁶ Аметов А.Ж. Безориликнинг ижтимоий хавфлилиги // “Жиноят қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами –Тошкент, 2010. – Б. 315.

⁷ Борисов С.В. Хулиганство: уголовно-правовые и криминологические аспекты. Дис. ... канд. юрид. наук. М., 2005. С. 136.

⁸ Андреева И.А. Квалификация убийств, совершенных при отягчающих обстоятельствах. СПб.: Юридический центр Пресс 1998. – С. 32.

⁹ Российское уголовное право. Курс лекций / Под ред. А.И. Коробеева. Т. III. Владивосток, 2000. С. 115.

¹⁰ Глуздаков А.В. Криминологическое исследование хулиганства и преступлений, совершенных из хулиганских побуждений. Дис. ... канд. юрид. наук. М., 2004. С. 31

¹¹ Рагулин А.В. Хулиганство: уголовно-правовые аспекты. Дис. ... канд. юрид. наук. Челябинск, 2005. С. 12.

¹² Сулейманов Р.Г. Хулиганство : Теоретические и правоприменительные аспекты : Автореф... канд. юрид. наук : 12.00.08. – Саратов: Сарат. гос. акад. права2009. – С. 20

¹³ Курс уголовного права. Особенная часть. Т. 3: Учебник для вузов / Под ред. Г.Н. Борзенкова и В.С. Комиссарова. – М.: Зерцало-М, 2002. – С. 127.

¹⁴ Попов А.Н. Преступления против личности при смягчающих обстоятельствах. – СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. – С.86.

белгилар тўғри ажратиб берилган, деб ҳисоблаймиз. Унга кўра безорилик оқибатида, яъни жамиятга ва умум томонидан эътироф этилган ахлоқ қоидаларига рўй-рост ҳурматсизлик туфайли содир этилган (масалан, ҳеч бир сабабсиз ёки арзимаган сабаб туфайли) қасддан одам ўлдириш ЖК 97-моддаси иккинчи қисми "л" банди билан квалификация қилиниши лозим. Бунда айбдорнинг феъл-атворида жамоат тартибига ошқора бўйсунмаслик, атрофдагиларга нисбатан ўзини қарши қўйиш, беписандлик намойиш этиш истаги мавжуд бўлади¹.

Безорилик мотиви мураккаб бўлиб, ўз ичига қатор ўхшаш ниётларни қамраб олади. Безорилик мотиви тушунчасини бериш учун ҳар бир безорилик жиноятида намоеън бўладиган энг муҳим белгиларига эътибор қаратиш зарур. Шу ўринда Ю.И.Ляпунов томонидан безорилик мотивига берилган таъриф эътиборга моликдир. Унинг фикрича "безорилик мотивини айбдорнинг жамиятда ўрнатилган ахлоқ нормалари, атрофдагиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига нисбатан ҳурматсизлигини намойиш қилишга бўлган интилиши сифатида таърифланиши тўғри бўлади"². С.В.Борисов ҳам ушбу фикрни мустаҳкамлаган ҳолда унга "барча томонидан тан олинган ахлоқ нормалари" деган жумлани киритиб, ундан шахсни жамиятда ўрнатилган қоидаларни "атрофдагилар"нинг кўз ўнгида бузиш белгисини чиқаришни таклиф этган. Унинг фикрича, безорилик мотивига бундай таъриф берилиши мазкур жиноят фақатгина жамоат жойларида содир этилиши мумкин, деган нотўғри хулосага сабаб бўлаши мумкин³.

Бундан ташқари, безорилик мотивининг ўзига хос жиҳатини, айниқса, юзага келиш механизмини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг юқоридаги қароридан айтилганидек, безорилик мотивининг пайдо бўлишида ташқи сабабларнинг мавжуд эмаслиги ёки мажуд бўлса ҳам аҳамиятсиз сабаблар таъсирида юзага келиши муҳим ўрин тутилиши акс эттириши мақсадга мувофиқ бўларди. Агар қилмиш жабрланувчи ёки бошқа шахслар томонидан айбдорнинг ҳуқуқ ва манфаатларини бузилишига сабаб бўлган салбий ҳулқ-атворга жавоб тарзида содир этилса, қилмиш безорилик сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас.

Суд-тергов амалиётида ўз танишлари ёки яқин кишиларига нисбатан зўрлик ишлатиб, содир этилган безорилик ҳаракатларида жиноят қандай мотивлар сабабли содир этилгани аниқланаши шарт бўлсада, бу масалага эътибор берилмайди. Биз томонимиздан ўрганилган ўз танишларига ёки яқин кишиларига нисбатан безорилик мотиви билан зўрлик ишлатиб содир этилган содир этилган баданга шикаст етказиб билан боғлиқ жиноят ишларининг барчасида қилмиш шахсга қарши жиноят сифатида квалификация қилинган. Масалан, 2008 йил 10 май куни соат 15:00 ларда фуқаро К. ўзига тегишли бўлган «МАТИЗ» русумли давлат автомашинасида онаси Х.ни

соғлиғидан хабар олгани бориб, автомашинасини кўчада тўхтатганида, қўшиниси Т. маст ҳолатда бўлиб, К.га "Нимага машинагни уйимни олдига қўйдинг" деб машина ойнасини синдирган вақтда, К.унинг олдига келиб "Қўшни бу нима қилганиз?" деганида, К.ни қўлидаги таёқ билан бир неча бор уриб, унга ўртача оғирликдаги шакст етказган. Суд Т.нинг ҳаракатларини ЖК 105-моддаси 1-қисми билан квалификация қилиб жазо тайинлаган⁴. Суд Т.нинг жиноят содир этишига "арзимаган ҳолат", яъни К. машинасини айбдорнинг уйи олдида тўхтатгани сабаб бўлиб, улар ўртасида илгари келишмовчилик бўлмагани, айбдор жамиятда юриш туриш қоидасини қасддан менсимасдан К.нинг мулкига ва соғлиғига шикаст етказганлигини ҳисобга олмай, уларнинг қўшни ва олдиндан танишлигига эътибор қаратиб қилмишни ЖК 105-моддаси билан квалификация қилган. Ваҳоланки Т.нинг ҳаракатлари ЖК 277-моддаси 2-қисми "а" ва "б" бандлари билан квалификация қилиниши лозим эди.

Шу билан бирга қилмиш безорилик мотиви билан содир этилганми ёки йўқми? деган масала, ҳар доим жиноятнинг ташқи, яъни объектив томонини таҳлил қилиш орқали аниқланиши лозим. Шунинг учун у ёки бу жиноятни содир этишда безорилик мотивининг мавжуд бўлиши қатор объектив омилларга боғлиқ бўлиб, бунга қуйидагиларни киритиш мумкин:

а) қилмишнинг жамоат жойида содир этилиши;

б) қилмишнинг жамоат жойида содир этилмаган бўлса ҳам, бошқаларга аниқ бўлиши мумкин бўлган шароитда содир этилиши;

в) ҳеч ким бўлмаган жойда, бегона шахсларга нисбатан содир этилиши;

г) жабрланувчи томонидан атайлаб юзага келтирилган вазият туфайли содир этилмай, балки, унинг содир этилиши учун бирор сабабнинг бўлмаслиги ёхуд арзимаган сабаб туфайли содир этилиши.

Келтирилган ҳолатларнинг барчаси ёки улардан бири безорилик мотиви мавжудлигидан далolat бериши мумкин. Лекин уларнинг сўнггиси ЖКда безорилик мотиви билан боғлиқ ҳолда содир этиладиган жиноятларнинг ҳар бирида аниқланиши шарт бўлиб, юридик жиҳатдан аҳамиятли бўлган барча белгиларни таҳлил қилгандан кейингина якуний хулосага келиш мумкин.

Юқорида келтириб ўтган асосларимизни ҳисобга олиб, безорилик мотивини ҳеч қандай ташқи сабабларсиз ёки арзимаган сабаб туфайли айбдорнинг ўзини умум тан олган ахлоқ нормаларига, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига беписандлигини намойиш қилишга ундовчи ҳис-туйғу сифатида таърифлашимиз мумкин. Ва бизнинг фикримизча, бу тушунчани Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 14.06.2002 йилда қабул қилинган "Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги 9-сон қарорига киритилиши мақсадга мувофиқ бўларди.

Безорилик жинояти субъектив томони белгиларини ҳисобга олиб, қуйидаги ўзига хос белгиларини ажратишимиз мумкин: қасд, яъни шахсга нисбатан зўрлик ишлатиш, мулкига шикаст етказиш ёки нобуд қилиш орқали айбдорни жамоат тартибини бузиш ёки унга нисбатан ҳурматсизлигини аниқ намоеън

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2006, 2-жилд. – Тошкент: "O'qituvchi" НМИУ, 2007. – Б. 110.

² Ляпунов Ю.И. Соотношение хулиганства и преступлений против личности // Социалистическая законность. 1980, -№ 9. – С. 45.

³ Борисов С.В. Понятие хулиганства // Вестник Барнаульского юридического института МВД России, 2005. -№9. – С.17-19.

⁴ Жиззах вилояти жиноят ишлари бўйича судининг 2008 йил арзивида.

қилиши; мотив – безорилик жинояти субъектив томонининг зарурий белгиси бўлиб, айбдорни ҳеч қандай ташқи сабабларсиз ёки арзимаган сабаб туфайли ўзини умум тан олган ахлоқ нормаларига, бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига беписандлигини намойиш қилишга ундовчи ҳис-туйғу; ташқи ҳолат билан боғлиқ бўлмаган айбдорнинг безорилик ҳаракатини содир этишга бўлган ички эҳтиёжи ушбу жиноятнинг мақсадиридир.

Ш. Ходжаев
ТДЮИ тадқиқотчиси

ОЗОДЛИҚДАН МАҲРУМ ҚИЛИНГАН ЖАБРЛАНУВЧИ ВА ГУВОҲЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРАЛАР ТАВСИФИ

Жиноятдан жабрланганлар, гувоҳлар ва жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини давлат томонидан ҳимоя қилиш ғоят муҳим вазифа бўлиб турган бир вақтда озодликдан маҳрум қилиш муассасаларида сақланаётган жабрланувчи ва гувоҳлар хавфсизлигини таъминлаш янада муҳимроқ тус олади.

Озодликдан маҳрум қилинганлар жумласидан бўлган жабрланувчилар ва гувоҳлар хавфсизлигини таъминлаш масалалари айрим қонун ости актларида айтилган бўлсада, аммо Ўзбекистонда ушбу масала юзасидан махсус қонун қабул қилинган эмас. Барча қонун ости актлари қабул қилинган қонун асосида бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 25-моддасида “Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга” дейилган. Аммо ана шу эркинлик ва шахсий дахлсизликни таъминлайдиган махсус қонун қабул қилинмас экан, бу Конституциявий қоида декларатив қоида бўлиб қолаверади. Тўғри Ўзбекистон Конституциясининг 26, 27, 43, 44, 45 ва жазо моддаларида ҳамда Жиноят кодексининг қатор моддалари орқали шахснинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинади¹.

Конституция мамлакатимизнинг асосий қонуни ҳисобланиб, унда энг асосий нормалар мустаҳкамланиб, улар қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатларда ривожлантирилади. Жабрланувчи ва гувоҳларга нисбатан бўладиган хавф-хатарлар рўйхати ҳам, хавфсизлик чоралари ҳам Конституцияда белгиланмаган ва белгилашнинг иложи ҳам йўқ. Аммо Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ равишда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига фуқаролик бурчини бажараётган шахсларни ҳимоя қилиш соҳасидаги муҳим ҳуқуқий нормалар белгиланган. Мазкур нормалар озодликдан маҳрум қилинган жазони ўтаётган жабрланувчи ва гувоҳларга ҳам бевосита тааллуқлидир. Бу ҳақдаги фикрлар маълум даражада тадқиқотимизнинг олдинги бобида баён қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг 55-моддасида жабрланувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари баён қилинган бўлиб, бу нормада унинг фақат мажбуриятлари баён қилинган, аммо унинг хавфсизлигини таъминлаш масаласида ҳеч нарса айтилмаган.

Мазкур Кодекснинг 66-моддасида гувоҳнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари баён қилинган бўлиб, у ана шу моддада белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун қонунда белгиланган тарзда жавобгар бўлиши тўғрисида айтилган. Аммо уни ҳимоясини таъминлаш тўғрисида ҳеч нарса айтилмаган. Ушбу моддалардаги қоидалар озодликдан

¹ Ҳамроев Элдор. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси жиноят ҳуқуқининг манбаи сифатида. -Тошкент: ТДЮИ, 2011. –Б. 7.

маҳрум қилиш жазосини ўтаётган жабрланувчи ва гувоҳларга ҳам тегишлидир. Жиноят процессуал кодексининг 114-, 121-моддаларида ҳам гувоҳ ва жабрланувчига тегишли бўлган нормалар баён қилинган бўлиб, бу нормаларда ҳам уларнинг хавфсизлигини таъминлашнинг қонундаги қоидалари белгиланмаган.

Озодликдан маҳрум қилинган жабрланувчи ва гувоҳлар хавфсизлигини таъминлашнинг чоралари одатда Жиноят-ижроия кодексига белгиланади.

Маҳкумларнинг шахсий хавфсизлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 11-моддасида умумий тарзда баён қилинган. Ушбу моддада “Маҳкум шахсий хавфсизлик ҳуқуқига эга”. Қамоқ жазосига, интизомий қисмга жўнатиш ёки озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган шахснинг хавфсизлигига таҳдид юзага келган тақдирда у ўз шахсий хавфсизлигини таъминлаш ҳақида илтимос билан жазони ижро этувчи муассаса ёки органининг ҳар қандай мансабдор шахсига мурожаат этишга ҳақли. Маҳкум мурожаат этган мансабдор шахс дарҳол уни шахсий хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўришга мажбур деб ёзилган. Ушбу норма жабрланувчи ва гувоҳларга ҳам тегишлидир. Аммо Жиноят кодексига жабрланувчи, гувоҳ ёки жиноят процессининг бошқа иштирокчиларини хавфсизлигини таъминлашга қаратилган алоҳида қонун нормаси бўлмаганлиги учун бу норма декларатив қоида бўлиб қолаверади. Жабрланувчи ёки гувоҳга нисбатан қилинган таҳдид Жиноят кодексининг бирор моддасида назарда тутилган жиноий қилмишдан иборат бўлсагина таҳдид қилувчи ўша норма билан жавобгар қилиниши мумкин ҳолос. Аммо юқорида баён қилинганимиздек, оддий ҳаёт шароитидаги нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жойларида жабрланувчи ва гувоҳларга нисбатан қилинадиган таҳдид ўзининг моҳиятига кўра фарқ қилади. Чунки жазони ўташ шароитида ёки хибсда сақланаётган шароитда хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида жазони ўташ муассаса маъмуриятига мурожаат қилишнинг ўзи уларга нисбатан қилинадиган хавфнинг хусусиятини янада кучайтиради.

Инсоннинг онги билан бошқариладиган ҳар бир ҳаракат муайян мотивда, муайян мақсадга қаратилган бўлади. Таҳлил этилаётган жиноятнинг мотиви ва мақсади қасддан содир этиладиган жиноятларнинг мотиви ва мақсадидан фарқ қилади. Барча тўғри қасддан содир этиладиган жиноятларда “Мотив қилмишнинг мақсадини юзага келтиради ва мақсад, ўз навбатида, қилмиш мотивини мустаҳкамлайди. Мотив ва мақсад бир бутун жиноятда ижтимоий хавфли қилмишдаги иродавий жараён мазмунини ва хусусиятини, айб даражасини тавсифлайди”¹. Бу айтилганлар барча тўғри қасддан содир этиладиган жиноятларнинг мотив ва мақсади учун умумий бўлган тушунча ҳисобланади. Жиноятнинг мотиви-муайян талаб ва манфаатларни қондиришга қаратилган жиноят содир этишга журъат туғдирувчи ички кўзгатувчи куч экан, мақсад-жиноят содир қилиш орқали келажакда муайян натижага эришишга қаратилган шахснинг онгидаги фикрига интилишдир.

Одатда жиноятнинг мотиви ЖК Махсус қисми моддаси диспозициясида кўрсатилади.

Жиноятнинг мотиви ва мақсади турли-туман бўлиб, ҳар бир жиноятнинг мотиви ва мақсади индивидуал аниқланади. Жиноятнинг мотиви ғаразғўйлик, рашқ, кўролмаслик, мансабпарастлик, душманлик, адоват ва ҳақозалар бўлиши мумкин. Аммо жабрланувчи ёки гувоҳга нисбатан жиноят содир қилишнинг мотиви ва мақсади ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бунда айбдор ўзи учун сир сақланиши керак бўлган маълумотларни ошкор бўлишини олдини олиш, шундай маълумотларни ошкор қилинганлиги учун жабрланувчи ёки гувоҳдан ўч олиш, ёлғон кўрсатув беришга мажбур қилиш орқали тергов ҳаракатларини нотўғри йўлга солиб юбориши мумкин.

Жабрланувчи ёки гувоҳга зўрлик ишлатиш мақсадининг ўзига хос хусусияти шундаки, бошқа жиноятларнинг мотиви ва мақсади жиноят содир этилгунча шакланган бўлса, жабрланувчи ёки гувоҳга зўрлик ишлатиш жиноят содир этилганидан кейин пайдо бўлади.

Озодликдан маҳрум қилиш жойларида жабрланувчининг ёки гувоҳнинг шароити, оддий шароитдаги гувоҳ ва жабрланувчиларнинг шароитидан фарқ қилади. Агарда оддий шароитда гувоҳ ёки жабрланувчи ўзини ҳимоя қилишнинг муайян усулини танлаш (ўзи ёки яқин кишилари билан биргаликда ўз-ўзини ҳимоя қилиш, ёрдам сўраб таниш-билишларига мурожаат қилиш, тегишли давлат органларига (милиция, прокуратура, суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бу ҳақда мурожаат қилиш) ва ҳоказо имкониятларга эга бўлса, жазони ўташ муассасаларида жабрланувчи ва гувоҳлар бундай имкониятларга деярли эга эмаслар. Тўғри колония маъмурияти жабрланувчи ва гувоҳнинг хавфсизлигини таъминлаш учун барча чораларини кўрадилар. Аммо Эдвард Максимовский томонидан нашр қилинган “Империя страха”² китобида ёзилишича озодликдан маҳрум қилиш муассасаларида жиноятчиликни касб қилиб олган шахслар (профессиональные преступники) томонидан “Жиноий ҳамкорлик” гуруҳлари тузилиб, бундай гуруҳларга рецидивистлар, жиноий фаолиятни касб қилиб олган шахслар, чўнтак ўғрилари, сейф ўғрилари ва ҳоказолар бирлашиб жуда мукамал структурага эга бўлган норасмий ташкилот тузилиб, бундай бирлашма ўзининг раҳбарига (пахзанга) эга бўлиб, бирлашма кичик гуруҳларга бўлинган (икки – беш кишидан иборат) бўлади. Бу бирлашмаларда муайян норасмий хулқ нормалари белгиланган бўлиб, ушбу бирлашмада белгиланган норасмий хулқ доирасида чиқиш мумкин эмас.

Собиқ иттифоқ даврида жиноят дунёси учун ўрнатилган бундай хулқий нормалар бутун Иттифоқ ҳудудида жойлашган жазони ўташ муассасаларида амал қилган.

Улар ўртасидаги криминал ахборот алмашиш ёки ахборот бериш жуда яхши йўлга қўйилган. Бир жойдан иккинчи жойга ахборот узатиш тизими кўп йиллар мобайнида мукамаллаштирилган. Бу тизимни кўплаб жиноятчининг дунёсининг авлодлари ривжлантириб келган.

Ахборот беришнинг кенг тарқалган усули “шифрланган” ахборот бўлиб, улар алоқачилар орқали етказиб берилган. Маълумот қоғозга ёки ҳар қандай матога рақамлар орқали шифрланади ва шифрловчи

¹ Бакунов П. Айб жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида. –Т.: Адолат, 2006. –Б. 95.

² Эдвард Максимовский. Империя страха. –М.: Зеленый парус, 1992. –С. 3-256..

томонидан имзо қўйилади. Шуниси диққатга сазоворки ҳар бир қонундаги ўғри (вор в законе)нинг ўз имзо белгиси бўлиб, бу имзо ахборотни қабул қилувчига олдиндан маълум бўлган. Ахборотни узатиш жуда тез амалга оширилган ва қисқа вақт ичида ахборот олувчига етказилади. Жазони ўтаётган ёки ахборотни ўтказишга ёрдам беришга барча мажбур бўлган.

Ахборот узатиш тизимини ғоят мукамал ишлаб чиқилган бўлиб, муайян усуллари ишлаб чиқиш ва ривожлантиришда октябрь тўнтарига қадар Чор Россияси турмаларида сақланаётган революционерлар жуда катта хисса қўшганлар.

Агарда маҳкуми бир колониядан иккинчи колонияга ўтказиладиган бўлса, бу маҳкум ўтказиладиган колонияда олдиндан билганлар.

Собиқ иттифоқ даврида профессионал жиноят дунёси нафақат Собиқ СССРни, балки бошқа давлат полиция идораларини ташвишга солиб қўйган эди. Шуниси ҳисобга олиб, Эдвард Максимовскийни ёзишча Франция, Германия ва бошқа Европа давлатларида профессионал жиноятчиларни рўйхатга олишнинг янги мукамал усуллари ишлаб чиқилди. “Хабар берувчилар”, “қопқонлар” ва бошқа махсус чоралар ишлаб чиқиши муносабати билан профессионал жиноятчиларни фош қилишда жуда катта самара бера бошлади. Жумладан Париж шаҳрининг махфий полиция бошлиғи Ф.Э.Видакнинг ихтиёрида 30га яқин ёлланган агентлар ёрдамида 7 йил мобайнида 4 мингга яқин профессионал жиноятчиларни қамоққа олишга мувоффақ бўлган¹.

Қонундаги ўғрилар (ворами в законе) тушунчасининг қачон пайдо бўлганлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

Ўғри сиёсатга аралашмаслиги керак, ўғри фақат ўғрилиқ қилиши керак ва давлат ишларига аралашмаслиги керак бўлган. Бундай жиноий хулқ қонунда амал қилган жиноятчилар “қонундаги ўғрилар” (“ворами в законе”) деб атала бошланган.

Собиқ иттифоқ даврида юқорида айтилган жиноят дунёсига хос бўлган қоидалар Ўзбекистон ҳудудида жойлашган жазони ўташ муассасаларида ҳам амал қилган. Чунки Ўзбекистон ҳудудида жойлашган жазони ўташ муассасаларга СССР таркибигакирувчи барча иттифоқдош республикаларидан жазони ўташ учун маҳкумлар келтирилган ва СССР ҳудудида жойлашган барча жазони ўташ муассасалар СССР ахлоқ тузатиш Бош бошқармаси томонидан бошқарилган.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганида кейин фақат Ўзбекистон ҳудудида жиноят содир қилган маҳкумлар жазони ўташни бошлади. Натижада, Россия Федерацияси ҳудудидаги жазони ўташ муассасаларидаги профессионал жиноятчилар таъсирининг пайи қирқилди.

Лекин шунга қарамасдан Собиқ иттифоқ давридаги қолган жиноятчилар дунёсининг анъана ва удумлари маълум даражада ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Ўзбекистонда жиноятчиликка, жумладан профессионал жиноятчиликка қарши кураш чоралари анча кескин қўйилганлиги боис бу борада жиддий ютуқларга эришилди. Айниқса, суд-хуқуқ тизимини либераллаштирилиши муносабати билан озодликдан маҳрум қилиш жазосига ҳукм қилинганлар миқдорининг кескин қисқариши жазони ўташ

колониаларда норасмий хулқ нормаларга эга бўлган бирлашмалар кескин қамайд.

Ана шу юқорида айтилган гаплар тўғридан-тўғри диссертация тадқиқотимиз доирасига кирмасида уларни баён қилиш орқали жазони ўташ муассасаларида жиноят дунёсининг қандай кучга эга эканлиги, жабрланувчи ёки гувоҳларнинг аҳоли қанчалик оғир бўлиб қолишини кўрсатиш эди, холос.

Маҳкумлар хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида маълум даражада қонун нормаларида баён қилинган бўлсада, жабрланувчи ва гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш борасида қонун деярли йўқ. Қонунларда ва Жиноят кодексига ҳамда Жиноят-ижроия кодексларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар асосан жиноят содир этишда айбланаётган шахслар ва маҳкумларни қисмади ва аҳолини энгиллаштиришга қаратилган.

Маҳкумлар хавфсизлигини таъминлаш масаласида юқорида келтирилганимиздек, қонунларда айрим хавфсизлик чоралари назарда тутилган. Жумладан, Жиноят кодексининг бир қатор моддаларида (масалан, 97-модданинг 2-қисми “г”-банди, 104-моддаси 2-қисмининг “б”-банди 105-моддаси 2-қисмининг “в” банди ва ҳоказолар) ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахсга ёки унинг яқин қариндошига нисбатан жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Аммо бу нормалар умумий тарздаги нормалар бўлиб, жабрланувчи ёки гувоҳнинг гувоҳлик бериб, фуқаровий бурчини бажарганлиги муносабати билан унга ёки яқин қариндошига нисбатан жиноят содир этилганликни ҳам қамраб олади, холос. Ўз соғлиғи ёки ҳаётини хавф остида қолдириш гувоҳлик берганлиги учун унга ёки яқин қариндошига нисбатан жиноят содир этганлик учун жиноий жавобгарликни белгилувчи қонун нормаси умуман йўқ.

Маҳкумлар хавфсизлигини маълум даражада ҳуқуқий тартибга солишни қонунда тартибга солиш белгиланганига унча кўп вақт бўлгани йўқ.

1970 йили қабул қилинган ЎзССР Ахлоқ-тузатиш меҳнат кодексининг 81-моддасида озодликдан маҳрум қилинган маҳкумлар ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасасининг ходимида қаршилик кўрсатса, қаттиқ тўполон қилса, атрофидагиларга ёки ўзига жисмоний зарар етказиш хавфи билан зўрлик ишлатса, улар томонидан келтирилиши мумкин бўлган зарарни олдини олиш мақсадида унга қўл кишни ёхуд тинчлантирувчи қўйлак кийдирилиши мумкинлиги ҳақида айтилган². Қонунда ушбу воситаларни аёлларга ва воёга етмаганларга кийдириш тақиқланган.

1987 йил 22 сентябр фармони билан ушбу Кодекснинг 67-моддаси 1-қисми ўнинчи абзац билан тўлдирилиб, умумий, кучайтирилган, қаттиқ тартибли колониядан олти ойгача муддатга камера типидagi хоналарга, махсус тартибли колониянинг камера тартибли хоналаридан олти ой муддатга махсус камера типидagi хоналарга ўтказиб қўйиш, турмаларда эса, умумий тартибли турмадан икки ойдан олти ойгача муддатга турманинг қаттиқ тартибли турига ўтказиб қўйиш белгиланган эди³.

² Ушбу Ахлоқ тузатиш-меҳнат кодекси 1970 йил 1 ноябрда тасдиқланиб, 1970 йил 1 ноябрдан амалга киритилган. – Тошкент: Адолат, 1988.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий советининг ведомостлари, 1987. -№30.

¹ Эдвард Максимовский. Империя страха. –М.: Зеленый парус, 1992. –С. 90.

Ахлоқ тузатиш-меҳнат кодексига киритилган бу кўшимчалар маҳкумлар хавфсизлигини, айниқса жабрланувчи ва гувоҳлар хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ушбу қонунга биноан маҳкум (жабрланувчи ёки гувоҳ мурожаат қилган вақтдан дархол мансабдор шахс дархол унинг шахсий хавфсизлигини таъминлаш чораларини кўриш кераклиги мажбурияти юклатилди.

Ахлоқ тузатиш-меҳнат колонияларида жазони ўташ тартибини (режимини) белгиланганлиги, муассаса маъмурияти раҳбарига озодликдан маҳрум қилиш жойларида жамоат хавфсизлигига, шунингдек маҳкумлар ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солувчи ҳаракатлар ёки тартибсизликлар юз берган ҳолда ишлаб чиқариш ва бошқа объектлар фаолиятини тўхтатиб туриш имконини берди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганидан кейин жазони ижро этиш тўғрисида янги бозор иқтисодиёти тизимига асосланган давлатнинг Жиноят-ижроия кодекси қабул қилинди¹.

Ушбу кодекснинг олдинги, Собиқ Совет иттифоқи даврида амалда бўлган ва 1970 йили қабул қилинган Ахлоқ тузатиш-меҳнат кодексидан фарқи энг аввало бозор иқтисодиёти тизими асосланган жамиятнинг Жиноят-ижроия кодекси эканлиги билан белгиланади.

Мазкур Кодекснинг 2-моддасида жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг вазифалари белгиланган бўлиб, “Жиноят-ижроия қонун ҳужжатларининг вазифаси жазо ижросини таъминлаш, маҳкумларни ахлоқан тузатиш, жиноят содир қилишининг олдини олиш, маҳкумларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат”, деб белгилаб қўйилди.

Демак, Жиноят-ижроия кодексининг муҳим вазифаларидан бири – маҳкумларнинг ҳуқу ва манфаатларини ҳимоя қилиш эканлиги биринчи бор Жиноят-ижроия кодекси мустақамлаб қўйилди. Маҳкумларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бевосита жабрланувчи ва гувоҳларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни ҳам қамраб олади.

“Инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонун билан чекланмаган манфаатлари ҳар қандай ҳолат ва шароитларда эъзозланиши Ўзбекистон халқининг азалий хислатларидан биридир. Маҳкумларнинг тегишли ҳаёт шароитлари таъминланиши, уларнинг сихат-саломатлиги, меҳнат ва маърифатга иштиёқлари, нодир ихтидорларини намоён эта олишлари учун зарур имконият ва шарт-шароит яратиб берилмоли лозим. Юқорида келтирилган вазифалар жазони ижро этиш муассасалари ва барча ҳуқуқни муҳофаза этиш органлари зиммасига юклатилган”².

Шундай қилиб, маҳкумлар хавфсизлигини таъминлаш жиноят-ижроия қонуни тизими вазифаси даражасига қўйилди ва алоҳида мажбурият даражасига кўтарилди.

Озодликдан маҳрум қилиш муассасаларида маҳкумларнинг хавфсизлигини (шу жумлада жазони ўтаётган жабрланувчи ва гувоҳлар хавфсизлигини) таъминлаш Жиноят-ижроия кодексининг бир қатор моддалари ва нормалари билан қамраб олинган

(масалан, 2-, 4-, 6-, 9-, 10-, 11-, 12-, 17-, 58-, 61-, 70-, 71- ва ҳоказо моддалар).

Жиноят-ижроия кодекси фақат озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этиш вақтида маҳкумларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни қамраб олади. жиноят содир этишда гумон қилинувчилар ва айбланувчилар сақланадиган муассасалар жазони ижро этиш муассасаси ҳисобланмагани учун уларда сақланаётган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш Жиноят-ижроия кодекси билан таъминланмай “Жиноят содир этишда гумон қилинувчилар ва жиноят содир этишда айбланувчиларни қамоқда сақлаш тўғрисида”ги Қонун ҳужжати билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексининг бир қанча моддаларида шахснинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш тўғрисида айтилади. Жумладан, ЎЗР ЖПКнинг 2, 17, 18, 251, 270 ва ҳоказо моддаларида жабрланувчи ва гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминланиши тўғрисида баён қилинади. Жумладан, ЖПКнинг 270-моддасида (жиноят процесси иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш) “Жабрланувчи, гувоҳ ёки ишда иштирок этаётган бошқа шахсларга, шунингдек, уларнинг оила аъзолари ёки яқин қариндошларига ўлдириш, куч ишлатиш, мол-мулкни йўқ қилиб ташлаш ёхуд мол-мулкка шикаст етказиш билан ёки ўзга ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракатлар билан таҳдид қилинаётир дейиш учун етарли маълумотлар мавжуд бўлган тақдирда суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд бу шахсларнинг ҳаёти, саломатлиги, шаъни, қадр-қиммати ва мол-мулкни муҳофаза қилиш, шунингдек, айбдорларни аниқлаш ҳамда уларни жавобгарликка тортиш чораларини кўришлари тўғрисида баён қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси жинорий жазони ўтаётган шахсларнинг, шу жумладан жазони ўтаётган жабрланувчи ва гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлашда асосий ҳужжат ҳисобланади. Мазкур ҳужжат жинорий жазоларни, шу жумладан озодликдан маҳрум қилиш қилиш тариқасидаги жазоларни ижро этиш вақтида юз берадиган барча жараёнларга бевосита таъсир кўрсатади. Бу ҳужжат умуминсоний қадриятларнинг устунлиги, маҳкумларнинг инсоний қадриятларини камситилиши истисно қилади. Шахслар хавфсизлигини таъминлашни кафолатлайди. Шунинг билан бирга жазони ўташ ва маҳкумлар билан муомалада бўлиш шароитлари ва тартибини мавжуд халқаро стандартларга мувофиқ равишда таъминлайди.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш муаммосига доир нормаларнинг ўз ичига олган бўлсада, аммо жазони ўтаётган жабрланувчи ёки гувоҳ бўлган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлашни махсус чоралари алоҳида назарда тутилмаган.

Жиноят-ижроия кодексининг 11-моддасининг мазмунига кўра маҳкум ўз хавфсизлигини таъминланишини сўраб мурожаат қилсагина мансабдор шахс тегишли чораларни кўради. Маҳкум мурожаат қилмасачи? Жиноят дунёсининг ғоят қаттиқ қоида удумлар шафқатсиз бўлганлиги учун жабрланувчи ва гувоҳлар ҳар доим ҳам муассаса маъмуриятига мурожаат қилишга журъат этавермайди. Айрим ҳолларда жабрланувчи ва гувоҳ бу ҳақда мурожаат қилишга журъат этмайди.

¹ Мазкур Кодекс 1997 йил 25 апрелда тасдиқланган. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997. -6-сон, 175-модда.

² Жиноят-ижроия кодексига шарҳлар. Муаллифлар жамоаси. –Тошкент: ТДЮИ, 2007. -8 б.

Айниқса жазони ўташ тартиби (режимга қатъий риоя қилинмаслиги, интизомни бўшашига хатто айрим ҳолларда маҳкумлар ўртасида айрим шахсларнинг (пахан)ларнинг ҳукмронлигини ўрнатилишига олиб келиши мумкин. Бундай шароитда жабрланувчи ва гувоҳларнинг хавфсизлигига таҳдид янада кучаяда.

Жазони ўташ муассасаларида жазони ўташ муассасаси ходимлари томонидан жазони ўташ режими талабларига қатъий ва маҳкумлардан бундай талабларга риоя этишларини тўғри талаб қилиши маҳкумларнинг интизомини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Қонун ана шундай нормаларнинг назарда тутилганлиги маҳкумлар хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашади.¹

Тадқиқ этилаётган мавзунини ўрганиш мақсадида жазони ижро этиш муассасалари ходимларининг овозидан маҳрум қилиш жойларидаги жабрланувчилар ва гувоҳлар хавфсизлигини таъминлаш ҳақидаги фикрларини ўрганиш бўйича махсус анкеталар ишлаб чиқиб, жазони ўташ муассасалари ходимларига тарқатилган эди. Анкеталар асосан умумий тартибли ва қаттиқ тартибли жазони ўташ колонияларда ишлаётган ходимларга тарқатилди. Анкета тарқатилган ходимларнинг 42 фоизи (21та) умумий тартибли жазони ўташ колонияси 58 фоизи (29та) қаттиқ тартибли колонияда ишлайдиган ходимлар эди. Уларнинг 38 фоизи туркум (отряд) бошлиғи, қолганлари тарбиявий ишларда, тезкор қидирув ишларда, тартиб (режим) бўйича ишлайдиган ходимлар эди. Анкета тарқатилган ходимлар мазкур жазони ижро этиш муассасасида 6 йилдан кам бўлмаган ва 10 йилдан кўп муддат мобайнида ишлаб келаётган шахслардир.

Сўров натижаларидан маълум бўлишича жазони ўташ колониясида содир этиладиган жиноятлар кўпроқ оғир ва ўта оғир жиноятлардан иборат бўлар эди.

50 дона тарқатилган анкеталарнинг 100 фоиз деб олсак, уларнинг 46 фоизда қасдан одам ўлдириш, 60 фоизи қасдан баданга оғир шикаст етказиш, жинсий эҳтиёжни зўрлик ишлатиб ғайритабиий усулда қондириш, 34 фоизни, гиёҳванд воситаларнинг ғайриқонуний муомиласи билан боғлиқ жиноятлар 22 фоизни ташкил қилган.

Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, жазони ўташ колонияларида ҳам жиноятлар содир этилиб, жабрланувчи ва гувоҳлар ҳам жиноят содир этган шахслар билан бирга жазони ўтайдилар. Бундай ҳолда жабрланувчи ва гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлаш зарурат келиб чиқади.

Қайси тоифадаги маҳкумлар жиноятдан жабрланувчи бўлиб қоладилар деган саволга анкета тарқатилган шахслар қуйидагича жавоб берганлар:

1. Рухий ҳолати бузилган маҳкумлар 19 (38 фоизни);
2. Жиноий ўтмиши билан хайрлашишга ҳаракат қилувчи маҳкумлар -3 (6 фоизни);
3. Лидерлар – 2 (4 фоизни);
4. Хўрланганлар -4 (8 фоизни);
5. Хаваскорлик ташаббускор ташкилотларида иштирок этувчи маҳкумлар -2 (4 фоизни);
6. Жанжалкаш маҳкумлар -18 (36 фоизни);
7. Бошқа маҳкумлар -2 (2 фоизни) ташкил

этноқда.

Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, жиноятдан жабрланганларнинг энг кўпини рухий ҳолати бузилган маҳкумлар (38%) ва жанжалкаш маҳкумлар ташкил қилар экан. Бундан маълум бўлишига бу ҳар икки тоифадаги шахсларда табиий рухий ҳолатдан тез чиқиш рўй беради ва уларнинг ўзлари жиноят содир этилишига сабабчи бўлиб қоладилар.

Шунга кўра жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти бундай шахслардаги рухий ҳолатни бузилишига йўл қўймаслик учун алоҳида назорат ўрнатиши ва нисбатан тинч ақл-идроқ билан иш кўрадиган маҳкумлар кўпроқ бўлган жамоага ўтказишлари мақсадга мувофиқ бўлади.

Жиноятдан жабрланган маҳкумларни (жами 50 дона) ёшига қараб таҳлил қилганимизда қуйидаги маълумотларга эга бўлдик:

- 1) 18-24 ёшдагилар -16 фоизни;
- 2) 25-30 ёшдагилар -20 фоизни;
- 3) 31-35 ёшдагилар -22 фоизни;
- 4) 36-45 ёшдагилар -16 фоизни;
- 5) 46-55 ёшдагилар -16 фоизни;
- 6) 56 ёшдан ошганлар -4 фоизни ташкил

қилар экан.

Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, жиноятдан энг кўп жабрланганлар 25-35 ёшдагилар экан.

Бундай ҳолат ўз ўзидан тушунарли. Чунки бу ёшдаги инсоннинг энг кучга тўлган ва ўзига ишонган, маълум даражада ўзини ҳимоя қила олишига ишонган ёш бўлганлиги учун жиноят гирдобига жабрланувчи бўлиб тушиб қоладилар. Шунга кўра колония маъмурияти ана шу ёшдаги маҳкумларни назоратини кучайтириши, қонун талаблари доирасида тарбиявий ишларни индивидуал олиб боришга алоҳида аҳамият беришлари керак.

Сизнинг муассасангизда жабрланувчилар ва гувоҳларга нисбатан қандай хавфсизлик чоралари кўрилади деган саволга қуйидагича жавоб берганлар:

1. Шахсни хавфсиз жой (шизо, ПКТ, ЕПКТ, ДИЗО)га, бир кишилик камера ёки карцерга жойлаштириш -16 (32 фоизни);
2. Жабрланувчи, гувоҳни ёки таҳдид қилаётган шахсни маъмуриятнинг назорати остидаги бошқа отрядга (камерага) ўтказиш -10 (20 фоизни);
3. Ҳимоя қилинаётган шахсни ёки таҳдид қилаётган шахсни бошқа жазони ижро этиш муассасасига (тергов хибсхонасига) ўтказиш -2 (4 фоизни);
4. Маълумотлар сир тутилишини таъминлаш -13 (26 фоизни);
5. Қиёфани ўзгартириш –
6. Ҳужжатларни алмаштириш –
7. Ҳимоя қилинаётган ва таҳдид қилаётган шахсларни алоҳида сақлаш -9 (18 фоизни) ташкил қилган.

Анкета тарқатилган жазони ижро этиш муассасасининг ходимлар жабрланувчи ва гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминлашнинг энг самарали чораси шахсни вақтинчалик сақлаш хоналарига киритиб қўйиш (32%) ва ҳимоя қилинаётган шахсни ва таъдид қилаётганни алоҳида сақлаш ва маълумотларни сир тутилишини таъминлаш (26%) деб ҳисоблайдилар.

Қиёфани ўзгартириш ва ҳужжатларни алмаштиришни энг самарасиз чора деб ҳисоблайдилар.

¹ Чорный В.Н. Безопасность осужденных в условиях лишения свободы: Дисс.канд.юрид.наук. –Рязань: РИПЭ МВД РФ, 1996. –С. 150.

Ўзбекистонда жиноят процесси иштирокчиларини давлат томонидан ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳам қабул қилинмаганлиги учун гувоҳ ёки жабрланувчинини қиёфасини ўзгартириш анча мураккаб ва жиддий харажатларга талаб қилганлиги учун бўлса керак, анкета тарқатилган ходимлар бу саволга жавоб бермаганлар. Бундан ташқари мамлакатимизда жабрланувчи ва гувоҳларни жуда мураккаб бўлган пластик операциялар орқали қиёфасини ўзгартириш орқали уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мумкинлиги даражасида хавфга эҳтиёж йўқ ва мамлакатимиз бошқа чоралар орқали улар хавфсизлигини таъминлашга қодир.

Россия Федерациясида “Жабрланувчи, гувоҳ ва бошқа жиноят-судлови ишларини юритишнинг бошқа иштирокчиларини давлат ҳимояси тўғрисида”ги Федерация қонун 2004 йил 31 июлда қабул қилинган бўлиб, ушбу қонуннинг 6-моддасининг 6-бандида “Ташқи кўринишни ўзгартириш” тўғрисида айтилган¹.

Россия Федерациясида жабрланувчи ва гувоҳларни шундай даражада ҳимоя қилинишига асослар бор. Чунки Россия Федерациясидаги кескин ўзгаришлар, бир ижтимоий тузумдан иккинчи бозор иқтисодиёти тизимига ўтиш анча мураккаб кечмоқда. Кўплаб содир этилган террористик ҳаракатлар, Чечен уруши, Грузия билан бўлган можоролар, Россиянинг ўзидаги жиноятчиликнинг ўсиб кетганлиги ана шундай қонунни қабул қилинишига олиб келди.

Бизнинг мамлакатимизда нисбатан тинчлик ва осойишталикни, мамлакат ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч-тотув ҳаётини таъминлаганлиги туфайли ҳозирча бундай қонун қабул қилинмади. Аммо чегараларнинг очиқлиги жиноятчиликнинг халқаро тус олганлиги, уюшган жиноятчилик ва жиноий уюшмалар томонидан жиноятлар содир қилинаётганлиги, Ўзбекистонда ҳам шундай қонун қабул қилишни тақозо қилади.

Анкетада қўйилган жазони ижро этиш муассасасида содир этилган жиноят ҳақида хабар қайси манбалардан кўпроқ олинди деган саволга қуйидагича жавоб олинди:

1. жабрланувчилардан -38 (71 фоизи);
2. жиноят содир этган шахсдан -45 (90 фоизи)
3. гувоҳлардан -42 (81 фоизи);
4. маъмуриятнинг ўзи аниқлаган -37 (74 фоизи);
5. бошқа турли манбалардан -43 (86 фоизи)

Тарқатилган 50 анкетада қўйилган ушбу саволга энг кам маълумотни жабрланувчилардан олинганлиги ҳақида айтилган. Ҳақиқатдан ҳам озодликдан маҳрум қилиш шароитида жабрланувчи ўзига нисбатан қилинган таҳдид ҳақида муассаса маъмуриятига мурожаат қилиши унинг учун қандай салбий оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан қўрққанлиги туфайли мурожаат этмайди. Бизнинг назаримизда қонунда жабрланувчи ва гувоҳларнинг хавфсизлигини таъминловчи махсус норманинг йўқлиги ҳам шундай аҳволга сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари озодликдан маҳрум қилиш муассасалардаги микро муҳитнинг ўзига хослиги жабрланувчиларнинг ўз хавфсизлигини таъминлашга

энг аввало ўзи ҳаракат қилиши кўп ҳолларда муассаса маъмуриятига мурожаат қилмасликни тақозо этади.

Озодликдан маҳрум қилиш жойларида аёллар жиноятчилигининг криминологик муаммоларини тадқиқ қилган Қ.Р.Абдурасулова “... озодликдан маҳрум этиш жойларида, айниқса кескин хис қилинадиган бу жойлардаги ижтимоий муҳит фақат шу жойнинг ўзигагина хос бўлган муҳит бўлиб, оддий муҳитдан жиддий фарқ қилади”², дейди.

М.Усмоналиевнинг ёзишча зўрлик ишлатувчи маҳкумлар, маҳкумларнинг “олий” табақасига мансуб бўлганлиги учун ҳам жабрланувчилар бу ҳақда шикоят қилмайдилар.³

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган маҳкумлар жумласидан бўлган жабрланувчи ва гувоҳлар хавфсизлигини таъминлаш масалаларини жазони ижро этиш муассасаларидаги обрўси баланс (авторитет) маҳкумлар томонидан таъминланиши мумкинми, деган савол билан мурожаат қилиниб, жами 50 тарқатилган анкетада ҳам худди шундай савол қўйилган эди. Бу саволнинг 84 фоизига “йўқ” деб жавоб берилган, 16 фоизига эса “билмайман” деб жавоб берилган. Авторитетлар ҳал қилиши мумкин деган бирорта ҳам жавоб йўқ. Демак, озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги авторитетлар маҳкумларни қўрқитиш орқали ўз шахсий муаммоларини ҳал қилишга интилади ва жабрланувчи ва гувоҳлар хавфсизлигини таъминлаш масаласини ҳал қилмайди ва ҳал қила олмайди ҳам. Чунки жабрланувчи ва гувоҳлар хавфсизлигини таъминлаш уларнинг удумларига хилоф ҳисобланади.

Анкетада қўйилган “Сизнингча озодликдан маҳрум қилинган жабрланувчилар ва гувоҳларга нисбатан қандай хавфсизлик чораларини самаралироқ қўллаш мумкин” деган саволга, суралганларнинг 19 фоизи суд, прокурор, суриштирув органининг бошлиғи ёки терговчининг асосланган қарори (ажрими) деб жавоб берилган. Ўз шахсни хавфсизлигини таъминлашни сураб мурожаат этиш орқали, деб 26% жавоб берилган. Суралганларнинг 54,4 фоизи озодликдан маҳрум қилинган жабрланувчи ва гувоҳлар хавфсизлигини таъминлаш тўғрисидаги қонун қабул қилиниши лозим деб ҳисоблаганлар. Демак, жабрланувчи ва гувоҳлар хавфсизлигини давлат томонидан ҳимоя қилиниши тўғрисидаги махсус қонун қабул қилиниши улар хавфсизлигини таъминлашнинг энг самарали чораси ҳисобланади.

Ана шу фикрларга асосланиб биз ҳам жабрланувчи ва гувоҳлар хавфсизлигини давлат томонидан ҳимоя қилишни таъминлаш тўғрисидаги қонун қабул қилиниши энг самарали чора деб ҳисоблаймиз.

Тергов ҳаракатларини ўтказиш пайтида жабрланувчи ва гувоҳларнинг яқинлари хавфсизлигига таҳдид хавфи юзага келиши мумкин. Одамларни тутқинликка олиб ўз талабларини қўйиш юз бераётган даврда, жабрланувчи ва гувоҳларнинг яқинларига таҳдид бўлиши мумкинлигини инкор қилиб бўлмайди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларида ва собиқ иттифоқнинг охириги ўн йиллиги

¹ Федеральный закон о государственной защите потерпевших, свидетелей и иных участников уголовного судопроизводства. 2004 йил 31 июл.

² Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят-ҳуқуқий ва криминологик муаммолари. Автореф.юрид.фан.докт. –Тошкент, 2006. –26 б. (Б.3-42)

³ Усмоналиев М., Каракетов Й. Озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги жиноятчиликнинг криминологик тавсифи. Криминология дарслиги. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. - 439 б.

даврида Ўзбекистонда ҳам шундай таҳдид кўпайиб кетганлик гувоҳи бўлганмиз. Мамлакатимизда бундай ҳаракатларга қарши кўрилган чоралар ва бу борада қабул қилинган қонун нормаларининг самарасини гувоҳи бўлиб турамыз.

Тергов ҳаракатларини ўтказиш пайтида маҳкумлар жумласидан бўлган жабрланувчилар ва гувоҳларнинг яқинлари хавфсизлигига таҳдид юзага келиши мумкинми, деган саволга анкета тарқатилганларнинг 46 фоизи (23-та) “ҳа” деб жавоб берганлар. 54 фоизи эса (27та) йўқ деб жавоб берганлар. Озодликдан маҳрум қилиш муассасалари ходимларининг 46 фоизи шундай таҳдид бўлиши мумкинлигини айтиши таҳлил этилаётган мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Тергов ҳаракатларини ўтказиш пайтида жабрланувчи ва гувоҳлар хавфсизлигига таҳдид юзага келишига йўл қўймаслик учун қандай чоралар кўрилади, деган саволга сўралганларнинг 28 фоизи (14та) шу ҳудудда ИИБ томонидан назорат кучайтирилади деб ҳисоблайдилар. 22 фоизи (11та) тегишли жойга хабар берилади деб ёзганлар. 50 фоизи эса (25та) алоҳида сақланади деб ҳисоблайдилар.

Демак, анкета тарқатилганларнинг кўпчилиги (ярми) жабрланувчи ёки гувоҳни таҳдид қилувчилардан алоҳида сақлаш кераклигини ёзадилар. Бундан кўриниб турибдики, Жиноят-ижроия кодекси жиноий жазони ижро этишни тартибга солиши туфайли шу Кодексда маҳкумларни қайси ҳолларда алоҳида-алоҳида сақлаш кераклигини белгиловчи норма киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

ЎЗР ЖПКнинг 537-моддасида озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилинган шахсларни сақлаш шароитини жазони ўташ вақтида ўзгартириш ҳақида ёзилган. Лекин ушбу моддада маҳкумнинг намунавий ёки ёмон хулқи туфайли бошқа режимли жазони ўташ муассасасига ўтказиш назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-ижроия кодексининг 58, 60, 61-моддаларида маҳкумларни алоҳида сақлашни бир муассаса доирасида ёки бошқа турдаги муассасага ўтказиш ҳақида айтилади. Аммо бу моддаларда жабрланувчи ва гувоҳларни эмас, балки маҳкумнинг яхши ва ёмон хулқига жазонинг муайян қисмини ўтаб бўлганлигига ва қонунда белгиланган бошқа асосларига кўра ўтказиш назарда тутилади.

Озодликдан маҳрум қилиш жойларидаги микро муҳитни ҳисобга олиб, қонунда жабрланувчи ва гувоҳларни таҳдид қилувчилардан алоҳида-алоҳида сақлаш тўғрисида Жиноят-ижроия кодексига 58¹-модда киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай ҳолда жабрланувчи ва гувоҳнинг хавфсизлигини давлат томонидан таъминлаш мақсадида таҳдид қилувчи шахсдан улардан алоҳида сақлашни таъминлашни керак.

58¹-модданинг лойиҳасини қуйидагича таклиф қиламыз.

58¹-модда. Озодликда маҳрум қилиш жазосини ўтаётган жабрланувчи ва гувоҳларни алоҳида сақлаш.

Жазони ижро этиш муассасаларида жабрланувчи ва гувоҳларни шунингдек ҳаёти ёки соғлиғига таҳдид юзага келган маҳкумларнинг хавфсизлигини таъминлашлари шарт.

Уларнинг хавфсизлигини жазони ижро этиш муассасаси доирасида ёки бошқа шундай тартибли муассасага ўтказиш орқали таъминланади.

Шундай қилиб, озодликдан маҳрум қилинганлар жумласидан бўлган жабрланувчилар ва гувоҳлар хавфсизлигини таъминлаш қонунларда белгиланган тартибда Жиноят-ижроия муассасасининг маъмурият вакиллари томонидан таъминланади.

Мельникова Н.В. озодликдан маҳрум қилинганлар жумласидан бўлган жабрланувчилар ва гувоҳлар хавфсизлигини таъминлаш чораларига қуйидагича таъриф берилган.

“Озодликдан маҳрум қилинганлар жумласидан бўлган жабрланувчилар ва гувоҳлар хавфсизлигини таъминлаш чоралари деганда кўрсатилган тоифадаги шахсларни улар озодликдан маҳрум қилиш тартибдаги жазони ўташ даврида бошқа маҳкумларнинг ғайриқонуний тазийқидан ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатлари ва қонуности норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг нормаларида назарда тутилган турли ҳуқуқий тармоқларнинг механизмлари мансабдор шахслар ҳаракатлари усулларини мажмуи тушунилади¹.

Биз ушбу таърифга қўйилган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг жазони ўташ муассасаларида жазони ўтаётган жабрланувчи ва гувоҳлар хавфсизлигини таъминлашнинг қуйидаги тушунчасини таклиф қиламыз.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган жабрланувчи ёки гувоҳ бўлиб қолган шахсларнинг хавфсизлигини таъминлаш қонун ҳужжатлари ва қонун ости норматив ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартибда муассаса маъмуриятининг жабрланувчи ва гувоҳларнинг бошқа маҳкумлар тазийқидан ҳимоя қилишга қаратилган ҳаракат усулларининг мажмуидир.

Шундай қилиб, озодликдан маҳрум қилинганлар жумласидан бўлган жабрланувчи ва гувоҳларни турли тазийқлардан ҳимоя қилишни кўрсатилиши

– аввало шахснинг қонунда ҳимоя қилинганлигини ҳис қилиш ва қонунларга бўлган ишончини мустаҳкамлайди;

– қонун орқали ҳимоя қилинаётганлигини ҳис қилиш ўзига бўлган ишончини ривожлантиради;

– жабрланувчининг ва гувоҳнинг кўрқмасдан жиноят ёки бошқача тазийқ ҳақида тегишли кўрсатув ва гувоҳлик беришини кафолатлайди;

– жиноят ҳақида тўғри гувоҳлик беришни таъминланади;

– тазийқ ўтказувчи учун ҳам шундай қилмиш учун қонун олидад жавоб бериши мумкинлигини ҳис қилиш ва ўзини ана шундай ҳуқуққа хилоф ҳаракатдан тийилишини таъминлайди;

– ва ниҳоят жиноятни очилиши ва адолатни қарор топишини таъминлайди.

¹ Мельникова Н.В. Правовые регулирование обеспечения безопасности потерпевших и свидетелей из числа осужденных лишению свободы. Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. – Рязань, 2006. –С. 14.

Д.Г.Рахимова
ТДЮИ стажер-тадқиқотчи-изланувчиси

ТАМОМ БЎЛМАГАН ЖИНОЯТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ БОСҚИЧЛАРИДАН ФАРҚЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг мақсади- ҳуқуқий давлатни шакллантириш, қонунийлик ва адолатни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишига эришишдан иборат. Ижтимоий хавфли тажовузларни олдини олиш ва унга нисбатан қарши курашни таъминловчи ҳуқуқий давлатнинг бир элементи сифатида жиноят қонуни ҳам қонунийлик ва адолатни таъминлашда асосий вазифи бажаради. Янги ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши, иқтисодий тубдан ислох қилиниши, ҳуқуқий давлатни барпо этиш ғояси янги Жиноят кодекси қабул қилинишини тақозо этди. Унда жиноят содир этиш босқичлари атамасидан умуман воз кечган ҳолатда, жиноятларнинг тугалланиш вақтига асосан, улар 2 гуруҳ (тамом бўлмаган ва тамом бўлган жиноятлар)га ажратилди. Бироқ амалдаги жиноят қонунида тамом бўлган ёки тамом бўлмаган ёхуд жиноят содир этиш босқичлари тушунчаси берилмаган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 6-боби “Тамом бўлмаган жиноятлар” деб номланади. Унда тамом бўлмаган жиноятларнинг тури сифатида жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилиш тушунчалари белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 25-моддасига мувофиқ, шахснинг қасддан қилинадиган жиноятни содир этиш ёки яшириш учун шарт-шароит яратувчи қилмиши ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра содир этилиши бошлангунга қадар тўхтатилган бўлса, бундай қилмиш жиноятга тайёргарлик кўриш деб топилади, қасддан содир этиладиган жиноят бошланиб, шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра охирига етказилмаган бўлса, жиноят содир этишга суиқасд деб топилади.

Жиноятларнинг тугалланишига кўра турларга ажратиш орқали қонун чиқарувчи жиноятларнинг тамом бўлиш вақтига урғу берган. Жиноят содир этиш босқичлари ва тамом бўлмаган жиноятларнинг ўртасида аниқ чегара белгиланмаганлиги, ўз навбатида уларни тушунишда чалкашликка олиб келди. Аслида жиноят содир этиш босқичлари тушунчаси, турлари ва босқичларнинг тамом бўлмаган жиноятлардан фарқи хусусида олимлар томонидан турлича фикрлар билдирилган.

Хусусан, профессор М.Х. Рустамбаев тамом бўлмаган жиноятларга қуйидагича таъриф берган. “Тамом бўлмаган жиноят (тайёргарлик кўриш ва суиқасд) конкрет жиноят таркиби белгиларида назарда тутилган хатти-ҳаракатларни тўлиқ бажармаслик ёки жиноий оқибатларнинг келтириб чиқармаслик билан тавсифланади¹”.

Л.Л.Кругликовнинг фикрига кўра, “Тамом бўлмаган жиноятлар аниқ жиноят таркиби белгиларида белгиланган ҳаракатларни тўла равишда бажармаслик ёки жиноий оқибатнинг мавжуд бўлмаслиги билан

тавсифланади²”. М.П.Редин “Тамом бўлмаган жиноят жиноий мақсадни амалга оширишга йўналтирилган жиноятга тайёргарлик кўриш ва уни амалга ошириш босқичларида шахснинг ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра тўхтатилган фаолияти бўлиб ҳисобланади³” деб таъкидлаган бўлса, Г.В. Назаренко эса “Тамом бўлмаган жиноят шахснинг ҳошиш иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра ёки жиноятдан ихтиёрий қайтиш натижасида охиригача етказилмаган қасддан содир этилган қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)⁴” деб ва тамом бўлмаган жиноятларни 3 гуруҳга бўлади: жиноятга тайёргарлик кўриш, жиноятга суиқасд ва ўзининг жиноий мақсадини амалга оширишдан узил-кесил ихтиёрий қайтиш.

Бугунги кунда жиноят ҳуқуқи назариясида тамом бўлмаган жиноятларнинг моҳиятини тушуниришда янги йўналиш шаклланимоқда. Масалан, баъзи рус олимларининг фикрича, “тамом бўлмаган жиноят жиноий фаолият ривожланишининг у ёки бу босқичида тўхтатилган фаолиятдир⁵”. А.И. Ситникова “Тамом бўлмаган жиноятлар сифатида шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра тўхтатилган қасддан содир этилган қилмиш ҳамда жиноятга тайёргарлик кўриш ва суиқасдда ўз ихтиёрига кўра тўхтатилган жиноий фаолият⁶ни назарда тутган. Олимнинг мазкур таърифи амалдаги тамом бўлмаган жиноятнинг таърифига мутлақо зид. Чунки қонун чиқарувчи тамом бўлмаган жиноятларнинг мажбурий элементи сифатида шахсга боғлиқ бўлмаган ҳолатларга кўра тўхтатилганлик белгисини кўрсатиб ўтган.

И.С.Тишкевич таклиф қилган қуйидаги таърифни келтириш, бизнингча, ўринли бўлади: “Тамом бўлмаган жиноят деганда, қасддан амалга ошириладиган шундай бир ижтимоий хавфли фаолиятни тушуниш лозимки, унда жиноятнинг объектив томони тўлиқ ривожланмагани туфайли жиноят таркиби белгиларидан бир қисминигина ўз ичига олади⁷”. Бизнинг назаримизда, мазкур таърифнинг камчилиги шундаки, унинг муаллифи тамом бўлган ва тамом бўлмаган жиноятлар субъектив томонининг айниқлигидан келиб чиққан.

Жиноят содир этиш босқичларига ҳам олимлар томонидан турлича таърифлар берилган. Масалан, “Жиноят содир этиш босқичлари жиноят ҳуқуқи томонидан қасддан жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш ва бевосита бажариш босқичлари (жиноий фаолиятнинг ривожланиш босқичлари) сифатида тушунилиб, жиноятга тайёргарлик кўришдан бошланиб жиноий оқибатлар келиб чиқишида тамомланади. Бу босқичлар 3 та: 1) жиноят содир этишга тайёргарлик кўриш босқичи; 2) жиноят таркиби объектив томонини

²Уголовное право России. Часть общая. учебник для ВУЗов./ отв.ред. Л.Л.Кругликов.-2-е изд., перераб.и доп. –Москва. 2010.

³ Редин М.П. Объективные и субъективные признаки приготовления к преступлению и покушения на преступление // Следователь. 2003. –№9 (65).

⁴ Назаренко Г.В., Ситникова А.И. Неоконченное преступление и его виды. Монография. –М.: Ось-89, 2003.

⁵Козлов А.П. Учение о стадиях преступления. –СПб.: 2002., Ситникова А.И. Неоконченное преступление и его виды. –М., 2003.

⁶Ситникова А.И. Наказуемость неоконченных видов преступлений // Уголовное право. 2002. –№4.

⁷Тишкевич И.С. Приготовление и покушение по советскому уголовному праву (понятие и наказуемость). – М., 1958. – 27-б.

¹Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. –Тошкент: Илм Зиё. 2011. –Б. 525.

бажариш; 3) жиноятнинг тамом бўлиши ва ижтимоий хавфли оқибатларнинг келиб чиқиши¹ дир.

А.С.Якубов эса жиноят содир этиш босқичларига қуйидагиларни киритади: 1) қасднинг шаклланиши; 2) жиноятга тайёргарлик кўриш; 3) жиноят содир этишга суиқасд қилиш; 4) тамом бўлган жиноят.

Н.Ф.Кузнецова эса, жиноий фаолиятнинг ривожланиш босқичлари ва тамом бўлмаган жиноят турларини ажратишга доир ўзининг фикрини билдириб, босқичлар деганда жиноятга тайёргарлик кўриш борасидаги ҳаракатларни ва жиноятни бажаришни, тамом бўлмаган жиноят турлари деганда эса – жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилишни назарда тутган². Бироқ Н.В.Лясс бу нуқтаи назарни қўллаб-қувватламаган³. Кейинчалик Н.Ф.Кузнецова жиноий фаолият ривожланиш жараёнининг юқорида зикр этилган икки босқичига, бизнингча, асосиз равишда, учинчи босқич – жиноий оқибатларнинг юз беришини қўшган⁴.

“Жиноятларни содир этиш босқичлари” ва “тамом бўлмаган жиноят” тушунчаларини фарқлаш зарурлиги ва уларнинг мезонлари ҳақида 1987 йилда В.Н.Кудрявцев ёзган эди⁵. Н.Ф.Кузнецованинг таъкидлашича, баъзи бир лойиҳаларда, масалан Россия Жиноят тузуги (Умумий қисм) лойиҳасида тамом бўлмаган жиноят институти “жिनотни содир этиш босқичлари” деб номлангани ва бу тўғри эмаслигини таъкидлаган⁶. Бу масалага Н.П.Кузнецов ҳам изчил ёндашмаган: ўз асарида у жиноятга тайёргарлик кўриш ва жиноят содир этишга суиқасд қилишни тамом бўлмаган, бошланғич жиноий фаолият шакллари деб, бошқа жойида эса – жиноий ниятни амалга ошириш босқичлари деб атаган⁷, ваҳоланки, иккала ҳолда ҳам гап айна бир нарса – тамом бўлмаган жиноят турлари ҳақида боради.

Кейинчалик мазкур муаммо атрофидаги баҳсга А.П.Козлов қизгин тус беради. У жиноятни содир этиш босқичларига жиноий ниятнинг пайдо бўлиши, уни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш ва жиноятни бажаришни киритади⁸. Бизнингча, жиноий ниятнинг пайдо бўлиши жиноятни содир этиш босқичи ҳисобланмайди, сабаби ушбу ҳолатда жиноий ниятни амалга ошириш борасидаги фаолият мавжуд бўлмайди.

Жиноят содир этиш босқичлар атамасининг ўрнига жиноий ниятнинг амалга ошириш босқичлари атмасининг қўлланилишини таклиф этган М.П.Редин

мазкур тушунчани 2 га, яъни жиноятни бажариш учун қасддан шарт-шароит яратиш босқичи ва жиноятни бажариш босқичига ажратишни таклиф этган. Фикримизча, мазкур таклиф жиноят қонунчилигига мувофиқ эмас. Сабаби жиноий ният сўзи жиноят қонунчилигида ифодаланмаган, шунингдек, мазкур тушунчаларни 2 га бўлиш ижтимоий хавфли қилмишни квалификация қилиш учун ҳеч қандай юридик аҳамиятга эга эмас. Мазкур босқичлар бир-биридан ўзларининг ижтимоий хавфлилик даражасига кўра фарқланиши лозим. Лекин жиноятни бажариш учун қасддан шарт-шароитлар босқичи таркибига жиноятга тайёргарлик кўриш босқичи киради, жиноятни бажариш босқичи таркибига эса жиноятга суиқасд қилиш ва тамом бўлган жиноятлар киради. Аммо уларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси, жиноят қонуни билан кўриқланадиган объектларга зарар етказиш хавфи турлича ва шунга асосан уларни бир босқич доирасига киргизиш мумкин эмас.

Бизнинг назаримизда, буларнинг барчаси узоқ йиллар мобайнида жиноят ҳуқуқи назариясида жиноий ниятни амалга ошириш босқичлари ҳақидаги таълимнинг ривожланишига, бинобарин, жиноятлар учун уларнинг тугалланганлик даражасига кўра жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва уларни қўлланиш амалиётини такомиллаштиришга монелик қилиб келган. Аслида жиноят содир этиш босқичлари жиноят ҳуқуқи назариясида мавжуд тушунча бўлиб, жиноят қонунчилигида ўзининг аксини топмаган. Сабаби, барча жиноят таркибларида жиноят босқичлари мавжуд бўлмайди, жиноий ниятнинг амалга оширилиши жараёни жиноят содир этиш босқичлари схемаси асосида ривожланмайди. Шунингдек, жиноят ҳуқуқи назариясига мувофиқ, жиноят содир этиш босқичлари фақат тўғри қасддан содир этиладиган жиноятларда мавжуд бўлади. Жиноят содир этиш босқичларининг ўзига хос хусусияти мазкур босқичлар жиноий ниятнинг амалга ошишининг реал бўлиши орқали тамом бўлган жиноятларга янада яқинлашади.

Босқичлар ўзига хос юридик аҳамият касб этмайди. Улар фақат тамом бўлмаган ва тамом бўлган жиноят сифатида жиноят-ҳуқуқий категория ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят ҳуқуқи назариясидаги жиноят содир этиш босқичлари атамасидан умуман воз кечиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Сабаби:

биринчидан, аввало қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жиноят деб топиллиши учун унинг белгилари, яъни ижтимоий хавфли, ҳуқуққа хилоф, айбли ва жазога сазовор бўлиши лозим. Қилмиш содир этилишининг ўзи ҳали жиноят эмас. Жиноят содир этиш босқичлари атамасининг қўлланилиши ҳали содир этилаётган қилмишга бўлган баҳони, яъни уни жиноят эканлигини таъкидлайди. Ва босқичларни яхлит бир тизим сифатида кўради. Жиноят содир этиш босқичлари яхлит бир тизим ҳисобланмайди. Шунинг таъкидлаш керакки, баъзи олимпар томонидан қасднинг шаклланиши ва намоеён бўлиши босқичини жиноят содир этиш босқичлари таркибига киритилади. Аслида улар жиноий жазоланадиган босқичлар ҳисобланмайди. Шунга асосан, улар жиноят ҳуқуқий аҳамият касб этмайди;

иккинчидан, жиноят ривожланмайди, жиноий ният ривожланиб, мазкур ният амалга оширилиб, қонун

¹ Рустамбаев М.Х. Ўзбекистон Республикаси жиноят ҳуқуқи курси. –Тошкент: Илм Зиё. 2011, 239 б.

² Қаранг: Кузнецова Н.Ф. Ответственность за приготовление к преступлению и покушение на преступление по советскому уголовному праву. – М., 1958. – 39–41-б.

³ Қаранг: Курс советского уголовного права. Часть общая. Т. 1. – Л., 1968. – 539–540-б.

⁴ Қаранг: Советское уголовное право. Общая часть: Учебник / Под ред. Г.А.Кригера, Н.Ф.Кузнецовой, Ю.М.Ткачевского. 2-е изд., доп. и перераб. – М., 1988. – 164-б.; Уголовное право. Общая часть / Под ред. Н.Ф.Кузнецовой и др. – М., 1993. – 176-б.; Учебник уголовного права. Общая часть. – М., 1996. – 164-б.

⁵ Қаранг: Уголовный закон: опыт теоретического моделирования / Отв. ред. В.Н.Кудрявцев, С.Г.Келина. – М., 1987. – 93-б.

⁶ Қаранг: Новое уголовное право России. ... – 53-б.

⁷ Қаранг: Кокорев Л.Д., Кузнецов Н.П. Уголовный процесс: доказательства и доказывание. – Воронеж, 1995. – 73, 75-б.

⁸ Қаранг: Козлов А.П. Стадии и неоконченное преступление. Вып. 1. Стадии совершения преступления: Учебное пособие / Красноярск, 1993. – 33-б.

билан қўриқланадиган объектларга зарар етказадиган ёки зарар етказиш аниқ хавфи келтириб чиқаради;

учинчидан, бевосита юқоридаги фикрга қўшимча сифатида жиний ният содир этилмади, балки жиний содир этилади;

тўртинчидан, ЖК Махсус қисм моддаларидаги турли жиний таркиблари (моддий, формал ва кесик) нинг тамом бўлиш вақти жиний содир этиш босқичлари билан боғлиқ эмас. Шунга мувофиқ, жиний содир этиш босқичларни таҳлил қилинаётган жинийларнинг асоси дейиш мумкин эмас. Чунки барча жинийлар ҳам жинийга тайёргарлик кўриш, жиний содир этишга суиқасд қилиш ва тамом бўлган жиний схемаси асосида ривожланмади. Амалиётда аниқ бир жинийни содир этиш учун урта босқич кетма-кетлик асосида содир этилиши мумкин. Аксарият жинийлар ҳеч қандай тайёргарлик ҳаракатларсиз бирдан содир этилади, яъни тамом бўлган жиний дастлабки ҳаракатсиз ёки суиқасдсиз содир этилиши мумкин. Шунингдек, шахс ҳеч қандай тайёргарлик ҳаракатларсиз жинийга суиқасд қилиши ва кўзлаган жиний мақсадига эришиши мумкин;

бешинчидан, жиний ҳуқуқида жиний содир этиш босқичлари атамасининг қўлланиши 3 та босқичнинг ҳам юридик аҳамиятини бир хил даражага қўяди. Уларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси бир хиллигидан далолат беради. Маълумки, жинийга тайёргарлик кўриш, жиний содир этишга суиқасд қилиш ва тамом бўлган жинийларнинг жиний қонуни билан қўриқланадиган объектга зарар етказиш даражаси бир хил эмас. Бежизга жиний қонунида тамом бўлмаган жинийлар учун алоҳида жазо белгилаш ҳақидаги қоида мавжуд эмас. Шунга мувофиқ, жинийга тайёргарлик кўришга нисбатан жинийга суиқасд қилишнинг жинийга суиқасд қилишнинг тамом бўлмаган жинийга нисбатан ижтимоий хавфлилик даражаси юқори;

олтинчидан, жиний содир этиш босқичлари қилмишнинг квалификацияси учун ҳеч қандай аҳамият касб этмайди. Аксинча, тамом бўлмаган жинийлар юридик аҳамиятга эга. Жиний қайси босқичда тўхтатилганлигидан эмас, балки жинийнинг тугалланишига кўра қайси тури содир этилганлиги амалий жиҳатдан аҳамиятли бўлиб ҳисобланади.

Б. Исломов

ТДЮИ стажер-тадқиқотчи-изланувчиси

ЖАЗОНИ ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ҲОЛАТЛАРГА ДОИР ҚОНУН ҲУҶЖАТЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ

Жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларнинг жиний ҳуқуқида, хусусан, жазо тайинлашда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз саналиб, маълумки ҳар қандай ҳуқуқий ҳодисанинг асл моҳияти, ҳуқуқий табиатини англаш учун унинг вужудга келишини босқичлари, бунга сабаб бўлган омилларни аниқлаб олиш зарур. Шу сабабдан ҳам, енгиллаштирувчи ҳолатларнинг ҳуқуқий табиатини англашнинг воситаларидан бири сифатида ушбу ҳолатларга доир қонунчиликнинг ривожланиши масаласини кўриб чиқишни лозим топдик.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўрта Осиё ҳудуди Россия империяси томонидан босиб олинганга қадар¹ ушбу ҳудудда мустақил давлатлар саналган Бухоро амирлиги, Қўқон ва Хива хонликлари ҳукмронлик қилган бўлиб, уларда шариат нормалари амал қилган. Россиянинг босқини оқибатида Қўқон хонлиги тугатилиб, Туркистон Генерал Губернаторлиги ташкил топади. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги расман мустақиллигини сақлаб қолган бўлса-да, Россиянинг мустамлакасига айланади. Асосан фуқаролик ишларини ва майда жиний ишларини кўриш учун уларнинг ҳудудида вақтинчалик қозилик судлари сақланиб қолади. Шариат нормалари 1917 йилда Октябрь инқилобининг юз берганидан сўнг совет давлатининг ташкил топиши оқибатида 1920 йилда Бухоро амирлиги ва Хоразм хонлиги тугатилиб, совет давлатининг таркибига кирувчи Бухоро ва Хоразм Халқ Республикалари ташкил топганига ва совет қонунлари тўлиқ жорий этилганига қадар амал қилади. Туркистон губернияси ўрнида эса РСФСР таркибидаги Туркистон автоном республикаси ташкил этилади.

Демак, дастлаб рус босқинига қадар Ўрта Осиё ҳудудида жойлашган давлатларда ушбу ҳудудда араблар истилосидан² сўнг ўрнатилган ислом дини билан чамбарчас боғлиқ бўлган шариат³ нормалари амал қилган бўлиб, унинг асосий манбаларини Қуръон⁴, Сунна⁵, ижмоъ⁶ ҳамда қиёс¹ ташкил этган.

¹ Ушбу жараён 1865 йилда бошланган.

² 674 йилда Пойкенд, икки йилдан сўнг Бухоро, 712 йил Хоразм, кейинроқ Самарқанд, Фарғона, Шош шаҳарларининг араблар томонидан истило қилиниши билан деярли Мовароуннаҳрнинг барча асосий шаҳарлар араблар қўлига ўтади. VIII асрдан Мовароуннаҳр халқлари тарихида янги давр бошланиб, ушбу даврга қадар амал қилиб келган зардуштийлик ва христианлик динларининг ўрнига ислом дини кенг тарғиб қилина бошланган.

³ Шариат (араб. – остона ва сув ичиш жойи) – Қуръон ва Сунна асосида тузилган, давлат, мерос, жиний ва оила-никоҳ ҳуқуқи нормаларининг мажмуидир.

⁴ Араб тилидан «ал-Қуръон» – ўқимоқ, қироат қилмоқ, жамлаш маъноларини англаиб, ислом ҳуқуқининг бош манбаи ҳисобланади.

⁵ Исломда мусулмонлар учун ибрат ҳисобланган Муҳаммад пайғамбарнинг (САВ) сўзлари, амаллари ва хатти-ҳаракатлари саналиб, унинг замирида ҳадислар (араб. – «хабар», «янгилик») ётади.

⁶ Ислом ҳуқуқининг атоқли ҳуқуқшунослари – мужтаҳидларнинг муҳокама этилаётган масала юзасидан яқдил бир фикрга келиши.

Ушбу даврда ҳуқуқ, жумладан жиноят ҳуқуқи ҳам дин билан бирлашиб кетган бўлиб, шариат тақиқлаган ҳаракатнинг содир этилиши ёки мажбурий деб белгиланган хатти-ҳаракатнинг бажарилмаслиги жиноят – Оллоҳнинг иродасига қарши қилмиш деб ҳисобланган. Ўз навбатида жазо тайинлаш масалалари ҳам шариатга мувофиқ ҳал қилинган. Аҳолининг мусулмон саналган қисми мусулмон бўлмаган қисмига нисбатан имтиёзларга эга бўлган. Жумладан, мусулмон бўлмаган шахс жиноят содир этса ҳамда жазо чораси² белгиланганидан сўнгра ислом динини қабул қилган тақдирда унинг жавобгарлиги энгиллаштирилган.

Шариатда оила бошлиғининг оила аъзоларига нисбатан жиноят содир этиши жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолат саналиб, эркак ўз аёлига жисмоний шикаст етказган тақдирда, унга нисбатан талион принципи³ қўлланилмаган, сабаби шариат эркак кишига ўз аёлини жазолаш ҳуқуқини берган. Жумладан, «... Хотинларингизнинг итоатсизлигидан кўрсангиз, аввало уларга панд-насиҳат қилингиз, сўнг уларни ётоқларда тарк қилингиз, сўнгра уринглар. ...», дейилади Қуръони Каримда. Эркак фақат ўз аёлини ўлдирганлиги учун жавобгар бўлган. Аммо, бу ҳолатда ҳам унга нисбатан талионнинг умумий қоидалари қўлланилмасдан, у фақатгина ўлдирилган аёлнинг қариндошларига жарима (дийа)⁴ тўлаши керак бўлган. Чунки, «Эркаклар хотинлари устидан раҳбардурлар. Бунга сабаб Оллоҳ уларнинг бировларини бировларидан (яъни эркакларни аёллардан) ортиқ қилганидир...»⁵.

Шариатда жазони энгиллаштириш ёки оғирроқ жазодан қутулиб қолиш ҳоллари ҳам назарда тутилади. Жумладан, қасддан одам ўлдирганлик учун, агар ўлдирилган одамнинг меросхўрлари шунга рози бўлса, шунингдек баданга шикаст етказганлик учун, агар жабрланувчи ва унинг қариндошлари рози бўлган тақдирда, айбдор қасосдан қутулиб қолиш учун уларга дийа тўлаши лозим. Бундан ташқари, эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдирши ва баданга шикаст етказганлик учун ҳам дийа тўланади. Шунингдек, жабрланувчи ёки айбдор аёл киши бўлса, дийа миқдори икки баравар камайган⁶, яъни жарима жазосининг миқдори камайтирилган. Вояга етмаганлар, руҳий касаллар ва қўллар жавобгар бўлмаган ёки жавобгарлиги чекланган. Сабаби, шариат бўйича балоғат ёшига тўлган, руҳий соғлом ва эркин одамгина содир этган ҳуқуқбузарлиги учун тўлиқ жавобгар бўлади.

¹ Ислом ҳуқуқининг дастлабки икки манбаси – Қуръон ва Суннада берилмаган бирор ҳуқуқий масала улардаги шунга ўхшаш масала бўйича берилган кўрсатмага таққослаш йўли билан шарҳлаш, масалани ҳал қилиш.

² Қуръони карим, «Нисо» сураси, 34–оят.

³ Ушбу тамойил қасосни англатиб, унинг асослари қуйидаги оятга бориб тақалади: «Унда яҳудийларга жонга жон, кўзга кўз, бурунга бурун, кулоққа қулоқ, тишга тиш ва жароҳатларга ҳам қасос олинади ...» (Қуръони карим, «Моид» сураси, 44–оят).

⁴ Дия – хун ҳақи, одам ўлдирганлик, баданга шикаст етказганлик ёки жароҳатлаганлик учун тўланадиган тоvon пули. Унинг миқдори ва шаклини суд белгиланган бўлиб, тарафлар унинг миқдорини ишни судга оширмасдан туриб ҳам ўзаро келишиб олишлари мумкин бўлган.

⁵ Қуръони карим, «Нисо» сураси, 34–оят.

⁶ Ислом ҳуқуқи: Олий ўқув юртлири учун дарслик. – Т.: «ТДЮИ» нашриёти, 2007. – Б.346–347.

Шариат нормаларидан ташқари Мовароуннаҳрда одат ҳуқуқи нормалари ҳам амал қилган бўлиб, унга мувофиқ қуйидагилар жавобгарлик ҳамда жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар деб саналган: айбдорнинг ўзи содир этган жиноятига чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, бу ҳақда хабар бериши; жиноятнинг мулоҳазасизлиги, яъни кетини ўйламасдан энгилтаклик билан содир этилиши; бошқа шахснинг ўзини хафа ёки ҳақорат қилганлигини сабабли вужудга келган ғазаб билан жиноят содир этилиши; озикланишга ҳеч қандай маблағи-воситаси йўқлиги оқибатида жиноят содир этилиши; жиноятчи жиноят содир этганига қадар кўрсатган хизматлари ва эга бўлган ҳурмат-иззати⁷.

Кейинчалик, октябрь инқилобидан сўнг ўрнатилган сиёсий тартиб биринчи навбатда ўша кунга қадар амал қилган қонунчиликни бекор қилишга қаратилади. Аммо, амалдаги қонунчиликни янги қонунчилик билан алмаштириш учун янги қонунлар етарли эмас эди. Шу жумладан, 1917 йилда қабул қилинган Суд тўғрисидаги №1-сон Декрет ишни кўриб чиқиш жараёнида, жумладан, жиноят учун жазони энгиллаштириш масаласини ҳал қилиш давомида аввалги қонунлардан инқилоб билан бекор қилинган доирадан четга чиқмаган ҳолда фойдаланиш, ушбу масалани инқилобий виждон ва ҳуқуқий онга амал қилган ҳолда ҳал қилиш, яъни пролетар давлатнинг декретлари ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига зид бўлмаган қонунлардан фойдаланиш имкониятини яратади (5-модда)⁸.

Суд тўғрисидаги декретлар ғояси ўз ривожини кейинчалик Бутунроссия марказий ижроия кўмитасининг 1918 йил 30 ноябрдаги Декрети билан тасдиқланган Халқ суди тўғрисидаги Низомда топди. Унинг 23-моддасига кўра, «халқ суди ўз ихтиёрига асосланиб, жазо чорасини белгилаш, шунингдек айбланувчини ҳар қандай жазо туридан шартли равишда ёки батамом озод қилиш ҳақида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга» эканлиги акс этди. Бунда «декретда маълум нормадан паст бўлмаган жазо белгиланган ҳолларда, халқ суди фақатгина ўз ҳукмини энгиллаштириш асосларини мотивлаштириб берган ҳолда жазони камайтириши ёки ундан батамом озод қилишга ҳақли»дир⁹. Шунга ўхшаш жазони энгиллаштириш борасидаги суднинг кенг ихтиёри принципи 1919 йил 4 февралдаги Инқилобий трибуналлар тўғрисидаги Низомда ҳам ўз ифодасини топади.

Умуман олганда, ушбу даврдаги совет қонунчилиги 1919 йил декабр ойида РСФСР жиноят ҳуқуқи бўйича асосий қўлланманинг қабул қилинганлигига қадар жазони энгиллаштирувчи ҳолатларга кенг ва тизимли равишда эътибор қаратмаган. Ушбу ҳужжатга қадар қабул қилинган норматив ҳужжатлар асосан аниқ бир жиноятлар учун жавобгарликка тааллуқли бўлиб, уларга бугунги кунда ЎзР жиноят қонунида ўз аксини топган жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар маълум бўлмаган.

Асосий қўлланмада жазони энгиллаштиришга нисбатан синфий ёндашув қўлланган бўлиб, ушбу ёндашув Асосий қўлланмадан кейин қабул қилинган

⁷ Материалы для статистики Туркестанского края. «Ежегодник» // Под ред. Н.А.Маева. Выпуск IV. СПб 1876. – С.167.

⁸ Сборник документов по истории уголовного законодательства СССР и РСФСР: 1917–1925 гг. / Под ред. Н.Т.Полякова. – М., 1953. – С.15–16.

⁹ СУ РСФСР. 1918, №85. Ст.889.

бир неча қонун ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган¹. Ушбу Асосий қўлланма асосан жиноят ҳуқуқи Умумий қисми нормаларидан таркиб топган бўлиб, у 1920 йил 20 апрелда «РСФСРнинг Туркистон автоном республикаси жиноят ҳуқуқи бўйича Асосий қўлланмаси» номи билан нашр этилиб, ушбу ҳужжат биринчи жиноят қонуни эди².

Жиноят ҳуқуқининг янада ривожлантирилиши ва ҳуқуқий тартиботнинг янада мустаҳкамланишида РСФСРнинг 1922 йил 24 майда қабул қилинган Жиноят кодексининг 1922 йил 21 июлда Туркистон Марказий Ижроия қўмитасининг қарорига мувофиқ Туркистон ҳудудида ҳам амалга киритилиши катта аҳамият касб этди. Ушбу воқеадан аввал Туркистон АССР Жиноят кодексини тузиш бўйича тайёргарлик ишлари амалга оширилади. Бунда совет қонунчилиги ҳамда совет жиноят ҳуқуқининг асосларига зид бўлмаган шариат нормаларини бирлаштирган кодекс яратишга ёхуд мусулмон аҳоли учун фақатгина ишчи-деҳқон ҳукуматининг декретларига зид бўлмаган шариат нормаларидан таркиб топган махсус кодексни эълон қилишга қаратилган ҳаракатлар ҳам бўлди³.

Бироқ, Туркистоннинг партия ва совет органларини РСФСРнинг 1922 йилги Жиноят кодексининг бир неча мартаба муҳокамасидан сўнг уни ТААСР ҳудудида амалга татиқ этиш ҳақидаги қарор қабул қилинди ҳамда шу билан мусулмон ҳуқуқи нормаларини ҳам ўзида акс эттирган алоҳида кодекс қабул қилиш гоёси йўққа чиқди.

1924 йил февралда РСФСРнинг 1922 йилги Жиноят кодексига Бухоро Халқ Республикаси ҳудудида, шу йилнинг октябрда эса, Хоразм Халқ Республикасининг ҳудудида амалга киритилди. Ушбу жиноят қонунининг ТАССР, Бухоро ва Хоразм халқ республикалари ҳудудида амалга киритилиши ушбу давлатларда жиноят қонунчилигининг вужудга келиши ҳамда ривожланиши учун улкан аҳамият касб этди. Илк бор, юқоридаги ҳудуд аҳолиси мусулмон ҳуқуқидан озод бўлган дунёвий жиноят қонунчилигига эга бўлди⁴.

1922 йилги ЖКнинг 25-моддасида юқоридаги Асосий қўлланманинг 12-моддасида ифодаланган жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар рўйхатига ўхшаш шаклда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар акс этади. Аммо 1922 йилги ЖКда жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар Асосий қўлланмага нисбатан такомиллашган кўриниш касб этиб, асосий ўзгаришлар алоҳида ҳолатларни баён қилиш шаклига ҳамда рўйхатнинг моҳиятига тегишли эди. Унда қуйидаги омиллар ўз аксини топди:

а) жиноят буржуазия ҳокимиятини тиклаш манфаатини кўзлаб содир этилганми ёки фақатгина жиноят содир этган кишининг шахсий манфаатларини кўзлаб содир этилганми;

б) жиноят давлатга қарши қаратилганми ёки алоҳида шахсгами;

¹ Қаранг: 1921 йил 1 июлдаги РСФСР Бутунроссия марказий ижроия қўмитаси ва Халқ комиссарлари кенгашининг «Давлат омборхоналарини талон-тарож қилиниши ва талон-тарожга кўмаклашувчи мансабдорлик жиноятларига қарши кураш чоралари тўғрисида»ги Декрети (СУ РСФСР. 1921. №49).

² Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: «Янги аср авлоди», 2005. – Б.48–49.

³ Ишенова Ж.С. Обстоятельства, смягчающие ответственность по уголовному праву Кыргызстана: Дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2008. – С.25.

⁴ Ишенова Ж.С. Указ. работа. – С.26.

в) жиноят очлик ёки муҳтожлик ҳолатида содир қилинганми ёки йўқми;

г) жиноят турмуш, таъмағирлик ниятларида содир этилганми ёки бундай ниятларсиз содир қилинганми;

д) жиноят гуруҳ томонидан содир этилганми ёки якка шахс томониданми;

е) жиноят зўрлик воситасида содир этилганми ёки зўрлик ишлатмасданми;

ж) жиноят содир қилган шахснинг қилмишида олдидан ўйланган қасд, шафқатсизлик, айёрлик мавжудлиги аниқланганми ёки жиноят дарғазаблик ҳолатида, эҳтиётсизлик билан ёхуд бошқа шахснинг қўрқитиши ёки мажбурлаши таъсирида содир этилганми.

Юқорида кўриниб турганидек, РСФСР 1922 йилги ЖК 25-моддасида келтириб ўтилган ҳолатларнинг кўпчилиги жиноятчи шахсининг ижтимоий хавфлилиги даражасини тавсифлайди (25-модданинг «а» ва «б» бандларидан ташқари), жазони енгиллаштирувчи ҳамда оғирлаштирувчи ҳолатларнинг рўйхатида асосий урғу субъектив омилларга қаратилган.

Шунингдек, қуйидаги жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда судлар шартли жазо тайинлаш ҳуқуқига эга бўлган: 1) агарда жиноят айбдор турмушидаги оғир вазиятда биринчи мартаба содир қилинган бўлса; 2) агарда маҳкумнинг ижтимоий хавфлилиги даражаси унинг мажбурий тарзда жамиятдан ажратилишини ва ҳаттоки унга нисбатан мажбурлов ишларининг тайинланишини талаб қилмаса.

РСФСР Бутунроссия марказий ижроия қўмитасининг 1922 йил 1 ноябрдаги «РСФСР Жиноят кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, вояга етмаганларга нисбатан жазони енгиллаштириш ҳуқуқлари кенгайтирилиб, унинг 18-а моддасига кўра, 14 ёшдан 16 ёшгача бўлган вояга етмаганларга нисбатан суд томонидан жазонинг тенг ярмига енгиллаштирилиши, 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганларга нисбатан эса жазонинг учдан бир қисми миқдоридан енгиллаштирилиши лозим эди.

РСФСР ЖК Махсус қисми жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни мустаҳкамловчи меъёрларга эга бўлиб, шу жумладан, йигирмага яқин жиноят таркиблари ўз ичига шундай ҳолатларни қамраб олган ёки уларга ҳавола қилган ёхуд «имтиёзли» ҳисобланган⁵.

Ўрта осие халқларининг давлатчилиги ва қонунчилиги ривожланишида 1922 йил 30 декабрда Совет Социалистик Республикалар Иттифоқининг ташкил этилиши тўғрисидаги шартноманинг тузилиши навбатдаги босқич вазифасини ўтади ҳамда Ўзбекистон ҳам иттифоқдош республика сифатида унинг таркибига кирди.

1923 йил 10 июлдаги қонун билан 1922 йилги РСФСР Жиноят кодексига киритилган ўзгартишларнинг бир қисми вояга етмаганларнинг жавобгарлигини енгиллаштириш ҳамда ёш болалар ва вояга етмаганларга нисбатан жиноят содир этганлик учун жавобгарликнинг кучайтирилиши билан боғлиқ эди.

1924 йил 31 октябрда СССР Марказий ижроия қўмитаси «ССР Иттифоқи ва Иттифоқдош

⁵ Арапиди С.Г. Назначение наказания при наличии смягчающих обстоятельств: Законодательная регламентация и проблема индивидуализации: Дис. ... канд. юрид. наук. – Москва, 2005. – С.57.

республикалар жиноят қонунлари Асосий қоидалари»ни қабул қилиб, унинг 32-моддасида жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолатларнинг тахминий рўйхати ўз аксини топди, шу жумладан ушбу ҳолатларга:

а) зарурий мудофаанинг чегерасидан четга чиқиб бўлса-да, аммо совет ҳокимиятига, инқилобий ҳуқуқ-тартиботга ёки шахсга ва мудофааланувчининг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларига тажовузлардан ҳимоя қилиш чоғида;

б) ишчи ёки ишчи-деҳқон томонидан;

в) биринчи маротаба; таъмагирлик ва бошқа ғаразли мақсадларни истисно қилувчи мотивлар билан;

д) қўрқитиш, мажбурлаш, хизмат ёки иқтисодий жиҳатдан қарамлик таъсири остида;

е) кучли руҳий ҳаяжонланиш таъсири остида;

ж) очлик, муҳтожлик ҳолатида ва умуман шахсий ёки оилавий шароитлар таъсири остида;

з) беадаблик билан, англамаган ҳолда ёки тасодифан вужудга келган шароитларда;

и) вояга етмаган шахс томонидан ёки ҳомиладорлик ҳолатида жиноятнинг содир этилиши киритилди.

Асосий қоидаларда ифодаланган жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар рўйхати қатъий бўлмаган, бу эса судларга жазо тайинлашда жазони индивидуаллаштириш принциpidан кенг фойдаланиш, ушбу жараёнда барча объектив ва субъектив ҳолатларни, ҳаттоки улар жиноят қонунда мустаҳкамланган бўлмаса ҳам, ҳисобга олиш имконини яратган.

1929 йил 13 октябрда ҳамда 6 ноябрда қабул қилинган қонунлар хавфли саналган жиноятчиларга нисбатан жазонинг кучайтириш билан бирга суднинг жазони энгиллаштириш, тўлиқ жазодан ва ҳаттоки жиноий таъқибдан озод қилишга қаратилган ҳуқуқлари доирасини янада кенгайтиради.

Юқоридаги Асосий қоидаларга мувофиқ равишда 1926 йил 16 июнда Ўзбекистон ССРнинг биринчи Жиноят кодекси қабул қилиниб, шу йилнинг 1 июлидан амалга киритилади. Ушбу кунга қадар эса РСФСРнинг 1922 йилги ЖК амал қилган эди. 1926 йилги Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисмлардан таркиб топган бўлиб, 1960 йил 1 январга қадар амал қилади.

Шуниси эътиборлики, Асосий қоидаларнинг 32-моддасида ўз ифодасини топган жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар деярли ўзгаришларсиз 1926 йилги ЎзССР ЖКнинг 50-моддасида акс этган бўлиб, қуйидаги ҳолатларда суд томонидан нисбатан энгилроқ социал ҳимоя чораси белгиланиши мумкин эди:

а) зарурий мудофаанинг чегерасидан четга чиқиб бўлса-да, аммо совет ҳокимиятига, инқилобий ҳуқуқ-тартиботга ёки шахсга ва мудофааланувчининг ёхуд бошқа шахснинг ҳуқуқларига тажовузлардан ҳимоя қилиш чоғида;

б) ишчи ёки ишчи-деҳқон томонидан;

в) биринчи маротаба;

г) таъмагирлик ва бошқа ғаразли мақсадларни истисно қилувчи мотивлар билан;

д) қўрқитиш, мажбурлаш, хизмат ёки иқтисодий жиҳатдан қарамлик таъсири остида;

е) кучли руҳий ҳаяжонланиш таъсири остида;

ж) очлик, муҳтожлик ҳолатида ва умуман шахсий ёки оилавий шароитлар таъсири остида;

з) беадаблик билан, англамаган ҳолда ёки тасодифан вужудга келган шароитларда;

и) вояга етмаган шахс томонидан ёки ҳомиладорлик ҳолатида жиноятнинг содир этилган тақдирда суд нисбатан энгилроқ жазо тайинлаши мумкин эди. Ягона ўзгариш Асосий қоидаларнинг 32-модда «в» бандида акс эттирилган жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар жиноят қонунининг 50-моддасида икки қисмга, яъни алоҳида бандларга ажратилади. Шунингдек, амалдаги ЎзР Жиноят кодексининг 54-модда 2-қисмида ўз аксини топган жазо тайинлашнинг умумий асослари, яъни суд томонидан жазо тайинлашда ҳисобга олиниши лозим бўлган ҳолатлардан фарқли ўлароқ, 1926 йилги ЎзССР ЖКнинг 48-моддасида суд томонидан жазо тайинлашда ҳисобга олиниши лозим бўлган ҳолатлар қаторида алоҳида тартибда жазо энгиллаштирувчи ҳамда оғирлаштирувчи ҳолатлар ифодаланмаган эди. Шунингдек, ушбу кодекснинг ўзига хос томонларидан яна бири шунда эдики, унда «жазо» тушунчасининг ўрнига «социал ҳимоя чораси» тушунчаси қўлланилган эди. Фақат 1934 йил 8 июндаги қонун билан «Асосий қоидалар»га киритилган ўзгаришларга мувофиқ, «социал ҳимоя чораси» атамаси ўрнига «жиноий жазо чораси» атамаси татбиқ қилини билан ушбу норма ЎзССРнинг ЖКга нисбатан ҳам амалга киритилади.

Агарда иш ҳолатларидан қонунда ўрнатилган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ жазо тайинлашнинг мақсадга мувофиқлиги келиб чиқса, суд истисно тариқасида тегишли мотивларни келтирган равишда жазони шундай камайитириш, яъни энгиллаштиришга ҳақли бўлган (52-модда).

1950-йилларнинг охирига келиб, Совет давлати ўзининг янги ривожланиш босқичига кирган, мулкдорлар синф сифатида тамоман тугатилган, жамият аъзолари ишчи-деҳқон, зиёлилардан, яъни меҳнаткашлардан иборат эди. Шу боис, қонунларни қайтадан кўриб чиқиш эҳтиёжи вужудга келади¹ ҳамда 1958 йил 25 декабрда Умумиттифоқ жиноят қонуни ҳисобланган қуйидаги учта қонун қабул қилинди: 1) ССР Иттифоқи ва Иттифоқдош республикалар жиноят қонунлари асослари; 2) Давлатга қарши жиноятлар учун жиноий жавобгарлик ҳақидаги қонун; 3) Ҳарбий жиноятлар учун жиноий жавобгарлик ҳақидаги қонун.

ССР Иттифоқи ва Иттифоқдош республикалар жиноят қонунлари асослари жиноят ҳуқуқининг Умумий қисмидан иборат бўлиб, барча иттифоқдош республикалар ўз жиноят қонунини шунга мувофиқ ишлаб чиқиши керак эди. Ушбу Асослар совет жиноят ҳуқуқига илк бор жиноий жавобгарликнинг асослари ҳақидаги меъёрни (3-модда 1-қисм) киритиб, жиноий жавобгарликдан озод қилиш Умумий қисмнинг мустақил институти сифатида (43-модда) жазодан озод қилишдан ажратилади, шунингдек Асосларнинг 32-моддасида белгиланганидек, 1959 йил 21 майда қабул қилиниб, 1960 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон ССРнинг янги Жиноят кодексини 37-моддасида Жазо тайинлашнинг умумий асослари мустаҳкамлаб қўйилди. Ушбу модданинг иккинчи қисмига кўра, жазо тайинлашда суд содир этилган жиноятнинг характери ва жамоат учун хавфлилиқ даражасини, айбдорнинг шахсини ҳамда ишнинг жавобгарликни энгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини эътиборга олиши белгиланди.

¹ Усмоналиев М. Ўша китоб. – Б.50.

Ўша давр юридик адабиётларида жазони энгиллаштирувчи ҳолатларнинг номланишига доир турли хил фикрлар мавжуд бўлиб, ушбу ҳолатлар айнан қайси институт (айб, жазо ва жавобгарлик)га таъсир ўтказиши тўғрисида мунозара вужудга келади, турли олимларнинг ушбу ҳолатларни «айбни энгиллаштирувчи»¹, «жазони энгиллаштирувчи»² ёки «жавобгарликни энгиллаштирувчи»³ ҳолатлар сифатида талқин этилади. Ўша давр нуқтаи назаридан, яъни юқоридаги Асосларнинг 33-моддаси ҳамда ЎзССРнинг 1960 йилги жиноят қонунининг 38-моддаси мазмунидан келиб чиқадиган, бўлсак, «жавобгарликни энгиллаштирадиган ҳолатлар» тушунчаси мақсадга мувофиқ ҳисобланиб, демак, қонун нуқтаи назаридан ушбу ҳолатлар энг аввало жавобгарликка таъсир ўтказишга қаратилади.

ЎзССР Жиноят кодексининг 38-моддаси биринчи қисмида қуйидаги жавобгарликни энгиллаштирадиган ҳолатлар ўз ифодасини топади:

1) айбдор ўзи қилган жиноятнинг зарарли оқибатларини олдини олиши ёки келтирилган зарарни ихтиёрий равишда тўлаши, ёки етказилган шикастни бартараф қилиши;

2) шахсий ёки оилавий ҳаётида оғир ҳолатларни бошдан кечирган вақтда ёки бошқа мушкул аҳволда жиноят қилиш;

3) қўрқитиш ёки мажбурлаш ёхуд хизмати, моддий ёки бошқа жиҳатлардан қарамлиги таъсири остида жиноят қилиш;

4) жабрланувчининг ғайри қонуний ҳаракатлари натижасида рўй берган қаттиқ руҳий ҳаяжонланиш таъсири остида жиноят қилиш;

5) гарчи зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқса ҳам, жамият учун хавфли тажовуздан ҳимоя қилиш вақтида жиноят содир этиш;

6) вояга етмаганлар томонидан жиноят қилиниши;

7) ҳомиладор аёллар томонидан жиноят қилиниши;

8) чин кўнгилдан пушаймон қилиш ёки айбини бўйнига олиб келиш.

Жазо тайинлашда суд қонунда кўрсатилмаган бошқа ҳолатларни ҳам энгиллаштирувчи ҳолат деб топиши мумкин эди (38-модда 2-қисм)⁴. Яъни 1959

йилги ЖКда 1926 йилги ЖКда мавжуд бўлмаган бир қанча жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар ўз ифодасини топди. 1924 йилги ССР Иттифоқи ва Иттифоқдош республикалар жиноят қонунлари Асосий қоидалари ҳамда 1958 йилги ССР Иттифоқи ва Иттифоқдош республикалар жиноят қонунлари асослари энгиллаштирувчи ҳолатларга фақатгина содир этилган жиноятга доир бўлган ҳолда ҳам шахснинг, ҳам ўз навбатида қилмишнинг пасайган ижтимоий хавфлилиги даражасини тавсифлайдиган ҳолатларни киритган бўлса⁵, 1959 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг Жиноят кодексига жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолатлар тушунчаси яна бир категорияни, яъни фақатгина айбдор шахсининг ижтимоий хавфлилигини тавсифлайдиган ва унинг қилмишида намоён бўлмайдиган ҳолатларни ҳам қамраб олди. Бундай ҳолатларга 1959 йилги ЖК 38-моддаси биринчи қисмининг биринчи ҳамда саккизинчи бандларида назарда тутилган ҳолатлар киради. Ушбу бандларда акс этган ҳолатларнинг жазога таъсири уларнинг шахс ижтимоий хавфлилигини камайтиришида ифодаланиб, бу эса жазо қўллашнинг мақсадларига (амалдаги ЎзР ЖК 42-модда 2-қисми) нисбатан энгилроқ воситалар орқали эришилиши мумкинлигини кўрсатади. Демак, 1958 йилги Асосларда ҳам, 1959 йилги жиноят қонунини ҳам «жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолатлар» атамаси қўлланилган.

1994 йилда мустақил Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг қабул қилиниши билан, унинг 55-моддасида 1959 йилги ЖК 38-моддасида акс этган барча жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолатлар бир қатор янги ҳолатлар (жиноятни очиш учун фаол ёрдам бериш; охири заруратнинг асосли чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш, ижтимоий хавфли қилмишни содир этган шахсни ушлашда, касб ёки хўжалик фаолиятига боғлиқ бўлган асосли таваккалчиликда зарар етказиш; жабрланувчининг ғайриқонуний ёки ахлоққа зид хулқ-атвори таъсири остида жиноят содир этиш) билан биргаликда жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида ўз ифодасини топди. Шунингдек, 1959 йилги жиноят қонунидан фарқли ўлароқ, 1994 йилги жиноят қонунини «жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолатлар» атамаси ўрнига «жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар» атамаси ўз аксини топди.

Бундан ташқари «жазо тайинлашнинг умумий асослари» жиноят ҳуқуқининг мустақил категорияси сифатида босқич-босқич вужудга келган. Ушбу тушунчанин 1958 йилги Асосларга киритилгунига қадар адабиётларда турли хил атамалар қўлланган бўлиб, шу жумладан, профессор М.М.Исаев уларни «жазо тайинлашнинг принциплари»⁶, В.Д.Меньшагин «раҳбарий асослар»⁷, В.С.Утевский эса «умумий қоидалар»⁸ атамаларидан фойдаланган ҳамда 1959 йилги ЎзССР ЖК 37-моддасида ўз аксини топган ушбу институтнинг моҳиятини қуйидагича очиб берганлар: 1) ЖК Умумий қисми кўрсатмаларининг ҳисобга олиниши; 2) ЖК Махсус қисм моддалари санкцияларида белгиланган жазо чегараларига амал қилиниши; 3)

аҳволи, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси эканлиги, ногиронлик, иш ҳамда яшаш жойидан ижобий тавсифноманинг берилиши каби ҳолатлар ҳисобга олинган.

⁵ Ишенова Ж.С. Указ. работа. – С.35.

⁶ Уголовное право. Общая часть. М., 1948. – С.280-281.

⁷ Советское уголовное право. Общая часть. М., 1950. – С.275.

⁸ Уголовное право. Общая часть. М., 1959.

¹ Шаргородский М.Д. Вина и наказание в советском уголовном праве. М., 1945. – С.13, 20–39; Курс советского уголовного права / Под ред. А.А.Пионтковского и др. В 6 томах. Том 3. Часть общая. Наказание. – М.: «Наука», 1970. – С.136.

² Кузнецова Н.Ф., Куринов Б.А. Отягчающие и смягчающие обстоятельства, учитываемые при определении меры наказания // Применение наказания по советскому уголовному праву. М., 1958. – С.92–96; Левицкий Г.А. К вопросу о принципах применения наказания по советскому уголовному праву // Советское государство и право. 1958, № 4. – С.107; Чечель Г.И. Смягчающие ответственность обстоятельства и их значение в индивидуализации наказания. – Саратов: СГУ, 1978. – С.33.

³ Лейкина Н.С. Личность преступника и уголовная ответственность. Л., 1968. – С.107–112; Кругликов Л.Л. Смягчающие и отягчающие обстоятельства в советском уголовном праве. Ярославль, 1977. – С.48–49; Долиненко Л.А. Влияние смягчающих ответственность обстоятельств на индивидуализацию наказания и на освобождение от уголовной ответственности с применением мер общественного или административного воздействия: Автореф. дисс... канд. юрид. наук. Томск, 1980. – С.8.

⁴ Суд амалиётида бундай ҳолатлар сифатида шахснинг биринчи марта жиноят қодир қилиши, айбдор соғлиғининг аҳволи, оиласида ягона боқувчи эканлиги, ёши, оилавий

жиноят ижтимоий хавфлигининг ҳисобга олиниши; 4) иш ҳолатлари ҳамда жиноятчи шахсининг ҳисобга олиниши.

Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида жазони енгиллаштирувчи ҳолатларнинг келиб чиқиши ҳамда ривожланишини ўрганиб чиққан ҳолда қуйидаги ҳулосалар келиб чиқади:

1. Бухоро амирлиги, Хива ва Қўқон хонликларининг Россия империясига қўшиб олинишига қадар жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар алоҳида институт тариқасида мавжуд бўлмаган ҳамда жазо тайинлашда асосий манбалари Қуръон, сунна, ижмо ва қиёс саналган шариат нормаларига асосланган. Россия империяси таркибига киргандан кейин қатор норматив актлар воситасида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар жиноят ҳуқуқининг алоҳида институти сифатида шакллана бошлаган. Шариат нормалари Ўрта Осиё ҳудудида амалга киритилишидан (VI-VII асрлар) аввал эса енгиллаштирувчи ҳолатларга доир илк тушунчалар Авесто, Ману қонунлари сингари тарихий ёдгорликларида илк бора ўз аксини топган.

2. 1917 йилги октябрь инқилобидан сўнг большевиклар Туркистон ўлкасида жиноят қонуни нормаларининг ривожланишини амалдаги шариат ҳуқуқи нормаларини бекор қилиш ҳамда социалистик давлатнинг асосий қоидаларини татбиқ этиб бориш йўлидан борган.

Инқилобдан сўнг ҳокимият вакиллари бунга қадар амал қилган ҳуқуқ нормаларини бекор қилишга ҳаракат қилган бўлсалар-да, совет ҳокимиятининг илк Декретлари, 1919 йилги РСФСР жиноят ҳуқуқи бўйича Асосий қўлланма, 1922 ва 1926 йиллардаги РСФСР Жиноят кодекслари инқилобга қадар буржуа юриспруденцияси томонидан ишлаб чиқилган кўплаб ғоя ва тушунчаларни (шу жумладан, жазони енгиллаштириш мезонларини) ўзида акс эттирган¹.

3. 1926 ЎзССР ЖКда енгилроқ социал ҳимоя чораси деб номланган енгиллаштирувчи ҳолатлар 1959 йилги ЎзССР ЖКда алоҳида нормада (38-модда) жавобгарликни енгиллаштирадиган ҳолатлар сифатида мустақамланган. Шунингдек, жазо тайинлашда суд содир этилган жиноятнинг характери ва жамоат учун хавфлилик даражасини, айбдорнинг шахсини ҳамда ишнинг жавобгарликни енгиллаштирувчи ва оғиллаштирувчи ҳолатларини эътиборга олиши лозимлиги белгиланган (37-модда 2-қисм). Яъни, совет жиноят ҳуқуқи доирасида вужудга келиб, Умумий қисм нормалари воситасида тараққий этган енгиллаштирувчи ҳолатлар жазони индивидуаллаштиришнинг муҳим воситаси сифатида шаклланди ва Махсус қисм моддаларида жиноят таркибларини тузишда² ҳам қўлланилди.

4. Инқилобдан аввалги қонунчиликни бекор қилиш мақсадида 1917 йил декабрда қабул қилинган инқилобий трибунал ҳақидаги РСФСР Адлия наркоматининг Иўриқномаси судьянинг ихтиёри эркинлигининг кенглигидан келиб чиқиб, инқилобий трибунал «ишнинг ҳолатлари ва инқилобий виждон

амрига асосланган ҳолда»³ жазо чорасини ўрнатишини назарда тутган.

5. Мамлакатимиз ҳудудида енгиллаштирувчи ҳолатлар институтининг шаклланиш даврини шартли равишда тўрт босқичга ажратиш мумкин: 1) жазони енгиллаштириш масаласи фақатгина шариат нормаларига асосланган равишда ҳал қилинган давр (VII асрдан бошлаб 1865 йилгача); 2) бир вақтнинг ўзида амал қилиш доирасига қараб ҳам шариат, ҳам совет жиноят ҳуқуқи нормалари амал қилган давр (1865 йилдан бошлаб 1922 йилгача); 3) фақатгина совет жиноят ҳуқуқи нормалари амал қилган давр (1922 йилдан 1995 йил 1 апрелгача, яъни мустақил Ўзбекистон Республикасининг илк Жиноят кодекси қабул қилиниб амалга киритилганга қадар)⁴; 4) фақатгина Ўзбекистон Республикаси жиноят қонуни нормалари тўлиқ амалга киритилган давр (1995 йилдан то ушбу кунга қадар)⁵.

¹ Магомедов А.А. Уголовная ответственность и освобождение от нее: эволюция правовых воззрений и современность. Дисс. ... д-ра. юрид. наук. М., 1998. – С.102.

² Масалан, кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолатида қасддан одам ўлдириш; зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб, баданга енгилроқ ёки оғир шикаст етказиш (1959 йилги ЎзССР ЖК 82, 90-м.) ва б.

³ Сборник документов по истории уголовного законодательства СССР и РСФСР: 1917–1925 гг. / Под ред. Н.Т.Полякова. – М., 1953. – С.22.

⁴ Ушбу босқичда тадқиқ қилинаётган ҳолатларга нисбатан қонунчиликда «жавобгарликни енгиллаштирувчи ҳолатлар» атамаси қўлланилган.

⁵ Ушбу илк бор «жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар» атамаси амалга киритилди.

С.С.Гулямов
Юридик фанлар доктори,
профессор

ТОВАРЛАР ОЛДИ-СОТДИСИГА ОИД ВЕНА КОНВЕНЦИЯСИ ВА УНИНГ ХАЛҚАРО ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ

"Товарларни халқаро олиш-сотиш шартномалари тўғрисида"ги 1980 йилги Вена конвенцияси халқаро товар айирбошлаш муносабатларининг етакчи шакли бўлган олди-сотди шартномаларининг тартибга солинишида асосий халқаро ҳуқуқий ҳужжат бўлиб ҳисобланади.

Вена конвенциясининг ижодкорлари ўз олдидиларига объекти жиҳатдан қарама-қарши бўлган икки оқим – олди-сотди шартномаларини миллий қонунчилик тизимларини ҳамда замонавий савдо муомаласидаги универсал хусусиятларни ўзаро мувофиқлаштириш, уйғунлаштиришдан иборат ғояни амалга ошириш мақсадини қўйган эдилар. Шу сабабли конвенцияда назарда тутилган ҳуқуқий ечимлар ва механизмлар айрим давлатларнинг миллий қонунчилигида белгиланган қоидалар, анъаналар ва ҳуқуқий амалиётдан фарқ қилади (айтиш мумкинки, баъзан жиддий равишда фарқ қилади).

Ҳозирги замон халқаро савдо муомаласи уни унификациялашга қаратилган тамойиллари билан ажралиб туради. Ушбу соҳадаги асосий ҳаракатларнинг олди-сотдига оид ечимларни топишга қаратилганлиги ушундан аҳамиятга эга.

Сўнги йилларда Европада юз бераётган воқеалар ривожидан икки тамойилни кузатиш мумкин: булар марказдан қочма ҳаракатлар (СССРнинг тарқалиб, Чехословакия ва Югославиянинг бўлиниб кетиши) ҳамда интеграция (бирикиш) жараёнлари (яъни Европа Иттифоқининг кенгайиши, янги миллий тизимлардан юқори турувчи ҳужалик ташкилотларининг вужудга келиши (CEFTA) кабилардир.

Шунингдек, ҳуқуқий жабҳада унификациялашга интилиш тамойилини ҳам кузатиш мумкин. Ушбу тамойилнинг ривожини Европа Иттифоқининг барпо бўлиши, давлатларнинг ички ҳуқуқий тизимларини мувозанатлаш, халқаро конвенцияларни, шу жумладан, Вена конвенциясини қўллаб-қувватлаш мақсадида Жаҳон савдо ташкилотининг (WTO – World Trade Organization) таъсис этилишида аниқ кўрса бўлади.

Халқаро савдо муомаласида пайдо бўлаётган ва кенг маънода тушуниладиган ҳуқуқий қарорлар унификациясиз халқаро савдо алоқалари тараққиётини ва унинг чуқурлашувини, турли хил ички ҳуқуқий тизимларга эга бўлган давлатларда жойлашган корхоналар ўртасида ҳамкорликнинг янги шакллари ривожлантиришни тасаввур этиб бўлмайди. Бу гап, айниқса, асосий муаммоларга, жумладан халқаро олди-сотди шартномаси муаммолари, хусусан, халқаро бозорда кучайиб бораётган рақобатнинг натижаси бўлмиш халқаро меҳнат тақсимога дахлдор бўлиб, халқаро савдо муомаласининг ривожланиши учун муҳим бўлган ҳуқуқий институтлар унификациясини тақозо этмоқда.

Халқаро конвенцияларнинг асосий вазифаси мазкур муносабатларда қўлланилиши мумкин бўлган турли ҳуқуқий нормалар ўртасидаги зиддиятларни бартараф этишдан иборат. Халқаро конвенциялар

шундай тарзда ифодаланмоғи лозимки, токи унда моддий ҳуқуқни бир вақтнинг ўзиде унификациялаш ва шарҳлашда яқдилликка эришиш мумкин бўлсин. Вена конвенциясининг муаллифлари ҳам худди ана шундай принципни асос қилиб олган эдилар.

Конвенция савдо битимларининг формал-ҳуқуқий томонларини ихчамлаштириш орқали халқаро савдо ҳамкорлигининг ривожланишига қўмаклашиб улгурди. Шартнома тузаётган томонлар миллий шартнома тизимларини, унинг нозик томонларини билишлари шарт эмас. Бунинг ўрнига улар дунёнинг энг муҳим тилларига таржима қилинган, ҳозирнинг ўзиде деярли ўн йиллик қўлланилиши амалиётига эга бўлган ягона ҳужжатдан фойдаланишлари кўп сонли шарҳлар ва бой суд амалиётига мурожаат қила олишлари мумкин.

Таъкидлаш керакки, халқаро олди-сотди шартномасига оид ҳуқуқнинг унификацияланиши, Конвенциянинг қўлланилиши, кўпгина афзалликлар яратиш билан бир қаторда, унга яқинда қўшилган давлатларда дастлаб муайян муаммолар туғдирди ва бундай муаммолар бундан кейин ҳам пайдо бўлаверади. Вена конвенциясини қўллаш билан боғлиқ ҳуқуқий муаммолар ҳам анча мураккаб. Конвенция ундан ташқаридаги шартномалар ва томонлар ўртасидаги ҳуқуқий алоқаларни тартибга солувчи тегишли ҳуқуқий тизимларга қўшимча бўлади, чунки тегишли миллий ҳуқуқий тизимга оид қонунчилик нормалари "бирламчи ҳуқуқий қатлам" бўлади.

Конвенцияни қўллаш пайтида у турли ҳуқуқий тизимлар ўртасидаги ён босишлар ифодаси эканлиги ҳам унутилмаслиги лозим. Эришилган ён беришлар ўзига хос манфаатлар ўйини сифатида замонавий, мослашувчан нормалар яратилишидан ташқари, Конвенция таркибий тузилишини бузадиган, уни қўллаш пайтида муаммолар туғдирадиган янги ифодаларнинг ҳам яратилишига олиб келди.

Конвенциядаги унинг қўлланилишига оид соҳа қоидаларида Конвенция билан тартибга солинадиган ва унинг қўлланилиши доирасига кирмайдиган муносабатлар кўрсатиб қўйилган.

Савдо фаолиятини турли давлатларда амалга оширадиган тарафлар ўртасида тузиладиган шартнома муносабатларига қўйидаги шартлардан ақалли биттаси бажарилганда Конвенция қоидалари татбиқ этилади:

– ҳар икки давлат ҳам ахдлашувчи давлат (Конвенция томони) ҳисобланса;

– халқаро хусусий ҳуқуқ нормалари ахдлашувчи давлатлар ҳуқуқини қўллаш лозимлигини назарда тутса.

Бир қанча давлатлар Конвенциянинг 95-моддасида назарда тутилган имкониятдан фойдаландилар ва унинг қоидаларини фақат биринчи ҳол юз берган тақдирдагина қўллашга келишиб олдилар.

Жаҳон миқёсида Конвенциянинг қўлланилиши тобора кенгайиб бораётганлиги туфайли бундай мурожаатларнинг амалий аҳамияти ҳам камайиб боради.

Тарафлар савдо корхоналарининг турли давлатларда жойлашганлиги мезони масаласида Париж Аппеляция суди француз савдогарининг Францияда жойлашган немис сотувчисининг воситачи бюроси орқали тузган олди-сотди шартномасини миллий шартнома деб тан олиб бўлмаслиги, чунки воситачи бюро ҳуқуқий лаёқатга эга эмаслиги ҳақида

ажрим чиқарди. Баён этилган вазиятда суднинг фикрига кўра, француз ва немис савдогарлари ўртасида шартнома тузилган бўлиб, Конвенция 1-моддасининг 6-бандига кўра, Конвенция қоидалари қўлланиладиган (халқаро савдо-сотик) муносабат ҳисобланади.

Конвенциянинг якуний қисмида унинг ҳудуд бўйича амал қилиши юзасидан икки қўшимча чеклов жорий этилган бўлиб, у фақат айрим давлатлардагина қўлланилади. Аммо бу чеклаш давлат бошқа халқаро шартноманинг иштирокчиси бўлгандагина қўлланилади. Иккинчи чеклаш шундан иборатки, давлат ўшандай ёки ўшанга ўхшаш миллий ҳуқуқ тизимига эга бўлган тақдирда, у ушбу Конвенциянинг муайян муносабатга нисбатан қўлланилмаслиги ҳақида баёнот бериши мумкин.

Суд амалиёти Конвенциянинг уни қўллашга оид қоидаларини талқин этишда изчилдир. Агар томонлар ўзаро келишиб, бошқа ҳуқуқни танламаган бўлсалар, у ҳолда Конвенция қоидалари улар учун мажбурий кучга эга деб ҳисобланади.

Судлар Конвенцияни унга қўшилган давлатлар ҳуқуқ тизимининг таркибий қисми деган қатъий фикрдадилар. Хусусан, Германиядаги ва бошқа давлатлардаги умумий судлар шундай ҳисоблайдилар (Ober Landgericht Frankfurt a.M, SU 261/90, Landgericht Hamburg S O 543/88). Шундай ҳолни бошқа давлатларда ҳам кузатиш мумкин. Бунга Аргентина умумий судларининг амалиёти мисол бўлиши мумкин. Ушбу давлат суди ишни кўриш жараёнида АҚШнинг Огайо штатидан бўлган сотувчи билан аргентиналик савдогар ўртасида тузилган товарлар олди-сотдасига доир халқаро шартнома Конвенция ваколатига киришини, чунки ҳар икки давлат ҳам Конвенцияга мазкур шартнома тузилишидан аввал аъзо бўлганлигини қайд этди (Jurgado Nacional de primera instancia in lo Commercial No.7, Secretario No.14, 1991 йил 20 майдаги қарор). Халқаро савдо арбитражининг ҳам ана шундай амалиётига, айниқса, Париждаги Халқаро савдо палатаси арбитраж судининг амалиётига эътибор қаратиш лозим (масалан, 5713-сонли 1984 йилги ва 7153-сонли 1992 йилги ишлар юзасидан чиқарилган қарорлар).

Ушбу масалада *ad hoc* (муайян ишни ҳал этиш учун махсус ташкил этилган) ҳакамлик судларидан боти диққатга сазовор мавқени эгаллади. Италиялик сотувчи ва япониялик харидор ўртасида товарлар юзасидан тузилган контрактда шартнома "фақат италян қонунларига асосланиши" белгилаб қўйилган. Суд мазкур низони ҳал этиш жараёнида Япония Конвенцияни ҳали ратификация қилмаганлиги ёки шартноманинг ўзи бевосита Италия қонунларига бўйсундирилгани туфайли, кўпчилик овоз билан Конвенция ушбу муносабатга қўлланилмайди деган, қарорга келди. Суднинг фикрича, тарафлар хоҳиши билан Италия қонунларининг танлаб олинганлиги конвенциянинг қўлланилмаслиги учун оқилона истисно бўлиб ҳисобланади. Аммо ҳакамлардан бири *Votum Separatum* (алоҳида фикр)да Италия ҳуқуқини танланганлиги томонлар Конвенциянинг қўлланилишига рози эканликларини аёнлаштириши, чунки Конвенциянинг 6-моддасидан шундай хулоса келиб чиқишини билдирган.

Италия суди 1993 йил 14 январдаги процессда ҳам юқоридаги ҳакамлик судининг йўлини тутди ва нафақат Конвенцияга қўшилгани (Швеция бу Конвенция иштирокчиси эмас), балки томонлар

шартнома Италия ҳуқуқи билан тартибга солинишини танлаганликлари учун ҳам улар ўртасидаги муносабатга Конвенция нормалари қўлланилмаслигини таъкидлади. Суднинг фикрича, томонлар ўртасида қайси ҳуқуқни қўллаш ҳақида келишув бўлмагандагина Конвенциянинг 1-моддаси татбиқ этилади (Tribunale Civile di Monza). Халқаро савдо палатасининг ҳакамлик суди ўзининг 7197-сонли ишга доир суд амалиётида Австрия ва Болгария фирмалари ўртасидаги низода томонлар ўз муносабатларига нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ тизимини танламаганликлари туфайли, мазкур муносабатда Австрия ҳуқуқи қўлланилиши ҳақида қарор чиқарди ва ўз қарорини, Вена Конвенциясининг 1-моддасига мувофиқ, Австрия қонунчилиги конвенцияда инкорпорациялангани билан асослади.

Вена конвенциясида олди-сотди шартномаси ва пудрат шартномаси (хизмат кўрсатиш шартномаси) фарқланади (3-модда). Бунда келгусида ишлаб чиқариладиган ёки тайёрланадиган товарларни етказиб беришга доир муносабатлар ҳам олди-сотди шартномаси билан тартибга солинади. Фақат келгусида ишлаб чиқарилиши лозим бўлган маҳсулотнинг хомашёси, бутловчи қисmlарини буюртмачи етказиб бериши лозим бўлгандагина, у олди-сотди ҳисобланмайди ва бунда хизмат кўрсатишга оид шартномалар ҳақида сўз юритилиб, унга Вена конвенцияси татбиқ этилмайди.

Австриядаги бошқа суд эса товар ишлаб чиқариш учун кетадиган материалларнинг асосий қисмини буюртмачи етказиб берганлиги учун ва товар ишлаб чиқарувчининг асосий вазифаси буюртмачи томон тақдим этган материаллар билан иш бажариш (хизмат кўрсатиш) бўлганлиги туфайли, улар ўртасидаги шартнома муносабатларини олди-сотди шартномаси деб эътироф қилмади (Supreme Court суд амалиёти; 806509/93, 1994 йил 27 октябрь).

Чемберридаги Апелляция суди ҳам шунга ўхшаш вазиятда шартномани олди-сотди шартномаси деб тан олмади.

Гренобл Апелляция суди эса, бунинг аксича, 1995 йил 26 апрелдаги суд ишида фойдаланилаётган омборни олиш-сотиш ҳақидаги шартномада уни қисmlарга ажратиш ва ташиш харажатлари ҳам олди-сотди шартномасига киритилганлиги, бу сумма шартнома умумий суммасида салмоқли ўрин тутмаслиги учун уни бўлақларга ажратиш (демонтаж қилиш) ва ташиш ишлари Конвенциянинг таъсир доирасига тушиши ҳақида қарор қабул қилди (3-модда, 2-банд).

Вена конвенциясида унинг таркибидан чиқарилган олди-сотди савдосининг турлари белгилаб қўйилган (булар жумласига аукционда, қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида ёки бошқа мажбурий усулларда сотиш, ёхуд сотиладиган буюм хусусиятига кўра: қимматли қоғозлар, акция ва облигациялар, чеклар, ҳаво ёки сув транспорт кемалари, электр энергияси каби предметларни олиш-сотиш киритилган). Кўпчилик давлатларда ушбу предметлар билан бўладиган олди-сотди шартномалари уларнинг хусусиятларини ҳисобга олувчи махсус нормалар воситасида тартибга солинади.

Германия суди бозорни таҳлил қилишга оид ахборот олиш-сотиш шартномасини бундай шартнома деб эътироф этмади. Суднинг фикрича, олди-сотди шартномасида муайян ашёга нисбатан мулк ҳуқуқи бир шахсдан бошқа шахсга ўтади. Бозорни таҳлил қилиш

маълумотлари объективлашган товар бўлса-да, аммо бунда шартноманинг бош мақсади буюмга эгалик ҳуқуқини ўтказиш эмас, балки муайян ахборот хизмати кўрсатишга қаратилган ва шу сабабли бу шартномани Конвенцияда тушунилган маънодаги олди-сотди шартномаси деб ҳисоблаб бўлмайди.

Германия суди эса компьютер дастурлари олиш-сотишга оид шартнома муносабатлари Конвенция билан тартибга солинадиган муносабатлар эканлигини эълон қилди (Landgericht MUnchen I; НКО 24667/93, 1993 йил 8 февралдаги суд амалиёти).

Конвенциянинг мазкур қоидалари таъсирида суд амалиёти шаклланди.

Вена конвенциясининг предмети шартнома тузиш, харидор ва сотувчининг шартнома қоидаларидан келиб чиқувчи ҳуқуқ ва мажбуриятлари билан чекланади. Конвенциянинг шартнома ёки унинг бир қисмининг ҳақиқий ҳисобланиш-ҳисобланмаслиги, сотилган буюмга мулк ҳуқуқининг пайдо бўлиши, товар туфайли бошқа шахсларга зарар етказиши каби масалаларга алоқаси йўқ.

Германия суди муайян ҳуқуқни ўтказиш билан боғлиқ муносабатларга тегишли нормани татбиқ этиб, ушбу муаммо Конвенция билан тартибга солинмаслигини кўрсатди (1994 йил 24 январдаги суд иши, Zammergericht Berlin 2U 7418/922, шунингдек, 1995 йил 9 июндаги Oberlandesgericht Hamm, 11U 1991/94).

Шу тариқа бошқа суд банк кафолатларини тақдим этиш ва фойдаланиш, шунингдек, асоссиз бойиш учун жавобгарлик масалаларига Конвенцияни эмас, балки тегишли давлатнинг ички қонун ҳужжатларини қўллаш лозимлигини кўрсатган (1995 йил 8 февралдаги суд қарори. Landgericht Munchen, 7 U 1720.94).

Товарларни халқаро миқёсда олиш-сотишдаги бош принцип тарафларнинг шартнома эркинлигидир. Ушбу принципнинг қўлланиши туфайли, улар Конвенция қоидалари қўлланишини истисно қиладилар ёки ундан чекиниш, унинг қоидалари натижаларини ўзгартириш имкониятига эга бўладилар. Конвенция қўлланилишининг истисно этилиши туфайли тарафлар Конвенция аъзоси бўлмаган давлат ҳуқуқи билан ёки ўзаро шартнома муносабатларига мос келувчи ҳар қандай бошқа ҳуқуқ билан ўзаро шартнома алоқаларини тартибга солишга келишиб олишлари мумкин. Конвенцияда белгилаб қўйилган қоидалардан бошқача принципларнинг шартномада назарда тутилиши доимо Конвенция қоидаларидан чекиниш юз берганлигини англатади.

Товарларни халқаро олиш-сотишнинг тартибга солинишини унификациялашга мўлжалланган Вена конвенцияси барча ҳуқуқий тизимларда бир хил тушунилган ва талқин этилган тақдирдагина ўз мақсадларига тезроқ эришади. Ушбу конвенцияни ишлаб чиқиш пайтида унинг аниқ-равшан ва осон тушуниладиган бўлишига катта эътибор берилди.

Бундай ҳолда барча тарафлар, шу жумладан давлат ва ҳакамлик судлари ўз зиммаларига Конвенциянинг халқаро хусусиятини эътиборга олиш, уни қўллашда унификацияга эришиш, халқаро савдода эҳтиёткорлик принципларига амал қилиш мажбуриятларини оладилар.

Хусусан, ушбу конвенция билан тартибга солинадиган масалалар предметига оид қоидалар унда аниқ белгиланмаган бўлса, ушбу масалалар Конвенциядаги умумий принципларга мувофиқ ҳал этилади. Фақат ана шундай умумий принциплар

мавжуд бўлмаган ҳолдагина айрим давлатнинг қонунлари халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларига кўра татбиқ этилиши мумкин (Конвенция 7-моддасининг 2-бандида у таянадиган умумий принциплар асосида Конвенциядаги нуқсонларни бартараф этишга оид талаблар, бундай умумий принциплар бўлмаганда эса, халқаро хусусий ҳуқуққа кўра қўлланиладиган ҳуқуқ тизимига асосланувчи қоидалар назарда тутилган). Гернобл Апелляция суди судда иш кўришни қасддан чўзиш мақсадида ўз процессуал ҳуқуқларини суистеъмол қилган томон хулқ-атворини холис ният принципига зид келувчи ҳаракат деб баҳолади ва иккинчи томонга ушбу хатти-ҳаракат оқибатида кўрган зарарни қоплаш мажбуриятини юкледи (1995 йил 22 февралдаги қарор).

Конвенцияни талқин этишда давлатлар ўртасида дўстона муносабатларни қўллаб-қувватлаш элементи бўлган тенглик принципини ифодаловчи муқаддима қисми муҳим ўрин тутади.

Конвенцияда (8-модда) шартнома тузилиши ёки бажарилиши билан боғлиқ равишда томонлар берган баёнот ва (ёки) уларнинг хулқ-атвори қандай талқин этилиши лозимлиги тўғрисидаги қоидалар назарда тутилади.

Одатлар ҳақида сўз кетганда, Конвенция халқаро одатларни ҳам, маҳаллий, аънавий ва замонавий одатларни ҳам назарда тутади.

Вена конвенцияси халқаро олди-сотди шартномаларининг шаклига қандайдир алоҳида талаблар қўймайди. Хусусан, конвенциянинг 11-моддасига кўра, олди-сотди шартномаси ёзма шаклда тузилиши ё тасдиқланиши ёхуд шаклан бошқаларга бўйсунуши мажбурий эмас. У исталган воситалар, шу жумладан гувоҳларнинг кўрсатмаси билан ҳам исбот қилиниши мумкин. Шунга қарамай, шартнома ёзма шаклда тузилган бўлса, тарафларнинг шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги келишуви ҳам ёзма шаклда амалга оширилмоғи лозим. Чунки Конвенция 29-моддасининг 2-бандига кўра, шартнома қандай шаклда бўлса, ана шундай шаклда ва усулда ўзгартирилиши мумкин.

Б.Б.Самарходжаев
доктор юридических наук, профессор

ИНВЕСТИЦИОННОЕ ПРАВО КАК КОМПЛЕКСНАЯ ОТРАСЛЬ ПРАВА. СИСТЕМА ИНВЕСТИЦИОННОГО ПРАВА

В современных условиях появляется настоятельная необходимость в комплексном регулировании и изучении тех или иных отношений. В связи с этим различными авторами высказывается мнение о необходимости становления комплексных (таких как инвестиционных – С.Б.) отраслей права с тем, чтобы обеспечить целостное правовое регулирование и, соответственно, изучение отношений по направлениям.

На сегодняшний день в юридической литературе высказываются различные мнения о месте инвестиционного права в системе права. Как правило, позиции диаметрально противоположные: от признания инвестиционного права самостоятельной отраслью права до отрицания этого.

Согласно общей теории права, отрасль права – это совокупность обособленных юридических норм, регулирующих качественно однородную группу общественных отношений¹. Отрасль права – это распределённая по правовым институтам совокупность юридических норм, регулирующих особую, качественно своеобразную область отношений (имущественных, трудовых, семейных, налоговых, торговых, инвестиционных отношений).

Отрасль права имеет специфическое строение (структуру). В ней выделяются общая и особенная части. В общую часть входят институты, которые содержат в себе положения, "обслуживающие" все или почти все институты особенной части. Институты общей части содержат те нормы права, действие которых, как правило, распространяется на все регулируемые данной отраслью отношения. Институты общей части отрасли конкретизируются в институтах её особенной части. Такое построение системы права позволяет исключить дублирование нормативно-правового материала, устранить громоздкость юридических конструкций и облегчить восприятие и изучение отрасли права².

В системе права сложились традиционные (базовые) отрасли (конституционное, административное, гражданское, трудовое, финансовое, международное частное право и др.)

До сих пор вопрос о том, является ли инвестиционное право самостоятельной отраслью права или же оно является подотраслью, институтом или элементом соответственно международного права, гражданского права, международного частного права или административного права оставался открытым.

В связи с этим, в рамках настоящего учебника немаловажным вопросом являются теоретические разработки по определению юридической природы комплексных образований.

Впервые мысль о самой возможности существования комплексных отраслей права была высказана еще в 1947 г. В.К. Райхером, который в своих работах

отстаивал точку зрения, согласно которой комплексные отрасли права, в отличие от основных, не имеют особого места в правовой системе, им отводится лишь условное место в целях систематизации общепринятых норм и правил³.

В дальнейшем судьба самого развития воззрений по этому поводу отличалась неоднозначностью и противоречивостью. Мало того, различные школы придерживались различных мнений (а именно диаметрально противоположных по этому поводу), но и в самих школах и даже у целой плеяды ученых мнения менялись максимально кардинально⁴.

Например, О.С. Иоффе, М.Д. Шаргородский, поначалу поддерживали существование комплексных отраслей права, затем отказались от этой затеи.

О.А. Красавчиков выступал решительно против комплексных отраслей права и утверждал, что отраслей права ровно столько же, сколько отраслей законодательства. "По своим внутренним взаимосвязям отрасль является определенным единством, выдающимся из целого (внутри целого) в силу объективных специфических черт. Если таковых черт нет, то, естественно, нет и оснований видеть в том или ином единении явлений или процессов отрасль их системы"⁵. То есть комплексные отрасли права – не отрасли права, а произвольные, исходящие, например из научных или практических интересов, субъективно сформированные группы норм права, принадлежащих отдельным отраслям.

Однако С.С. Алексеев высказался в пользу признания комплексных отраслей, утверждая, что структура права не может быть с достаточной полнотой и точностью раскрыта, если не видеть ее органического единства с внешней нормой права, использование которой как категории комплексной отрасли права позволяет осветить механизм воздействия на систему права субъективного фактора развития законодательства.

В свою очередь Ю.К. Толстой предпринял попытку выделить следующие основные различия между основными и комплексными отраслями:

- каждая основная (самостоятельная) отрасль обладает предметным единством, тогда как комплексная отрасль лишена подобного единства;
- в состав основных отраслей не могут входить нормы других отраслей права, в то время как комплексная отрасль по своему составу складывается из норм иных (основных) отраслей права;
- каждой основной отрасли права присущ свой специфический метод регулирования, тогда как комплексная отрасль использует ряд методов правового регулирования, почерпнутых из основных отраслей;
- основные отрасли занимают определенное место в системе права, напротив, комплексным отраслям отводится лишь условное место (в зависимости от целей систематизации) при систематике права⁶.

Все эти критерии, описывающие комплексный характер отрасли, полностью соответствуют инвестици-

³ См. подробнее: Райхер В.К. Общественно-исторические типы страхования. – М., 1947.

⁴ Решетина Е.Н. К вопросу о соотношении финансового права и инвестиционного права // Финансовое право. – 2011. – № 6. – С.5 – 9.

⁵ Красавчиков О.А. Категории науки гражданского права // Правоведение. – 1975. – № 2. – С. 68.

⁶ См. подробнее: Инвестиционное право с комментариями. <http://en.bridge-capital.ru/publications/33>

¹ Исламов З.М. Общество. Государство. Право (вопросы теории). – Ташкент, «Адолат», 2001. – С. 510.

² Общая теория права и государства: Учеб. / Под ред. В.В.Лазарева. 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Юристъ, 1996. – С.170.

онному праву. Оно, "как комплексное образование", по мнению С.С. Алексеева, "является не инкорпоративным собранием разноотраслевых норм, а выступает как юридически содержательное явление. Общим методологическим подходом является то, что правовые нормы в различном отображении юридической действительности имеют разноуровневый характер.

В экономических связях, возникающих из-за разделения труда между хозяйствующими субъектами, в том числе в ходе инвестиционной деятельности, преобладают моменты централизации и равенства, обусловленные обособлением имущества"¹.

Таким образом, единство предмета правового регулирования позволяет говорить о появлении той или иной комплексной отрасли права. Наличие предмета у комплексной отрасли обуславливает и наличие метода, комплексность предмета обуславливает и комплексный характер метода.

Скорее всего, следует говорить не об одном методе, а о совокупности методов, которые комплексные отрасли права заимствуют у основных отраслей, но именно такое своеобразное сочетание различных приемов и средств воздействия и обуславливает специфический характер метода любой комплексной отрасли права².

Инвестиционное право имеет свои методы правового регулирования, при этом они обладают присущей им особенностью, т.е. эти методы являются разнохарактерными – публично-правовыми, частноправовыми, национальными и международными.

Соответственно, предмет регулирования инвестиционного права – обособленная группа инвестиционных отношений. Метод регулирования – сочетание императивного, диспозитивного, публично-правового и частноправового регулирования инвестиционных отношений (в том числе международного).

Ещё одним немаловажным аргументом в пользу отнесения инвестиционного права к комплексной отрасли права является наличие нормативного материала соответствующего количества и качества.

В пользу взгляда об отнесении инвестиционного права к комплексной отрасли права продемонстрировали и мнения указанных выше ученых, специалистов, занимающихся данной проблемой на протяжении довольно длительного времени.

Здесь уместным будет привести следующее высказывание М.Сулейменова: «В юридической литературе сложились различные взгляды на правовую природу инвестиционного права и его место в системе права. Наиболее распространенная точка зрения – инвестиционное право как отрасли права не существует. В лучшем случае можно говорить об отрасли законодательства (Попондопуло В.Ф., Яковлева В.Ф.).

Другие считают, что инвестиционное право выступает как институт предпринимательского права (Круглова Н.Ю., Ершова И.В., Иванова Т.М., Казиева Г.Т.).

По мнению третьих (в основном, это те, кто специально занимается исследованием инвестиционных отношений) инвестиционное право – комплексная от-

расль права (Мороз С.П., Самарходжаев Б.Б., Фархутдинов И.З., Бозоров Р.Б.)»³.

Исходя из изложенного, в настоящее время мы с убежденностью можем отметить, что инвестиционное право сложилось как комплексная отрасль права. Немаловажным аргументом для данного высказывания является, кроме всего прочего, то обстоятельство, что регулирование инвестиционных отношений на сегодняшний день приобретает особую актуальность (особая общественная необходимость и значение их в системе экономических отношений). Собрание воедино в рамках инвестиционного права всех вопросов инвестиционных отношений из вышеперечисленных отраслей даёт нам основание утверждать, что инвестиционное право должно функционировать в качестве комплексной отрасли права, которой, присущ и свой предмет и свой метод.

Раскрывая вопрос о системе инвестиционного права, отметим, что она представляет собой определенную структуру, включающая в себя институты и нормы, регулирующие инвестиционные отношения.

При этом нужно понимать, что институт инвестиционного права – это объективно существующий комплекс норм, регулирующий однородный вид отношений в сфере инвестиционной деятельности.

В свою очередь, нормы инвестиционного права представляют собой первоначальный элемент содержания данной отрасли, которые призваны регулировать общественные отношения в сфере инвестиционной деятельности.

Отдельные авторы выделяют следующие отличительные признаки инвестиционных правовых норм:

- нормы инвестиционного права обязательны для всех, кто является участником инвестиционных отношений.

- нормы инвестиционного права устанавливаются, а также охраняются от нарушения государством, осуществляющим контроль за соблюдением норм инвестиционного права.

- Нормы инвестиционного права отличаются признаком формальной определенности. Они формулируют права субъектов инвестиционной деятельности на конкретные виды дозволенных действий на те или иные объекты, признаваемые инвестициями, а также обязанности, запреты и меры ответственности за их неисполнение или нарушение публичного порядка.

- нормы инвестиционного права регулируют сложные общественно необходимые отношения между собственниками⁴.

Если обратится к теоретическому анализу понятий системы инвестиционного права, то можно привести следующие определения, встречающиеся в современной литературе по этой тематике.

Так, Р.Б.Бозоров определяет систему инвестиционного права как составляющую внутреннее строение взаимосвязанных правовых институтов инвестиционного права, отражающую в логической последовательности объективную структуру реальных отношений.

Далее он считает, что система инвестиционного права объединяет такие общие институты, как:

инвестиционное право как комплексная отрасль права;

¹ Алексеев С.С. Структура советского права. М., 1975. – С. 27 – 28.

² Мороз С.П. Инвестиционное право: Учебник. – 3 изд., перераб. и доп. – Алматы: КазГЮУ, 2006. – С. 15.

³ Сулейменов М. Право как система: Монография. - Алматы: Юридическая фирма «Зангер», 2011. – С. 282.

⁴ Фархутдинов И.З., Трапезников В.А. Инвестиционное право: учеб.-практ. пособие. – М, Волтерс Клувер, 2006. – С.16.

место инвестиционного права в системе права; соотношение инвестиционного права с другими родственными отраслями права; источники инвестиционного права; юридическая сущность инвестиции; основные признаки инвестиции и их классификация.

Сюда же относятся понятие и признаки инвестиционной деятельности; правовые формы осуществления инвестиционной деятельности; инвестиционные правоотношения, субъекты и объекты инвестиционных правоотношений.

К специальным правовым институтам, составляющим особенную часть инвестиционного права, он относит: государственную политику в области инвестиционной деятельности; регулирование инвестиций в отдельных сферах экономики; правовые основы регулирования инвестиций на рынке ценных бумаг; налогообложение как важнейший механизм регулирования инвестиций; правовые гарантии; юридическая ответственность сторон инвестиционных отношений; и, наконец, международное правовое регулирование инвестиционной деятельности¹.

И.З. Фархутдинов, В.А. Трапезников считают, что разделение инвестиционного права как отрасли на институты, нормы в зависимости от содержания регулируемых качественно однородных общественных отношений, т.е. от объекта регулирования, представляет собой главную юридическую структуру предметной дифференциации.

В инвестиционном праве правовые нормы дифференцированы по институтам.

По их мнению, инвестиционное право имеет общую и особенные части.

Общая часть включает в себя такие институты как: государственные гарантии как основа обеспечения инвестиционной деятельности; основные понятия в сфере инвестиционной деятельности; субъекты инвестиционной деятельности; государство как особый субъект инвестиционной деятельности; антимонопольное регулирование в инвестиционной деятельности; контрактные формы инвестиций; страхование инвестиционной деятельности и инвесторов; налогообложение как важнейший механизм регулирования инвестиций.

Особенная часть включает в себя правовые нормы инвестиционного права по сферам инвестирования: правовое регулирование инвестиций в капитальном строительстве; передача технологий и других результатов интеллектуальной собственности как особая форма привлечения прямых инвестиций; правовой режим инвестиционной деятельности на рынке ценных бумаг; инвестиционные фонды как форма коллективного инвестирования; правовое регулирование инвестиционной деятельности в жилищном строительстве; судебно-арбитражная практика в инвестиционной сфере; правовой режим иностранных инвестиций².

С.П. Мороз высказывает мысль, что систему инвестиционного права как комплексной отрасли права составляют правовые институты, различающиеся между собой по объему и характеру воздействия на инвестиционные отношения. При этом институты инве-

стиционного права характеризуются тем, что образующие их нормы одновременно с этим составляют предмет регулирования других (основных) отраслей права³.

Представляется, что здесь необходимо осмысление последнего выражения. Его можно воспринимать двояко. На первый взгляд, так оно и есть – каждый институт инвестиционного права может включать в себя один или несколько норм, составляющих предмет регулирования других, самостоятельных отраслей права (в этом, на наш взгляд, и заключается суть "комплексности"). Здесь мы хотим заострить внимание на то, что образование того или иного института инвестиционного права не должно строиться по принципу ограничения нормами одного предмета правового регулирования той или иной отрасли права. В противном случае не было бы необходимости объединять все эти вопросы в "комплекс", достаточно их рассматривать и дальше по своим "отраслям". Надо подчеркнуть, что эти вопросы будут и в дальнейшем рассматриваться, изучаться, регулироваться в рамках отдельных отраслей. При этом, предусматривается, что такой "параллелизм" должен взаимообогащать, взаимодополнять как комплексную отрасль, так и каждую соответствующую отрасль в отдельности.

Обращение внимания на этот вопрос обусловлено тем, что предложенный анализ образования некоторых институтов системы инвестиционного права отдельными авторами показывает следующее.

Например, Р.Б.Бозоров выделяет отдельные институты, такие как "Организационно-правовые формы предприятия с иностранными инвестициями" (предмет регулирования международного частного права), "Правовое регулирование иностранных инвестиций" (также предмет регулирования международного частного права), и "Международно-правовое регулирование инвестиционной деятельности" (преимущественно предмет регулирования международного публичного права).

В.В. Гуцин и А.А. Овчинников также выделяют отдельный институт "Организационно-правовые формы предприятий с иностранными инвестициями" И.З. Фархутдинов, В.А. Трапезников – "Правовой режим иностранных инвестиций". С.П. Мороз – "Правовое регулирование иностранных инвестиций", "Международно-правовое регулирование иностранных инвестиций".

Далее С.П. Мороз отмечает, что сами правовые институты могут быть сгруппированы в две большие общности, получившие в теории права название "части" отрасли права – общая и особенная. Общеизвестно, что общую часть составляют институты, отражающие сущность той или иной отрасли права, ее основополагающие идеи и начала, тогда как особенную часть образуют институты, показывающие отдельные специфические особенности отдельно взятой отрасли права.

Следовательно, общая часть инвестиционного права состоит из институтов и норм, определяющих основные начала осуществления инвестиционной деятельности, основные принципы и методы регулирования инвестиционных отношений. В частности, система общей части инвестиционного права включает следующие правовые институты, раскрывающие ее сущность как комплексной (вторичной) отрасли права: ин-

¹ Бозоров Р.Б. Инвестиционное право: Учебник. – Душанбе: ТГНУ, 2008. – С.27.

² Фархутдинов И.З. Инвестиционное право: учеб.-практ.пособие / И.З. Фархутдинов, В.А. Трапезников. –М.: Волтерс Клувер, 2006. –С. 17.

³ Мороз С.П. Инвестиционное право: Учебник. 3-е изд., перераб. и доп. – Алматы: КазГЮУ, 2006. – С.42.

вестиции (понятие и виды); правовой режим инвестиций; гарантии инвестиций; инвестиционные риски; инвестиционные правоотношения (субъекты, объекты и содержание); инвестиционная деятельность (понятие признаки и виды); государственное регулирование инвестиционной деятельности; ответственность за нарушение инвестиционного законодательства. Наряду с этим, в общей части инвестиционного права находят свое выражение предмет и метод правового регулирования инвестиционного права, функции и источники инвестиционного права, соотношение инвестиционного права со смежными отраслями права, система инвестиционного законодательства и другие, важные для всей отрасли права вопросы.

Институты особенной части, иначе называемые как специальные правовые институты, призваны регулировать отдельные аспекты или виды отношений. Поэтому особенную часть инвестиционного права составляют такие правовые институты как: правовое регулирование инвестиций в сфере недропользования, правовое регулирование инвестиций на рынке ценных бумаг, правовое регулирование инвестиций в банковской сфере; правовое регулирование иностранных инвестиций; международно-правовое регулирование иностранных инвестиций; инвестиционный договор (понятие и особенности); заключение, изменение и расторжение инвестиционного договора, инвестиционный проект (разработка и реализация); инвестиционные договоры и их система (инвестиционные договоры в сфере недропользования (концессионные соглашения, соглашения о разделе продукции и сервисные контракты); внешнеэкономический инвестиционный договор; договор государственного займа; договор лизинга; инвестиционные сделки на рынке ценных бумаг); защита прав инвесторов и разрешение инвестиционных споров. Наряду с этим, в систему инвестиционного права входят институт правового регулирования бюджетных инвестиций; институты бюджетных инвестиционных проектов и бюджетных инвестиционных программ; институт бюджетного кредитования; институт государственного заимствования и долга, а также институты правового регулирования инвестиций в некоммерческой сфере (образования, науки и т.п.).

Говоря о системе инвестиционного права, нужно особо подчеркнуть, что взаимосвязь между общей и особенной частями проявляется в том, что основные положения общей части влияют на инвестиционное право как отрасль, способствуя совершенствованию правового регулирования инвестиционных отношений, а также развивая понятийный и категориальный аппарат инвестиционного права. В свою очередь, институты, составляющие особенную часть, теснее и конкретнее связаны с практикой правового регулирования инвестиционных отношений, они самым непосредственным образом влияют на инвестиционную деятельность, способствуя повышению ее эффективности, что, в конечном счете, отражается на дальнейшем развитии, как отдельных институтов, так и инвестиционного права в целом¹.

Подытоживая, отметим, что анализ высказываний относительно системы инвестиционного права показывает, что единого мнения по ней не наблюдается. Например, если И.З. Фархутдинов, В.А. Трапезников относят институт налогообложения как важнейшего

механизма регулирования инвестиций к общей части, то Р.Б. Бозоров – к специальным правовым институтам, составляющим особенную часть инвестиционного права.

Соглашаясь в целом с тем, какие институты должны быть отнесены к особенной части инвестиционного права, мы неприемлем отнесения к ней судебно-арбитражную практику в инвестиционной сфере и правовой режим иностранных инвестиций (И.З. Фархутдинов, В.А. Трапезников, С.П.Мороз); инвестиционный договор и защиту прав инвесторов (С.П. Мороз)

Мы поддерживаем позицию, согласно которой система инвестиционного права должна состоять из двух частей: общей и особенной. Можно согласиться и с мнением, что общую часть составляют институты, отражающие сущность той или иной отрасли права, ее основополагающие идеи и начала, тогда как особенную часть образуют институты, показывающие отдельные специфические особенности отдельно взятой отрасли права.

Вместе с тем, на наш взгляд, общая часть (и это не противоречит тому, что мы указали выше) инвестиционного права должна включать все основополагающие понятия (от понятия, предмета и метода инвестиционного права до вопросов, касающихся страхования, гарантий прав инвесторов и рассмотрения инвестиционных споров). При этом, в рамках инвестиционного права, его институтов указанные вопросы должны быть рассмотрены и в международно-правовом и в национально-правовом, публично-правовом и частно-правовом ракурсах параллельно, в комплексе. Это же относится и к особенной части.

Взяв за основу построения нашей системы инвестиционного права структуру Закона "Об инвестиционной деятельности в Республике Узбекистан"², нам представляется, что "Общая часть" Инвестиционного права должна включать в себя следующие вопросы:

- Общая характеристика инвестиционного права;
- Источники инвестиционного права;
- Правовая природа инвестиций, виды и формы инвестиций;
- Объекты и субъекты инвестиционной деятельности;
- Государственное регулирование инвестиционной деятельности;
- Инвестиционный договор;
- Гарантии и меры защиты прав инвесторов;
- Ответственность за нарушение инвестиционного законодательства;
- Правовые вопросы рассмотрения инвестиционных споров.

Особенная часть должна выявлять специфические особенности инвестиций исходя из его направленности в той или иной области; она должна включать по мере становления и развития правовое регулирование по сферам инвестирования: экономика, образование, культура, здравоохранение и т.д.³.

¹ Мороз С.П. Инвестиционное право: Учебник. 3-е изд., перераб. и доп. – Алматы: КазГЮУ, 2006. – С.42 –44.

² Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. 1999. – №1. – ст.10.

³ См.: Богатырев А.Г. Инвестиционное право. – М.: Росс. пра-во, 1992. – С.52 – 56.

В.Ё.Эргашев
юридик фанлар номзоди
ТДЮИ доценти

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА АШЁВИЙ СТАТУТ

Ҳар бир мамлакат ички фуқаролик муомаласининг асоси ҳисобланган ашёвий ҳуқуқлар ўша мамлакат ҳуқуқий тизимининг тарихий ривожланиш жараёнини, унинг ҳуқуқий аънанасини ўзида мужассамлаштиради.

Ашёвий ҳуқуқ соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланиши лозим бўлган, коллизия норма асосида аниқланадиган ҳуқуқ ашёвий статут деб аталади. Ашёвий статут билан ашёвий ҳуқуқ соҳасида юзага келувчи ашёга доир муносабатларнинг барчаси тартибга солинади. У шахсга ашё устидан юридик ҳокимиятга эга бўлиш имконини беради ва мазкур ҳуқуқ эгаси, бошқа ҳар қандай шахслардан қатъи назар, ўз ихтиёри ва ҳукмига кўра, қонунда белгиланган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда, ашёга таъсир кўрсатиши ва ундан фойда олиши учун имконият яратади.

Шундан келиб чиқадиган бўлсак, ашёвий статутнинг амал қилиш доирасига, бизнингча, қуйидаги масалаларни ҳал қилиш қиради: ҳуқуқий тартибот доирасида тан олиниши лозим бўлган ашёвий ҳуқуқларнинг турларини белгилаш; мазкур ҳуқуқлар мазмуни ва уларни амалга ошириш чегараси¹; ашёвий ҳуқуқларнинг юзага келиши, уларни ўзгартириш ва уларнинг бекор бўлиши асослари ва усуллари, шу жумладан мулк ҳуқуқининг ўтиши масалалари ва мулк ҳуқуқини ўтказишга қаратилган битимларнинг ашёвий эффекти билан боғлиқ бўлган барча масалалар; ашёвий ҳуқуқларни ҳимоя қилиш; мулкни кўчар ва кўчмасга ажратиш; ашёнинг муомалада бўлиш қобилиятини ва уни бегоналаштириш имкониятининг мавжудлигини аниқлаш²; бошқа ҳуқуқий тартиботларда юзага келган ашёвий ҳуқуқларни тан олиш ва мослаштириш. Бошқача қилиб айтганда, ашёвий статут мол-мулкга нисбатан ашёвий ҳуқуқларга тўғридан-тўғри тааллуқли бўлган барча масалаларни ҳал қилишга ваколатлидир.

ФКнинг 1184-моддасида ашёвий ҳуқуқларга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқ сифатида мол-мулк жойлашган мамлакат қонуни кўрсатилган. Таъкидлаш лозимки, ушбу моддада мол-мулк жойлашган

мамлакат қонуни билан қандай турдаги масалалар тартибга солиниши тўғрисидаги масала тўлиқ ҳал этилмаган. Унда фақат мазкур қонун билан мол-мулкнинг кўчар ва кўчмас ашёларга мансублиги, шунингдек мол-мулкнинг бошқа юридик баҳоланиши аниқланади, деб кўрсатилган. Аслида мол-мулк жойлашган мамлакат қонуни билан нафақат юқоридаги икки ҳолат, балки тегишли мол-мулкни мулк ҳуқуқининг объекти ҳисобланиши, унга мулкдор ҳуқуқларининг мазмуни, мулк ҳуқуқини амалга ошириш шартлари ва тартиби, мулк ҳуқуқини вужудга келиш ва бекор бўлиш асослари, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиниши каби масалалар ҳам аниқланиши лозим. Шу туфайли, ФКнинг 1184-моддасига юқоридаги масалалар рўйхатидан иборат бўлган “ашёвий ҳуқуқ статутини” белгилаш таклиф этилади.

Ашёвий статутнинг тарихий ривожланиш жараёни тўғрисидаги масалани³ четга суриб қўйиб, шуни қайд этиш лозимки, кўчар ва кўчмас ашёларга нисбатан ҳуқуқни қўллашдаги фарқлар статутлар назариясидаёқ назарда тутилган эди. Кўчмас мулк учун мол-мулк турган жой ҳуқуқи боғловчи нормаси (*lex rei sitae*) мавжуд эди. Кўчар ашёларга нисбатан ашё мулкдорининг шахсий қонуни билан мувофиқ келувчи ҳуқуқ (*lex domicilii*)⁴ *mobilia sequuntur personam*⁵ принципага мувофиқ қўлланилар эди. Ушбу принципга кўра, кўчар ашёлар уларнинг хўжайини доимий яшайдиган ерда, яъни унинг домицилида доимий манзилга эга бўлиши назарда тутилди⁶.

³ Ашёвий статутнинг тарихий ривожланиш жараёни ҳақида қаранг: Kreuzer K. La propriété mobilière en droit international privé // Recueil des cours de l'Académie du droit international. T. 259. La Haye. 1996. P. 30-38; Venturini G.C. Property // International Encyclopedia of Comparative Law. Vol. III. Ch. 21. Mouton, J.C.B. Mohr Tübingen. 1976. P. 3-7; Rabel E. The Conflict of Laws: A Comparative Study. Vol. IV. University of Michigan Law School. Ann Arbor. 1958. P. 7-14; Diena M.G. I diritti reali considerati nel diritto internazionale privato. Turin, 1895. P. 1-52.

⁴ Мазкур боғловчи норма “яқин алоқа” принципага доим ҳам мос келавермайди; бундан ташқари, унинг камчилиги шундаки, у одатдаги хўжалик муомаласига доир муносабатларни тартибга солишга мослаштирилмаган, чунки ашё ўзга шахсга ўтказилганда уни тасарруф этиш ҳуқуқига кимнинг (эгалловчи ёки бегоналаштирувчининг) домицили қўлланиши унча аниқ эмас. Бунда бегоналаштирувчининг домицили қўлланилса, у фақат сотувчининг манфаатларига хизмат қилади ва сотиб олувчининг манфаатларини бутунлай инкор этади. Боз устига яшаш жойи бошқа-бошқа мамлакатларда бўлган бу икки шахс ўртасида мулк ҳуқуқи юзасидан низо чиққан тақдирда мазкур боғловчи нормани қўллашда қийинчиликлар туғилади. Ҳозирги вақтда бу боғловчи норма субъектлар мол-мулки юридик нуқтаи назардан алоҳида-алоҳида таркибий қисмлар (*ut singuli*) сифатида эмас, балки яхлит бир бутун (*ut universi*) деб қаралиши мақсадга мувофиқ бўлган ҳолларда мулк ҳуқуқининг ўтиши масаласини буйсундириш учун қўлланилади. Масалан, ворислик муносабатларида мулк ҳуқуқини универсал ҳуқуқий ворислик тартибида ўтказишда, шунингдек никоҳ-оила муносабатлари соҳасида банкротлик ва мулкдорлик муносабатларини ҳал қилишда.

⁵ Кўчар мулк шахсга эргашади. Бу фикция кўчар мулк турар жойга эга эмас (*personality has no locality*) деган фикрга асосланади.

⁶ Батафсилроқ қаранг: Lalive P. The Transfer of Chattels in the Conflict of Laws: A comparative study. Oxford, 1955. P. 34-43; Zaphiriou G.A. Transfer of Chattels in Private International Law: A Comparative Study. London. 1956. P. 17-24; Rabel E. The Conflict of Laws: A Comparative Study. Vol. IV. University of Michigan Law School. Ann Arbor. 1958. P. 8-15.

¹ Мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқнинг мазмуни тегишли субъектив ҳуқуқнинг эгаси мулк турган жой мамлакатининг ҳуқуқига мувофиқ эга бўладиган ваколатларни, шунингдек мазкур мамлакат ҳуқуқи билан белгиланган ушбу ваколатларга чеклашларни ўз ичига олади (Маковский А.Л. Комментарий к статье 1205 // Комментарий к части третьей Гражданского кодекса Российской Федерации / Под ред. А.Л. Маковского, Е.А. Суханова. – М., 2003).

² Бу ерда ҳуқуқий тартибот ашёнинг ўз-ўзича муомалада бўлиш қобилиятини ҳам, унинг муайян шахсларга нисбатан муомалада бўлишини ҳам чеклаш мумкинлиги назарда тутилади. А.Л.Маковский бу ҳақда шундай деб ёзади: “Қонунда одатда мулкдор ҳуқуқларига доир кўпгина чеклашлар белгиланади. Уларнинг айримлари мазкур ҳуқуқлар субъектига тегишли бўлади; бунда ҳатто айрим тоифадаги шахслар (жисмоний шахслар ва ш.к.)га муайян мол-мулкка (масалан, ер ости бойликлари, чегара олди ҳудудларида ер участкалари ва шу кабиларга) мулк ҳуқуқида эгалик қилиш бутунлай тақиқланиши ҳам мумкин. Бошқа ҳил тақиқлар муайян турдаги мол-мулкнинг муомалада бўлиш қобилиятини у кимга қарашли эканлигидан қатъи назар чеклайди” (Маковский А.Л. Кўрсатилган асар. 406–407-б.).

Бироқ XIX аср ўрталаридан бошлаб ривожланган ҳуқуқий тартиботларнинг қонун ҳужжатлари ва таълимотларида халқро хусусий ҳуқуқда кўчар ва кўчмас мулкка доир ашёвий ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи асосий коллизия боғловчи норма *lex rei sitae* (*lex loci rei sitae*) ёки *lex situs*,¹ яъни ашё турган жой ҳуқуқи бўлиши керак, деган ғоя кенг ривож топади. Айти пайтда ашёвий статутнинг ягоналиги тўғрисидаги ғоя ҳам аста-секин ривожланади. У *lex rei sitae* боғловчи нормаси ҳам кўчмас, ҳам кўчар мулкка нисбатан қўлланишини назарда тутади.

Шундай қилиб, энг қадимги коллизия нормалардан бири ҳисобланган *lex rei sitae* боғловчи нормаси халқро хусусий ҳуқуқ қонунчилиги, таълимоти ва амалиётида алоҳида ўрин эгаллайди. Бугунги кунда шуни ишонч билан қайд этиш мумкинки, маърифий ҳуқуқий тартиботларнинг барчасида амалда бўлган коллизия ҳуқуқда ашё турган давлат ҳуқуқи – *lex rei sitae* ашёвий статутни аниқлаш учун умум эътироф этилган, таълимот ва амалиёт даражасида қўллаб-қувватланган умумий коллизия боғловчи норма ҳисобланади².

Энди халқро хусусий ҳуқуқда ашёвий ҳуқуқларни тартибга солиш учун асос сифатида *lex rei sitae* боғловчи нормасидан бу даражада кенг фойдаланилишини тушунтириш имконини берувчи асосий сабабларни кўриб чиқамиз.

Бунинг сабаблардан бирини давлатнинг ҳудудий суверенитети принципида кўриш мумкин³. Мазкур принципга мувофиқ давлат ашё устидан фактик ва юридик назорат қилиш ҳуқуқига эга ва ўз ҳудуди доирасида мулк муомалани, шу жумладан ашёвий ҳуқуқларнинг юзага келиши, уларни ўзгартириш, бекор қилиш ва амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан, шунингдек баъзи бир ашёларнинг мулк муомаллада бўлиш қобилиятига нисбатан чеклашлар белгилашдан⁴, мол-мулкни национализация ва мусодара қилиш актларини амалга оширишдан айниқса манфаатдор бўлади.

Ашё жойлашган давлат ҳуқуқини қўллашдан манфаатдорлик энг аввало оммавий ҳуқуқ соҳасидаги муносабатларда намоён бўлади. Булар ашё жойлашган мамлакат судларининг юрисдикцияси масалалари, ундирувчи мол-мулкка қаратиш ва уни хатлаш билан, шунингдек ижро иши юритишнинг бошқа масалалари билан боғлиқ муносабатлардир. Ўз ҳудуди доирасида муносабатларни тартибга солиш учун ўз моддий ҳуқуқидан фойдаланишдан давлатнинг иқтисодий манфаатдорлиги мулк муомала учун ашёвий ҳуқуқларнинг аҳамияти билан белгиланади. Хусусан, ашёвий ҳуқуқларнинг энг муҳими саналган мулк ҳуқуқи ҳар қандай маърифий мулк муомаланинг асосини ташкил қилади ва

субъектларнинг мулк муомалиси учун муомаля замин яратлади.

Ашё жойлашган давлат ҳуқуқининг қўлланиши моддий ҳуқуқда ашёвий ҳуқуқлар ҳуқуқий табиатининг хусусияти билан ҳам асосланиши мумкин. Маълумки, ашёвий ҳуқуқлар ўз ҳуқуқий табиатига кўра мутлақ ҳуқуқлар ҳисобланади, яъни учинчи шахсларга қарши (*erga omnes*) амал қилади. Моддий ҳуқуқнинг ашёвий ҳуқуқлар институтига тааллуқли нормаларининг императивлиги, улар рўйхатининг берклиги, қонунчиликда ашёвий ҳуқуқлар типларга ажратилиши ҳам айти шу омил билан белгиланади⁵. Моддий-ҳуқуқий тартибга солишнинг мазкур хусусияти мулк муомалани ҳимоялаш мақсадини кўзлайди, чунки мумкин қадар императив тартибга солишнинг ўрнатилиши мулк муомала иштирокчилари учун кўпроқ даражада аниқ ва равшанликни таъминлайди. Шу туфайли ҳам ашёвий ҳуқуқлар мазмунини белгиловчи қўлланиладиган ҳуқуқ айрим субъектларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмадлиги, учинчи шахслар учун аниқ ва равшан бўлиши лозим. Бунга амалда *lex rei sitae* боғловчи нормасидан фойдаланиш йўли билан эришилади. Мазкур норма қўлланиладиган ҳуқуқни белгилаш учун нисбатан объектив мезонни муомалялайди ва шу тариқа мулк муомала иштирокчиларининг барчаси учун мўлжал бўлиб хизмат қилади, битим тарафларининг мўлжаллари ақлга мувофиқ даражада бўлишини таъминлайди.

А.Л.Маковскийнинг қайд этишича, кўпгина давлатларнинг коллизия ҳуқуқидида “асё турган жой қонуни”дан кенг фойдаланилишининг кўп сонли сабаблари орасида фуқаролик муомаласи манфаатлари биринчи ўринда туради. Мулкдорнинг ва мол-мулкка бўлган бошқа ашёвий ҳуқуқлар эгаларининг ваколатлари уларнинг субъектив ҳуқуқлари мавжуд бўлган давр мобайнида ашё жойлашган жой ҳуқуқига бўйсунуши фуқаролик муомаласининг бошқа иштирокчилари (мазкур ҳуқуқлар эгаларининг контрагентлари ва учинчи шахслар)га ашёга бўлган тегишли ҳуқуқнинг мазмуни, уни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш тартиби қайси давлат ҳуқуқи билан белгиланишини осонгина аниқлаш имконини беради⁶.

Яна шуни ҳам қайд этиш мумкинки, *lex rei sitae* боғловчи нормаси халқро хусусий ҳуқуқнинг энг муҳим мумтоз тамойилларидан бири – муносабатнинг энг яқин алоқага эга бўлган ҳуқуқий тартибда локаллашуви билан асосан мос келади. Лўнда қилиб айтганда, ашёнинг моддий локаллашуви аксарият

¹ Кўрсатилган терминларнинг барчаси синонимлардир.

² Аммо шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, бу умумий қоидадан кам аҳамиятли айрим истисно ҳолатлар мавжуд ва улар хусусида биз “истисно ҳолат қайдани тасдиқлайди” деб айтишимиз мумкин. Улар мазкур тадқиқот предметига кирмайди.

³ Lalive P. The Transfer of Chattels in the Conflict of Laws: A comparative study. Oxford, 1955. P. 106-110.

⁴ Давлатнинг қонуний манфаати, масалан, маданий бойликларга нисбатан намоён бўлиши мумкин. Бунда давлат маданий меросни ҳимоя қилиш учун мазкур ашёларга нисбатан уларни муҳофаза қилиш, улардан фойдаланиш, бегоналаштириш ёки экспорт қилишга доир махсус қоидаларни белгилаши мумкин.

⁵ Яъни ашёвий ҳуқуқларнинг ҳар қандай маърифатли тизимига хос бўлган *numerus clausus* принципи. Л.А.Лунц бу ҳақда шундай деб ёзади: “Барча мамлакатларда қабул қилинган ашёвий ҳуқуқларнинг берк давраси принципи халқро хусусий ҳуқуқда ҳам ўз аксини топган: шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятлар билан боғлиқ ҳолатлардан фарқли равишда, бу ерда хоҳиш-ирода эркинлигига ўрин йўқ” (Лунц Л.А. Курс международного частного права. В 3 т. – М., 2002. – 419-б.).

⁶ Қаранг: Маковский А.Л. Комментарий к статье 1205 // Комментарий к части третьей Гражданского кодекса Российской Федерации / Под ред. А.Л. Маковского, Е.А. Суханова. – М., 2003. – 404–405-б.

ҳолларда ашёвий ҳуқуқий муносабатнинг юридик локаллашуви билвосита белгилади¹.

Мавжуд ҳуқуқий тартиботларнинг аксариятида *lex rei sitae* боғловчи нормаси халқаро хусусий ҳуқуқда ашёвий ҳуқуқларни тартибга солиш учун асос сифатида қўлланилиши ҳуқуқий тартибга солишнинг аниқ ва равшанлиги, очиқ ва ошкоралигини, шу жумладан коллизия тартибга солишнинг халқаро даражада уйғунлигини белгилайди. Буларнинг барчаси халқаро мулкнинг муомалани ҳимоя қилишга маълум даражада қўмақлашади, зеро аксарият ҳолларда қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқни осонгина олдиндан айтиш мумкин бўлади², мазкур боғловчи нормани қўллашга асосланган суд қарори эса, ҳеч бўлмаса, бошқа қарорлар билан қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқни белгилаш қисмида тўқнашмайди³.

Lex rei sitae боғловчи нормасидан фойдаланиш хусусида юқорида баён этилган фикр-мулоҳазаларни кўчар мулкка бўлган ашёвий ҳуқуқларни тартибга солиш учун уни қўллаш ўринли бўлишини тасдиқловчи далиллар қаторига киритиш мумкин. Бу тарихий сабаблардан⁴ ҳам кўра кўпроқ ҳар бир давлатнинг мулкнинг муомаласида кўчмас мулкнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳамияти ҳамда моддий ҳуқуқда ҳуқуқий тартибга солишнинг бундан келиб чиқадиган хусусиятлари билан боғлиқ⁵.

Мол-мулк турган давлат ҳар доим ўз ҳудуди доирасида кўчмас мулк муомаласини тўлиқ тартибга солишдан қонуний манфаатдор бўлади⁶. *Lex rei sitae* боғловчи нормасини кўчмас мулкка⁷ нисбатан қўллаш айниқса ўринли бўлади, чунки ер ўз табиатида кўра у ёки бу давлат ҳудудида жойлашган бўлади, у бошқа давлат ҳудудида айланиши мумкин, бироқ унинг

мақондаги ўрни ўзгариши мумкин эмас⁸. Шундай қилиб, кўчмас мулк ўзи қайси давлат ҳудудида жойлашган бўлса, шу давлатнинг мулқ назорати остига тушар экан, ўз-ўзидан *lex rei sitae* боғловчи нормасидан фойдаланишни талаб қилади.

Ривожланган ҳуқуқий тартиботларнинг деярли барчасида кўчмас мулкка доир низолар фақат у жойлашган ердаги судда кўрилиши мумкинлиги назарда тутилгани боис, *lex rei sitae* боғловчи нормасидан фойдаланиш мақсада мувофиқ бўлади, чунки у *lex fori* билан мос келади, бу эса давлат ва фуқаролик муомаласи манфаатларига мувофиқ келиш билан бир қаторда, суд муҳокамаси билан боғлиқ харажатларни сезиларли даражада камайтиради. Хусусан, айтиш ҳолда чет эл ҳуқуқининг мазмунини аниқлаш ва уни қўллаш тўғрисидаги масала, шунингдек чет мамлакатлар судларининг қарорларини тан олиш ва ижро этиш тўғрисидаги масала юзага келмайди, бунинг натижаси ўлароқ мазкур қарорларга уларнинг кўчмас мулк турган жой ҳуқуқига оммавий тартиботнинг мувофиқлиги юзасидан баҳо бериш, шунингдек мазкур ҳуқуқий тартибот ўта императив нормаларининг амал қилиши тўғрисидаги масала ҳам пайдо бўлмайди.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқлар ҳисобини юритишни рўйхатга олиш тизими воситасида амалга ошириш ва реестрдаги ёзувларнинг аниқлигини муҳофаза қилиш зарурияти ҳам кўриб чиқилаётган боғловчи нормани кўчмас мулкка нисбатан қўлланишни белгилайди. Агар мазкур боғловчи норма бўлмаганида, кўчмас мулк муомаласи иштирокчилари битимнинг ашёвий эффектини аниқлаш учун чет эл ҳуқуқини ўрганишларига тўғри келган бўлур эди. Бундан ташқари, реестр юритиш тизими ўта мураккаб, улкан ва қиммат бўлар эди. Реестрни ягона ҳуқуққа мувофиқ юритиш эса, бизнингча, шак-шубҳасиз афзалликдир. Шундай қилиб, юқорида баён этилганларга таянган ҳолда, *lex rei sitae* боғловчи нормаси кўчмас мулк муомаласини ҳимоя қилишга қўмақлашади, деган хулосага келиш мумкин.

Lex rei sitae боғловчи нормасини кўчар ашёларга нисбатан қўлланиши ҳар доим ҳам уни кўчмас мулкка нисбатан қўлланиш билан тенг даражада муҳим аҳамият касб этавермайди, чунки кўчар ашёлар ўз табиатида кўра бир ҳуқуқий тартиботдан бошқа ҳуқуқий тартиботга ўтказилиши мумкин ва шу тўғрисида ҳам уларнинг мулк турган жой ҳуқуқий тартиботи билан алоқаси бу даражада муҳим бўлмайди. Масалан, *lex rei sitae* боғловчи нормасини турли давлатлар чегарасини кесиб ўтишга қодир бўлган транспорт воситаларига ёки экспортга мўлжалланган товарларга нисбатан қўлланиш қулай бўлмайди, чунки аксарият ҳолларда уларнинг у ёки бу ҳуқуқий тартибот ҳудудида туриши ё тасодифий, ё муваққат хусусиятга эга бўлади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, *lex rei sitae* боғловчи нормасидан фойдаланиш ҳуқуқий тартибга солишнинг аниқ ва равшанлиги, очиқ ва ошкоралигини таъминлашга қўмақлашади, зеро нисбатан аниқ мезонни қўллайди, бу эса нормадан фойдаланишни ва қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқни аниқлашни

¹ Айтиш ҳолда биз “аксарият ҳолларда” деб айта оламиз, чунки айрим ҳолатларда кўчар ашёларнинг ҳудудий алоқаси ҳуқуқий тартибот билан яқин алоқани ҳосил қилмайди.

² Боғловчи норма таърифнинг соддалиги уни амалда қўллашни осонлаштиради, чунки ашё турган жойни аниқлаш аксарият ҳолларда қийинчилик туғдирмайди.

³ Ўз-ўзидан равшанки, боғловчи норма қўлланишида, бир нечта ҳуқуқий тартиботлар коллизияси юз берадиган вазият истисно этилади. Бироқ *lex rei sitae* боғловчи нормасидан фойдаланилишида, бундай вазият юзага келиши мумкин ва буни биз қуйида (мобил конфликт муаммосининг таҳлилида) кўриб чиқамиз.

⁴ Маълумки, кўчмас мулкка нисбатан бу боғловчи норма статутлар назарияси яратилган даврдан бери мавжуд.

⁵ И.А.Покровский бу хусусда сўз юритар экан, шундай деган эди: “Албатта, кўчмас мулк ҳам айирбошлаш қиммати эга; айтиш шу сабабли, у ҳам муомала ва ҳатто спекуляция объекти бўлиши мумкин, - бироқ унинг халқ хўжалиги учун аҳамияти шу билан чекланмайди. Ер миқдори ўзбошимчалик билан қўлайтирилиши мумкин эмас, ваҳоланки, у халқнинг энг муҳим ишлаб чиқариш капитали ҳисобланади. Ҳатто дунёдаги нормал айирбошлаш шароитларида ҳам ҳар бир халқ кундалик зарур маҳсулотларни энг аввало ўз ҳудудидан олади; иқтисодий алоқаларда узилиш юз беришига олиб келувчи халқаро бўҳронлар шароитида ҳудуднинг унумдорлиги бу жиҳатдан алоҳида аҳамият касб этади” (Покровский И.А. Основные проблемы гражданского права. – М., 2003. – 203–204-б.).

⁶ Venturini G.C. Property // International Encyclopedia of Comparative Law. Vol. III. Ch. 21. Mouton, J.C.V. Mohr T bingen. 1976. P. 7.

⁷ Айтиш ҳолда кўчмас мулк деганда биз ер участкаларини ва ер билан узвий боғлиқ бўлган объектларни, яъни ўз моддий кўрсаткичларига кўра кўчмас мулк тоифасига кирувчи барча ашёларни тушунамиз.

⁸ Beale J.H. The Situs of Things // Yale Law Journal. 1919. Vol. XXVIII. P.526; Маковский А.Л. Комментарий к статье 1205 // Комментарий к части третьей Гражданского кодекса Российской Федерации / Под ред. А.И. Маковского, Е.А. Суханова. – М., 2003. – 405-б.

осонлаштирилади. Бироқ, айти пайтда, шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, “ашё турган жой” мезони фактик ҳолатларга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади ва кўчар ашёларга нисбатан вақт ўтиши билан ўзгариши ҳам мумкин. Бу, ўз навбатида, шунга олиб келиши мумкинки, айрим ҳолларда кўчар ашёнинг муайян ҳуқуқий тартибот ҳудудида туриши тасодифий ёки вақтинчалик бўлиши мумкин, яъни ҳудудий боғлиқлик ҳуқуқий тартибот билан яқин (мустаҳкам) алоқани ҳосил қилмайди. Бунинг оқибатида қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ тасодифий ва битим тарафларига олдиндан номаълум, унинг мазмунини аниқлаш эмас жиддий қийинчиликлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ҳамонки *lex rei sitae* боғловчи нормасидан фойдаланиш айрим ҳолларда муайян қийинчиликлар туғдириши мумкин эмас, айти ҳол мазкур боғловчи нормадан халқаро хусусий ҳуқуқда ашёвий ҳуқуқларни тартибга солишда фойдаланиш замирида ётувчи ҳуқуқий тартибга солишнинг аниқ ва равшанлиги ҳамда қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқнинг олдиндан маълумлиги кўриб чиқилаётган боғловчи нормани кўчар ашёларга нисбатан қўлланишнинг шак-шубҳасиз сабаблари ҳисобланмаслигини кўрсатади.

Давлат суверенитетга эга бўлган ҳолда, ўз ҳуқуқи нормаларининг ўз ҳудудида қўлланиши доирасини ихтиёрий равишда чеклаши мумкин бўлиб, халқаро хусусий ҳуқуқда бу кўпинча икки тарафлама коллизия нормаларни белгилаш йўли билан амалга оширилади. Бундан ташқари, кўчар ашё турган давлат ўз моддий ҳуқуқининг мол-мулкка бўлган ҳуқуқларга тааллуқли нормалари қўлланилишидан доим ҳам манфаатдор бўлавермайди. Бунга мисол тариқасида кўчар мулкка ворислик билан боғлиқ муносабатларни келтириш мумкин. Бу борада ҳуқуқий тартиботларнинг аксарияти қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқни аниқлашда ҳудудийлик принциpidан воз кечган. Шундай қилиб, халқаро хусусий ҳуқуқда ашёлар муомаласини тартибга солишда ҳудудий асос, кўриб турганимиздек, доим ҳам изчил амалга оширилавермайди. Яна шуни ҳам қайд этиб ўтиш лозимки, давлатнинг ўз ҳудудида турган кўчар ашёлар муомала қобилиятини чеклашдан қонуний манфаатдорлиги барча турдаги ашёларга ҳам тааллуқли эмас ва айти ҳол *lex rei sitae* боғловчи нормасидан халқаро савдо доирасида юзага келувчи муносабатларни тартибга солиш учун фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масалани қўйиш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Ҳуқуқий тартибга солишни гармонизация қилишни билвосита белгиладиган ва шу тариқа қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқнинг мақсадга мувофиқлиги ва ваколатлилиги билан боғлиқ муаммоларни бартараф этадиган *lex rei sitae* боғловчи нормасидан кенг фойдаланиш йўли билан коллизия тартибга солишнинг ягоналиги ва бир хиллигига эришиш, шунингдек *lex rei sitae* боғловчи нормаси *lex fori* билан аксарият ҳолларда мувофиқ келиши суд қарорларини ижро этиш билан боғлиқ муаммоларни маълум даражада бартараф этиши мумкинлиги хусусида қуйидагиларни айтиш мумкин.

Биринчидан, кўчар мулк турган жойда суд юрисдикциясининг мавжудлиги *lex fori* ўз-ўзидан қўлланишига барча ҳолларда ҳам сабаб бўлавермайди. Бунга мисол тариқасида ашё *lex fori* ҳуқуқий тартиботи доирасида турган (бу ҳуқуқий тартибот айти пайтда кўчар ашё *lex rei sitae* учун ҳам актуал ҳисобланган), бироқ низо *lex rei sitae* боғловчи

нормаси қўлланилиши лозим бўлган бошқа ҳуқуқий тартиботда юз берган фактик ҳолатларга тааллуқли бўлган вазиятни келтириш мумкин.

Иккинчидан, ҳатто айти бир ҳуқуқ турли судлар томонидан қўлланилган ҳолда ҳам суд қарорининг ижро этилиши имконияти белгиланган моддий ашёвий ҳуқуқнинг ваколатлилиги фактига эмас, балки унинг мазмунига, у ўта императив нормаларнинг амал қилишига қай даражада таъсир кўрсатиши ва суд қарорини ижро этиш амалга оширилаётган оммавий ҳуқуқ тартибига мос келишига¹, шунингдек суднинг ваколатлилиги ва муҳим процессуал принципларга риоя этиш каби процессуал жиҳатларга боғлиқ бўлади.

Учинчидан, ашё суд жараёни пайтида ёки ундан кейин бошқа ҳуқуқий тартибот ҳудудида ўтказилиши натижасида суд қарорини ижро этиш имконияти қийинлашиши ва ижро ишини юритиш нуқтаи назардан давлат назоратини амалга ошириш имконияти йўқолиши мумкин. Бу ҳолда *lex rei sitae* боғловчи нормасидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлмаслиги мумкин, чунки ижро ишини юритиш соҳасида юзага келувчи муносабатларга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган ҳуқуқ *lex fori* дан бошқача бўлади.

Lex rei sitae коллизия боғловчи нормаси муайян даражада “қатъийлик” билан тавсифланади. Унинг ҳудудий амал қилишини икки хил баҳолаш мумкин. Бир томондан, у ҳуқуқий тартибга солишнинг аниқлиги, очиқ ва ошкоралигини, шунингдек ҳуқуқий тартибга солишнинг халқаро даражада эришиладиган натижасининг бир хиллигини ўзида акс эттиради. Бироқ, бошқа томондан, унинг “механистик” тарзда амал қилиши ва бундай коллизия нормаларнинг барчасига хос бўлган “қўлланиш натижасига бефарқлиги” муносабат учун муҳим бўлган барча ҳолатларни ҳисобга олиш имконини бермайди, чунки унда муайян даражаланиш ва ўзи қўлланилаётган муносабат хусусиятига мослашувчанлик мавжуд эмас ва бу адолатсиз қарор чиқарилишига олиб келиши мумкин.

Бундан ташқари, *lex rei sitae* боғловчисидан мулкий муомала иштирокчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган коллизия норма учун асос сифатида фойдаланиш доим ҳам асосли сабаб ҳисобланавермайди, чунки битим тарафларининг ҳуқуқлари ва манфаатларини, шунингдек учинчи шахсларни ҳимоя қилиш ваколатли ҳуқуқий тартиботни аниқлашга ёрдам берувчи коллизия нормага эмас, балки қўлланилиши лозим бўлган моддий ҳуқуқ нормаларининг мазмунига боғлиқ бўлади².

Ҳамонки мазкур боғловчи норма механистик тарзда амал қилар экан, бу жиддий нуқсонга сабаб бўлиши мумкин: масалан, кўчар ашёларга нисбатан

¹ Чет мамлакатда чиқарилган суд қарорини ижро этишда хорижий ҳуқуқий тартиботда вужудга келган ашёвий ҳуқуқларни қарорни ижро этиш талаб этиладиган ҳуқуқий тартиботнинг ашёвий ҳуқуқлар тизимига мослаштириш муаммоси юзага келиши ҳам мумкин. Бу ҳолда ҳам мослаштириш жараёнини амалга ошириш учун моддий ҳуқуқ нормаларининг мазмунига баҳо бериш талаб этилади.

² Л.А.Лунц коллизия норма мазкур ҳуқуқий муносабат бўйича тарафларнинг қандай ҳуқуқлари ва бурчлари юзага келади, деган саволга ўз-ўзича жавоб бермаслигини, у фақат ҳуқуқий муносабатга нисбатан қўлланилиши лозим бўлган ваколатли моддий-ҳуқуқий қонунни кўрсатишини таъкидлаган эди (Лунц Л.А. Курс международного частного права. Общая часть. – М., 1973. – 171-б.).

ваколатсиз шахс томонидан бегоналаштирилган мол-мулкни эгаллашнинг энг қулай режимини яратиш ёки учинчи шахсларнинг ҳуқуқларини камситишга қаратилган бошқа битимни тузиш учун зарур бўлган ҳуқуқий тартиботни олдиндан “танлаб олиш” мумкин ва бу қонунни очиқ-ойдин четлаб ўтиш, халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларидан ғайриқонуний мақсадларда фойдаланиш ҳисобланади. Турли мамлакатларнинг моддий ашёвий ҳуқуқида ваколатсиз шахсдан мол-мулк эгалланган ҳолда юзага келувчи муносабатларни тартибга солишга нисбатан турли хил ёндашувлар мавжудлиги, улар баъзан мулкдор ва инсофли эгалловчи манфаатларининг бутунлай ҳар хил мувозанатларини акс эттириши юқорида зикр этилган муаммони янада оғирлаштиради.

Бироқ, *lex rei sitae* боғловчи нормасининг қайд этилган камчиликларига ва у анча механик хусусиятга эга эканлигига қарамай, шуни тан олиш лозимки, унинг қўлланиши аксарият ҳолларда ўринлидир. Айни шу сабабли, ашёвий ҳуқуқларга тааллуқли бўлган ҳар қандай масала, умумий қоидага мувофиқ, токи бошқача ёндашувдан фойдаланиш учун асосли сабаб мавжуд бўлмас экан, ашё турган жой ҳуқуқига бўйсундирилиши лозим, деб ҳисоблаш, бизнингча, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ш.Убайдуллаева
Соискатель УМЭД

УСЛОВИЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН В ТОРГОВО-ЭКОНОМИЧЕСКОМ СОТРУДНИЧЕСТВЕ

Развитие международного торгового экономического сотрудничества порождает и проблемы обеспечения экономической безопасности его участников.

В широком смысле экономическая безопасность означает состояние защищенности экономики страны от опасных воздействий, которые могут быть как сознательно вызванными недружественными источниками, так и результатом стихийной игры рыночных сил. Опасными могут считаться такие воздействия, которые приводят к ухудшению экономического положения страны до некоего критического уровня, определяемого на основании ряда показателей (индикаторов) состояния экономики.

В специальной литературе выделяются следующие уровни экономической безопасности: международная (глобальная и региональная), национальная, локальная (региональная или отраслевая внутри страны) и частная (фирм и личности)¹. Все элементы и уровни системы обеспечения экономической безопасности не изолированы друг от друга, а находятся в неразрывном органическом единстве, предполагающем определение стратегических целей и задач защиты экономики².

Понятие экономической безопасности чаще связывают с проблемой обеспечения конкурентоспособности национальной экономики или ее ведущих отраслей на мировой арене. Конкурентоспособность признается наиболее объективным и интегральным критерием жизнеспособности рыночной экономики в условиях современного этапа развития мирового хозяйства. Зарубежные специалисты включают в понятие экономической безопасности следующие элементы:

- сохранение экономической самостоятельности страны, ее способности в собственных интересах принимать решения, касающиеся развития национальной экономики, а также ее независимость как от противников, так и от партнеров;
- возможность сохранения уже достигнутого уровня жизни населения и его дальнейшего повышения;
- отсутствие острой угрозы минимально приемлемому уровню основных ценностей, которые нация считает первостепенно необходимыми, которая возникает в том случае, когда внешние экономические параметры изменяются настолько, что возникают условия, способные разрушить существующую социально-политическую систему;
- возможность контролировать широкий круг инструментов политики и ресурсов, т.е. обладание инструментами распределения доходов и богатства; контро-

¹ См. подробнее: Огнев А.П. Международная экономическая безопасность: проблемы и пути их решения. – М., 1989; Сенчагов В.К. Экономическая безопасность: геополитика, глобализация, самосохранение и развитие. – М., 2002; Экономическая безопасность. Энциклопедия / Автор идеи, руководитель проекта А.Г.Шаваев. – М., 2001.

² Шаваев А.Г. Система борьбы с экономической разведкой. – М., 2000. – С.171–172.

ля уровня занятости, доступа на рынок, снабжения сырьем, контроля над рынками сбыта производимой продукции¹.

Стоит согласиться и с авторами, указывающими, что «экономическая безопасность – это способность экономики обеспечивать эффективное удовлетворение потребностей на национальном и международном уровнях»².

Основную систему в обеспечении экономической безопасности страны составляют общепризнанные принципы и нормы международного права. В соответствии с Декларацией о принципах международного права 1970 г., принципы международного права существуют во взаимосвязи и содержание каждого из них конкретизируется в содержании других.

В обеспечении экономической безопасности государства важную роль играют такие принципы международного права, как принцип неприменения силы или угрозы силой, принцип мирного разрешения международных споров, принцип невмешательства в дела, входящие во внутреннюю компетенцию государств, обязанность государств сотрудничать друг с другом в соответствии с Уставом ООН, принцип суверенного равенства сторон. Большое значение имеют и специальные принципы международного права – принципы международного экономического права, которые дополняют и конкретизируют общие принципы и являются важными в обеспечении экономической безопасности страны.

Следовательно, исходя из международно-правовых принципов и норм, надо признать, что все уровни системы обеспечения экономической безопасности государства должны строиться на основе общих и специальных принципов международного права.

Усиление влияния внешних экономических связей на национальную экономику требует разработки и осуществления национальной политики эффективного обеспечения экономической безопасности, основанной на активном использовании общих и специальных принципов международного права, а также стратегии внешнеполитических мероприятий, направленных на формирование на их основе нормативных институтов, которые стали бы надежными инструментами защиты национальной экономики от противоправных умышленных действий других государств, нацеленных на причинение вреда национальной экономике отдельных государств или экономик групп государств.

В международном обеспечении экономической безопасности государств важную роль играют международные организации³. Как указывает Президент на-

шей страны И.А.Каримов, «международные организации являются эффективным средством оказания содействия преобразованию нашей экономики. Неоценимую помощь они могут оказать в получении кредитов, прямых иностранных инвестиций, продвижении республики на зарубежные рынки. Однако главное состоит в том, что участие Узбекистана в международных органах – важнейшая гарантия его национальной безопасности, сохранения мира и стабильности в регионе»⁴.

Одной из самых важных международных организаций является ООН. В рамках ООН существует ряд органов и институтов, которые могут стать основой обеспечения экономической безопасности государств, а, возможно, и базой формирования системы международной экономической безопасности.

На основании Устава ООН и в плане обеспечения экономической безопасности государств в рамках ООН следует указать на работу Совета Безопасности ООН (СБ), Генеральной Ассамблеи ООН (ГА), Экономического и Социального Совета (ЭКОСОС), а также специализированных учреждений ООН: организаций Группы Всемирного банка (МБРР, МАР, МФК, МАГИ, МЦУИС), Международного валютного фонда (МВФ) и Международной конференции по финансированию развития.

Все эти организации, созданные при ООН в определенном направлении, регулируют международные экономические отношения и ведут деятельность по обеспечению экономической безопасности государств.

Так, Совет Безопасности ООН, будучи основным органом ООН, ответственным за поддержание международного мира и безопасности в соответствии с принципами и целями Организации, имеет право рассматривать любой спор или ситуацию, которые препятствуют нормальному ходу международных отношений и угрожают международному миру и безопасности. Хотя практически в ходе своей деятельности он больше сконцентрировался на военно-политических аспектах безопасности.

Генеральная Ассамблея является главным совещательным органом ООН. Она состоит из представителей всех государств-членов, каждое из которых имеет один голос. ГА ООН организует исследования и дает рекомендации государствам для содействия международному сотрудничеству государств в экономической, социальной и иных областях (ст. 13 Устава ООН).

Основной объем работы в связи с реализацией функций ООН в области экономического сотрудничества государств-членов выполняется Экономическим и Социальным Советом (ЭКОСОС), который наделяется Уставом ООН специальными полномочиями в данной сфере. ЭКОСОС играет роль центра в области международного экономического и социального сотрудничества. В соответствии со ст. 55 Устава ООН, он призван содействовать повышению уровня жизни, полной занятости населения, условиям экономического и соци-

¹ См.: Machovski H. Ost-West Handel; Entwicklung, Interessenlagen, Aussichten, Auspolitik und Zeitgeschichte. –Bonn, 1985. – N5. –S.5–18; Maull H. Raw materials, energy and Western security. –London, 1984. –P.413; Murdoch C. Economic factors as objects of security: Economics Security and Vulnerability // K.Knorr, F.Tragger. –Economics issues and national security. –Lawrence, 1977. –P.67–98.

² См., напр.: Архипов А., Городецкий А., Михайлов Б. Экономическая безопасность: оценки, проблемы, способы обеспечения // Вопросы экономики. –М., 1994. –№12; Михайленко А. Механизм обеспечения экономической безопасности России// Мировая экономика и международные отношения. –М., 1996. –№7.

³ См. подробнее: Рахманов А.Р. Международно-правовые аспекты обеспечения всеобъемлющей национальной безопасности в Республике Узбекистан: Автореф. дис. ... док. юрид. наук. –Т.: АГОС, 2001; Рахимова М.А. Международно-правовые аспекты экономического сотрудничества Республи-

ки Узбекистан с международными организациями: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. –Т.: АГОС, 2000; Юлдашева З. Халқаро ташкилотлар ҳуқуқи. –Т.: ТДЮИ, 2001; Юлдашева З. Хозирги даврда халқаро ташкилотларнинг ҳуқуқий муаммолари. –Т.: ТДЮИ, 2005.

⁴ Каримов И.А. Основные принципы общественно-политического и экономического развития Узбекистана // Родина священна для каждого. Т.3. –Т., 1995.

ального прогресса и развития, разрешению международных проблем в экономической и социальной областях, в сферах здравоохранения, культуры, образования и других, всеобщему уважению и соблюдению прав человека и основных свобод для всех, без различия расы, пола, языка и религии.

Можно отметить, что ныне в рамках ООН формируется глобальная система взаимодействия международных организаций и государств. Это может содействовать и формированию системы обеспечения экономической безопасности государств.

Среди международных организаций как в развитии международных экономических отношений в целом, так и в обеспечении экономической безопасности, важную роль играет ВТО. ВТО является институциональной основой современной международной торговли. Цели организации сформулированы в преамбуле Марракешского соглашения об учреждении ВТО¹. Главной целью ВТО является либерализация международной торговли и создание на основе этого принципа интегрированной, более жизнеспособной и устойчивой многосторонней системы.

Среди других целей ВТО выделяют: обеспечение роста уровня жизни, повышение реальных доходов и эффективности спроса, достижение оптимального использования мировых ресурсов в соответствии с целями устойчивого развития, расширение производства и торговли товарами и услугами, обеспечение полной занятости и охрана окружающей среды в соответствии с нуждами стран-участниц, находящих на различных уровнях развития.

Для реализации этих целей в организационную и нормативную систему ВТО заложен ряд принципов, которые служат основой современной системы международной торговли: принцип добросовестной конкуренции, принцип либерализации торговли, принцип свободной торговли, принцип взаимности, принцип взаимной выгоды в торговле, принцип недискриминации в торговле, принцип предоставления режима наибольшего благоприятствования, принцип предоставления национального режима, принцип предоставления преференциального режима для развивающихся стран.

Сама ВТО понимает себя скорее как организация, нацеленная на создание условий справедливой конкуренции между странами, нежели организация, обеспечивающая реализацию принципа свободы торговли².

Нормы и институты, созданные в рамках ВТО, являются примером того, как согласованные на международном уровне процедуры могут быть использованы государствами для защиты национальных экономических интересов и национальной экономики в случае возникновения угрозы ее нормальному функционированию. Особую важность вопрос о защите национальной экономики в рамках системы ВТО приобретает для нас в связи с намерением Республики Узбекистан присоединиться к этой организации³.

Немаловажную роль, особенно для нашей страны, играет Организация Договора о коллективной безопасности.

15 мая 1992 г. Армения, Казахстан, Кыргызстан, Россия, Таджикистан и Узбекистан подписали в Ташкенте Договор о коллективной безопасности (ДКБ)⁴. Азербайджан подписал договор 24 сентября 1993 г., Грузия – 9 сентября 1993 г., Беларусь – 31 декабря 1993 г. Договор вступил в силу 20 апреля 1994 г. Он был рассчитан на 5 лет и допускал продление.

На московской сессии ДКБ 14 мая 2002 г. было принято решение о преобразовании ДКБ в полноценную международную организацию — Организацию Договора о коллективной безопасности (ОДКБ). 7 октября 2002 г. были подписаны Устав и Соглашение о правовом статусе ОДКБ, которые ратифицированы всеми государствами-членами ОДКБ и вступили в силу 18 сентября 2003 г.

2 декабря 2004 г. Генеральная Ассамблея ООН приняла резолюцию о предоставлении Организации Договора о коллективной безопасности статуса наблюдателя в Генеральной Ассамблее ООН.

В цели и задачи ОДКБ входит защита общекультурного, экономического и территориального пространства СНГ совместными военными методами армий и вспомогательных подразделений министерств и ведомств стран-участниц СНГ от любых внешних военно-политических агрессоров, международных террористов, а также от природных катастроф крупного масштаба⁵.

По мнению Д.Х.Шукурова, виделось бы весьма интересным рассмотреть возможность объединения ЕвразЭС и ОДКБ в одну структуру, поскольку по многим вопросам они имеют очень схожую повестку дня и дублируют друг друга. Ведь нельзя же исключать вероятности того, что слияние ресурсов и возможностей двух структур позволило бы создать мощную организацию и более эффективно решать вопросы коллективной безопасности, включая и экономическую, а также многостороннего сотрудничества⁶.

В обеспечении экономической безопасности страны возрастает роль региональных интеграционных объединений.

В литературе выделяются следующие виды интеграции государств:

- по критерию преследуемых целей: интеграционные объединения политического характера; социально-экономического характера и объединения, преследующие цели развития;

- по критерию географической протяженности: приграничную интеграцию между сопредельными странами; региональную, когда в объединительный процесс вовлекаются государства, расположенные в отдельном географическом регионе или субрегионе; универсальную интеграцию, которая предполагает объединение всех или большинства государств;

- по степени вовлеченности национального хозяйства объединяющихся государств в интеграционный

¹ См.: <http://www.wto.org>, <http://www.wto.ru>

² Understanding WTO. 3rd edition. –Geneva: WTO, 2003. –P.10–12.

³ См. об этом подробнее: Исламходжаев Х.С. Ўзбекистон Республикаси Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишининг ташкилий-ҳуқуқий жиҳатлари: юрид. фан. докт. дис. –Т., 2010.

⁴ Договор о коллективной безопасности 1992 г. // Действующее международное право. В 3-х томах / Составители Ю.М. Колосов и Э.С. Кривчикова. Т. 2. –М., 1999. –С. 482–485.

⁵ Николаенко В. Д. Организация Договора о коллективной безопасности (исток, становление, перспективы). –М., 2004.

⁶ Шукуров Д.Х. Интеграционные процессы и правовые аспекты обеспечения региональной экономической безопасности // Обзор законодательства Узбекистана. –Т., 2009. –№3–4. –С.76–79.

процесс: отраслевую (по отдельным отраслям производства); межотраслевую и всеобъемлющую, охватывающую всю экономику объединяющихся государств¹.

В зависимости от степени интеграции, различают следующие формы интеграционных объединений: зона свободной торговли, таможенный союз, общий рынок, платежный союз, валютный союз, экономический союз, единое экономическое пространство.

Экономическая интеграция выступает одной из форм процесса регионализации, т.е. сближения государств по территориальному признаку, который проявляется в двух основных формах: экономическое сотрудничество и экономическая интеграция. Различия между этими двумя формами основано на степени ограничения государственного суверенитета участников. Экономическое сотрудничество направлено на координацию политики государств-участников на основании добровольного соглашения в каждом конкретном случае. Экономическая интеграция, предполагая более тесное сотрудничество государств-участников группировки, основана также на более глубокой регламентации отношений между государствами-участниками и в своей наивысшей форме обретает наднациональный характер².

Основные формы регионализации отличаются, друг от друга и методом правового регулирования: для экономического сотрудничества характерен метод координации, а для экономической интеграции – метод субординации³.

Популярность экономической интеграции в нынешних условиях вызвана тем, что унификация принципов организации объединяемых экономических систем и ликвидация внутренних барьеров сопровождаются, как правило, сохранением внешних барьеров, что позволяет странам-участницам интеграционного экономического объединения защитить свои рынки, отстоять свои интересы в глобальной конкурентной борьбе.

Именно формирование региональных межгосударственных союзов позволяет хотя бы отчасти нивелировать существующие между ними различия экономических потенциалов правовыми и политическими средствами⁴.

В литературе отмечается, что в мире пока не сложилось единой практики экономического регионализма – центры экономической силы формируются на основании уникальных правовых моделей. Это связано,

прежде всего, с тем, что все правовые модели интеграции могут быть построены только с учетом региональных исторических, культурных, социальных и экономических условий того или иного региона⁵.

Изучение международного опыта экономической регионализации и понимание этого института, как одного из основных элементов системы обеспечения экономической безопасности очень важны для Республики Узбекистан и вообще для стран-участниц СНГ. Это связано с тем, что самодостаточность базовых основ экономик стран СНГ весьма относительна и их конкурентоспособность на международном рынке будет определяться глубиной интернационализации и способностью обеспечить реализацию как индивидуальных, так и групповых экономических интересов, которые и составляют основу экономической безопасности государств.

Создание региональных экономических организаций увеличивает возможности государств по обеспечению коллективной экономической безопасности при противодействии угрозам внешнего характера, а также способствует повышению конкурентоспособности как отдельных стран, так и всей группировки в целом. На наш взгляд, на сегодняшний день создание экономических интеграционных объединений представляется основным способом обеспечения коллективной экономической безопасности.

Надо отметить, что в современных международных торгово-экономических отношениях существует ряд особенностей, которые оказывают влияние на развитие торгово-экономического сотрудничества государств и должны учитываться при обеспечении их экономической безопасности, при этом международно-правовые принципы и нормы, а также тенденции их развития играют важную роль в обеспечении экономической безопасности страны.

В заключение можно резюмировать, что последовательное решение имеющихся проблем, дальнейшее углубление рыночных реформ, активизация международно-правового сотрудничества в рамках интеграционных объединений будут способствовать как усилению экономического потенциала Узбекистана и повышению его благосостояния, так и уменьшению возможных угроз от последствий глобализации, а также повышению экономической безопасности и в стране, и в регионе в целом.

¹ См.: Капустин А.Я. Основные принципы формирования правовой системы международной организации интеграционного типа // Международное сотрудничество и совершенствование правовой системы Евразийского экономического сообщества: Материалы международной научно-практической конференции. 26 февраля 2004г. –СПб., 2004. –С.39–42; Лабин Д.К. Международно-правовое обеспечение международного экономического порядка. –С.98–107; Шумилов В.М. Международное экономическое право. –С.196–201.

² См. подробнее: Карро Д., Жюйар П. Международное экономическое право. –М., 2002. –С.237; Лабин Д.К. Международно-правовое обеспечение международного экономического порядка. –М., 2004. –С.98.

³ Шумилов В.М. Международное экономическое право в эпоху глобализации. –М., 2003. –С.55.

⁴ Киреева Н.В. О приоритетных направлениях реинтеграции постсоветского пространства // Международное сотрудничество и совершенствование правовой системы Евразийского экономического сообщества: Материалы международной научно-практической конференции. 26 февраля 2004г. –СПб., 2004. –С.214.

⁵ Шумилов В.М. Международное экономическое право в эпоху глобализации. –М., 2003; Лабин Д.К. Международно-правовое обеспечение международного экономического порядка. –М., 2004; Капустин А.Я. Основные принципы формирования правовой системы международной организации интеграционного типа // Международное сотрудничество и совершенствование правовой системы Евразийского экономического сообщества: Материалы международной научно-практической конференции. 26 февраля 2004г. –СПб., 2004; Киреева Н.В. О приоритетных направлениях реинтеграции постсоветского пространства // Международное сотрудничество и совершенствование правовой системы Евразийского экономического сообщества: Материалы международной научно-практической конференции. 26 февраля 2004г. –СПб., 2004.

К.Х.Дастамов

ТДЮИ стажёр-тадқиқотчи-изланувчи

КОЛЛИЗИОН БОҒЛОВЧИЛАР ЧЕТ ЭЛ ҲУҚУҚИ НОРМАЛАРИНИ ҚўЛЛАШ АСОСИ СИФАТИДА

Халқаро қўламда юзага келадиган муносабатларни коллизион нормалар воситасида тартибга солиш айрим ҳолларда чет эл мамлакатининг моддий ҳуқуқ нормаларини ўзга давлат ҳудудида қўллашни тақозо этади. Таъкидлаш лозимки, мазкур ҳолат ҳуқуқий тартибга солиш учун ноодатий ва ноанъанавий бўлиб, “ўзга ҳуқуқни қабул қилувчи” давлатнинг ҳуқуқни қўлловчи органлари учун муайян маънода баъзи бир қийинчиликларни туғдиради. Шу нуқтаи назардан, ҳар бир мамлакат ўз қонунчилигида чет эл ҳуқуқини тегишли муносабатларни мазмунан тартибга солишдаги иштирокининг даражасини аниқлаштириши муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида ҳам демократик бозор ислохотларини ва иқтисодийни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш масалаларига тўхталиб ўтиб мамлакатимизни демократик янгиланишнинг бугунги босқичидаги муҳим йўналишларидан бири, бу – мавжуд қонунларимизнинг кўпчилигини уларни қўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги даврдаги янги реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий қайта кўриб чиқиш зарурлигини алоҳида таъкидладилар. Бинобарин, халқаро қўламдаги муносабатларни шиддат билан ривожланиши, икки ва кўп томонлама халқаро шартномаларда “эгиловчан” тартибга солишнинг назарда тутилиши чет эл ҳуқуқи нормасини қўллаш билан боғлиқ масалаларни илмий тадқиқ этиш долзарб аҳамиятга эгаллигидан далолат беради. Шу жиҳатдан олганда, чет эл ҳуқуқи нормаларини қўллаш асоси сифатида коллизион нормаларни ўзига хос хусусиятларини, уни қўллаш асосларини тадқиқ этиш ва ўрганиш лозимдир. Аввало, коллизион ҳуқуқ атамасининг ўзи бир қанча ажралиб турувчи томонлари эга бўлади. *Биринчидан*, давлат ҳудудида амалда бўладиган коллизион нормалар мажмуи ушбу давлат коллизион ҳуқуқини вужудга келтиради. *Иккинчидан*, халқаро хусусий ҳуқуқ асослари – бу коллизион-ҳуқуқий нормалар бўлганлиги сабабли, умумий ҳуқуқ мамлакатларида халқаро хусусий ҳуқуқ коллизион ҳуқуқ ёки конфликт ҳуқуқи деб номланиши қабул қилинган. *Учинчидан*, коллизион ҳуқуқ – бу халқаро хусусий ҳуқуқнинг умумий қисми бўлиб, коллизион нормаларнинг тушунчаси ва тузилиши, коллизион боғловчиларнинг асосий турлари ҳамда коллизион нормаларни қўллаш муаммолари каби масалаларни ўрганади. В.А.Канашевскийнинг таъкидлашича: “*Коллизион норма* – чет эл элементи билан мураккаблашган хусусий ҳуқуқий муносабатларга нисбатан қўлланиладиган миллий ҳуқуқни кўрсатиб берувчи нормалардир”¹.

Моддий ҳуқуқ нормаларидан фарқли равишда, коллизион нормалар мақсади маълум бир жойга хос

бўлган ҳудудий муносабатларни аниқлашни ўз ичига олади, лекин коллизион нормаларнинг лойиҳасини тайёрлашда асосий тамойиллар давлат ва ушбу давлат ҳуқуқи тартибга солиши лозим бўлган ҳуқуқий муносабат билан боғлиқ тамойиллар ҳисобланади².

Ҳорижий адабиётларда халқаро хусусий ҳуқуқда коллизион нормаларни қўлаш процесси 2 та босқични ўз ичига олиши тўғрисида айтиб ўтилган. Хусусан, *биринчи босқичда* коллизион норма қўлланилишида қайси мамлакат ҳуқуқига ҳавола этилиши аниқланади. Ушбу босқичда ўзаролик, юридик тушунчаларни таснифлаш, қарама-қарши томонга ҳавола этиш, қонунни айланиб ўтиш каби масалалар ҳал қилинади. *Иккинчи босқич* коллизион нормаларга ҳавола этадиган моддий ҳуқуқни қўллашдан иборатдир³. Шу билан бирга, агарда қўлланиладиган ҳуқуқ чет элга тегишли бўлса, у ҳолда унинг мазмунини аниқлаш ҳамда оммавий тартиб тўғрисидаги изоҳ ва ўта императив нормаларни қўллаш имконияти масалалари ҳал қилинади.

Ҳорижий адабиётларда одатда коллизион тартибга солиш қуйидаги босқичларга ажратилади: 1) судга тааллуқли масалаларни ҳал қилиш; 2) ҳуқуққа қўллашда коллизион нормалар асосларни аниқлаш; 3) имтиёзли ҳуқуқни қўллаш кабилар⁴.

Коллизион нормалар тушунчасининг квалификацияси айрим ҳолларда турли миллий-ҳуқуқий тизимлардаги ушбу тушунчаларни аниқлашда фарқлар натижасида вужудга келувчи “квалификациялар конфликти” (“сир тутилган коллизиялар”)ни мураккаблаштиради. “Квалификациялар конфликти”ни бартараф этиш – қўлланиладиган ҳуқуқни белгилайдиган тегишли коллизион нормаларни аниқлашнинг дастлабки шартидир⁵.

Ўзбекистон Республикаси ФКнинг VI бўлимида белгиланган коллизион нормалар, фақатгина фуқаролик-ҳуқуқий характерга эга бўлган муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқни белгилаш (“танлаш”) учун қўлланади. Ушбу мулкӣ ва улар билан боғлиқ шахсий номулкӣ муносабатлар улар воситасида тартибга солинадиган муносабатлар иштирокчиларининг тенглигини эътироф этиш, мулкнинг дахлсизлигини, шартноманинг эркинлигини, шахсий ишларга бирор кимсанинг ўзбошимчалик билан аралашшига йўл қўйилмаслигини, фуқаролик ҳуқуқларининг тўсиқларсиз амалга оширилиши заруратини, бузилган ҳуқуқларни тиклаш ва уларнинг суд ёрдамидаги ҳимоясини таъминлашга (ФКнинг 1-моддаси) асосланган ҳамда уларнинг мажмуи фуқаролик ҳуқуқи предметини ташкил қилади. Оммавий ҳуқуқнинг таъсир кучи миллий ҳудуд чегаралари билан чекланиб қолган бир вақтда, ушбу норма, халқаро хусусий ҳуқуқ доктринасида мустақамланиб қолган, бир давлат ҳудудида маълум шароитлардагина бошқа давлатнинг фақатгина хусусий ҳуқуқи қўлланиши мумкин деган тасаввурларга мос келади.

² Толстых В.Л. Международное частное право. Коллизионное регулирование. СПб.: Юрид.центр Пресс. 2004. –С. 62, 71.

³ Международное частное право. Современные проблемы // Отв. ред. М.М.Богуславский. –М.: Теис. 1994. –С.450

⁴ Jaffy A. Introduction to the Conflict of Laws, L., Butterworth&Co (Publishers) Ltd. 1988. –P.1.

⁵ Международное частное право // Учебник. 3-е изд. М., В.Клювер, 2011. –С.21.

¹ Қаранг: Канашевский В.А. Международное частное право // Учебник. 2-е изд. М., 2009. –С.88.

Бундан ташқари, ФКнинг 1158-моддасининг учинчи қисми, қўлланувчи ҳуқуқни аниқлашга йўл қўювчи махсус коллизия норма Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида ҳам, Фуқаролик кодексига ҳам, Ўзбекистон Республикасининг бошқа фуқаролик қонунчилик актларида ҳам мавжуд бўлмаган ҳолларда амалда бўладиган умумий қонунчилик назарда тутлади. Чет эл элементи билан муракаблашган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга энг узвий боғлиқ бўлган давлат қонунига ҳавола қилиш миллий фуқаролик қонунчилигида биринчи маротаба белгиланди (*lex causae*). Аммо англо-американ ва континентал европа ҳуқуқида коллизия боғловчининг ушбу тури ниҳоятда кенг тарқалган. Коллизия норма тушунчаларига баҳо бериш қўлланиши лозим бўлган чет эл ҳуқуқи нуқтаи назаридан унинг “координаталари тизимида” амалга оширилиши мумкин (*lex causae*).

Таъкидлаш лозимки, коллизия қоидаларни қўллаш амалда улар ёрдамида белгиланган ваколатли чет эл ҳуқуқининг алоҳида нормалари миллий ҳуқуқнинг асосий принциплари билан жиддий тафовутга киришишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, коллизия норма унинг таъсири натижасида бўлиши мумкин бўлган оқибатларни келтириб чиқармаган ҳолда, у ёки бу ҳуқуқ-тартиботга фақатгина расман боғлайди. Шу маънода, “чет эл ҳуқуқига ҳавола қилиш – мавҳумликка сакрашдир”¹.

Коллизия нормалар (ҳавола қилувчи) - тартибга солишнинг коллизия йўлини амалга ошириш воситасида ҳуқуқни танлаш йўли билан коллизия муаммолар бартарф қилинади. Улар муносабат иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўғридан тўғри аниқлашни ўз ичига олмайди, балки ҳуқуқ ва мажбуриятлар аниқланиши лозим бўлган ушбу давлат ҳуқуқига ҳавола қилади.

Юқоридагиларга асосан, коллизия нормаларнинг бир қатор ўзига хос хусусиятларини санаб ўтишимиз мумкин. Жумладан, *биринчидан*, оддий нормалар (моддий нормалар)дан фарqli равишда, коллизия нормаларда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги маълумотлар мавжуд бўлмайди ва турли хил ҳавола этувчи нормалар ҳисобланади. Миллий доктрина “коллизия нормалар ушбу моддий-ҳуқуқий нормалар билан биргаликда фуқаролик муомаласи иштирокчилари учун ҳозирги хулқ-атвор қоидаларини ҳосил қилади ва ҳавола қилади” деган тушунчага асосланади². Лекин ушбу ҳолат коллизия нормаларга ҳавола қилиши мумкин бўлган барча ички моддий-ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олувчи халқаро хусусий ҳуқуқ таркибида деган маънони бермайди, модомики ушбу ҳолатда халқаро хусусий ҳуқуқ чегараси асосланмаган ҳолда чалкаштириб юборилган бўлади. *Иккинчидан*, ушбу ҳолатда агар коллизия норма чет эл элементли муносабатларни тартибга солишга ҳавола қилса, у ушбу чет эл ҳуқуқини қўллашга рухсат беради. Қўлланиладиган миллий ҳуқуқ коллизия нормалар асосида аниқланади. Шу билан бирга давлат судлари доимо тегишли миллий қонунчилик ва халқаро шартномалардан иборат бўлган коллизия нормаларга таянади. *Учинчидан*, коллизия норма у ёки бу муносабатларни тартибга солишни талаб қиладиган икки миллий ҳуқуқий тизимлар ўртасидаги конфликтларни бартараф этади. Шунинг учун халқаро

шартномалар қоидаларига ҳавола қиладиган коллизия нормалар (халқаро хусусий ҳуқуқ жиҳатидан) тан олинмайди (агар халқаро шартномаларда бошқа ҳолатлар назарда тутилмаган бўлса). Бундай ҳолатда ҳам миллий қонунчилик ва халқаро шартномалар ўртасида коллизиялар вужудга келади, лекин халқаро ва ички қонунчилик ҳуқуқи муносабат тамойилларининг ўзаро нисбатидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилади.

¹ Раапе Л. Международное частное право. –М., 1960. –С.96.

² Лунц Л.А. Курс международного частного право В 3-х т. –М.: Спарк. 2002. –С.171.

Х.М.Салихов
Магистрант ТГЮИ

НАЦИОНАЛЬНЫЕ И МЕЖДУНАРОДНЫЕ ИСТОЧНИКИ РЕГУЛИРОВАНИЯ АВИАПЕРЕВОЗОК

Международные воздушные перевозки регулируются как национально правовыми актами, так и международными двусторонними и многосторонними соглашениями.

В целях создания необходимой правовой базы были приняты Воздушный кодекс Республики Узбекистан, свод авиационных правил, направленные на дальнейшую модернизацию этой важной отрасли экономики. Принятый в 1993 году Воздушный кодекс Республики Узбекистан предусматривает защиту интересов государства по обеспечению безопасности полетов воздушных судов, развитие народного хозяйства и обслуживание населения.

Тем самым основным законодательным актом, регулирующим порядок деятельности авиации республики, является Воздушный кодекс Республики Узбекистан от 7 мая 1993 года. На сегодняшний день Республикой Узбекистан подписаны соглашения «О воздушном сообщении» с более чем 40 странами мира¹.

В результате в республике создана эффективная законодательная основа, отвечающая международным стандартам и требованиям перевозки.

В мировой практике наиболее распространенными коллизийными привязками в области транспортных перевозок являются следующие:

– закон места отправки товара. В соответствии со ст.285 Конвенции о международном частном праве (Кодекс Бустаманте 1928г.) порядок фрахтования морского и воздушного судна регулируется законом места отправки товара;

– закон места причинения ущерба. Так, Закон Румынии применительно к регулированию отношений международного права 1992г. определяет, что ущерб, причиненный воздушным судном на поверхности, регулируется законом того государства, на территории которого такой ущерб был причинен (ст.144).

– личный закон перевозчика. Согласно Польскому Закону о международном частном праве 1965 года, если стороны не имеют места нахождения или места жительства в одном и том же государстве и не произвели выбора права, то применяется к обязательствам из договора перевозки право государства, в котором в момент заключения договора имел место нахождения перевозчик².

В настоящее время Республика Узбекистан является полноправным участником основных международных конвенций, соглашений и договоров в области железнодорожных, автомобильных и воздушных перевозок грузов.

Одним из важнейших документов, регулирующих международные воздушные перевозки, является Чикагская конвенция о международной гражданской авиации от 7 декабря 1944 года, в которую Республика Узбекистан вступила 3 июля 1992 года. В ней декларируется ряд основополагающих принципов осуществления международных полетов, которые легли в ос-

нову национальных законодательств большинства государств, в том числе и Республики Узбекистан.

В Конвенции регламентируются принципы воздушной авиации, порядок выполнения полетов, регистрация воздушных судов и их бортовая документация, процедура выработки летно-технических норм, функционирование аэропортов, наземных авиационных средств и служб и т.д.

Конвенция закрепляет принцип государственного суверенитета на воздушное пространство и право стран осуществлять регулирование воздушных полетов.

В соответствии с Чикагской конвенцией, договаривающиеся государства имеют право заключать договоры, не противоречащие закрепленным в нем положениям.

При организации международных грузовых сообщений решающее значение имеет объем прав авиаконкомпаний на осуществление перевозок пассажиров и грузов, которые принято именовать коммерческими правами. От объема таких прав зависит экономическая эффективность эксплуатации воздушных линий.

Коммерческие права, которые также именуется «свободами воздуха», регламентируют права или привилегии стран-участниц на осуществление пролета через территорию государств-участниц без осуществления посадки, посадки в некоммерческих целях, перегрузки на территории государств-участниц пассажиров, персонала, почты и грузов, взятых на борт в государстве основного места деятельности перевозчика, каботажных перевозок и др.

Согласно ст.6 Чикагской конвенции никакие регулярные международные воздушные сообщения не могут осуществляться над территорией или на территории государств – участников, кроме как по специальному разрешению или с иной санкции этого государства и в соответствии с условиями такого разрешения или санкции.

Чикагская конвенция 1944г. выделяет следующие виды воздушных сообщений: регулярные, нерегулярные, каботажные. Для регулярных сообщений установлен разрешительный порядок. Нерегулярные полеты с коммерческими целями также носят разрешительный характер. Каботажные перевозки осуществляются в пределах территории государства.

Конвенция 1944г. не препятствует двум или более государствам учреждать авиатранспортные организации совместной эксплуатации или международные эксплуатационные агентства и объединять в пул их воздушные сообщения на любых маршрутах и в любых районах (ст.77).

Наряду с Чикагской конвенцией, основными международными соглашениями в области международных воздушных перевозок, к которым присоединилась Республика Узбекистан, являются:

– Варшавская конвенция 1929 года и Гаагский протокол 1955 года (Узбекистан присоединился 6 мая 1995 года). Согласно положениям данной конвенции, отправитель имеет право распоряжаться грузом после передачи его перевозчику. Он имеет право в установленном порядке забрать груз, задержать его в пути следования, потребовать выдачи новому получателю или возврата в пункт отправления. При этом он обязан возместить все расходы, возникающие при осуществлении его права на распоряжение грузом.

Варшавская конвенция состоит из 41 статьи, включающих, в большинстве своем, материально-

¹ www.mfa.uz

² Международное частное право / Под ред. Г.К.Дмитриевой. – М., 2008.

правовые нормы. Подобно регулированию морских и железнодорожных перевозок, центральный блок вопросов Варшавской конвенции составляют положения о требованиях к воздушно-перевозочным документам, нормы посвященные основаниям и пределам ответственности перевозчика. В этой конвенции устанавливается срок исковой давности для обращения с иском к перевозчику.

Одной из наиболее острых проблем при осуществлении международных перевозок любым видом транспорта является ответственность перевозчика. Сказанное в равной мере относится и к воздушным перевозкам. В Варшавской конвенции вопросам ответственности посвящена глава 3, включающая четырнадцать статей.

Основным принципом ответственности является наличие вины перевозчика. В соответствии со ст.20 перевозчик не несет ответственности, если докажет, что им были предприняты все меры к тому, чтобы избежать вреда. В ст.21 содержится коллизийная норма, отсылающая решение вопроса об ограничении или освобождении перевозчика от ответственности в случае, если перевозчик докажет вину потерпевшего в причинении вреда, к применению закона суда.

Соглашениями, дополняющими Варшавскую конвенцию являются следующие: Гаагский протокол (1955г.), данный протокол считается неотъемлемой частью Варшавской конвенции, Гватемальский протокол о внесении изменений в Варшавскую конвенцию (1971г.), Гвадалахарская конвенция об унификации некоторых правил, касающихся международных воздушных перевозок (1961 г.), Монреальский протокол (1975г.), Монреальское временное соглашение авиакомпаний (1966г.), Конвенция для унификации некоторых правил международных воздушных перевозок (г.Монреаль 28 мая 1999г.). Нормы этих соглашений составляют Варшавскую систему регулирования воздушных перевозок. Исходя из этого рассмотрим основные из них.

– Гвадалахарская конвенция 1961 года (Узбекистан присоединился 27 декабря 1996 года) регулирует правовые аспекты отношений участников договора аренды воздушных судов в порядке фрахтования или временного обмена.

В соответствии с данной Конвенцией вводится понятие «фактического перевозчика». Фактическим перевозчиком является компания, которая непосредственно осуществляет перевозку, предоставляет самолет по договору чартера, аренды или на другом правовом основании. Фактический перевозчик может не фигурировать в договоре перевозки между отправителем и перевозчиком.

По условиям данной Конвенции, как фактический перевозчик, так и перевозчик по договору попадают под действие Варшавской Конвенции: первый из них – в отношении всей перевозки, предусмотренной в договоре, второй же – лишь в отношении той перевозки, которую он осуществляет (ст. II). Действия или бездействия фактического перевозчика при исполнении своих обязанностей, относящихся к перевозке, считаются действиями или бездействием и перевозчика по договору. Действия или бездействие перевозчика по договору при исполнении своих обязанностей, относящихся к перевозке, считаются действиями или бездействием и фактического перевозчика (ст. III). Всякий иск об ответственности, относящийся к перевозке, осуществляемой фактическим перевозчиком, может по вы-

бору истца быть возбужден либо против этого перевозчика, либо против перевозчика по договору, либо против обоих совместно или в отдельности (ст. VII).

– Монреальский протокол 1975 года (Узбекистан присоединился 27 декабря 1996 года) разработан с учетом предложений об изменении Варшавской конвенции в части перевозок грузов. Основным нововведением протокола являются правила, допускающие использование электронных вычислительных устройств при оформлении грузовых перевозок, а также ответственность перевозчика при утере или повреждении груза.

Монреальские протоколы 1975 года допускают при оформлении перевозок применение электронно-вычислительных устройств, а также устанавливают ответственность авиаперевозчика в случае не сохранности груза независимо от его вины (ответственность исключается, если перевозчик докажет, что уничтожение, утеря, повреждение или задержка в доставке груза произошли в результате присущего грузу дефекта качества или неправильной упаковки, акта войны или вооруженного конфликта, принятие акта органа государственной власти, связанного с ввозом, вывозом или транзитом груза). Пределы ответственности авиаперевозчика выражены в СДР и составляют за ущерб, причиненный жизни и здоровью пассажира, - 100.000 СДР (Протокол №4); за 1 кг веса брутто утраченного или поврежденного груза – 17 СДР (Протоколы №1,3,4).

Также стоит отметить, что вопросы регулирования воздушных перевозок в большой или меньшей степени нашли отражение во многих международных конвенциях: Конвенции о воздушной навигации 1919г., Конвенции о международном признании прав на воздушные суда 1948г., Конвенции о вреде, причиненном иностранным воздушным судном третьим лицам на поверхности 1952г., Конвенции о преступлениях и некоторых других действиях, совершенных на борту воздушного судна 1963г., Конвенции о борьбе с незаконным захватом воздушных судов 1970г., Конвенции о борьбе с незаконными актами, направленными против безопасности гражданской авиации 1971г.

В целом, Республика Узбекистан присоединилась к 55 международным конвенциям и заключила более 120 двусторонних и многосторонних соглашений в сфере транспорта и транспортных коммуникаций.

В условиях динамичного роста национальной экономики и углубления интеграционных процессов, прочная база международных договоров и соглашений призвана содействовать развитию внешнеэкономических связей Республики Узбекистан. Наряду с дальнейшим укреплением договорно-правовой основы международных транспортных перевозок и транзита, целесообразно осуществлять системный мониторинг реализации этих соглашений.

М.А.Ахмедшаева
Юридик фанлари доктори,
Х.Р.Мухамедходжаева
Юридик фанлари номзоди

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ ВА УНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Бугунги кунда мамлакатимиз фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнини янада чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизациялашнинг мураккаб ва масъул йўлидан бормоқда. Мустақиллик йилларида амалга оширилган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг туб моҳияти ҳам айнан шу мақсадга, яъни жамият ҳаётини демократлаштиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Фуқаролик жамияти, ривожланган демократик давлатлар тажрибаси кўрсатганидек, жамиятнинг ўзини-ўзи бошқариш асослари кучайган, фуқаролик жамияти институтлари шаклланган ва бу институтлар жамият ва давлат ҳаётига жиддий таъсир эта оладиган бўлишни тақозо этади.

Фуқаролик жамияти – инсонларнинг шундай бирлиги, у ижтимоий турмушнинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий - маданий, маънавий соҳаларида асосий нодавлат тузилма (уюшма, партия) ларни вужудга келтирган жамият; мазкур жамият ўз фаолиятида давлатдан, унинг идораларидан ҳоли бўлган хусусий шахслар, гуруҳлар ва институтларнинг муштарак тизимидир. Фуқаролик жамиятини мамлакатдаги давлат-ҳокимият тузилмалари доирасига кирмайдиган ижтимоий муносабатлар, алоқалар жамулжами тарзида таърифлаш мумкин¹.

Фуқаролик жамияти институтлари, яъни, нодавлат ноижорат ташкилотлар, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари, оила ва бошқа ижтимоий тузилмалар аҳолининг сиёсий фаоллиги кучайишига ёрдам беради, давлат органлари фаолияти устидан жамиятнинг назоратини амалга оширади, аҳолининг турли қатламлари интилишлари ва манфаатларини ифодалайди. Профессор А.Х.Саидов таъкидлаганларидек, бу тизим давлат тузилмалари фаолиятига муайян маъно тўлдирмоқда, уларга нисбатан маълум бир мувозанатни таъминловчи вазифани бажармоқда. Уларнинг халқ орасида обрў-эътибори ортиб, мавқеи мустақкамланганлиги сари улар давлат тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширадиган асосий воситага айланиб бормоқда².

Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида беш ярим мингдан кўпроқ нодавлат ноижорат ташкилотлари фаолият юритмоқда. Фақат,

¹ Одилқориев Х. Фуқаролик жамияти қарор топишининг асосий тамойиллари ва қонуниятлари // “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш масалалари: назария ва амалиёт” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. –Т., 2007. – Б. 81.

² Саидов А.Х. Нодавлат ноижорат ташкилотларининг фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги роли. “Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш масалалари: назария ва амалиёт” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари тўплами. (2007 йил 17 апрелда ўтказилган). – Т.: ТДЮИ нашри, 2007. –Б. 17.

фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади³.

Айни пайтда, фуқаролик жамиятининг етуклик даражасини ҳамда демократик институтлар фаолиятининг самарадорлигини белгиловчи кўрсаткичлардан бири бу – фуқаролик жамияти институтлари томонидан давлат органлари фаолияти устидан чинакам жамоатчилик назоратининг мавжудлиги ҳисобланади.

Бинобарин, жамоатчилик назорати – оммавий ахборот воситалари, жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, ижодий уюшмалар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, фуқаролар ҳамда уларнинг ўзини - ўзи бошқариш органлари ҳамда бошқа уюшмалари томонидан амалга ошириладиган ижтимоий назоратнинг бир туридир.

Мамлакатимизда кейинги йилларда жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий асосларини мустақкамлаш масаласига катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” да давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш фурсати етганлиги, қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарур”лиги алоҳида таъкидланганлиги бу масалада бурилиш бошлаб берди, десак муболаға бўлмайди.

Бугунги кунда “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида” қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур лойиҳа ҳозирги кунда мутассадди ташкилотлар, тегишли мутахассислар томонидан кўриб чиқилмоқда, такомиллаштирилмоқда.

Айни пайтда, шу пайтгача жамоатчилик назоратини тартибга солувчи ҳуқуқий асос мавжуд эдимиз?, мавжуд бўлса, нима учун янги қонун қабул қилишга зарурат туғилди, жамоатчилик назоратига оид муносабатлар қай тарзда, яъни махсус қонун қабул қилиш йўли билан тартибга солинганми, ёинки амалдаги қонунчиликда институт сифатида амал қиладими ёхуд қонунчиликнинг мазмунига алоҳида нормалар сифатида “ёйилиб” кетганми? Жамоатчилик назоратига оид мавжуд нормалар мазкур институтнинг механизмини таъминлай оладими? деган саволлар пайдо бўлиши табиий.

Гарчи, жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий асосларини белгиловчи махсус қонун бўлмаган бўлса-

³ Каримов И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. –Т.: O`zbekiston, 2011. Т.19. Б.90.

да, бироқ, жамоатчилик назоратининг субъектлари ҳисобланган жамоат бирлашмалари, нодавлат ва нотижорат ташкилотлар ва бошқа ижтимоий тузилмалар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, яъни, “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги Қонун (1991 й.)¹, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун (1992 й.)², “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонун (1996 й.)³, “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун (1998 й.)⁴, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Қонун (1999 г.)⁵, янги тахрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун (1999 йил)⁶, “Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида”ги Қонун (1994 й.)⁷, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун (1996 й.)⁸, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги Қонун (2003 й.) ва “Нодавлат нотижорат ташкилотларининг кафолатлари тўғрисида”ги (2007 й.) қонунларда жамоат бирлашмалари ва ННТнинг ҳуқуқий мақоми, вазифалари белгиланиши баробарида жамоатчилик назоратига бевосита ёки билвосита таалуқли нормалар ҳам мавжуд.

Айни пайтда, айрим қонун ҳужжатларида, масалан, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун (1992 й.)⁶, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун (1999 йил)⁷, “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун (1996 й.)⁸ ва бошқа қонунларда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг маълум даражада механизми ҳам кўрсатилган. Бундан ташқари, қатор қонун ҳужжатларида маълум бир соҳа, ёки фаолият юзасидан жамоатчилик назорати амалга оширилиши мустақамлаб кетилган⁹. Бироқ, жамоатчилик

назоратига оид ушбу нормалар мазкур назоратнинг ҳуқуқий тавсифи, унинг субъектлари доираси, объектлари, назоратни амалга ошириш принциплари ва шартлари, амалга ошириш шакллари ва усуллари, қисқаси, жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизми ҳақида тўлиқ тасаввур бермайди ва бу нормалар амалдаги қонунчиликда “сочилган” ҳолда мавжуд бўлиб, уларни бир тизимга солиш зарурати пишиб етилган эди. Қабул қилинадиган “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида” Қонун юқорида қайд этилган масалаларни ўзида ифодалаши ва жамоатчилик назоратига оид муносабатларни самарали тартибга солишга қаратилади.

Жамоатчилик назорати асослари тўғрисида тавсия этилаётган қонуннинг қабул қилиниши муносабати билан, Ўзбекистон Республикаси нинг “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”, “Сиёсий партиялар тўғрисида”, “Касаба уюшмалари тўғрисида”, “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”, “Фуқароларнинг муурожаатлари тўғрисида”, “Ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида”, “Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида”, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур бўлади.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати асослари тўғрисида”ги Қонун лойиҳасида кўрсатилиши зарур бўлган масалалар доираси қуйидагича:

I. Умумий қоидалар

- жамоатчилик назорати тушунчаси;
- жамоатчилик назоратига оид қонунчилик ҳужжатлари;
- жамоатчилик назоратига оид қонуннинг мақсади;
- жамоатчилик назоратига оид қонуннинг предмети; тартибга соладиган муносабатлари доираси;

II. Жамоатчилик назоратини олиб борадиган субъектлар доираси

- сиёсий партиялар;
- жамоат бирлашмалари;
- касаба уюшмалари
- нодавлат нотижорат ташкилотлар;
- жамоат фондлари;
- оммавий ахборот воситалари;
- фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари;
- аҳолининг бошқа турли кўнгилли ташкилотлари.

III. Жамоатчилик назорати объектлари, соҳалари ва усуллари

- жамоатчилик назорати объектлари, соҳалари;
- жамоатчилик назоратига тортилмайдиган масалалар, соҳалар;
- қонунларнинг ижроси юзасидан жамоатчилик назорати асослари;
- ижро ҳокимияти органлари фаолияти юзасидан жамоатчилик назорати асослари;
- умумий овқатланиш муассасалари фаолияти юзасидан жамоат назорати;
- тиббий муассасалар фаолияти юзасидан жамоатчилик назорати;
- мактабга таълим муассасалари фаолияти устидан жамоатчилик назорати;

¹ Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. –Т., 2002. №1. 20-модда.

² “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Ахборотномаси. –Т., 1997. №4. 76-модда.

³ Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги Қонун Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Ахборотномаси. –Т., 1999. №5. 115-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни. 1999 йил 19 апрелда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. –Т., 1999. №5. 110-модда.

⁵ Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. –Т., 1996. №5–6. 59-модда.

⁶ “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Ахборотномаси. –Т., 1997. №4. 76-модда.

⁷ Ўзбекистон Республикасининг янги тахрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги қонуни. 1999 йил 19 апрелда қабул қилинган // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. –Т., 1999. №5. 110-модда.

⁸ Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси. –Т., 1996. №5–6. 59-модда.

⁹ Бу ҳақда батафсил қаранг: Х.Р. Мухамедходжаева. “Ижро ҳокимияти фаолияти юзасидан жамоатчилик назорати: назарий-ҳуқуқий муаммолар.” *Юридик фанлар номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация ва автореферат. –Тошкент, ТДЮИ. 2011.*

– бола ҳуқуқларига риоя этилиши юзасидан жамоатчилик назорати;
 – ҳуқуқ муҳофаза қилувчи органлар фаолияти юзасидан жамоатчилик назорати;
 – озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ жойларида инсон ҳуқуқларига риоя этилиши юзасидан жамоатчилик назорати;

IV. Жамоатчилик назорати усуллари:

– кузатиш;
 – мониторинг;
 – текширув;
 – сўров олиб бориш;
 – ҳужжатларни ўрганиш;
 – журналист текшируви ва бошқа шакллар;

V. Жамоатчилик назоратини олиб бориш тартиби ва кафолатлари

– жамоатчилик назоратининг мақсади;
 – жамоатчилик назоратини олиб боришнинг тартиби асослари;
 – жамоатчилик назорати шакллари ва усуллари;
 – жамоатчилик назорати натижалари;
 – жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатлари устуворлиги;
 – жамоатчилик назоратини олиб боришнинг кафолатлари;
 – жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик.

Жамоатчилик назоратининг институционал асосларини мустақамлаш масаласи ҳам муҳим бўлиб, унинг дастлабки ечими сифатида республика аҳамиятидаги Жамоатчилик Кенгашини тузишни тавсия этиш мумкин. Ушбу жамоавий тузилма фуқаролик жамияти институтлари вакиллари, жамиятнинг турли қатлам вакиллари, республикада эътиборга сазовор инсонлардан ташкил топиши мумкин.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, бугунги кунда жамоатчилик назоратининг ҳуқуқий асосларини мустақамлаш зарурати кун тартибидаги долзарб масала. Бу масаланинг ижобий ҳал этилишидан фуқаролик жамиятининг ривожланиш сифати ва суръатлари маълум даражада боғлиқ.

З.С. Абдухолиқов
ТДЮИ тадқиқотчиси

ЮРИСПРУДЕНЦИЯНИНГ ЎЗИГА ХОС СИСТЕМА СИФАТИДА: СУБСТАНЦИОНАЛ ТАҲЛИЛ

Ҳозирги кунда фанда “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” фани ўрнига “Юриспруденция назарияси” фанини шакллантириш бўйича изланишлар кетмоқда.¹ Бизнинг “Давлат ва ҳуқуқ назарияси” фанининг предмети эса анъанавий мавзуларни сақлаб қолган ҳолда ҳажм жиҳатдан кенгаймоқда. Унда юридик амалиётни акс эттирувчи ҳуқуқий ғоя, билимларни тизимлаштириш ва қайсидир даражада давлат масалаларини қайд этишда унинг сиёсий аспект (жиҳат)ларини торайтириш зарурияти ҳам келиб чиқди. Чунки давлат маданий ҳодиса сифатида аввало бор, сиёсий ижодкорлик маҳсулидир, сиёсий фанлар категорияси ва сиёсий ҳаётнинг ядросидир. Суд жараёни, прокурорлик назорати, криминалистика ва тезкор – қидирув фанлари юридик амалиётнинг алоҳида томонлари ва йўналишларидир. Шаклланаётган “юриспруденция назарияси” фанида, унинг юридик амалиёт қисмида уларга хос умумийлик томонларини акс эттиришни кенгайтириш ва конкретлаштириш лозим, деб ўйлаймиз. Шунда ўз-ўзидан касбий ҳуқуқий онг формаларининг юриспруденция тизимидаги ўрни ва роллари ҳам ойдинлашиб қолади. Бизнингча, юриспруденция назариясини система сифатида шакллантиришда, биринчидан, юридик фанларни тизимлаштириш ва унда давлатнинг функцияларини аниқлаш, иккинчидан, юридик амалиётнинг шахобчаларини назарий туркумлаш, уларга хос умумийлик ва ўзига хосликларни ойдинлаштириш ва уларда юридик амалий фанларни аҳамиятини кўрсатиш, ва учинчидан, юридик назария ва амалиётда қўлланиладиган методлар, жумладан юридик-техник методларнинг мазмунларини ёритиш юриспруденция назарияси ҳажмининг кенгайишига олиб келади. Шу боисдан, биз юриспруденция назариясига уни шакллантиришда ойдинлик киритар деган мақсадда юриспруденциянинг система ташкил этувчи компонентлари, яъни субстанционал элементлари ва уларнинг генетик кетма-кет боғланишлари тўғрисидаги ҳуқуқий ғояларни баён этишга ҳаракат қилдик.

Биз тарихни, жумладан, ҳуқуқни диалектик маданий тушуниш доирасида юриспруденциянинг система ташкил этувчи субстанционал элементлари – компонентларини аниқлашда умумийлик, яъни жамият ядроси – маданий борлиқнинг субстанционал элементларини аниқлашдан хусусийликка, яъни ҳуқуқий ҳаёт ядроси – ҳуқуқий маданиятнинг система ташкил этувчи субстанционал элементларига ва ундан алоҳидаликка, яъни юриспруденциянинг система ташкил этувчи субстанционал элементлари –

¹ Исламов З.М. Введение в теорию юриспруденции // “Давлат ва ҳуқуқ” журнали, 2006 йил, 3-сон. 3-9-бетлар; Раянов Ф.М. От правоведения к юриспруденции // Государство и право. 2003. –№9. –С.5; Томсинов В.А. Юриспруденция в духовной культуре Древнего Рима (древнейший период) // Вестник Московского университета. Серия 11. Право. 1995. –№1; Проблемы общей теории права и государства // Под общей ред. В.С. Нерсесянца – М., 1999. –С.17; Нерсесянц В.С. Юриспруденция. Введение в курс общей теории права и государства. – М., 1999. –С.1.

компонентларига ўтдик. Инсонлар ўз эҳтиёжларидан келиб чиқиб, моддий, маънавий ва сиёсий ҳуқуқий маданиятларни яратган эканлар, уларни бир бутун тизим сифатида юзага келтирувчи субстанционал элементлари ҳам мавжуддир. Маданий борлиқнинг субстанционал элементларини таҳлил қилиш юриспруденциянинг субстанционал ва гетерген қонунларининг боғланишлари – қонуниятлари маданийлигини, ҳуқуқий онг унинг гносеологик асос эканлигини ва унинг мавжудлик ва ривожланиш усули – юридик амалиётини ойдинлаштиришга имкон беради.

Маданий борлиқ ижтимоий ҳаётнинг асоси ҳисобланиб, у кишиларнинг микро ва макро бирликлари, моддий маданият, маънавий маданият ва сиёсий-ҳуқуқий маданиятларнинг корреляцион-функционал бирлигидан иборат. Аммо бунда уларнинг барчасига хос бўлган система ташкил этувчи субстанционал элементлари ҳам мавжуд бўлиб, улар қуйидаги босқичли тартибда жойлашган: 1) инсон ва унинг микро ва макробирликлари; унинг эҳтиёжи ва манфаати, тафаккури, билиши ва яратувчилик фаолияти; 2) фаолият маҳсуллари; 3) фаолият маҳсулларининг ўзлаштирилиши ва ҳаётга татбиқ этилишлари.¹ Бунда инсон ва унинг бирликлари, барча маданий қисмларнинг интеграцион социал асоси, яъни яратувчиси ва ташувчиси сифатида амал қилади. Инсон ва унинг бирликлари ҳуқуқий борлиқда, жумладан, юриспруденция тизимида ҳуқуқ субъектлари кўринишларини олади. Инсон, аввало бор, биоижтимоий маданий организмдир. Бунда биологик руҳиятлар унинг томонидир. Инсоннинг биомаданий организми унинг табиий ҳуқуқлари ва ижтимоий мавжудлигининг биологик асоси ҳисобланади. Хусусан биологик руҳият бўлмаса ақлирасолик ҳам бўлмайди. Инсоннинг ижтимоий мавжудлиги ижтимоий руҳият ва фаолият қобилияти бирлигида юз беради. Инсоннинг ҳуқуқий лаёқатлилиги ижтимоий мавжудлигини бир кўринишидир.

Яшаш эҳтиёжлари туфайли ибтидоий пода ичида ибтидоий оила ва меҳнат тақсмоти каби маданий ҳодисалар келиб чиққан. Демак, инсоннинг ҳам биомаданий ва ижтимоий маданий томонлари кишиларнинг ушбу бирликлари ичида юз берган. Жамият, жумладан, ҳуқуқий ҳаётнинг келиб чиқиши унинг негизи – маданий борлиққа боғлиқдир. Маданий борлиқнинг микросоциал асосини муайян микросоциал уюшмалар ташкил этади. Қонун ижодкорлиги билан шуғулланаётган депутатлар гуруҳи ҳам микросоциал уюшмадир. Ҳозиргача яратилган ҳуқуқий норма ушбу микросоциал уюшмалар томонидан яратилган. Микросоциал уюшма ва унинг фаолияти ўзгариши билан жамият ўзаги маданий борлиқда ҳам ўзгаришлар юз берган. Бу қонуният ҳуқуқий маданият, жумладан, юриспруденцияга ҳам хосдир. Инсон эҳтиёжи ва манфаати - маданий борлиқ, жумладан ҳуқуқий маданият юзага келишининг мотиви вазифасини бажаради. Инсоннинг биологик эҳтиёжи ижтимоий ҳаётда моддий маданият ва шу асосда моддий ҳаётни юзага келтирган. Моддий маданият онгсиз ва субъектларсиз бўлиши мумкин эмас. Моддий ҳаёт ҳам, кишиларнинг бирликлари ҳам тартибга

солиниб турилишини, бошқарилишини тақозо этган. Бошқариш ва тартибга солишга бўлган эҳтиёж сиёсий ва ҳуқуқий нормаларни келтириб чиқарган. Демак, инсоннинг биологик эҳтиёжлари асосан ижтимоийлашган ҳолда қондирилади. Инсон эҳтиёжи ва манфаати жамият ядроси – маданий борлиқнинг система ташкил этувчи элементлари экан, улар ўз навбатида инсон онги, жумладан, ҳуқуқий онгини келтириб чиқаради. Бирон-бир маданий ҳодиса, хоҳ у моддий бўлсин, хоҳ у маънавий бўлсин, инсон онгсиз юз бермайди. Онг, жумладан, ҳуқуқий онг эҳтиёжларнинг англаб олинишидир. Инсон онги, жумладан, ҳуқуқий онг жамият ядроси – маданий борлиқнинг система ташкил этувчи навбатдаги субстанционал элементларидир. Совет юриспруденциясида ижтимоий, жумладан, ҳуқуқий ҳодисаларни “билиш муаммосини диалектик – материалистик ҳал қилишда, моддий ҳаётни ишлаб чиқариш усули умумий ҳаётнинг ижтимоий, сиёсий ва руҳий жараёнларига сабабчи бўлади...”², деган қоидага таянилган. Ижтимоий, жумладан ҳуқуқий ҳодисаларни диалектик маданий билиш маданий борлиқ жамият мавжудлиги ва ривожланишининг асоси, деган тамойилдан келиб чиқади. Барча, жумладан, ҳуқуқий жараёнларнинг англаб олиниши муайян меҳнат жамоаси, хусусан ҳуқуқшунослар жамоаси томонидан ушбу соҳага оид қонунларнинг тайёрланишига олиб келади. Мазкур меҳнат жамоасининг профессионал ҳуқуқий онги даражаси юридик қонунларнинг юзага келишининг гносеологик-субстанционал асоси бўлиб хизмат қилади.

Юридик нормалар ҳам, ижтимоий фаолият, жумладан, ҳуқуқ ижодкорлиги маҳсули ҳисобланади. Ижтимоий фаолият бир бутун маданий борлиқнинг система ташкил этувчи субстанционал элементларидан бўлиб, у унинг мавжудлиги ва ривожланишининг усули ҳисобланади. Инсон фаолиятини биринчи навбатда юзага келтирадиган мотив эҳтиёж экан, унга боғлиқ ҳолда моддий, маънавий ва сиёсий-ҳуқуқий фаолиятлар келиб чиқади. Фаолият турлари эса йўналиши бўйича яратувчилик ва яратилган натижаларни ўзлаштириш босқичларидан иборат. Бу ҳолат ҳуқуқий борлиқ соҳасида ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни амалга ошириш кўринишларида бўлади. Демак, юридик нормалар ҳуқуқий фаолият маҳсули ҳисобланади. Илмий адабиётларда таъкидланганидек, ижтимоий фаолият бир бутун маданий борлиқнинг яшаш усули экан, ҳуқуқий фаолият ҳам унинг таркибий қисми сифатида ҳуқуқий маданиятнинг яшаш усулидир. Хуллас, бу субстанционал тизимда биринчи субстанционал элемент бир – бутун маданий борлиқнинг яратувчиси ва ташувчиси, яъни субъекти, иккинчи субстанционал элемент, яъни ижтимоий, жумладан, ҳуқуқий эҳтиёжлар маданий борлиқ юзага келишининг мотиви, учинчи субстанционал элемент яъни уларни англаш (онг), ҳуқуқий онг унинг гносеологик асосини, тўртинчиси, яъни яратувчилик фаолияти жумладан, ҳуқуқ ижодкорлиги ва олтинчи субстанционал элемент, яъни фаолият маҳсулларининг ўзлаштирилишлари унинг яшаш усулларини, бешинчи субстанционал элемент, яъни фаолият маҳсуллари унинг мавжудлик манбаи ва воситалари вазифаларини ўтайдилар. Яратувчилик

¹ Қаранг: Рустамбоев М.Ҳ., Абдухолиқов С.О. Ҳуқуқ методологияси: тарих ва ҳуқуқни диалектик маданий тушуниш асослари. 2 – китоб. –Т., 2005. 57-б.

² Туленов Ж. Ҳаёт фалсафаси. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993. 284-бет.

фаолияти натижаларининг ўзлаштирилиши, жумладан, ҳуқуқни амалга ошириш эҳтиёжларни қондириш йўли билан биринчи субстанционал элемент - инсон ва унинг бирликларини –ҳуқуқ субъектларининг мавжудлигини таъминлайди. Бу билан маданий борлиқнинг бир бутунлиги ва жамиятнинг бир бутунлиги келиб чиқади. Бу генетик боғланишлар субъектларнинг эҳтиёжларини қондириш билан тўхтамайди. Субъектларнинг ўзгариши билан унинг эҳтиёжлари ҳам ўзгариб боради. Натижада бу боғланишлар ҳар куни, ҳар йили илгарилама доиравий кўринишида давом этаверади: маданий борлиқнинг илгарилама доиравий айланиши қонуни юз беради ва унинг негизида жамиятнинг эволюцион ривожланиш диалектикаси келиб чиқади. Нафақат бу. Шу билан бирга барча соҳаларда эҳтиёжларнинг ошиб бориш умумижтимоий субстанционал қонун сифатида юз берадики, бундан жамиятнинг инкорни – инкор қонуни асосида йўналиши, жумладан, ҳуқуқий прогресс ҳам келиб чиқади.

Худди шу ҳолат ҳуқуқий борлиқнинг ядроси – ҳуқуқий маданиятда ҳам ўзига хос ҳолда юз беради. Ҳуқуқий маданиятнинг система ташкил этувчи субстанционал элементлари – ҳуқуқ субъектлари, ҳуқуқий эҳтиёж, ҳуқуқий онг, ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқ ижодкорлиги натижаларининг амалга оширилишлари ҳам бир-бирларини келтириб чиқарадилар. Инсон индивид, жисмоний шахс ва юридик шахс кўринишларида ҳуқуқ субъектлари ҳисобланадилар. Ҳатто инсон кўплик формасида, жумладан, Ўзбекистон аҳолиси даражасида ҳуқуқнинг макросубъектлари ҳисобланадилар. Сўнги олтинчи субстанционал элемент – ҳуқуқни амалга ошириш ҳуқуқий эҳтиёжни қондириши билан ҳуқуқ субъектларининг мавжудлигини таъминлайди. Натижада ҳуқуқий маданият ва умуман, ҳуқуқий борлиқнинг бир бутунлиги қонуни келиб чиқади. Бу элементларнинг кетма – кет генетик боғланишларидан ҳуқуқий маданият ва демакки, ҳуқуқий борлиқнинг ривожланиши диалектикаси, ҳуқуқий эҳтиёжнинг ошиб бориш қонунидан ҳуқуқий борлиқнинг инкорни – инкор қонуни асосида прогресси – тараққиёти келиб чиқади. Худди шу объектив ҳолат юриспруденция соҳаси ва унинг тармоқларида ҳам ўзига хос ҳолда юз беради. Юриспруденция юридик фанлар ва юридик амалиёт бирлигидир. Демак, юриспруденция маданий ҳодиса. Юриспруденция ҳуқуқий маданиятнинг ўзига хос субстанционал элементлари тизимидан иборат бўлиб, у ҳуқуқий маданиятнинг ички қисмдан ўрин олган. Юриспруденциянинг система ташкил этувчи субстанционал элементлари қуйидагилар: 1) ҳуқуқшунослар ва уларнинг меҳнат жамоалари; 2) ижтимоий муносабатларни юридик тартибга солишда махсус омилларга –ҳуқуқшуносларга, юридик нормалар ва муассасаларга бўлган эҳтиёж; 3) касбий ҳуқуқий онг; 4) ҳуқуқ, жумладан, қонун ижодкорлиги; 5) ҳуқуқ ижодкорлиги натижалари – юридик норма ва муассасалар; 6) касбий юридик амалиёт.

Ҳуқуқий ҳаётда барча аҳоли иштирок этадилар, демак, улар юриспруденциянинг макросубъектлари ҳисобланадилар, аммо барча кишилар махсус равишда юридик фаолият – ҳуқуқ ижодкорлиги ва юридик амалиёт билан шуғулланмайдилар. Шунинг учун уларнинг сараланган, махсус юридик маълумотга эга бўлган вакиллари ва уларнинг меҳнат жамоалари социал асос қонунига ва ҳуқуқда субъектнинг белгилувчилик роли қонунига мувофиқ,

юриспруденциянинг микросубъектлари сифатида мавжуд бўлиши зарур. Бу – субъектларсиз юриспруденция шаклланмайди. Шунинг учун ҳам ҳуқуқшунослар ва уларнинг жамоалари юриспруденциянинг биринчи тартибдаги, белгиловчи субстанционал элементлари ҳисобланадилар. Юристар ва уларнинг жамоалари (прокуратура, суд, адвокатура) айна вақтда ҳуқуқ ижодкорлиги натижаларидир. Аммо сабаб ва оқибат диалектикасига мувофиқ ҳуқуқ ижодкорлиги субъектлари кимлар? Уларнинг ғносеологик асоси – ҳуқуқий онг субъектлари кимлар? Уларнинг мотивлари – ҳуқуқий эҳтиёжлар субъектлари кимлар? Албатта бу саволларга жавоб битта - барча кишилар ва уларнинг вакиллари – ҳуқуқшунослар. Кишилиқ тарихининг илк даврларида юридик тартибга солишни оқсоқоллар кенгашлари ва уларнинг субъектлари – муайян кишилар ҳал қилган. Меҳнат тақсимооти туфайли уларнинг бир қисми профессионал ҳуқуқшуносларга айланиб боришганлар. Демак, ҳозирги кунда мавжуд ҳуқуқ – тартибот идораларининг янгиланиб боришлари ҳуқуқ ижодкорлигининг натижалари, албатта. Аммо ҳуқуқшунос кадрларнинг генезиси қадимга бориб тақалади. Ҳуқуқ тартибот идораларининг дастлабки тарихий кўринишлари улар меҳнатларининг натижаларидар.

Ҳуқуқий эҳтиёжлар барча субъектларда мавжуд. Аммо унинг таркиби – ижтимоий муносабатларини юридик тартибга солишда махсус– назарий ва амалий иш юритишга эҳтиёж юриспруденциянинг иккинчи субстанционал элементи бўлиб, юриспруденциянинг юзага келишининг мотиви ҳисобланади. Бусиз юриспруденция таркиб топмайди. Махсус ҳуқуқий эҳтиёж касбий ҳуқуқий онгни, яъни юриспруденциянинг система ташкил этувчи учинчи субстанционал элементини юзага келтиради. Ёинки, касбий ҳуқуқий онг махсус касбий ҳуқуқий эҳтиёжларнинг англаб олиншидир. Касбий ҳуқуқий онг умуман ҳуқуқий онгнинг таркибий қисмидир. Бусиз ҳуқуқий эҳтиёж англаб олинмайди. Касбий ҳуқуқий онг юриспруденциянинг ғносеологик асоси бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқ ижодкорлиги ҳуқуқий фаолиятнинг биринчи босқичи бўлса, ҳуқуқни амалга ошириш унинг иккинчи босқичидир. Ҳуқуқ ижодкорлиги билан асосан профессионал кадрлар шуғулланадилар. Қонун ва қонун ости ҳужжатлари ва ҳуқуқ – тартибот органлари манба ва восита сифатида ҳуқуқ ижодкорлиги натижалари бўлиб, бусиз ҳуқуқни амалга ошириш, жумладан, касбий юридик амалиёт юз бермайди. Ҳуқуқни амалга ошириш ундан фойдаланиш, унга риоя қилиш, уларни татбиқ этиш ва қўллаш кўринишларига эга. Бунда барча субъектлар иштирок этадилар. Аммо уларнинг ўзак қисмини, хусусан ҳуқуқ нормаларини қўллашни юридик амалиёт вакиллари ташкил этади. Юридик амалиётнинг асосий микросубъектлари соҳада хизмат қилаётган юристардир. Юриспруденциянинг мазкур олтига субстанционал элементларининг барчаси ҳуқуқий маданий ҳодисалардир.

Юқорида кўрдикки, жамият ядроси – маданий борлиқнинг субстанционал элементларининг генетик боғланишларидан маданий борлиқнинг субстанционал бир бутунлиги қонуни, маданий борлиқнинг илгарилама субстанционал доиравий айланиши қонуни, эҳтиёжнинг ошиб бориши қонунлари келиб чиқади ва улар ҳуқуқий борлиқ соҳасида ўзига хос ҳолда намоён бўлар экан. Ҳуқуқий борлиқ ядроси –

ҳуқуқий маданиятнинг система ташкил этувчи субстанционал элементларининг генетик боғланишларидан ҳуқуқий маданиятнинг бир бутунлиги қонуни, ҳуқуқий маданиятнинг субстанционал илгарилама доиравий айланиш қонуни, ҳуқуқий эҳтиёжнинг ошиб бориши қонунлари келиб чиқади ва улар айна вақтда ҳуқуқий борлиқнинг субстанционал қонунлари ҳисобланадилар. Бу объектив қонунлар ҳуқуқий маданиятнинг асосий қисми – юриспруденция соҳасида ҳам ўзига хос ҳолда намоён бўладилар. Бу ҳолат юриспруденциянинг система ташкил этувчи субстанционал элементлари, яъни компонентларининг генетик боғланишларидан келиб чиқади.

Юриспруденциянинг олтинчи субстанционал элементи – профессионал юридик амалиёт жамият эҳтиёжи – ижтимоий муносабатларни юридик тартибга солишга бўлган, жумладан, уни амалга оширишга бўлган эҳтиёжларни қондириш орқали профессионал ҳуқуқшунослар ва уларнинг жамоалари (прокуратура, суд, адвокатура ва бошқалар)ни юриспруденциянинг махсус микросубъектлари сифатидаги мавжудликларини сақлайди. Бу билан юриспруденциянинг бир бутунлиги таъминланади. Агар ҳуқуқий эҳтиёжлар қондирилмаса, юриспруденция тизимига путур кетади. Юриспруденциядаги асосий низо ҳам шунда. Агар юқорида кўрсатилган субстанционал элементлардан биронтаси тушиб қолса, юриспруденция тизим сифатида таркиб топмайди. Низо барча субстанционал элементлар ўртасида бўлиши мумкин. Аммо асосий низо ҳуқуқий эҳтиёж билан юридик амалиёт ўртасидадир. Демак, бу субстанционал элементларининг бир - бирларига мувофиқ амал қилишлари юриспруденциянинг тизим сифатида бир бутунлигини таъминлайди. Бу тизим ички ўзгарувчанлик, ривожланганлик хусусиятига эга: профессионал ҳуқуқшунослар ва уларнинг меҳнат жамоалари ўзгарса, унга мувофиқ ижтимоий муносабатларни юридик тартибга солишда профессионал ҳуқуқшунослар ва уларнинг ваколатларига, юридик норма ва муассасаларга бўлган эҳтиёж ўзгарди ва уларга мувофиқ субстанционал элементлар ҳам такомиллашиб боради. Ўзгарган профессионал ҳуқуқшунослар ва улар меҳнат жамоаларининг эҳтиёжларига ўзгарган профессионал юридик амалиёт мувофиқ келиши – юриспруденциянинг илгарилама доиравий айланишини таъминлайди. Бу билан юриспруденциянинг ҳаётийлиги келиб чиқади. Профессионал ҳуқуқшунослар ва уларнинг ҳуқуқий эҳтиёжлари доимо ўзгаришда экан, бунда ҳуқуқий эҳтиёжнинг ошиб бориши қонуни юриспруденция соҳасида ўзига хос ҳолда устиворлик қилади ва намоён бўлади, юриспруденция тизими англаниб ва такомиллашиб боради. Бу билан юриспруденциянинг йўналиши юз беради.

Юриспруденциянинг биз санаб ўтган система ташкил этувчи субстанционал элементлари, яъни компонентлари тарихий вақт ва маконлардан қатъий назар, барча жойда амал қилади. Бунда қуйидаги фикрларни қўшиб кетишни лозим деб ўйлаймиз. Ҳуқуқий эҳтиёжлар ҳуқуқий онг формалари, хусусан, профессионал ҳуқуқий онг формалари орқали англаб олинар экан, бунда профессионал ҳуқуқий онг юриспруденция учинчи субстанционал элементи сифатида ҳамма вақт ҳам илмий бўлавермайди. Бу масалалага бошқа томондан ҳам қараб кўрайлик:

юриспруденция юридик фанлар ва юридик амалиётдан иборат. Лекин бу таъриф- тавсиф ҳозирги кун нуқтаи назаридандир. Чунки юридик қарашлар ҳамиша ҳам илмий бўлавермаган, яъни фан даражасига кўтарилмаган. Масалан, қадимги даврларда юриспруденция диний мифологияга, ўрта асрларда монотеистик динларга асосланган. Инквизиция, яъни христианлик суди бунинг ёрқин мисолидир. Демак, юриспруденция юридик фанлар ва юридик амалиёт борлиги дейиш ҳозирги кунга нисбатан тўғридир, холос.

Умуман олганда, юриспруденция ўзига хос тизим сифатида ижтимоий ҳаётни юридик тартибга бўлган эҳтиёждан келиб чиққан. Ижтимоий ҳаёт ядроси – маданий борлиқ ўзгариши билан у ҳам ўзгаради. Маданий борлиқнинг бир типидан иккинчи типига ўтиши бир цивилизациядан иккинчи, ундан юқориқоқ цивилизациянинг юзага келишига, ижтимоий тараққиётга сабаб бўлади. Ҳар бир цивилизация, яъни ўз фуқаролари ва давлатига эга мамлакат ўзи билан биргаликда ўз ҳуқуқий тизими, юриспруденциясини олиб келади ва ўзи билан олиб кетади. Ижтимоий тараққиёт, жумладан, юриспруденциянинг шаклланиши ва ривожланишининг маданий борлиққа боғлиқлиги қонуниятли жараёндир. Чунки маданий борлиқдаги ўзгаришлар бир бутун жамиятдаги ўзгаришларга ва шу асосда ҳуқуқий эҳтиёжнинг янгилиниб, эски томонлари ўрнига янги қирраларининг, томонларининг пайдо бўлишига олиб келади.

С.О. Ақобиров
аспирант Санкт-Петербургского
Государственного Университета
Экономики и Финансов

ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АСПЕКТ ГОСУДАРСТВЕННО-ЧАСТНОГО ПАРТНЕРСТВА И СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ ЕГО ПРАКТИЧЕСКОЙ РЕАЛИЗАЦИИ В СТРАНАХ СНГ

В последние десятилетия в экономике развитых и развивающихся стран возникла особая форма взаимодействия государства и бизнеса, а именно государственно-частное партнерство (ГЧП). Международный опыт последних 15-20 лет свидетельствует, что одним из основных механизмов расширения ресурсной базы и мобилизации неиспользованных ресурсов для повышения эффективности управления государственной (муниципальной) собственностью является ГЧП. Данное партнерство является относительно новым явлением в мировом хозяйстве, отражающее процессы расширения и усложнения форм, и моделей взаимодействия государства и бизнеса.

Существует два подхода к трактовке категории ГЧП. Согласно одному из них, ГЧП идентифицируется с приватизацией и рассматривается как особая ее форма – косвенная приватизация.¹ Другой подход утверждает, что партнерство находится на границе государственного и частного секторов, не являясь ни приватизированными, ни национализированными институтами. Это своего рода «третий путь», позволяющий использовать политические, по сути, формы улучшения предоставления населению общественных (публичных благ) благ.² Более конструктивной следует признать трактовку ГЧП, как полноценной замены приватизационных программ, позволяющей реализовать потенциал частнопредпринимательской инициативы, с одной стороны, и сохранить контрольные функции государства в социально значимых секторах экономики – с другой.³ Наиболее общее определение ГЧП дает Всемирный банк: «ГЧП – это соглашения между публичной и частной сторонами по поводу производства и оказания инфраструктурных услуг, заключаемых с целью привлечения дополнительных инвестиций и, что еще более важно, как средство повышения эффективности бюджетного финансирования»⁴.

Бурное развитие многообразных форм ГЧП во всех регионах мира, их широкое распространение в самых разных отраслях экономики позволяют трактовать эту форму взаимодействия государства и бизнеса как характерную черту современной смешанной экономики.⁵ При взаимодействии бизнеса и власти принципиально важным моментом является перераспределение правомочий собственности, возникающих в

процессе административно-властных отношений между государством и бизнесом в рамках соответствующих соглашений сторон. Перераспределение правомочий собственности в рамках взаимодействия бизнеса и власти касается лишь некоторых аспектов комплекса правомочий (в основном такие ключевые правомочия как: право на доход, управление и контроль над использованием актива), а не всего комплекса правомочий.

Сектор общественных благ обычно служит объектом перераспределения правомочий собственности между государством и бизнесом. Именно в секторах общественных благ сложилась тенденция делегирования государством ключевых полномочий частному сектору. Сохранения за государством ряда ключевых отраслей объясняется тем, что государство несет ответственность перед обществом за бесперебойное обеспечение публичными благами. Однако, не всегда данный аспект выполняется государством с высокой эффективностью использования ресурсов и внедрением инноваций, что присуще частному сектору. Государственно-частное партнерство является идеальным механизмом для задействования преимуществ обеих сторон. Таким образом, формы и методы ГЧП позволяют передавать часть правомочий собственника к частному сектору при сохранении важнейших национальных объектов в государственной собственности, вытекающим отсюда привнесением своего рода частных товаров и услуг в государственную сферу.

Следует признать, что сущность общественных благ является темой многочисленных дискуссий и споров среди экономистов. В течении многих десятилетий продолжаются теоретические дискуссии по проблемам гносеологических корней и сущностной природы общественных интересов и предпочтений, общественных благ и их соотносительности с рыночной средой.⁶ В неоклассической экономической теории обсуждается возможность перехода от абсолютного доминирования индивидуализма к включению в господствующую парадигму категории общественных интересов и благ, природа и генезис которых, и являются главным предметом дискуссий.⁷ Однако, соблюдение неолиберальных принципов требует сохранения постулата о разумном ограничении вмешательства государства в экономику, в следствии чего, отождествление государства и общественного интереса теоретически допускается в ограниченных пределах. Следует признать, что государство не может базироваться исключительно на рыночных принципах. Часть общественных благ производится государством самостоятельно, а часть посредством привлечения ресурсов частного сектора. Однако, методологическая сложность заключается в сущности и характере самих публичных благ, где мнения теоретиков неоднозначны по оценке их природной полезности. Некоторые ученые предлагают упростить данную задачу посредством введения в анализ понятия «суверенности», субъектом которого является государство в лице единственного субъекта гражданско-правовых и публично-правовых отношений. Государство, как суверен, являясь субъектом публично-правовых и гражданско-правовых отношений, не мо-

¹ Public-Private Partnerships: Financing a Common Wealth. Wash., 1985. –P.67

² Gerrard M.B. What are Public-Private Partnerships, and How Do They Differ from Privatizations? // Finance & Development. 2001. Vol.38. –№3.

³ Варнавский В.Г. Указ. соч. –С. 34-37

⁴ Delmon J. Private Sector Investment in Infrastructure: Project Finance, PPP Projects and Risk. The World Bank and Kluwer Law International. 2009. –P.7.

⁵ Частно-государственное партнерство: состояние и перспективы развития в России: Аналитический доклад. –М.: Институт экономики РАН, Национальный инвестиционный совет, 2006. –С.14

⁶ Рубинштейн А.Я. «Экономика общественных предпочтений. Структура и эволюция социального интереса» (Монография). –Спб.: Алетейя, 2008.

⁷ Рубинштейн А. «Группы и их интересы»: приглашение к дискуссии // Вопросы экономики. 2006. –№11.

жет выступать рядовым субъектом гражданского права, что приводит к изначальному неравноправию взаимодействия государства и бизнеса в рамках ГЧП. Равноправие может выражаться только определением условий и особенностей реализации гражданско-правовых отношений, исходящих от суверенного права государства. С одной стороны, государство определяет правовые рамки и «правила игры» для субъектов гражданско-правовых отношений, но с другой стороны, государство сохраняет властные функции. Даже вступив во взаимоотношения с частным сектором на равных условиях, в последствии государство может принять соответствующие акты, нарушающие это равновесие взаимоотношений. Тонкость и порой различные целеполагающие функции сторон в рамках ГЧП предопределяют нахождение и поиск особой конфигурации соответствующих правомочий и интересов партнерства. Для многих стран СНГ вышеописанные аспекты особенно важны, потому что в правовой системе отсутствует корректное разделение на публично-правовые и гражданско-правовые отношения, что притормаживает процесс реализации проектов в рамках ГЧП и наращивание потенциала привлечения инвестиционных средств, управленческих навыков и других преимуществ частного сектора при совершенствовании бесперебойного обеспечения государством публичных благ.

Существуют разнообразные модели и структуры ГЧП. Следует признать существование некоторых характерных черт среди разнообразных моделей и структур ГЧП, которые позволяют нам выделить партнерство в самостоятельную экономическую категорию. На наш взгляд, самостоятельная экономическая категория возникает как взаимодействие государства и частного сектора через призму формализованной кооперации, задачами которой являются достижения поставленных целей, базирующихся на договоренности сторон.

Взаимодействие государства и бизнеса в рамках ГЧП является обоюдно выгодным при соблюдении интересов обеих сторон. Государство считает выгодным данное партнерство, учитывая следующие факторы: 1) новые источники инвестиций; 2) ожидание высокой эффективности от такого партнерства; 3) инновации, а именно комбинация возможностей обеих сторон определяет высокий потенциал инвестиционных подходов в создании и управлении общественным благом. Бизнес считает выгодным для себя участие в данном партнерстве, учитывая иные факторы: 1) получение государственного актива в долговременное владение и пользование, обеспечив тем самым стабильное получение прибыли в долгосрочной перспективе; 2) получение гарантии возврата инвестиций, т.к. государство, как партнер ГЧП, соглашается на обеспечение взаимоприемлемого уровня рентабельности. Анализ международной практики позволяет выделить два принципиальных условия, выполнение которых предопределяет успех в развитии ГЧП. Во-первых, преодоление противоречий между общественными и частными интересами сторон. Во-вторых, создание институциональной среды ГЧП.

Следует констатировать, что в странах СНГ имеется масштабный потенциал для развития различных форм и моделей ГЧП. Однако ГЧП тяжело вводится в правовой и хозяйственный оборот, причинами которого являются сложные проблемы концептуального, институционального, организационного и хозяйственно-

правового плана по становлению и развитию механизма ГЧП. На наш взгляд, первоначально, для практической реализации и масштабирования ГЧП на государственном и региональном уровне в странах СНГ, следует решить ряд следующих принципиально важных проблем:

- несовершенная законодательная база форм и механизмов реализации ГЧП, что осложняет процесс эффективного взаимодействия государства и бизнеса. ГЧП представляет собой совокупность отношений, которые находятся на стыке публичного и частного права, и регулируются различными отраслями права. Развитие форм, моделей, механизмов ГЧП и практическая организация работы требуют формирования специальной законодательной базы. Следовательно, наличие проработанной законодательной базы форм и механизмов реализации ГЧП - фундаментальный и первоочередной вопрос, решение которого снимет с повестки многие вопросы.

- в подавляющем большинстве случаев, имеется наличие недоверия государству со стороны бизнеса, что отражает тенденцию предпочтения бизнеса работать только на условиях собственности. Причиной данной тенденции, на наш взгляд, является существующие проблемы институционального и организационного плана по развитию механизмов ГЧП.

- отсутствие комплексной долгосрочной программы территориального развития и размещения производственных сил, учитывающей интересы и возможности как государственного, так и частного секторов экономики.

Важно признать, что решение данных проблем является первоочередным для реализации инвестиционного потенциала различных форм ГЧП. Ведь известно, что на коренных этапах преобразования экономики на инновационный путь развития, государственным предприятиям и предпринимательскому сектору выгодно эффективное взаимодействие государства и бизнеса посредством различных инструментов партнерства. ГЧП, как один из эффективных инструментов взаимодействия государства и бизнеса в решение вопросов реализации проектов разного характера, способно содействовать реализации программ модернизации с наименьшими издержками для общественного сектора.

К. Айтбаев
доктор юридических наук

СТРОГИЙ ЭКЗАМЕН - ВЕЛЕНИЕ ВРЕМЕНИ

8 апреля Глава государства подписал Указ № 292 «О проведении внеочередной аттестации сотрудников правоохранительных органов Республики Казахстан». Впервые в истории нашей страны дан старт масштабному мероприятию по формированию нового кадрового потенциала системы правопорядка.

В нынешнем Послании народу Казахстана Президент Нурсултан Назарбаев дал четкое указание – решить вопрос качественного кадрового обновления правоохранительных органов, провести в кратчайшие сроки переаттестацию всего их личного состава. Принятый указ направлен на практическую реализацию данной задачи.

Как известно, правоохранительные органы играют особую роль в жизнедеятельности страны, обеспечивая правопорядок и безопасность наших граждан. В предыдущие годы по поручению Главы государства многое сделано для повышения эффективности их работы. Обновлена правовая база, оптимизирована структура, определена подследственность, разграничены функции и устранено их дублирование, существенно гуманизирована уголовная политика. Выделены большие средства для укрепления материально-технической базы. Все это позволило создать современную основу для формирования нового облика правоохранительной системы, соответствующего ожиданиям общества.

В соответствии с указом предстоит в сжатые сроки провести аттестацию всего личного состава правоохранительных органов, а это более 110 тыс. сотрудников. При подготовке такой масштабной кампании был всесторонне изучен зарубежный опыт, в частности законодательство ряда стран СНГ, США, Франции, Норвегии, Великобритании, Швеции и других. Например, в Англии в 2010 году принят закон о социальной ответственности и реформировании полиции, направленный на оптимизацию деятельности правоохранительных органов. В результате в 2011 году штат полиции Великобритании сократился на 3,2%. В Шотландии в 2012 году принят билль о реформировании полиции и пожарной службы, в рамках которого также произведена оптимизация деятельности указанных государственных структур в сторону реструктуризации и повышения эффективности деятельности.

В результате реформ правоохранительной системы Польши удалось значительно повысить эффективность деятельности полиции этой страны. Так, согласно опросу общественного мнения, 72% населения доверяют сотрудникам полиции, 68% считают работу полицейских хорошей.

Аналогичные реформы осуществлены в странах Прибалтики. В России работа по реформированию правоохранительной системы ведется с 2010 года. Стратегический курс проводимой работы закреплен в федеральном законе о полиции. В рамках данного законодательного акта в период с 1 марта по 1 августа 2011 года все сотрудники МВД РФ прошли внеочередную переаттестацию, в результате которой из системы министерства уволено 226 900 человек, что составляет 22% от общего числа. Кроме того, из 340 генералов 143 не прошли переаттестацию, 73 руководителя

высшего командного состава были ротированы в другие регионы как по вертикали, так и по горизонтали. Это те сотрудники, которые в силу личных и деловых качеств, недостатка профессионального опыта не прошли переаттестацию и были вынуждены покинуть ряды МВД. Как считают российские независимые эксперты, эта мера позволила существенно сократить и изменить кадровый состав МВД, произошла существенная реструктуризация правоохранительной системы, в особенности его руководящего состава, что явилось существенным способом минимизации коррупционных схем.

В целом мировой опыт показывает, что качественные изменения и повышение эффективности деятельности такой огромной и сложной государственной системы, как правоохранительная, не могут произойти быстро и повсеместно. Для этого необходим «переходный период», в течение которого будут отлажены все обновленные механизмы, профессионально укреплены кадры на всех уровнях и территориях, изменена психология личного состава.

Поэтому в Казахстане цель аттестации – определить уровень профессиональной подготовки работников правоохранительной системы и их соответствия современным требованиям. Немаловажное значение имеет и очищение органов от некомпетентных сотрудников с низкими морально-нравственными качествами и коррупционным поведением, дискредитирующих имидж государства в целом.

Для проведения аттестации Указом Президента создана Высшая аттестационная комиссия в составе Премьер-министра, Генпрокурора, председателей КНБ, финполиции, Агентства по делам госслужбы, министров внутренних дел, по чрезвычайным ситуациям, финансов, юстиции, заведующего отделом правоохранительной системы Администрации Президента. Указом Главы государства утверждены Положение о Высшей аттестационной комиссии, Правила проведения аттестации. Разработаны и утверждены соответствующие положения, правила и методические рекомендации по проведению аттестации, формы запросов о специальной информации на аттестуемых.

Предусмотрена оценка деятельности руководящего состава правоохранительных органов Правительством и акимами регионов. За короткие сроки предстоит проанализировать огромный массив сведений, чтобы составить объективную и максимально полную информацию на каждого аттестуемого.

Всего, предстоит аттестовать более 110 тыс. человек, в том числе 449 – Высшей аттестационной комиссией. Для этого в стране будет создано более 90 аттестационных комиссий, в состав которых войдут свыше 500 человек. Во все комиссии будут включены представители Администрации Президента, Правительства, общественности, политических партий, ветеранских организаций и СМИ. Ход аттестации будет широко освещаться в масс-медиа. На официальном сайте Президента откроется специальная рубрика для учета мнения общественности по аттестуемым лицам.

При организации и проведении внеочередной аттестации большое внимание будет уделяться тому, чтобы не допускать формализма, проявления протекционизма, предвзятости. Необходимо обеспечить прозрачность и объективность всех процедур, предусмотрев индивидуальный подход к каждому сотруднику, гарантируя соблюдение его прав. Будут приняты максимальные меры по недопущению нарушений порядка

проведения аттестации и вынесения необъективных решений. Основная задача – сформировать подразделения правоохранительных органов из числа сотрудников, способных эффективно исполнять свои обязанности в соответствии с ожиданиями общества. Поэтому для достижения поставленной цели предусмотрены механизмы сквозного контроля за проведением аттестации. Следует подчеркнуть, что при проведении аттестационных мероприятий будет обеспечено бесперебойное функционирование правоохранительных органов.

Актуальность этого шага никто не может поставить под сомнение. Надо ли объяснять, что от профессионального уровня полицейского, от его человеческих и моральных качеств сегодня во многом зависит уровень преступности в нашем суверенном государстве, который на данном этапе оставляет желать лучшего. А не изменив эту составляющую, невозможно двигаться по пути действенных реформ. Было бы несправедливо говорить, что правоохранительная система в нашем государстве сегодня работает плохо. Однако здесь важно понять другое. Главный вектор послания президента народу Казахстана – это социально-экономическая модернизация, что побуждает нас не стоять на месте, а энергично действовать. Настало время активных преобразований в обществе с тем, чтобы выйти на качественно новый уровень по всем направлениям социально-экономического развития. То, что нас устраивало еще вчера, сегодня уже не годится.

Если говорить применительно к сотрудникам правоохранительных структур, которые непосредственно общаются с народом, то для них главное – повышение качества их взаимодействия со всеми слоями общества. Им предстоит добиться понимания, уважения, повысить уровень культуры общения. От этого очень многое зависит. Также, полагаю, для нас сегодня важно понять простую вещь, на что указывает глава государства, что не бывает мелких преступлений. И нужно сделать акцент на казальное бы незначительных с виду правонарушений, на которые раньше они не обращали внимания в своей повседневной работе. К примеру, бросил человек окурки или допустил другую аналогичную некультурную выходку – надо реагировать. Если это сегодня не пресекать, то завтра все может вылиться в куда более злостное правонарушение и даже преступление совсем другого уровня. Надо воспитывать в людях культуру не только в высоком смысле этого слова, но и в мелочах, что называется, в быту.

Начинающаяся переаттестация должна быть и «исправлением имен», как говорил великий мыслитель Китая Конфуций. Надо назвать своими именами компетентность и некомпетентность, уточнить соответствующее место в иерархии сотрудников – кто находится на своем месте, кто был бы полезен на более высоком, а кто ему не соответствует. Эти передвижения по служебной лестнице полезно сделать с учетом сравнительных результатов переаттестации.

Перед комиссиями будут стоять непростые задачи объективной оценки уровней компетентности, образованности, интеллектуальных способностей, психологических качеств и иных достоинств сотрудников и перераспределения их, если это необходимо, не только по горизонтали, но и по вертикали. Важно, чтобы члены этих структур не замыкались в своем корпоративном видении собственной работы, чтобы присутствовал

основательный элемент внешней, общественной оценки.

Событие это само по себе беспрецедентное еще и потому, что процесс будет проводиться сверху до низовых звеньев. Не подпадают под него только первые руководители министерств и самостоятельных ведомств. И это не случайно, поскольку министры назначаются указом Главы государства, они проходят самую высокую – политическую аттестацию. Им доверяют отрасли. Это, как правило, известные всей стране специалисты и политики, которые всегда на виду. Министр – это тот человек, который, по сути, проходит аттестацию ежедневно. Каждое его выступление, решение или действие и есть аттестация перед Главой государства, перед своими коллегами, членами Кабинета министров, населением, перед которым он регулярно обязан отчитываться.

Я, как руководитель организации ведомственного образования МВД связываю аттестацию с теми очень четкими установками, которые были сделаны Н. А. Назарбаевым еще в январе прошлого года, когда Президент страны впервые в истории нашего независимого государства посетил коллегия Министерства внутренних дел. Именно тогда он говорил о том, какой должна быть современная полиция, и дал поручение разработать совершенно новый закон об органах внутренних дел, который бы соответствовал требованиям времени, современным реалиям развития Казахстана. Убежден, что место и время тогда было выбрано не случайно, потому что полиция – самый большой правоохранительный орган в нашей стране.

Не будем забывать и о том, что именно с работой полиции чаще всего приходится сталкиваться населению в криминальных или иных ситуациях. И именно от того, насколько профессионален полицейский – будь то сотрудник дорожной полиции либо участковый инспектор, насколько он обучен, воспитан, опытен, в конечном итоге и зависит уровень доверия населения не только к МВД, но и к власти в целом.

Для меня нынешняя аттестация – не пустой звук, потому что службу в правоохранительных органах начинал в 1989 году знаю о ней не понаслышке. Поэтому и не сомневаюсь, что задачи, которые поставлены перед этой внеочередной аттестацией, будут в полной мере выполнены. Верю, что за нынешней аттестацией наступит период повышения авторитета профессии правоохранителя, прихода в эту сферу достойных представителей молодежи нашей страны.

И. Рустамбеков
Юридик фанлар номзоди

ДОМЕН НОМЛАРИГА ОИД НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШНИНГ ЧЕТ ЭЛ ТАЖРИБАСИ ҲАҚИДА

Бутун дунё бўйлаб юқори ахборот технологияларининг ривожини, хусусан Интернет тармоғининг вужудга келиши ва ривожланиши жамиятда янги ижтимоий муносабатлар вужудга келишига олиб келди. Хусусан Интернет тармоғида мавжуд домен номлари, уларга бўлган ҳуқуқ масаласи дунё бўйлаб мунозараларни вужудга келтириб, домен номлари эгалари ўртасидаги низолар вужудга келишига олиб келмоқда.

Ҳозирги замон кўплаб мамлакатлар миллий қонунчилиги жавобгарнинг домен номидан фойдаланишга бўлган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига лозим даражада эътибор бермайди, ҳолбуки бу UDRP¹ халқаро таомиллари доирасида қарор қабул қилишда биринчи даражали аҳамият касб этади.

Сиёсатни ишлаб чиқишдан мақсад доменларни ҳуқуқ эгасига сотиш мақсадида рўйхатдан ўтказиш амалиётига тўқнаш қилиш бўлгани боис, унда турли хил индивидуаллаштириш воситалари ўртасида низоларни ҳал қилиш механизмлари назарда тутилмаган.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб жавобгарда домен номига мустақил ҳуқуқнинг мавжудлиги даъвогарнинг домен номини бериш ҳақидаги аризасини қаноатлантириш рад этилишига сабаб бўлиши лозим деб айтиш мумкин. Ушбу ҳолатни тасдиқловчи бир қанча қарорлар ҳам мавжуд. Мас., avnet.net доменини беришга доир ишда (Avnet, Inc. v. Aviation Network, Inc. WIPO, D2000-0046²) жавобгарнинг расмий номи Aviation Network Inc. бўлган. CellControl Biomedical Laboratories GmbH v. Mike Flowers, WIPO, D2000-1257 ишида³ домендан жавобгар илгари ўзи ишлаб чиққан дастурий таъминотни белгилаш учун фойдаланганлигининг аниқланиши қарор унинг фойдасига чиқарилишига сабаб бўлган. USA Video Interactive Corporation v. B.G. Enterprises, WIPO, D2000-1052 ишида⁴ доменни беришнинг рад этилишига домен номи даъвогарда товар белгисига бўлган ҳуқуқ пайдо бўлишидан олдинроқ рўйхатдан ўтказилганлиги сабаб бўлган. Scientologie.org домен номини беришга доир ишда (Religious Technology Center v. Freie Zone E. V WIPO, D2000-0410⁵) жавобгар кейинчалик домен номини рўйхатдан ўтказишда фойдаланилган ном билан китобни нашр этиш ҳуқуқига самарали таянган.

¹ Uniform Domain Name Dispute Resolution Policy (UDRP) – домен номларига доир низоларни кўриб чиқиш ягона сиёсати; Бутунжаҳон Интеллектуал мулк ташкилоти томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат.

² Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0046.html>

³ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-1257.html>

⁴ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-1052.html>

⁵ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0410.html>

America Online, Inc. v. Vadim Ereemeev, WIPO, D2001-0003 ишида⁶ россиялик жавобгар домен номидан тижорат мақсадида фойдаланганлигини исбот қилиб берган ва бу унинг домен номидан фойдаланишдан қонуний манфаати тан олиншига кўмаклашган. CPR институти томонидан кўрилган ишда арбитр: “Муайян доменни биринчи бўлиб рўйхатдан ўтказган ҳар ким тармоқда ҳар қандай виждонли фаолиятни домен номи билан айний бўлган товар белгисини рўйхатдан ўтказиш заруриятисиз амалга ошириши мумкин”, деб таъкидлаган (CPR Institute, CPR0232).

Шуни қайд этиш лозимки, жавобгарда қонуний манфаат мавжудлиги унинг виждонсизлиги билан айниқса узвий боғлиқ. Бунда домен номидан фойдаланишга қонуний ҳуқуқнинг мавжудлиги эмас, балки низо чиққунга қадар домендан амалда виждонли фойдаланилган ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Жавобгар домен номига ўхшаш фирма номи, шахсий исм, тахаллус, рақаб, аббревиатура ёки ҳатто товар белгисига бўлган ҳуқуққа эга бўлса, бундай ҳуқуқнинг ўзи Сиёсат мазмуни бўйича домендан фойдаланишдан қонуний манфаатни яратмайди. Агар трибунал домен номи рўйхатдан ўтказилгунга ёки низоли белгили номдан фойдаланишга асосланган фаолият бошлангунга қадар унинг маъмури ҳуқуқ эгаси ҳақида билган ва номдан фойдаланишга ҳуқуқий замин яратишга виждонсизларча ҳаракат қилганини аниқлаган бўлса, қарор даъвогар фойдасига қабул қилинган.

Бу жиҳатдан madonna.com домени бўйича чиқарилган қарор диққатга сазовор (Madonna Ciccone, p/k/a Madonna v. Dan Parisi and "Madonna.com", WIPO, D2000-0847⁷). Доменни бериш тўғрисидаги қарор асосланар экан, трибунал шундай деб кўрсатди: “Ўз ўзидан равшанки, жавобгар ўз нуқтаи назарини Сиёсатга мувофиқ ўзининг имтиёзли ҳуқуқини намойиш этиш учун товар белгисини рўйхатдан ўтказганлигига ҳавола қилиш йўли билан асослаши мумкин. Аммо, товар белгисини рўйхатдан ўтказишнинг ўзи Сиёсат мазмунига мувофиқ қонуний манфаатни яратади деган хулосага келиш янглишидан бошқа нарса бўлмас эди. Агар Америкада жойлашган жавобгар ўз товар белгисини Тунисда рўйхатдан ўтказиб, америкалик даъвогарга нисбатан ўз “ҳуқуқлари”ни даъво қила олса, ICANN тартиб-таомилларини бефойда деб тан олиш керак бўлар эди. Ҳуқуқ амалда юзага келиши учун ишнинг ҳолатларидан Сиёсатнинг қўлланилишини четлаб ўтиш мақсадида эмас, балки рўйхатдан ўтказиш амалга оширилган ҳудудда виждонли фойдаланиш учун товар белгиси рўйхатдан ўтказилганлиги келиб чиқиши лозим.

Айни ҳолда жавобгар Тунисда рўйхатдан ўтказиш фақат ўзининг домен номидан фойдаланишга доир манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилганини тан олади. Товар белгисини Тунисда рўйхатдан ўтказиш жавобгарнинг аризасига биноан бирон-бир жиддий текширувсиз амалга оширилган. Тунисда рўйхатдан ўтказиш халқаро шартномага мувофиқ тан олинса-да, у Тунисдан ташқарида

⁶ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2001/d2001-0003.html>

⁷ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0847.html>

қонуннинг бузилиши эҳтимолини истисно этмайди. Бундай ҳолларда жавобгар товар белгисини Тунисда рўйхатдан ўтказгани ўз-ўзича унинг виждонсизлиги далили деб ҳисобланиши мумкин, зеро қонунга хилоф рўйхатдан ўтказишни оқлаш учун важ ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, бундай ҳолларда белгининг рўйхатдан ўтказилгани жавобгарда қонуний манфаат мавжудлигининг далили ҳисобланмайди”.

Бошқа бир ишда Россияда рўйхатдан ўтказилган компания жавобгар сифатида иштирок этар экан, ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини асослаш учун ўзининг фирма номига бўлган ҳуқуқига, шунингдек eternit.com домен номи билан мувофиқ келувчи товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун патент идорасига берилган аризага ишора қилган. Трибунал мазкур ҳолатлар Россия ташкилотида домендан фойдаланишга бўлган қонуний ҳуқуқлар юзага келишини назарда тутишни тан олмаган, лекин бундай хатти-ҳаракатлар одатдаги киберсквоттерларга хос эмаслигини таъкидлаган (ETEX Group Societe Anonyme, Eternit N.V., Eternit A.G. v. Eternit, WIPO, D2002-0090¹). Пировардида жавобгарнинг виждонсиз хатти-ҳаракатлари исбот қилинмаганлиги туфайли домен номини даъвогарга (Бельгия компаниясига) бериш рад этилган.

Koala Web Design v Patricia Rodrigues d/b/a Koala Web Design, NAF, FA96333 ишида² (koalawebdesign.com) арбитр ўхшаш хизматлар кўрсатиш учун фойдаланилган домен маъмури рўйхатдан ўтказиш вақтида даъвогарнинг сайти мавжудлигидан хабардор бўлиши лозим эди, деган хулосага келиб, домен номини Интернет тармоғида фойдаланилган рўйхатдан ўтказилмаган товар белгисининг эгасига бериш тўғрисида қарор қабул қилган.

SunFest of Palm Beach County, Inc. v. Electronic System Technologies, Inc. et al., WIPO, D2000-0631 ишида³ трибунал жавобгар низоли доменларни рўйхатдан ўтказар экан, даъвогарнинг ҳуқуқларидан хабардор бўлган ва унинг рўйхатдан ўтказилган товар белгилари ҳақида билиши лозим бўлган, деган тўхтамга келган.

Арбитрлар томонидан қабул қилинган ёндашувга мувофиқ домен номидан жавобгар рўйхатдан ўтказиш вақтигача қонуний асосларда ва даъвогарнинг ҳуқуқларини бузмасдан бўлғуси домен номидан товарларни сотиш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш учун (мас., расмий фирма номи ёки рўйхатдан ўтказилмаган шартли белгили ном сифатида) фойдаланган бўлса, бундай фойдаланиши виждонли деб эътироф этилади.

Жавобгар, агар унинг товарлари (ишлари, хизматлари) бошқа ҳудудда тарқатилаётган бўлса ёки у бўлғуси домен номидан даъвогарнинг товар белгиси рўйхатдан ўтказилмаган соҳаларда фойдаланса, даъвогарнинг ҳуқуқларини бузмайди. Бошқача қилиб айтганда, Сиёсат ўхшаш шартли белгили номдан иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларида параллел фойдаланилишига йўл қўяди. Бу ҳолда домендан

¹ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2002/d2002-0090.html>

² Қаранг: <http://www.arbforum.com/domains/decisions/96333.htm>

³ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0631.html>

фойдаланишда жавобгар тармоқдан фойдаланувчиларда даъвогар билан ўхшашлик тасаввурини атайлаб уйғотмаслиги керак.

Агар жавобгар тегишли домен номидан у рўйхатдан ўтказилгунга қадар домен сифатида фойдаланмаган бўлса, унинг ҳаракатлари муайян ҳолатларда инсофли деб топилиши мумкин. Бунинг учун домен маъмури даъвогар ва унинг товар белгиси мавжудлигини билмагани (ва билиши мумкин ҳам бўлмагани)ни исбот қилиб бериш талаб этилади. Бундай ҳолларда далиллар сифатида кўпинча домен номида қўлланилган сўзлар даъвогар жойлашган мамлакатда кенг ишлатилиши ва уларнинг сайт мазмуни билан амалда боғлиқлиги амал қилади.

Мас., “Коммерсантъ” ноширлик уйи иштирокидаги ишда (ZAO Kommersant Publishing House v. Stanley Tobiason, WIPO, D2002-0531⁴) трибунал гарчи “коммерсант” сўзи Россияда жинс билдирувчи ва кенг ишлатиладиган сўз бўлса-да, жавобгар (АҚШ фуқароси)нинг домендан фойдаланишдан қонуний манфаатдорлиги ундан рус тили ва унинг манбалари билан боғлиқ ҳолда фойдаланилган тақдирдагина юзага келиши мумкин эди деган хулосага келган.

Агар сўз сунъий йўл билан яратилган бўлса (қисқартмалар бундан мустасно), шундай бир қоида қўлланиладигани, унга мувофиқ мазкур сўзнинг ўзлаштирилгани жавобгар даъвогар ҳақида билганини ва у билан ассоциациялар уйғотиш ва шунинг ҳисобига ўз сайтига ташриф буюрувчиларни жалб этишга ҳаракат қилганини назарда тутати (Telstra Corporation Limited v. Nuclear Marshmallows, WIPO, D2000-0003⁵).

Мустақил ҳуқуқ бўлмагани ҳолда жавобгарнинг номдан фойдаланишдан қонуний манфаатдорлигини тасдиқлашга қодир бўлган яна бир далил домен номидан фойдаланиш билан боғлиқ бизнес-режанинг мавжудлиги бўлиши мумкин, башарти айни шу домен номини танлаш учун жиддий сабаб мавжудлигини тасдиқловчи далиллар тақдим этилган, мас., сўз кенг ишлатилиши ва машҳур товар белгилари билан тўғридан-тўғри алоқа йўқлиги исбот қилиб берилган, шунингдек жавобгар мазкур режани амалга ошириш чораларини кўрганини тасдиқловчи далиллар тақдим этилган бўлса (Unitil Resources, Inc. v Robert Ampe, NAF, FA 93553⁶). Бошқа бир иш (VAT Holding AG v. Vat.com, WIPO, D2000-0607⁷) бўйича трибунал жавобгарнинг vat.com домен номини кейинчалик “қўшилган қиймат солиғига бағишланган онлайн марказини яратиш” ниятида рўйхатдан ўтказганлиги ҳақидаги важларига қўшилган⁸.

Домен номи рўйхатдан ўтказилганидан сўнг узок вақт мобайнида ундан Интернет-сайтни яратиш учун фойдаланишга тайёргарлик кўрилмагани ёки унинг кенг сотувга қўйилгани аксарият ҳолларда арбитрлар жавобгарда домен номига ҳуқуқлар мавжуд эмас деган хулосага келишларига сабаб бўлган (масалан, ZAO

⁴ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2002/d2002-0531.html>

⁵ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0003.html>

⁶ Қаранг: <http://www.arbforum.com/domains/decisions/93553.htm>

⁷ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0607.html>

⁸ VAT (value added tax) аббревиатураси инглиз тилида қўшилган қиймат солиғини англатади.

Kommersant Publishing House v. Stanley Tobiason, WIPO, D2002-0531¹; Yandex Technologies Ltd, Comptek International Ltd, Yandex Inc. v. Law Bureau of Moscow City Collegium of Advocates, WIPO, D2001-1486²). Арбитр philipssales.com домени бўйича чиқарган қарорида қайд этганидек, “жавобгар домен номига эгалик қилганлигининг ўзи ундан фойдаланишга бўлган бирон-бир ҳуқуқ ёки қонуний манфаатни яратмайди” (Koninklijke Philips Electronics N.V. v. NicNax, WIPO, D2001— 1245³).

Айрим ҳолларда кенг ишлатиладиган оддий сўзларни кейинчалик сотиш мақсадида домен номлари сифатида оммавий тарзда рўйхатдан ўтказган жавобгарлар рўйхатдан ўтказиш вақтида улар даъвогарнинг ҳуқуқларини бирон-бир тарзда бузиш мақсадини кўзламаганларига трибунални ишонтиришга муваффақ бўлганлар. Умуман олганда бир қатор ишларда арбитрлар қиммати асосан тегишли сўз одатдаги маъносида кенг ишлатилиши билан белгиланадиган домен номларини сотишдан даромад олиш жавобгарларнинг фаолиятини виждонли деб ҳисоблаш имкониятини беради деган хулосага келганлар (масалан, Cream Holdings Ltd. v. Nat'l Internet Source, Inc., WIPO, D2001-0964 иши⁴; Michael Leslie Jones a/k/a Mick Jones v. Stephen Gregory, NAF, FA125747 иши⁵).

Бу масалада амалиёт зиддиятларга тўла. Агар жавобгар рўйхатдан ўтказилган домен номи учун сайтни яратишга киришган бўлса, бу амалда ундан фойдаланишга бўлган ҳуқуқларни яратувчи ҳаракатлар сифатида эътироф этилган. Мас., Penguin Books Limited v. The Katz Family and Anthony Katz, WIPO, D2000-0204 иши⁶ бўйича чиқарилган қарорда шундай дейилган: “Сайтни яратиш учун бирон-бир минимал талабларни белгилашга ҳар қандай уриниш айбсиз маъмурларга ўз домен номларига эгалик қилишнинг дастлабки шarti сифатида жиддий иқтисодий харажатлар юклатилишини англатиши мумкин”.

Айрим ишлар бўйича жавобгарлар ҳаракатларининг қонунийлиги трибуналлар томонидан домен номи сифатида домен маъмурининг тахаллусидан ёки ҳатто унинг уй ҳайвонининг лақабидан фойдаланилгани билан оқланган.

Penguin Books Limited v. The Katz Family and Anthony Katz, WIPO, D2000-0204 ишида⁷ жавобгар узоқ йиллар мобайнида “пингвин” лақаби билан машҳур бўлганига трибунални ишонтиришга муваффақ бўлган.

¹ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2002/d2002-0531.html>

² Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2001/d2001-1486.html>

³ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2001/d2001-1245.html>

⁴ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2001/d2001-0964.html>

⁵ Қаранг: <http://www.arbforum.com/domains/decisions/125747.htm>

⁶ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0204.html>

⁷ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0204.html>

Трибунал ўз лақаби акс эттирилган домен номини рўйхатдан ўтказиш қонунийдир деган хулосага келган: “Бундай фойдаланиш даъвогарнинг интеллектуал мулк объектларига бўлган қайсидир ҳуқуқларини бузиши ёки бузмаслиги масаласини ҳал қилиш мазкур маъмурий трибунал ваколатига кирмайди ва бошқа органга кўриб чиқиш учун топширилиши лозим”.

Аммо Gordon Sumner, p/k/a Sting v. Michael Urvan, WIPO, D2000-0596 ишида⁸ жавобгарнинг шунга ўхшаш далиллари рад этилган. Иш бўйича чиқарилган қарорда шундай деб кўрсатилган: “Жавобгар ўйинларда иштирок этиш учун “sting” ёки “=sting=” номидан фойдалангани у 4(c)(ii) параграфда назарда тутилганидек домен номи орқали “кенг машҳур” бўлганини англатмайди. Сўзнинг ўзи ифодали эмас ва кибермаконда ундан кўпчилик фойдаланса керак. Амалда бу сўз жавобгарни машҳур қилишдан ҳам кўра унга анонимликни таъминлайди”.

Россиялик жавобгар иштирокидаги ишда арбитр унинг “Глюкотроль” деган ғалати лақабга ҳаволасини ишонарли эмас деб топиб, шунга ўхшаш позицияни эгаллаган (Pfizer Inc. v. Ivan Glukhov (Glucotrol Administrator WWW Server), WIPO D2001-1465⁹).

Vanguard Medica Limited v. Theo McCormiek, WIPO, D2000-0067 ишида¹⁰ арбитр, унинг ўз иқроига кўра, ўзининг доменидан фойдаланишдан манфаатдорлигини ўз итининг лақабига ишора қилиш билан асослашга ҳаракат қилган жавобгарнинг важларини рад этиш учун асослар топа олмаган. Арбитр Сиёсат доирасида низоларни кўриб чиқишнинг табиати жавобгарни сўроқ қилишга ёки у баён қилган тусомнинг ҳаққонийлигини ўзгача йўл билан текширишга йўл қўймаслигини қайд этди.

Ўхшаш ҳолатларга эга бўлган бошқа бир ишни (Finter Bank Zurich v. Gianluca Olivieri, WIPO, D2000-0091¹¹) кўриб чиқишда трибунал қарама-қарши нуқтаи назардан келиб чиқди: “1958 йилда таъсис этилган, Швейцарияда уч филиалга эга бўлган ва сўнгги уч йил мобайнида тармоқда кўп сонли сайтлар очган Цюрихдаги ўртача банк манфаатлари... кейинроқ сайтни ўз уй ҳайвонининг лақаби билан номлаган рўйхатдан ўтказувчининг манфаатларидан устун бўлишга лойиқроқдир”.

Сиёсатнинг амалий аҳамиятга молик бўлган яна бир масаласи товар белгисига бўлган ҳуқуқларнинг эгаси ёки унинг хатти-ҳаракатлари танқид қилинувчи сайтни яратишда мазкур шахснинг товар белгисидан фойдаланишга йўл қўйилиши ёки йўл қўйилмаслиги масаласидир. Аксарият арбитрлар фикрига кўра, ақлга мувофиқ танқид ва пайровга йўл қўйилади. Бу масала бўйича диққатга сазовор қарорлардан бири Bridgestone Firestone, Inc, Bridgestone/Firestone Research, Inc and Bridgestone Corporation v. Jack Myers, WIPO, D2000-

⁸ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0596.html>

⁹ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2001/d2001-1465.html>

¹⁰ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0067.html>

¹¹ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0091.html>

0190 иши бўйича чиқарилган¹. Жавобгар ўзининг собиқ иш берувчисини танқид қилиш учун bridgestone-firestone.net домендан фойдаланган, сайтдаги форум саҳифасида эса даъвогарлар ва ҳатто жавобгарнинг ўзи ҳақида ижобий ва салбий фикрлар ифодаланган. Жавобгар сайтни яратиш учун .net² зонасини танлагани ва бош саҳифада сайт расмий эмаслиги ҳақида ахборотни жойлаштиргани туфайли, шикоятни қаноатлантириш рад этилган. Бунда иш бўйича чиқарилган қарорда жавобгарнинг ҳаракатларида даъвогарларнинг товар белгисини камситишга тўғри қасд мавжуд эмаслиги кўрсатилган.

Амалиётда яратилган яна бир ёндашувга мувофиқ танқиднинг сифати бундай танқид Сиёсат доирасида муҳофаза қилиниши ёки қилинмаслиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишда аҳамиятга эга бўлмайди. Шунга ўхшаш ишлардан бирини кўриб чиққан трибунал асарнинг бадий қимматига баҳо бериш судьянинг иши эмас, чунки гениал асарлар кўпинча жамоатчилик томонидан аввал рад этилади, деб таъкидлаган (Wal-Mart Stores, Inc. v. Wal-Martcanadasucks.com and Kenneth J. Harvey, WIPO, D2000-1104³). Robo Enterprises, Inc. v. Ronald G. Daringer, NAF, FA96375 ишида⁴ трибунал жавобгарнинг сайтидаги ва адресли ҳаволалар мавжуд бўлган ресурслардаги танқидий фикрлар воқеликка зид бўлса ҳам айна ҳол тўхматга эмас, балки киберсквоттерларга қарши курашишга қаратилган Сиёсат мазмунига мувофиқ виждонсизлик ҳисобланмайди, деб кўрсатди.

Ahmanson Land Company v. Save Open Space and Electronic Imaging Systems, WIPO, D2000-0858 ишида⁵ трибунал жавобгарда қонуний манфаат мавжуд, чунки унинг домени сайтидан даъвогар компаниясининг ривожланиш стратегиясини танқид қилиш учун майдонча сифатида фойдаланилган, деган қарорга келди. Шу билан бир вақтда, “нотижорат мақсадларида қонуний ва виждонли фойдаланиш мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишда Сиёсатга мувофиқ ҳуқуқ эгасининг манфаатларини бутун жамият манфаатлари билан солиштириш талаб этилади”, деб таъкидланди.

Айрим ишлар бўйича арбитраж доменларни, улардан мустақил танқид мақсадларида фойдаланилганига қарамай, даъвогарларга бериш тўғрисида қарор чиқарганлар. Доменларни танқид мақсадларида рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига шубҳа билдирилмаган бўлса-да, бунда домен номлари сайтларнинг асл мазмуни табиатини акс эттириши лозим ва фойдаланувчиларда домен номининг ҳақиқий маъмури хусусида янглиш фикр туғилишига имконият яратмаслиги керак, деган тўхтамга келинган (Compagnie de Saint Gobain v. Corn-Union Corp WIPO,

¹ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0190.html>

² Тармоқнинг тижорат фаоллиги соҳаси сифатида яратилган .COM зонасидан фарқли ўлароқ, .net зонаси аввалбошданок Интернет-хизматларнинг провайдерлари фойдаланиши учун мўлжалланган.

³ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-1104.html>

⁴ Қаранг: <http://www.arbforum.com/domains/decisions/96375.htm>

⁵ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0858.html>

D2000-0020⁶; Nik Carter v. The Afternoon Fiasco, WIPO, D2000-0658⁷).

.com зонасида доменлардан танқид мақсадларида фойдаланишда жавобгарларда қонуний манфаатлар мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилишда арбитраж, одатда, салбий жавоб берадилар. Мас., The New York Times Company v. New York Internet Services, WIPO, D2000-1072 ишида⁸ трибунал жавобгарда даъвогарнинг нашрида эълон қилинган мақолалар хусусида ўз фикрини билдириш қонуний ҳуқуқи, шунингдек даъвогарнинг номини сайтда зикр этиш ва ҳатто унда даъвогарнинг товар белгисини акс эттириш ҳуқуқи мавжуд бўлса-да, лекин бу жавобгар даъвогарнинг товар белгисидан тармоқда манзил сифатида фойдаланиш ҳуқуқи борлигини англамайди, деган хулосага келган. Ҳолбуки, қидирув сатрига «newyorktimes.com»ни киритган фойдаланувчи даъвогарнинг расмий сайтига киришни хоҳласа керак. Бунда расмий сайтга гипершоратлар мавжудлиги ҳуқуқий аҳамият касб этмайди. Бошқа бир ишда трибунал шунга ўхшаш хулоса чиқариб, ўз фикрини ифодалаш эркинлиги низоли домен номига бўлган ҳуқуқ ёки қонуний манфаатни англамаслигини таъкидлаган (Gallo, Supra, Brandon Dunes L. P. v. Default Data.com, WIPO, D2000-0431⁹).

Кўриб чиқилган ишларнинг айримларида трибуналлар жавобгарларнинг сайтларида танқиддан ташқари тижорат фаолияти унсурларига ҳам дуч келганлар. Бу ерда ҳам арбитражнинг фикрларида тафовутларни кузатиш мумкин. Мас., Миллий Форум чиқарган қарорда битта тижорат баннерининг мавжудлиги фойдаланишнинг виждонлигини истисно этиши мумкин эмаслиги кўрсатиб ўтилган (Daniel J. Quirk v. Michael J. Maccini, NAF, FA 94964¹⁰), Бутунжаҳон Интеллектуал мулк ташкилоти Марказининг трибунали эса шунга ўхшаш вазиятда бутунлай қарама-қарши тўхтамга келган (The New York Times Company v. New York Internet Services, WIPO, D2000-1072¹¹).

Танқидий фикрлар жавобгарнинг товар белгиси билан ўхшаш домен номларини сотиш ҳақидаги таклифлар фонида билдирилганида, танқиддан бундай фойдаланиш ҳам виждонли деб топилмаган (PG&E Corporation v. Samuel Anderson and PGE in the Year 2000, WIPO, D2000-1264¹²).

Дистрибьютор, лицензиат ёки дилернинг қонуний йўл билан эгалланган товарларни сотишда домен номидан фойдаланишга бўлган ҳуқуқи тўғрисидаги

⁶ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/hnl/2000/d2000-0020.html>

⁷ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0658.html>

⁸ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-1072.html>

⁹ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0431.html>

¹⁰ Қаранг: <http://www.arbforum.com/domains/decisions/94964.htm>

¹¹ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-1072.html>

¹² Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decision»html/2000/d2000-1264.html>

масала ҳам баҳслидир. Трибуналлар бу хусусда ҳам ҳар хил қарорлар чиқарганлар.

Mac., The Stanley Works and Stanley Logistics, Inc. v. Camp Creek, WIPO, D2000-0113 ишида¹ арбитр даъвогарнинг товар белгисидан унинг товарларини сотишда фойдаланиш у билан келишилгани жавобгарда мазкур белгидан домен номи сифатида фойдаланиш ҳуқуқи юзага келиши учун етарли эмаслигини кўрсатган. Бошқа бир ишда трибунал бутунлай қарама-қарши нуқтаи назарни илгари сурган (Canon U.S.A. Inc., Astro Business Solutions, Inc. and Canon Information Systems, Inc. v. Richard Sims, WIPO, D2000-0819²). Қарорда жавобгар “Canon” товар белгисидан фойдаланиши АҚШ қонунчилиги томонидан тан олинган ўзганинг товар белгисини шахс сотаётган товарларни ифодалаш воситаси сифатида зикр этиш ҳуқуқи доирасида амалга оширилгани таъкидланган.

OKI Data Americas, Inc. v. ASD, Inc, WIPO, D2001-0903 ишида³ арбитр домен номига ҳуқуқ вужудга келиши учун дилер товар белгисининг эгаси билан ўз муносабатлари ҳақида сайт саҳифаларида харидорларни лозим даражада хабардор этиши лозим, бунда у ўхшаш домен номларининг барчасини ўз қўлида жамлашга ҳаракат қилмаслиги керак, деган тўхтамга келган.

Яна бир низода трибунал дилернинг домендан фойдаланиш ҳуқуқини тан олган, чунки даъвогар арз билан мурожаат этгунга қадар жавобгар домендан икки йил мобайнида фойдаланган ва бу даъвогарда ҳеч қандай эътироз уйғотмаган (Draw-Tite, Inc. v. Pittsburgh Spring, Inc., WIPO, D2000-0017⁴).

Дилер ваколатларининг ҳақиқийлиги ёки ҳажми тўғрисида низо чиққан ҳолларда трибуналлар бундай низолар Сиёсат доирасида ҳал қилиниши мумкин эмас, деган хулосага келганлар. Mac., Cellular One Group v. Vanguard Cellular Systems, Inc., WIPO, D2000-0268 ишида⁵ трибунал шундай деб кўрсатган: “Даъвогарнинг иқроига кўра, жавобгар лицензияга мувофиқ товар белгиларининг ҳеч бўлмаса биттасига нисбатан айрим ҳуқуқларга эга бўлган. Лицензияга мувофиқ жавобгар қандай ҳуқуқларга эга бўлмасин... бу ҳуқуқлар ва уларга мувофиқ келувчи жавобгарлик чоралари Сиёсатда белгиланган тартиб-таомиллар доирасидан четга чиқади ва суд томонидан аниқланиши лозим”.

Жавобгарлар номли белгидан фойдаланиш ваколатларини учинчи шахслардан олганларига ишора қилувчи даъволар алоҳида тоифадаги ишлар ҳисобланади. Жавобгарлар домендан фойдаланишга бўлган ўз ҳуқуқларини ушбу йўл билан асослашга

¹ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0113.html>

² Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0819.html>

³ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2001/d2001-0903.html>

⁴ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0017.html>

⁵ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0268.html>

уринишларининг аксарияти самарасиз тугаган – трибуналлар ушбу важни ишонarli эмас деб топган.

Mac., saradar.com доменига доир ишда (Investissement Marius Saradar S.A.L. (Holding Company) and Banque Saradar S.A.L. v. John Naffah and Z Publishing Inc, WIPO, D2000-0853⁶) трибунал жавобгарнинг у домени рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқини Жим Сарадар (Jim Saradar) исмли шахсдан олгани ҳақидаги важини рад этар экан, жавобгарда домендан фойдаланишга ўз ҳуқуқи ёки қонуний манфаати бўлиши лозим, деб кўрсатган. Ушбу қарор бундай ишларнинг кўрилишидаги умумий тенденцияни акс эттиради. Баъзан истисно ҳолатлар ҳам учрайди. Mac., Royal Bank of Canada v. Xross, eResolution, AF-0133 ишида⁷ rbcinsurance.com домени маъмурининг доменга бўлган ҳуқуқи унинг яқин ҳамкори Танзания ва Замбияда қишлоқ хўжалик экинларини суғурталаш билан шуғулланган тадбиркор Раҳим Бисмиллоҳ (Rahim Bismillah) бўлгани туфайли тан олинган. Gassan Diamonds b. v. v. Van Etten Bemardus Jacobus, eResolution, AF-0149⁸ ишида gassan.com доменига бўлган ҳуқуқ эр-хотин Гассан (Gassan) номидан домени рўйхатдан ўтказиш топшириғига далил-исботсиз ишора қилган жавобгарга қарашли деб топилган.

Жавобгарлар кўпинча сўзнинг кенг ишлатилишига ишора қиладилар. Ушбу ваддан мазкур ном домен номи сифатида фойдаланиш учун танланганлигининг асослилигини намойиш этишни истаган жавобгарлар фойдаланадилар. Мазкур далилни таҳлил қилишда трибуналлар учун жавобгарнинг ҳақиқий ниятлари тўғрисидаги масалани ҳал қилиш, аниқроқ айтганда, у даъвогар ҳақида билганми (билиши мумкин бўлганми) ва унинг асл нияти қандай бўлган деган саволларга жавоб топиш биринчи даражали аҳамият касб этади.

UDRP доирасида низо кўришда жавобгар домен номини рўйхатдан ўтказиши ва ундан фойдаланишининг виждонсизлиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш ҳам муҳимдир. Домен номини рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланишининг виждонсизлиги Сиёсатнинг 4(a)(iii) бандида домен манфаатдор шахсга берилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган юридик жиҳатдан муҳим икки ҳолат сифатида қайд этилган. Расман виждонсиз рўйхатдан ўтказиш виждонсиз фойдаланиш бўлмаган ҳолда аҳамият касб этмайди ва аксинча, виждонсиз фойдаланиш, агар жавобгар доменни йўл қўйилган мақсадда рўйхатдан ўтказган бўлса, аҳамиятга эга бўлмайди.

4(b) параграфдаги дастлабки уч мисолда Сиёсат мазмунига мувофиқ виждонсиз саналган турли қонунга хилоф мақсадлар учун рўйхатдан ўтказишлар зикр этилган. Бу ҳолатларнинг ҳар бирида домен номи рўйхатдан ўтказилишининг ўзи виждонсиз ҳисобланади, чунки зикр этилган ножиоз мақсадларнинг барчасига домен номини оддий пассив ушлаб туриш билан эришилади.

Сиёсатнинг 4(b)(iv) бандида зикр этилган тўртинчи ҳолатда фақат домендан ножиоз фойдаланишининг муайян тур хили ҳақида сўз юритилади. Бироқ ICANN арбитраж марказлари амалиётида мазкур юридик

⁶ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0853.html>

⁷ Қаранг: <http://www.disputes.Org/eresolution/decisions/0133.htm>

⁸ Қаранг: <http://www.disputes.Org/eresolution/decisions/0149.htm>

факт, одатда, виждонсиз рўйхатдан ўтказишнинг далили сифатида ҳам қаралади.

Сиёсат амалга киритилган дастлабки кунлардан бошлаб домендан виждонсиз фойдаланиш далилларини қўшимча тарзда тақдим этиш зарурияти киберсквоттерларга қарши самарали курашишга тўсқинлик қилади, чунки амалда камдан-кам ҳолларда киберсквоттерлар домен номини сотиб олиш ҳақидаги таклиф билан ҳуқуқ эгаларига тўғридан-тўғри муурожаат этганлар, деган фикр билдирилди. Аксарият ҳолларда доменларнинг маъмурлари ҳуқуқ эгасининг ўзи музокарага киришгунга қадар доменларни пассив ушлаб туришни афзал кўрганлар ёки домен номига муурожаатларни бошқа домен сайтига қайта йўналтиришни ташкил этганлар.

Сиёсат доирасида чиқарилган биринчи қарордаёқ (World Wrestling Federation Entertainment, Inc. v. Michael Bosnian, WIPO, D99-0001¹) трибунал доменни сотиш учун таклиф қилишни домендан фойдаланишнинг тур хили сифатида эътироф этганидан сўнг бу ташвишлар кўп жиҳатдан тарқалиб кетди.

Сиёсат 4(b) бандининг таҳлили доменни виждонсизлик билан рўйхатдан ўтказиш ва ундан фойдаланишни шартли равишда тўрт турга ажратиш имкониятини беради. Биринчи ҳолда жавобгар домен номига товар сифатида ёндашади ва унинг тижорат қиммати катта эканлигини била туриб уни мўмай даромад олиш учун сотиш ниятини кўзлайди. Иккинчи вазиятда урғу даъвогарнинг расмий сайтини топишга ҳаракат қилаётган фойдаланувчилар ҳисобига қўшимча мижозларни жалб қилишга берилади. Сиёсатда тавсифланган учинчи мисол шахснинг ўз иқтисодий рақиб фаолиятига халақит беришга уринишларига бағишланган.

Барча вариантларда жавобгар домен номини рўйхатдан ўтказиш вақтида даъвогар ва унинг катта ишчанлик обрўси ҳақида билгани назарда тутилади. Мазкур тезис россиялик фуқаро-жавобгар иштирокидаги ишлардан бирида ҳам қайд этилди: “В мамлакатда рўйхатдан ўтказилган товар белгиси билан айний бўлган домен номи рўйхатдан ўтказилган. Айни ҳолда А мамлакатлик жавобгар даъвогарнинг белгиси машҳур эканлигини билиши лозимлигини тасдиқловчи далиллар талаб этилади... Бутун жаҳонда машҳур белгилар мавжуд (мас., Coca-Cola, McDonald's) ва уларга нисбатан жавобгар уларнинг мавжудлигини билиши лозимлиги назарда тутилади”.

Трибунал доменни даъвогарга бериш тўғрисида қарор чиқаришдан бош тортди, чунки “даъвогар... Glucotrol товар белгисининг Россия бозорида мавжудлигини тасдиқловчи далилларни тақдим этгани йўқ. Универсал тиббий препаратларнинг яхши маълум бўлган савдо номлари (шу жумладан Panadol) мавжуд бўлса-да, кенг оммадан кам учрайдиган касалликни даволаш учун мўлжалланган препаратни билишни кутиш мумкин эмас” (Pfizer Inc. v. Ivan Glukhov, WIPO, D2001-1465²).

Жавобгар ўз доменини рўйхатдан ўтказиш учун ариза бераётиб даъвогар ҳақида билганини исбот қилиш осон иш эмас. Бош муаммо – жавобгар конкрет ниятларининг тўғридан-тўғри далиллари йўқлиги.

¹ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/1999/d99-0001.html>

² Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2001/d2001-1465.html>

Бундай низоларда даъвогарлар товар белгисининг машҳурлик даражасини ҳисобга олганда жавобгар унинг мавжудлигидан хабардор бўлиши лозимлигини тасдиқловчи турли хил билвосита далиллардан фойдаланадилар. Аммо бу айнан қандай далиллар билан тасдиқланиши лозим деган саволга ҳанузгача аниқ жавоб топилгани йўқ.

Мас., GA Modefine S.A. v. Sparco P/L, WIPO, D2000-0419 ишида³ трибунал товар белгисининг машҳурлигини вақт килиб кўрсатишнинг ўзи кифоя қилмаслигини қайд этди (иш материалларида даъвогарнинг товар белгиси жавобгар жойлашган ер ҳудудида рўйхатдан ўтказилганлигининг далиллари йўқ эди)⁴. Айни шу даъвогар иштирокидаги бошқа бир ишда (GA Modefine S.A. v. Mark O'Flynn, WIPO, D2000-1424⁵) арбитр бутунлай қарама-қарши хулосага келди.

Низолашувчи тарафлар бизнеснинг айни бир соҳасида фаолият кўрсатиши жавобгар даъвогарнинг товар белгисидан хабардор бўлганлигини тасдиқловчи далиллардан бири бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда виждонсизликни тасдиқловчи далил сифатида домен маъмури Интернетда машҳур товар белгиларига ўхшаш бошқа номларни оммавий тарзда рўйхатдан ўтказганлиги амал қилган. Бунда домен номлари билан савдо қилиш ўз-ўзича ҳуқуқбузарлик саналмаслигини эътиборга олиш лозим. Бинобарин, машҳур товар белгиларига ўхшаш бўлмаган кўп сонли доменларнинг рўйхатдан ўтказилиши ҳам шахснинг виждонсизлигидан далолат бериши мумкин эмас. Мас., AtHome Corporation v. Metro.net and The Innovation Group, Inc., a/k/a "Metro.net." D2000-0422 ишида⁶ (athome.com, atwork.com) суд жавобгарнинг у рўйхатдан ўтказиш вақтида даъвогарнинг товар белгиси мавжудлигидан беҳабар бўлгани ҳақидаги қасамёд остида тасдиқланган ёзма кўрсатувини далил сифатида қабул қилган.

Амалда ҳаракатсизликни Сиёсат қоидаларига мувофиқ домендан виждонсизлик билан фойдаланиш сифатида тан олиш имконияти тўғрисидаги масала юзага келади. Бу соҳада биринчи процесс telstra.org доменини даъвогарга бериш ҳақидаги ишдир (Telstra Corporation Limited v. Nuclear Marshmallows, WIPO, D2000-0003⁷). Бу ишда Австралиянинг машҳур телекоммуникация компанияларидан бири даъвогар сифатида иштирок этди. Бундай низоларни ҳал қилиш амалиётида ҳаракатсизликни Сиёсат қоидаларига мувофиқ домендан виждонсизлик билан фойдаланиш сифатида тан олиш имконияти тўғрисидаги масала юзага келди. Ушбу ишда жавобгарнинг фаоллиги доменни сохта рўйхатдан ўтказиш хужжатлари

³ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0419.html>

⁴ Шунга қарамай, даъвогарнинг айни шу талаблар ифодаланган тақрорий даъвоси қаноатлантирилди. Қаранг: GA Modefine S.A. v. Sparco P/L, WIPO, D2001-0370. // Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2001/d2001-0370.html>

⁵ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-1424.html>

⁶ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0422.html>

⁷ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decision»html/2000/d2000-0003.html>

ёрдамида ўз номига рўйхатдан ўтказишдан иборат бўлган. Аммо у доменни сотишга ёки ундан фойдаланувчиларни ўзига оғдириш учун фойдаланишга ҳаракат қилмаган.

Сиёсатнинг 4-банди нормаларининг таҳлили асосида арбитр виждонсизлик билан иш кўришга келтирилган мисоллардан фақат охиргиси (домендан фойдаланувчиларни ўзига оғдириш учун фойдаланиш) виждонсизлик билан фойдаланишга тааллуқли, қолган мисоллар эса домен номини виждонсизлик билан рўйхатдан ўтказишдан бошқа нарса эмас, деган хулосага келди. Ҳолбуки, доменни даъвогарга топширишнинг зарурий шarti виждонсизликнинг иккала кўриниши мавжудлигидир (яъни рўйхатдан ўтказиш ҳам, фойдаланиш ҳам виждонсизлик билан амалга оширилган бўлиши лозим). Суд доменни даъвогарга бериш тўғрисида қарор қабул қилди.

Кейинчалик ўхшаш даъво аризаларини кўришда арбитрлар одатда айна шу нуқтаи назарга амал қилдилар. Мас., *kommersant.com* доменига доир низони кўриш чоғида жавобгар доменни 16 ой мобайнида пассив ушлаб тургани ва уни сотиш ҳақидаги таклифга розилик бергани аниқланди. Қарорда маъмурнинг доменни муайян вақт мобайнида очиш мажбурияти Сиёсатда назарда тутилмагани тўғри қайд этилган бўлса-да, доменни пассив ушлаб туриш ундан виждонсизлик билан фойдаланиш деб топилди. Суд даъвогарга қарашли товар белгиси обрўсининг катталигини, жавобгар инглиззабон мамлакатлари учун ғайриоддий домен номини рўйхатдан ўтказиш сабабларини тушунтира олмаганини, сайтдан фойдаланишга тайёргарлик кўрилмаганини аҳамиятга молик ҳолатлар деб эътироф этди.

Аммо бу нуқтаи назарга арбитрларнинг ҳаммаси ҳам қўшилавермайди. Мас., *Sporoptic Pouilloux S.A. v. William H. Wilson, WIPO, D2000-0265* ишида¹ трибунал домендан виждонсизлик билан фойдаланиш доим ҳуқуқбузарнинг конкрет фаол ҳаракатларида акс этади, деб қайд этган. Шунга ўхшаш фикрни трибунал *Canal + Image UK Limited v. VanityMail Services Inc., NAF, FA94946* ишини² кўриб чиқиш чоғида ҳам илгари сурган.

Шуни қайд этиш лозимки, жавобгар домен номини пассив ушлаб тургани, одатда, арбитрлар томонидан ишнинг бошқа материаллари билан жамулжам ҳолда баҳоланган. Жавобгар даъвогарнинг рўйхатдан ўтказилган товар белгисидан хабардор бўлганлигининг аниқ-равшан далиллари мавжуд бўлмаса, бунда жавобгар домен номини танлаганлигига оқилона важлар келтирган бўлса, фаолликнинг вақтинчалик йўқлиги ўз-ўзича даъвогарнинг талаблари қондирилишига сабаб бўлмайди.

Миллий қонунчиликдан фарқли ўлароқ, UDRP томонидан белгиланган тартиб-таомиллар товар белгиси эгасининг иддаоларини ва домен эгасининг низо предметида доир ҳуқуқларини чуқур ўрганишни назарда тутди.

Чет эл суд амалиётининг таҳлили миллий қонунчиликни унинг учун нисбатан янги бўлган индивидуаллаштириш воситаси – домен номига татбиқан такомиллаштириш йўллари кўрсатади.

Хулоса қилиш мумкинки, чет эл мамлакатлар суд амалиётидан кенг фойдаланиш мумкин, лекин бу амалиёт кўпроқ суд прецеденти сифатида вужудга келиши ва UDRP сиёсатини тўлиқ миллий амалиётда қўллаш ижобий деб ҳисобланмайди. Шунинг учун суд амалиёти ва сиёсатнинг ижобий жиҳатларини олган ҳолда миллий қонунчиликда домен номлари тўғрисида ёки домен номлари билан боғлиқ низоларни ҳал этилиши тўғрисидаги қонунлар қабул қилиниши ўринли.

¹ Қаранг: <http://arbitr.wipo.int/domains/decisions/html/2000/d2000-0265.html>

² Қаранг: <http://www.arbforum.com/domains/decisions/94946.htm>

Қ.Мехмонов
ТДЮИ ўқитувчиси

КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАРИ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИНИ БЕЛГИЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Бугунги кунда илм-фан ва техниканинг жадал ривожланиб бориши натижасида янгидан-янги фуқаролик ҳуқуқи объектлари вужудга келмоқда. Жумладан, компьютер дастурлари интеллектуал фаолият натижаси сифатида фуқаролик ҳуқуқининг ўзига хос янги объекти ҳисобланади. Компьютер дастурларини интеллектуал мулк объекти тариқасида Фуқаролик кодексига (ФКнинг 1031-моддаси) нормаланиши унинг интеллектуал мулк объекти сифатида ҳуқуқий ҳимоя қилинишининг кафолати ҳисобланади.

Қонунчиликда компьютер дастурига қуйдагича таъриф берилган. Компьютер дастури - муайян натижа олиш мақсадида компьютер, унинг шохобчалари ва бошқа компьютер воситаларининг ишлаши учун мўлжалланган маълумотлар ва кўрсатмалар мажмуи ҳисобланади.

Шу ўринда компьютер ўзи нима?, деган саволга тўхталиб ўтсак. Компьютер – инглизча сўз бўлиб, у ҳисобловчи демакдир. Ҳозирги кунда ҳаётимизда “компьютер” термини кўп учрайди. Компьютер фақатгина ҳисобловчи бўлмасдан, матнлар, товуш, видео ва бошқа маълумотлар устида ҳам амаллар бажаради. Лекин унинг асосий вазифаси маълумотларни қайта ишлашдан иборат. Шу билан бирга ЭҲМ (электрон ҳисоблаш машиналари) термини ҳам кўп учраб туради. Ҳар иккала терминни қўллаш ҳам хато бўлмайди. Компьютерларни хотирасининг ҳажми, бир секундда бажарадиган амаллар тезлиги, маълумотларнинг разряд түрида (ячейкаларда) тасвирланишига қараб улар авлодларга ажратилган. Бугунги кунда компьютерларнинг түртинчи янгиланган авлоди фуқаролик муомаласига киритилган. Масалан, 10 йил илгари яратилган Pentium IV компьютерининг одатдаги энг қуйи конфигурацияси тахминан 1,7-2 гигагерц процессор, 512 оператив хотира, 40 гигабайт қаттиқ хотирага эга бўлиши талаб қилинган бўлса, бугунги кунда ушбу энг қуйи талаб 2-3 гигагерц икки ядроли процессор, 2 гигабайт оператив хотира, 1 тирабайт қаттиқ хотира бўлиши тақазо қилмоқда.

Бу ўринда компьютер атамасини қўллаш тўғри бўладими ёки “электрон ҳисоблаш машинаси” атамасини қўллаш мақсадга мувофиқми? деган савол туғилиши мумкин. “Электрон ҳисоблаш машинаси” атамаси собиқ иттифоқ давридадан муомаллага киритилган ва инглизча “компьютер” сўзига қарши қўйиш учун қўлланилган ҳозирги кунда ҳам одат сифатида сақланиб қолган. Ушбу конструкция совет даврида ўзини оқлаган, чунки бу даврда ҳисоблаш техникаси борасидаги ишланмалар борасидаги масофани қисқартиришга уриниш бўлган ва узок вақт мобайнида буржуазия ёлғон фани ҳисобланган кибернетика инструменти сифатида тан олинмаган. “Электрон ҳисоблаш машинаси” атамаси узун сўз бўлишидан ташқари компьютерлар электрон лампалар воситасида яратилган даврда дунёга келган. Собиқ иттифоқ даврида эса, “электрон лампа” тушунчаси ўрнига “радиолампа” атамаси қўлланилган ва

мафкурачилар томонидан эътиборсиз қолдириб ўтказиб юборилган¹.

Бугунги кунда анъанавий равишда қўлланиладиган электр ўрнига ёруғлик сигналидан фойдаланадиган оптик компьютерларни яратиш борасида қизгин ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Яна бошқа самарали йўналиш эса, молекуляр биология ва ДНК тадқиқотлари натижаларидан фойдаланишни назарда тутди. Шунингдек, келгусида ҳисоблаш техникаси борасида кескин ўзгаришларга олиб келадиган йўналиш бу квант компьютерларини яратиш борасидаги ёндошув ҳисобланади.

“Электрон ҳисоблаш машинаси” функционал қисм сифатида электрон компонентлардан фойдаланишни назарда тутди. Бироқ, компьютер бошқа принциплар асосида яъни, механик, биологик, оптик, квант и ҳ.к. асосида, механик қисмларни бир жойдан бошқа жойга ўтказиш, электронлар, фотон ёки бошқа физикавий ҳодисалар эффекти ҳаракати натижасида ишлаши ҳам мумкин.

Ҳозирда замонавий компьютерларда ярим ўтказгичли кристал микросхемалар (интеграл микросхемалар)дан² кенг доирада фойдаланилади. Шунингдек, пневматик, оптик, супер компьютерлар ҳам бўлиши мумкин ва уларда электрон лампалар қўлланилмайди. Ҳозирда ҳисоблаш техникасининг асосий қисми хориждан олиб келинганлиги боис илгариги “электрон ҳисоблаш машинаси” атамасини қўллаш эскилик одатига ўхшаб ҳам туялади. Ушбу тушунча компьютер тарихи билан боғлиқ ҳолатларни ёритиб беришда ҳамда рақамли электроника инженерлари муомаласида қўлланилади. Ўзбекистон Республикасининг “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги” ва “Электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисидаги” қонунларида айнан “электрон ҳисоблаш машинаси” атамаси қўлланилади.

Таъкидлаш кераки, Президентимиз И.Каримов асарларида, маърузаларида, қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқаролик, тадбиркорлик, оила, меҳнат, ижтимоий таъминот, фуқаролик процессуал, хўжалик процессуал қонунларни шакллантириш ва ривожлантириш, бозор ислохотларини янада такомиллаштиришнинг концептуал асослари ишлаб чиқилди ва амалга киритилди. Демократик бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодий либераллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, фуқаролик-ҳуқуқий муносабат субъектларига кенг имкониятлар тақдим этилиши ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмини такомиллаштириш шароитида иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг мақбул тизимини такомиллаштиришга доир янгидан-янги талаблар кун тартибига турган бир вақтда ушбу концептуал асослар муҳим аҳамиятга эга.

¹ Ревинский О.В. Правовые аспекты ограничения охраноспособных решений в области компьютерных технологий. Автореф...дис. канд. юрид. наук: -М.: 2000, -21 с.

² Утган асрнинг 40 йилларидан 50 йилларгача электрон лампалар, 50 йиллардан 60 йилларгача яримўтказгичли мосламалар, 1960 йилдан интеграл микросхемалардан 1960 йилларнинг ўрталаридан йирик интеграл микросхемалардан фойдаланила бошланган.
<http://lib.deport.ru/slovar/bes/e/elektronnaja-vychislitel'naja-mashina-evm.html>.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган норматив ҳуқуқий ҳужжатларда эса, айнан “компьютер”, “компьютерлаштириш” атамалари қўлланилади. Компьютерни иккита таркибий тушунча бирлаштириб туради: аппарат қисми ва тарли масалаларни ечишга мўлжалланган дастурий таъминот қисми. Демак, “электрон ҳисоблаш машинаси” атамаси ҳаётимизда унчалик кенг тарқалмаган ва мослашмаган. “Компьютер” атамаси эса, ҳар томонлама қулай ва тушунарли бўлиб келгусида қонун чиқарувчи томонидан айнан ушбу атамани қўллаш ҳар томонлама мақсадга мувофиқ бўлади.

ГОСТ 15971-90 “Ахборотларни қайта ишлаш тизими. Термин ва тушунчалар”га мувофиқ, ҳисоблаш машинаси ахборотни қайта ишлаш ва зарур шаклдаги натижани олиш имконини берадиган техник воситалар йиғиндиси ҳисобланади. Электрон ҳисоблаш машинаси (ЭҲМ) ҳам ҳисоблаш машинаси бўлиб, унинг асосий функционал қурилмалари электрон воситалардан яратилган бўлади. Юридик адабиётларда ЭҲМларнинг қуйидаги турлари мавжудлиги кўрсатилади:

- бошқарувчи ҳисоблаш машинаси – жараён ҳақидаги маълумотлардан фойдаланган ҳолда ҳақиқий вақт ораллигида жараёнда иштирок этувчи объектлар ишларини бошқарувчи чиқиш сигналларини яратадиган ҳисоблаш машинаси;

- умумий фойдаланишдаги ҳисоблаш машинаси – ҳар қандай синфдаги масалаларни ечишга мўлжалланган ҳисоблаш машинаси;

- махсус ҳисоблаш машинаси – тор доирадаги масалаларни нисбатан самарали усулларда ечишга мўлжалланган ҳисоблаш машинаси;

- рақамли ҳисоблаш машинаси – рақамли шаклдаги маълумотлар устида амалларни бажарадиган ҳисоблаш машинаси;

- ҳисобловчи (счётная) ҳисоблаш машинаси – арифметик амалларни бажаришга мўлжалланган ва ҳар бир ҳисоблаш босқичида оператор аралашувини талаб қилувчи қурилма¹.

Фикримизча, бу ўринда муаллифлар электрон ҳисоблаш машинаси (ЭҲМ)нинг муайян амалларни бажаришига қараб таснифлашга ҳаракат қилиб, компьютерларнинг ишлаш принципларидан йироқлашиб кетишган. Чунки, ҳар қандай электрон ҳисоблаш машинаси (компьютер) фақат рақамли муҳитда ишлайди. Яъни, компьютер муайян амални “бажариш” ҳақидаги ёзма буйруқни фақат муайян санок системасидаги рақамлар воситасидагина қабул қилади ва уни кетма кетликда бажаради. Шу боисдан компьютерларни “бошқарувчи”, “умумий фойдаланишдаги” “махсус”, “рақамли” “ҳисобловчи” каби ҳисоблаш машиналари турига ажратиш унчалик тўғри бўлмайди. Чунки, ҳозирги кундаги компьютер авлодларининг барчасига юқоридаги хусусият мос келади. Яъни, компьютер воситасини зарур амалиёт дастури билан таъминлаш унинг имкониятини рўёбга чиқаради. Масалан, Microsoft Windows 7 амалиёт дастурида Excel дастури математик формулалар ёрдамида турли даражадаги ҳисоблашларни амалга оширса, Access дастури маълумотларни бошқариш имконини беради ва ҳ.к. Шу боис компьютерларни турларга бўлишда биринчидан, унинг техник

(физикавий) имконияти ва иккинчидан, унга юклатилган дастурий таъминот асосий мезон бўлиб хизмат қилиши лозим.

Компьютерларнинг биринчи авлоди илмий техник масалаларнинг рақамли ечимга мўлжалланган бўлиб, нисбатан кичик ҳажмдаги кириш ва чиқиш ахборот ҳажмига эга бўлган. Иккинчи авлод компьютерлари илмий техник масалани ечишдан ташқари режали иқтисодий ахборотларни қайта ишлашда ва бошқарув масалаларини ечишда қўлланилган. Компьютерларни қўллаш соҳасининг кенгайиши ва масалаларнинг мураккаблашувининг ортиши дастурлаш жараёнини автоматлаштириш заруратини келтириб чиқаради ҳамда янги дастурлаш тилларини ишлаб чиқишни рағбатлантирган. Учинчи авлод компьютерлари яртилишига модуль принципи хос бўлиб, унда асосий дастур (*амалиёт дастури* - Қ.М.) мавжуд бўлиши ҳамда бир неча дастурдан бир йўла фойдаланиш имкони мавжуд бўлади. Тўртинчи авлод компьютерларида эса, учинчи авлод компьютерлари таркибий тузилмасини сақлаб қолган ҳолда катта ва ўта катта интеграл схемалардан компьютернинг барча элемент ва қурилмаларида фойдаланилади. Унда бир секунда миллионлаб ва миллиардлар амаллар бажариш мумкин бўлади (*айнан шу асосида компьютер тезлиги ва унинг имкониятлари ўлчанади* - Қ.М.). 80 йилларга келиб сунъий интеллект элементларига эга бўлган ҳисоблаш тизимлари пайдо бўлган ва уларни шартли равишда компьютерларни бешинчи авлодига мансуб деб айтиш мумкин².

Компьютер технологиялари яратилган дастлабки даврлардан бошлаб компьютер дастурларининг ишлаши, ҳисоб китобларни бошқарувчи буйруқларни алоҳидалаш, ахборотни хотирага юбориш ва қайта қабул қилишни бошқариш буйруқлари ҳам ўзгарди шунингдек, компьютер дастурларини ёзиш учун қўлланиладиган дастурлаш тиллари ҳам анча мукаммаллашиб янада такомиллашиб бормоқда. Компьютерларнинг янгидан янги авлодларининг яратилиши натижасида компьютер блок қисмлари функциялари масалан, дастурни киритиш блоки, кейинчалик компьютер ишлашини бошқариш блоки ҳам аппаратура қисмидан дастурий таъминот зиммасига ўтказилди. Компьютер техникасидаги ривожланиш компьютер элемент базасини (механик барабан, электрон лампа, транзистор, интеграл микросхема) такомиллашуви билан бир қаторда дастурий таъминотнинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқ эди. Бу ҳолат айниқса, компьютерга маълумотларни киритиш чиқариш қурилмалари ва фойдаланувчилар график интерфейсини ишлаб чиқиш (“сичқонча” манипулятори, экран ойнаси, экран менюси, буйруқларни рамзий белгилаш)да яққол намойён бўлди. Бунда компьютер ишлашининг моддий хусусияти босқичма босқич ушбу дастурнинг ахборот жиҳати остида қола бошлади³.

Амалдаги қонунчилик нафақат компьютер дастурини балки, унга “тана” вазифасини бажарувчи турли техник воситаларни ҳам ҳуқуқий ҳимоя остига олади. Бунда компьютер дастури муаллифлик ҳуқуқий ҳимоя, техник воситалар эса, асосан патент ҳуқуқий

² Энциклопедия «Техника». -М.: Росмэн. 2006. http://dic.academic.ru/dic.nsf/enc_tech/1441

³ Ревинский О.В. Правовые аспекты ограничения охраноспособных решений в области компьютерных технологий. Автореф...дис. канд. юрид. наук: -М.: 2000, -11 с.

¹ Комментарий к Закону РФ от 23 сентября 1992 г. N 3523-1 “О правовой охране программ для электронных вычислительных машин и баз данных”. -3-с.

ҳимоя асосида муҳофазаланади¹. Демак, бир бир вақтнинг ўзида ҳам муаллифлик ҳуқуқи ҳам патент ҳуқуқи билан муҳофазаланадиган объект мавжуд бўлади. Бунда бир тарафдан техник восита сифатида патент ҳуқуқи билан муҳофазаланадиган компьютер, iPhone, iPad, гаджет ёки бошқа ном билан аталадиган объект бўлса, иккинчи тарафдан муаллифлик ҳуқуқи билан муҳофазаланадиган объект дастур бўлади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, ушбу дастур компьютер дастури бўлмастлиги ҳам мумкин. Масалан, iPhone, iPad учун мўлжалланган дастур. Ушбу дастур муаллифлик ҳуқуқи объекти сифатида тан олинади ва тегишли ҳуқуқий муҳофазага эга бўлади.

Бу ўринда компьютер вирусларига нисбатан қандай тартиб белгиланган?, ахир у ҳам дастур бўлиб ҳисобланмайдими? деган ўринли савол туғилиши табиий. Амалдаги Фуқаролик кодексига, “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида”ги қонунда ва Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги Қонунида ҳам “вирус” ибораси ишлатилмайди.

Бироқ, компьютер вируси компьютер дастуридан иборат бўлиб, бошқа дастурларни, маълумотлар, файлларни зарарлантиради, уларнинг ўзгартирилган нусхалари пайдо бўлади ва кейинчалик ўз-ўзидан кўпайиш хусусиятига эга. Шунингдек, ҳозирги кунда яратилаётган вируслар “вазифасини бажариб бўлганидан сўнг”, ўз-ўзини йўқотиб юбориш хусусиятига эга. Яъни, компьютер вируси уни бошқарувчиси томонидан олдиндан белгиланган режадаги барча ишларни бажаради, сўнгра ўзи ҳам изсиз йўқ бўлиб қолади. Натижада уни топиш, зарарсизлантириш, кўрилган зарарларни аниқлаш имконияти деярли йўққа чиқиши мумкин.

Вирус ёки дастурларни яратиш бу мантиқий маълумотлар ва буйруқлар жамланмаси бўлиб, кейинчалик компьютер ва унинг периферик ускуналарини бошқариш мақсадида ЭҲМнинг машина тилига ўтказиладиган объектив шаклдаги алгоритмда ифода этилиши мумкин. Вирус ёки дастурларни яратиш айбдор ўзи томонидан яратилган дастурни ушбу ҳолатда тарқатсагина, жиноятнинг объектив томонининг элементи ҳисобланади².

Бундай дастурлар айрим ҳолларда жиноят қонунчилиги билан муҳофазаланадиган объектга тажовуз қилиши мумкин ва қонунчиликда белгиланган тартибда юридик жавобгарликни келтириб чиқаради. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 174-моддасида ахборотлаштириш қоидаларини бузиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган эди. Унга мувофиқ, ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, яъни ахборот тармоғидан рухсатсиз фойдаланиш ёки фойдаланишга рухсати бўлгани ҳолда тегишли ҳимоя чораларини кўрмаслик ёки ахборотлар тармоғидан қонунга хилоф равишда ахборотлар олиш, шунингдек, ахборотлаштириш тизимидан фойдаланишга рухсати бўлган ҳолда ундаги маълумотларни қасддан ўзгартириш, йўқотиш, олиб ташлаш ёки йўқ қилиб

юбориш анча миқдорда зарар етказилишига сабаб бўлса, - энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланиши белгиланган эди. Жиноят кодексининг 183-моддасида монополияга қарши кураш қоидаларини бузиш, 191-модда (қонунга хилоф равишда ахборот тўплаш, уни ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш), 192-модда (рақобатчини обрўсизлантириш) интеллектуал мулк объектлари билан боғлиқ ҳуқуқлар жиноят-ҳуқуқий муҳофаза остига олинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 27 сентябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда маъқулланган Ўзбекистон республикасининг 25 декабрь 2007 йилдаги “Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунига³ мувофиқ, Жиноят кодексидан 174-моддаси чиқариб ташланди ва янги “ХХ-1 боб. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар”, деб номланган янги боб киритилди. Мазкур бобда ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш, компьютер ахборотини модификациялаштириш, компьютер саботаж, зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш учун жиноий жавобгарлик чоралари белгиланди (ЖК 278-1-6-моддалар).

Шу вақтга қадар Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 155-моддасида ахборотдан фойдаланиш қоидаларини бузиш учун жавобгарлик белгиланган эди. Оқоридаги қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ҳам 155-1-модда киритилди ва компьютер тизимидан фойдаланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари белгилаб қўйилди. Яъни, компьютер тизимидан фойдаланишга рухсати бўлган шахснинг ушбу тизимдан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини бузиши компьютер ахборотининг йўқ қилиб юборилишига, тўсиб қўйилишига, модификациялаштирилишига, компьютер ускунаси ишлашининг бузилишига сабаб бўлса, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса - етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишига сабаб бўлади. Худди шундай ҳуқуқбузарлик ўта муҳим ахборот мавжуд бўлган компьютер тизимидан фойдаланиш вақтида содир этилса,

¹ Масалан, биргина замонавий **iPhone** телефонида минглаб патент ҳуқуқи билан муҳофазаланган объектлар жумладан, ихтиролар, товар белгилари ва ҳ.к. фойдаланилади.

² Рустамбоев М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. Дарслик. Махсус қисм. 3 том. Тошкент: Илм зиё, 2011. 127 б.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 27 сентябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2007 йил 30 ноябрда маъқулланган Ўзбекистон республикасининг 25 декабрь 2007 йилдаги “Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонуни. //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 52-сон, 532-модда.

фуқароларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса - ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Бугунги кунда жиноят ҳуқуқий нормалар ва фуқаролик ҳуқуқий нормаларнинг номланиши ўртасида ҳам жиддий тафовутлар пайдо бўлган. Чунончи, Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги ҳамда “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги” 2006 йил 20 июлдаги янги таҳрирдаги Қонунида ҳам “ЭҲМ учун дастурлар” ибораси кенг қўлланилади. Жиноят кодексига эса, умумий ном остида “Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар”га айнан “ахборотлаштириш қоидаларини бузиш” (278-1-модда), “компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш (278-2-модда), “компьютер тизимидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш (278-3-модда), “компьютер ахборотини модификациялаштириш” (278-4-модда), “компьютер саботаж (278-5-модда), “зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш (278-6-модда) каби компьютер воситасида содир этиладиган 6 та жиноятлар тури бирлаштирилган. Бу билан ушбу соҳадаги қонунчилик айнан замон билан нисбатан ҳамнафас кетмоқда, деб айтиш қийин. Чунки ушбу соҳада ҳам бир қатор ўз ечимини кутиб турган ҳуқуқий муаммолар мавжуд¹.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик бошқа ҳуқуқ соҳаларидан ортда қолиб кетмоқда. Тўғри, ижтимоий хавфлилик даражаси, ҳуқуқ тартиботни таъминлаш муҳим. Бироқ, компьютер дастурлари ва маълумотлар базаларига оид фуқаролик ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи қонунчиликнинг ортда қолаётганлиги албатта ачинарли ҳолдир.

Фикримизча, юқоридагилардан келиб чиқиб, амалдаги Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида”ги ҳамда “Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги” қонун номланиши ва мазмунига “компьютер” иборасини киритиш бўйича тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

¹ Чунончи, жиноят ҳуқуқий қонунчиликда исботлаш ва далиллар, ҳужжатлар алмашинуви ва экспертизаси, ушбу соҳадаги жиноятчиликка қарши курашувчи органлар тизими ва уларнинг ўзаро ҳамкорлиги, кибержиноятчиликни олдини олиш ва бошқалар.

Тошкент давлат юридик институти “Халқаро хусусий ҳуқуқ” кафедраси ўқитувчиси, юридик фанлар номзоди Рустамбеков Ислонбек Рустамбековичнинг “Домен номларининг фуқаролик-ҳуқуқий “Домен номларининг режими” номли монографиясига

ТАҚРИЗ

Маълумки илмий техника тараққиёти ҳуқуқий майдонга жиддий таъсир кўрсатмоқда. Ҳуқуқий майдоннинг янги кўринишлари, шу жумладан, виртуал ҳуқуқий майдон вужудга келмоқда. Виртуал ҳуқуқий майдон ҳам, моддий ҳуқуқий майдон каби фуқаролик ҳуқуқий муносабат иштирокчиларини ўз ҳуқуқларини амалга ошириш, ўз зиммаларига мажбурият олиш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишни таъминлаши шарт. Бунинг учун тегишли норматив-ҳуқуқий негизлар яратиш талаб этилади. Тегишли норматив-ҳуқуқий база яратиш учун эса қатор назарий масалалар ҳал қилинмоғи лозим. Бу биринчи галда моддий ҳуқуқий майдон билан виртуал ҳуқуқий майдоннинг нисбати масаласи. Виртуал ҳуқуқий майдонда вужудга келадиган муносабатларнинг моҳияти, характери ва анъанавий назарий категорияларни уларга нисбатан ҳуқуқ қўллаш масалаларини тадқиқ этишни талаб этади.

Виртуал ҳуқуқий майдонни энг асосий намоён бўлиш шакли бу Интернет тармоғи ҳисобланади. Интернет ҳам шахсий, ҳам тижорат муносабатлари амалга оширилувчи макондир. Мамлакатимиз эркин демократик ҳамжамиятнинг таркибий қисми сифатида жаҳон иқтисодий тизимининг тенг ҳуқуқли иштирокчиси сифатида бугунги кунда Интернет тармоғидан ва бошқа виртуал майдонларда самарали фойдаланмоқда.

Шу муносабат билан, Президентимиз “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепсияси” маърузасида ахборотлаштириш, Интернет тармоғидан фойдаланиш масалаларини ҳуқуқий таъминлашга алоҳида эътибор қаратди ва мустақил йўналиш сифатида аҳамиятини таъкидлади. Интернет тармоғида иштирок этувчи субъектлар ушбу майдонда бир-бирдан фарқланиши, ўзларининг индивидуал белгиларига, идентификация қиёфасига эга бўлиши талаб этилади. Мана шундагина субъектлар ўртасидаги муносабатлар муайян ҳуқуқий масъулият асосида амалга оширилиши мумкин. Аноним иштирокчилар ёки қиёфасиз субъектлар билан мустахкам доимий барқарор муносабат ўрнатиш мумкин эмас. Худди шу сабабли ҳам домен белгиларини фуқаролик-ҳуқуқий таъминлаш масаласи бугунги кунда ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан ўта долзарб илмий муаммолардан ҳисобланади.

Монография кириш, 9 параграфни бирлаштирган уч боб ҳамда хулосадан иборат тизимда ёритилган. Ишда фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати мавжуд.

Монографияда муаллиф томонидан илгари сурилган илмий ғоялар ва мулоҳазалар тизимида қуйидагиларни алоҳида аҳамиятга эга деб қайд этиш мумкин:

Биринчидан, муаллиф томонидан мавзу доирасида муайян тушунчалар илмий ижодий ёндашув асосида ишлаб чиқилган бўлиб, домен номига бўлган субъектив ҳуқуқ мазмуни, ушбу тушунчалар фуқаролик

ҳуқуқи назарияси учун муҳим илмий аҳамият касб этиб, унинг назарий негизларини бойитади ва келгуси тадқиқотлар учун методологик аҳамиятга эга бўлади.

Иккинчидан, Ўзбекистонда домен номларига оид муносабатларни фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш бўйича муаллиф эришган муҳим натижалардан бири бўлиб, Республикамиз қонунчилигида домен номи, фирма номи, товар ишлаб чиқарилган жой номи ёки товар белгисидан фойдаланиш усули сифатида эмас, балки индивидуаллаштириш воситасини алоҳида тури сифатида мустақил тартибга солиниши лозимлиги ҳақида илмий ҳулоса ҳисобланади.

Учинчидан, ушбу монографияни амалга ошириш методологик асослари ва ёндашув ҳам ўзига хос оригинал аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаш лозим. Ўзбекистонда бу соҳада муайян амалиётни вужудга келмаганлиги ёки заифлиги ёки бу соҳадаги амалиёт англо-саксон ҳуқуқий тизими билан боғлиқ эканлиги диссертант учун муайян муаммолар вужудга келтирган бўлса ҳам, у буларни дадил ҳал эта олган. Ҳозирга қадар бўлган тадқиқотларда англо-саксон ҳуқуқ тизимига киришдан қочиб, мавзунинг асосан қитъа ҳуқуқи доирасида ва бази ҳолатларда эса миллий ҳуқуқ тизими доирасида амалга ошириш ҳолатлари кузатилар эди. Гарчи турли ҳуқуқ тизимлари ўртасида, яқинлашув йўналиши мавжудлиги ҳақида гапирилса ҳам, бироқ амалда англо-саксон ҳуқуқ тизимидан масофа сақлаш ёндашуви мавжуд бўлган. Муаллиф монографияда бундай позициядан қочиб, янгича ёндашув қўллаган ва муайян ижобий самарага эришган.

Айни пайтда монография айрим камчилик ва нуқсонлардан ҳоли эмас.

Биринчидан, баъзи ўринларда илмий баён этишда равлонлик бузилган. Жумла тузишларда ихчамлик, лўндалик етишмайди. Илмий иборалардан фойдаланишда нуқсонлар мавжуд. Жумладан, адресация, регистратор, маъмур, ноёб каби иборалар қўлланишида баҳсли нуқталари мавжуд.

Иккинчидан, диссертант томонидан ишлаб чиқилган домен номи эгаларининг мутлақ ҳуқуқлари конструкцияси кенг қамровли ваколатларни қамраб олмаган. Бунда асосий эътибор фойдаланишга қаратилади.

Бироқ, ушбу камчиликлар ва нуқсонлар жузъий характерга эга.

Хулоса сифатида И.Р.Рустамбеков томонидан тайёрланган монография долзарб мавзуга бағишланган ҳамда бундай ишларга қўйиладиган тегишли талабларга тўлиқ мос келади ва уни нашрга тавсия этиш мумкин.

**юридик фанлар доктори, профессор
О.Оқюлов**